




Қ.Т. ОЛИМОВ, М.С. САЙИДАҲМЕДОВА,
Д.Ф. ЖАЛОЛОВА, М.Қ. БОЗОРОВА,
М.Л. БОЛТАЕВА, А.А. АЛИМОВ

ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР



ТОШКЕНТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Қ.Т.ОЛИМОВ, М.С.САЙИДАҲМЕДОВА,
Д.Ф.ЖАЛОЛОВА, М.Қ.БОЗОРОВА,
М.Л.БОЛТАЕВА, А.А.АЛИМОВ

ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР

(ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА)

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги томонидан ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган*

ТОШКЕНТ – 2011

УДК: 371.3 (075)
ББК 74.00я73
П29

П29 Қ.Т. Олимов, М.С. Сайидахмедова, Д.Ф. Жалолова,
М.Қ.Бозорова, М.Л.Болтаева, А.А.Алимов. Педагогик техно-
логиялар. –Т.: «Fan va texnologiya», 2011, 276 бет.

ISBN 978–9943–10–609–3

Ушбу ўқув қўлланма бакалавриятнинг касб таълими йўналишлари талабалари учун мўлжалланган бўлиб, унда «Педагогик технологиялар» фанидан назарий ва амалий машғулотларга оид ўқув материаллари ҳамда педагогик технологиялар асосида дарсларни ташкил этиш бўйича ишланмалардан намуналар келтирилган.

Ўқув қўлланмадан малака ошириш курслари тингловчилари, магистрантлар ҳамда илмий тадқиқотчилар ҳам фойдаланишлари мумкин.

УДК: 371.3 (075)
ББК 74.00я73

Тақризчилар:

Бухоро Давлат Университети проректори, п.ф.д., профессор Б.Р.Адилов;
Тошкент Ирригация ва мелиорация институти проректори,
п.ф.д., профессор З. Исмаилова

ISBN 978–9943–10–609–3

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2011.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I. НАЗАРИЙ ҚИСМ	
1-Мавзу. Таълимни технологиялаштиришнинг аҳамияти ва ўзига хос хусусиятлари.....	5
2-Мавзу. Педагогик технология тушунчаси, моҳияти ва мазмуни.....	9
3-Мавзу. Педагогик технологиянинг асосий тамойиллари.....	18
4-Мавзу. Педагогик технология тузилмаси ва ўқув жараёни лойиҳалаштириш.....	25
5-Мавзу. Педагогик технология асосида ташкил қилинадиган шахсга йўналтирилган таълим жараёни мақсади, мазмуни ва уни амалга ошириш шартлари.....	32
6-Мавзу. Ўқув мақсадлари, турлари ва соҳалари.....	39
7-Мавзу. Ўқув мақсадлари ва мазмунларини белгилаш.....	44
8-Мавзу. Муаммоли ўқитиш технологияси.....	50
9-Мавзу. Муаммоли маъруза технологияси.....	58
10-Мавзу. Муаммоли семинар ёки амалий машғулотларни ўтказиш технологияси.....	63
11-Мавзу. Модулли ўқитиш технологияси.....	67
12-Мавзу. Ҳаракатга йўналтирилган ўқитиш технологияси.....	75
13-Мавзу. Компьютерли ўқитиш технологияси.....	79
14-Мавзу. Мустақил ва ижодий ишлаш фаолиятларини ривож- лантиришга қаратилган машғулотларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш технологияси.....	88
15-Мавзу. Ўйинли ўқитиш технологиялари.....	100
16-Мавзу. «Лойиҳа» технологияси.....	115
17-Мавзу. Фаолиятга йўналтирилган таълим технологияси.....	119
18-Мавзу. Морфологик матрица технологияси.....	124
19-Мавзу. Латерал фикрлаш технологияси.....	129
20-Мавзу. Аналогиялар технологияси.....	135
21-Мавзу. Ҳояларнинг кесишувчанлиги технологияси.....	139
22-Мавзу. Ассоциограммалар технологияси.....	143
23-Мавзу. Тармоқли режалаштириш технологияси.....	147
24-Мавзу. Ўз-ўзини бошқариш таълими технологияси.....	153
25-Мавзу. «Бумеранг» ва «резюме» технологиялари.....	166
26-Мавзу. «Баҳслашув» ва «мулоқот» технологиялари.....	172
27-Мавзу. Таълим оловчиларнинг билим, кўникма ва мала- каларини баҳолаш материаллари ҳамда мезонлари.....	178
28-Мавзу. Педагогик технология асосида ўқув материалларини ишлаб чиқиш имкониятлари.....	189

II. АМАЛИЙ ҚИСМ

1-Амалий машғулот. <u>Мавзу:</u> Педагогик технологияларни қўллаш жараёнида талаба ва ўқитувчи фаолиятини ўрганиш.....	199
2-Амалий машғулот. <u>Мавзу:</u> Педагогик технологиянинг моҳияти мазмуни ва асосий тамойилларини ўрганиш.....	203
3-Амалий машғулот. <u>Мавзу:</u> Касб-хунар коллежларида ўқитиладиган махсус фанлардан ўқув мақсадларни белгилаш.....	207
4-Амалий машғулот. <u>Мавзу:</u> Таълим жараёнида муаммоли вазиятларни қўллашни ўрганиш.....	214
5-Амалий машғулот. <u>Мавзу:</u> Муаммоли ўқитиш технологияси асосида дарс ишланмасини ишлаб чиқиш.....	218
<u>Мавзу:</u> Модулли ўқитиш технологияси асосида ўқув материалларини ишлаб чиқиш	224
7-Амалий машғулот. <u>Мавзу:</u> Ўйинли ўқитиш технологияси асосида машғулотларни ташкил этиш.....	228
8-Амалий машғулот. <u>Мавзу:</u> Компьютерли ўқитиш технологиясидан фойдаланишни ўрганиш.....	235
9-Амалий машғулот. <u>Мавзу:</u> Лойиҳа усулини қўллаш технологияси.....	245
10-Амалий машғулот. <u>Мавзу:</u> Таълим оловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш материаллари ҳамда мезонлари.....	248

3-ҚИСМ. ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИЛАДИГАН ДАРС ИШЛАНМАЛАР НАМУНАЛАРИ

3.1. Физика фани бўйича намуна.....	250
3.2. Махсус фан амалий машғулоти бўйича намуна.....	254
3.3. Биология фани бўйича намуна.....	260
Асосий тушунчалар ва терминлар.....	272

КИРИШ

Республикамизда мустақилликнинг дастлабки йиллариданок иқтисодиётнинг барча соҳаларидаги каби таълим тизимида ҳам амалга оширилган ислохотлар ўзининг ижобий натижасини кўрсатмоқда.

Президентимиз И.А.Каримов ўзларининг “Юксак маънавият-енгилмас куч” китобида таъкидлаганларидек, “Дарҳақиқат, истиқлол даврида барпо этилган, барча шарт-шароитларга эга бўлган академик лицей ва касб-хунар коллежлари, олий ўқув юртларида таҳсил олаётган, замонавий касб-хунар ва илм-маърифат сирларини ўрганаётган, ҳозирданок икки-уч тилда бемалол гаплаша оладиган минг-минглаб талабалар, катта ҳаётга кириб келаётган, ўз истеъдоди ва салоҳиятини ёрқин намоён этаётган ёш кадрларимиз мисолида ана шундай орзу-интилишларимиз бугуннинг ўзида ўз ҳосилини бераётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз”¹.

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотлар жараёнлари тезкор ривожланиш динамикаси таълим тизими олдида ижодкорлик ва ташаббускорлик қобилиятига эга, мустақил қарор қабул қила оладиган ҳамда техника ва технологияларга тез мосланишга лаёқатли, малакали мутахассисларни тайёрлаш вазифасини қўяди. Шунингдек, олий ва касб-хунар тизими олдида турган долзарб вазифалардан бири ўқитишда замонавий педагогик технологиялар ҳамда илм-фан ютуқларидан кенг фойдаланиш, уларни ўқув жараёнига жорий қилиб бориш ҳамда ривожланган давлатларнинг касбий таълим тажрибаларини мамлакатимиз таълим тизимига тадбиқ этиш ҳисобланади.

Педагогик технологиянинг шаклланиш даври фан-техника ва технологиялар тараққиётининг жадаллашуви билан белгиланади. Бу даврдаги илм ва фаннинг сўнгги ютуқлари асосида техника ва технологияларнинг янги авлодлари яратилмоқда. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг юқори сифатли ва сермахсул бўлиши давр талабига айланди. Ишлаб чиқариш жараёнлари узлуксиз жадал ривожланиб бориши, таълим тизими олдида ҳам мутлақо янги талаблар қўйиб борди.

Бу талаблар асосан қуйидагилар билан белгиланади:

- XX асрнинг иккинчи ярмида илм-фан, фаннинг тараққиёти энг юқори суръатларга эришиши;
- ҳар 10-15 йилда фан фаолиятининг асосий кўрсаткичлари икки мартадан ошиб бориши;

1. Ислоҳ Каримов. Юксак маънавият-енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 173 б.

- илм ва фаннинг жадал таракқиёти натижасида илмий-техник ахборотнинг тез ўзгаришга олиб келиши;
- илм ва фан, техника ва технологиялар таракқиётида янги фанлар пайдо бўлиши;
- илм ва фаннинг жадал ривожланиши ҳамда шу конуният билан ўсувчи илмий-техникавий ахборот, ахборотни узатиш ва қайта ишлаш суръатини ошириш;
- илм, фан, техника ва технология таракқиёти жадаллашуви шароитида замонавий талабларга жавоб берадиган юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш учун ўқитишни жадаллаштириш, таълим олувчи, унинг онгининг бутун имкониятларидан тўла фойдаланиш зарурияти юзага келиши;
- замонавий ўқитиш жараёнини, таълим олувчини индивидуал қобилиятини ҳисобга олиш ва ривожлантириш;

Юқориди келтирилган жиҳатлар ҳамда бугунги замонавий таълим шароитида ўқитишни аниқ лойиҳалаштириш таълим жараёни натижаларига кафолатли эришиш талабини кўяди. Бу талаб эса фақат таълим жараёнини педагогик технологиялар асосида ташкил этиш орқали таъминланади.

Педагогик технология, таълим тизимидаги мустақил фан сифатида ўқув жараёнининг барча элементларини – ўқитиш жараёнини лойиҳалаштириш, ташкил ҳамда унинг натижаларини баҳолашни – ўз ичига олади.

Мазкур ўқув қўлланмада таълимни технологиялаштириш аҳамияти ва ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикр юритилган. Педагогик технологиялар тушунчаси, асослари, тамойиллари ҳамда шахсга йўналтирилган ўқитишни амалга ошириш шартлари ёритиб берилган. Таълим жараёнига муаммоли, ўйинли, модулли ва компьютерли ҳаракатга ва фаолиятга йўналтирилган ўқитиш технологияларини ҳамда фаол методларини қўллаш имкониятлари ёритилган. “Педагогик технологиялар” фани бўйича амалий машғулотлар келтирилган. Педагогик технологиялар асосида умумтаълим, умумкасбий ва махсус фанлардан дарсларни ташкил этиш намуналари берилган.

Қўлланма мазмуни бўйича билдирилган барча фикр ва мулоҳазаларни миннатдорчилик билан қабул қиламиз.

I. НАЗАРИЙ ҚИСМ

1-МАВЗУ

ТАЪЛИМНИ ТЕХНОЛОГИЯЛАШТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўқув мақсади

*Талабаларда таълим жараёнини технология-
лаштиришнинг аҳамияти, мазмуни ва ўзига хос
хусусиятлари ҳақида билимларни шакллантириш*



АСОСИЙ МАЪЛУМОТЛАР



Ўтган асрнинг 70 йилларида педагогикада юзага келган «Ўқув жараёнини тўлиқ бошқариш ғояси» педагогик амалиётда аниқ мақсадлар ва натижаларга йўналтирилган ўқув жараёнини бошқариш орқали дидактик муаммоларни ечиш мумкинлигини кўрсатди.

Бизнинг фикримизча, таълим жараёнида энциклопедик билимлар бериш ўз аҳамиятини йўқотиб бормокда. Инсонлар фаолияти принципиал тарзда ўзгарди, улар технологияларни бошқаришларига, умумий мақсадларига эришиш учун тайёр бўлишларига тўғри келаяпти.

Замонавий киши ўз кучини янги билимлар, кўникмалар ва малакалар олишга эмас, балки тез эскирадиган ва нофункционал билимлардан халос бўлишга йўналтиришга мажбур бўлаяпти.

Аммо, ушбу фикр қанчалик парадоксал бўлмасин, реал таълим шароитида ўқув мақсадларига йўналтирилган ва лойиҳалаштирилган ўқув жараёнини ташкил этиш керакки, унда ўқитувчи ва таълим олувчилар давр ўзгаришини тушуниб етишлари ва бунга тайёр бўлишлари лозим. Демак, ўқув жараёнини технологиялаштириш зарурияти келиб чиқди. Биз дастлаб технология тушунчасига тўхталамиз.

«Технология» – юнонча «teche» сўзидан олинган бўлиб, маҳорат, санъат ва «logos» – сўз, таълимот маъносини англатади.

Технология деганда субъект томонидан объектга кўрсатилган таъсир натижасида субъектда сифат ўзгаришига олиб келувчи жараён тушунилади. Технология ҳар доим зарурий воситалар ва шароитлардан фойдаланиб, объектга йўналтирилган мақсадли амалларни муайян кетма-кетликда бажаришни кўзда тутди.

Таълимни технологиялаштиришнинг асосини таълим жараёни ва таълим олувчиларнинг берилган шароитларда ва ажратилган вақт ичида лойиҳалаштирилаётган ўқув натижаларига эришишларини кафолатлаш мақсадида тўлиқ бошқаришга йўналтирилган ғояси ташкил этади.

Бундай ёндашишнинг моҳияти, таълим жараёнини тизимлаштиришдан, уни аниқ расмийлаштирилган ва қисмлари бўйича аниқ элементларга ажратиш ёрдамида максимал шакллантиришдан иборат.

Тадқиқотларда технологиялаштириш ўқув жараёнининг қатнашувчиларининг (таълим берувчи ва таълим олувчилар) ўзаро ҳаракати усули ва воситалари деб фикр юритилади. Таълим технологиясининг элементлари-усуллар, йўллар, воситалар ва шакллар қуйидагиларга адекват танланади ҳамда қўлланилади:

- Таълим мақсадларига;
- Ўқув ахборотининг мураккаблигига ва мазмунига;
- Таълим олувчиларнинг ёши, психологик ва физиологик хусусиятларига;
- Таълим берувчининг педагогик маҳоратига ва индивидуал хусусиятига;
- Ўқув муассасасининг моддий таъминланганлигига.

Б.Зиёмуҳаммедов ва Ш. Абдуллаевалар фикрича, таълим технологияларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш илмий муаммо сифатида махсус тадқиқотлар олиб боришни кўзда тутаяди. Бунда, энг аввало, қуйидагиларни аниқлаш лозим:

- таълим технологияларини илмий ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш учун ижтимоий-педагогик асослар мавжудлигини аниқлаш;
- таълим мажмуа сифатида нимани англатиши ва қандай таркибий қисмлардан ташкил топганлигини белгилаш;
- таълим технологиясининг функционал мажмуи жараён сифатида нималардан иборатлигини аниқлаш;
- таълим технологиялари Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури мақсадларига қай даражада тўғри келиши ва уни баҳолаш мумкинлигини кўрсатиб бериш;
- педагогик технологиянинг мажмуалар назариясининг асосий қонуниятларига мослигини назоратда тутиб туриш йўл-йўригини ишлаб чиқиш.

Шуни айтиш жоизки, таълим технологиялари, педагогика илмининг тадқиқот объекти сифатида, аниқ фанларни ўқитиш услуги бўлибгина қолмай, ижтимоий фанларни ўқитишда ҳам янги ёндашув сифатида қайд қилиниши лозим.

Баъзи тадқиқотчилар ўқув жараёнини технологиялаштириш орқали сифатли ва ҳақиқий таълим беришга эришиш мумкинлигини ҳамда ҳар қандай технологиянинг етакчи звеноси охириги натижага эришиш деб ҳисоблайдилар.

Масалан, Г.К.Селевко фикрига кўра: «Технология хусусий методикадан ўзининг натижаларини мустаҳкамлаш бўйича фаркланади,

унда жараёни, сонли ва ҳисобли компонентлар кўпроқ тақдим этилади».

Ўқитиш назариясида технология предметли методикадан фаркли ўларок, қуйидагича лойиҳалаштирилади:

- мавжуд шароитлардан келиб чиққан ва белгиланган натижаларга йўналтирилган ҳолда, режалаштирилган аниқ педагогик фаолияти орқали;
- таълим берувчилар томонидан дарсни услубий жиҳатдан ишлаб чиқишдан фаркли равишда, таълим олувчиларга ва уларнинг шахсий фаолияти ҳисобига ўқитишда ютуқларга эришишларини таъминлашга йўналтирилиши орқали;
- технологияда ортикча ҳеч нарса бўлмаслиги шарт: қайта ўзгартириш йўллари, усуллари ва воситаларини алмаштириш, бу – технологиянинг йўқлиги белгисидир.

Ф.Персиваль ва Г.Эллингтоннинг эътирофича, «таълимда технология» атамаси ахборотни тақдим этишнинг ҳар қандай воситасини камраб олади. Булар «таълим тизимида қўлланиладиган жиҳозлар, масалан, телевидение, тил ўргатиш лабораториялари ва тасвирларни акс эттирувчи турли воситалар. Бошқача айтганда, таълимда технология – бу аудиовизуал воситалар».

Бу таърифда «таълимда технология»дан кўра кўпроқ «таълим технологияси»га урғу берилади, чунки у ўзида ўқув жараёнини таъминлаш учун махсус яратилган ва мослаштирилган воситалар (телевидения, тил ўргатиш лабораторияси)ни ҳамда уларни амалда қўллаш методикасини бирлаштиради.

Бизнинг фикримизча, таълимни технологиялаштириш - бу ўқитиш жараёнига технологик ёндашув асосида ўқув мақсадларига кафолатли эришиш учун талабалар ва педагоглар ўзаро фаолиятининг самарали ташкил этилишидир.

Демак, ўқув мақсадларига кафолатли эришиш учун таълим жараёни технологик ёндашув асосида олиб борилиши лозим.

Таълимни технологиялаштириш – ўқитиш воситалари асосида таълимни ташкил қилиш, ўтказиш ва баҳолаш усуллари мажмуи ҳисобланади.

Демак, таълим технологиясининг асосий моҳияти – ўқув натижаларига кафолатли эришилишини таъминлаш мақсадида ўқитиш жараёнини тўлиқ лойиҳалаштиришдан иборат.



Билимларни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Технология терминини қандай тушунасиш?
2. Таълимни технологиялаштиришнинг асосини нима ташкил қилади?
3. Таълимни технологиялаштиришнинг афзаллиги ва моҳиятини тушунтиринг?
4. Таълим технологиясининг элементлари қандай танланади ва қўлланилади?
5. Ўқитиш назариясида технология предмети методикадан фарқи нимада ва қандай лойиҳалаштирилади?



Таянч иборалар

Технология, объект, методика, таълимни технологиялаштириш, тажриба, ўқитиш воситалари, ғоя, субъект.



Адабиётлар

1. Олимов Қ.Т. Замонавий таълим технологиялари. Монография. Тошкент – 2007. 87 б.
2. Зиёмуҳаммадов Б., Абдуллаева Ш., «Илғор педагогик технологиялари». Т.: Абу Али Ибн Сино, 2001. – 80 б.
3. Педагогика: педагогические теории, систему технологии. Под.ред. Смирнова, М.:Издательский центр «Академия», 1999-544 с.
4. Педагогик технологияларнинг ривожланиш тарихи // Касб-хунар таълими. №2. 2005. Б. 16-25.
5. Селевко Г.К. Современные образовательные технологии.-:Народное образование, 1998. 256 с.
6. (Persival F., Ellihgton H.A. handbook of Касб-хунар таълими. №4-2002-21 б.



АСОСИЙ МАЪЛУМОТЛАР

 Педагогика фани назарияси ва амалиётида «педагогик технология», «таълим технологияси», «ўқитиш технологияси» каби атамалар кенг фойдаланилади. Шу билан бирга, уларни тушунишда алоҳида фикрлар мавжуд. Авваламбор, «таълим технологияси», «ўқитиш технологияси» ва «педагогик технология» тушунчаларининг нисбатини аниқлайлик.

Биз дастлаб педагогик технология (ПТ) тушунчаларига берилган таърифлар ва фикрлар ҳақида тўхталамиз.

Тадқиқотчилар ПТни ўқув жараёнини фан ва техниканинг энг янги ютуқлари асосида таълим тамойилларини ўрганиш, ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш тарзида тушунишади.

ПТ моҳияти ҳақида кейинги 50 йил давомида илмий мунозаралар асосида олимлар, методистлар, турли педагогик комиссиялар ҳамда уюшмаларнинг таъриф ва тавсифлари берилган.

Лондон университетида ташкил этилган аудио-визуал марказ директори М.Кларк ПТнинг дастлабки маъносини қуйидагича изоҳлаган: «ПТ таълим соҳасида ихтиролар, саноат буюмлари ва ҳозирги замон технологиясининг асосий қисми ҳисобланмиш жараёнларни қўллаш». Ушбу таъриф «таълимда технология» атамасини замонавий нуқтаи назардан тушунишни ифода этади. Чунки, бунда унинг маъноси ўқитишда қўлланиладиган нопедагогик буюмлар ва жараёнлар сифатида талкин этилади.

П.Д.Митчелл ПТ муаммолари бўйича монография ва мақолаларни таҳлил этиб, ПТга қуйидагича таъриф беради. «Педагогик технология-тадқиқот ва амалиёт соҳаси бўлиб у педагогик тизимлар тузилмасининг барча жиҳатлари ҳамда ўзига хос педагогик натижаларга эришиш мақсадида ташкил этиладиган тадбирлар билан чамбарчас боғлиқ».

Ушбу таъриф асосида П.Д.Митчелл фикрича, педагог-технологларнинг асосий вазифаси «кутилган педагогик натижага эришиш учун инсон ресурсларини, моддий ва молиявий ресурсларни энг мақбул даражада тақсимлаш» дан иборат.

ПТнинг маъноси тўғрисида «АҚШ педагогик технологиялар ва коммуникациялар уюшмаси 1979 йилда педагогик технологиянинг «расмий таърифи»ни эълон қилди. Бу таърифга кўра, «педагогик технология одамларни, ғояларни, билимларни ўзлаштириш аспектларини, таълим олишни режалаштириш, таъминлаш, баҳолаш ва бошқариш фаолиятини ташкил этиш усул ва воситаларини ўз ичига камраб олган мажмуавий, интегратив жараён».

ПТ тўғрисидаги ушбу таъриф жуда кенг маънода берилган бўлиб, ўзгаришлар унинг маъносини тўлдиради, аниқлаштириш ва уларни ихтисослаштириш билан боғлиқ.

Р.М.Томас ва В.Н. Кобаяшиларнинг «Педагогик технологиянинг юзага келиши, ривожланиши» номли монографиясида ПТнинг умумий қабул қилинган таърифи йўқлигини, уларнинг фикрича, «педагогик технология»га турли тушунчалар мавжудлиги боис кўпчилик ПТ деганда электрон жиҳозлар, масалан, киноаппаратлар, магнитофонлар ва телевизорлардан ўқув жараёнида фойдаланишни тушунишларни тавсиялайдилар. Бошқалар эса, улар қаторига нозлектрик материалларни, масалан, китоблар, суратлар, карталарни ҳам киритадилар. Яна бир гуруҳ кишилар эса ПТ таърифига бошқарувда педагогик маъмурият томонидан ўрганиладиган жиҳозларни ҳам киритади. Монография муаллифларининг ўзлари эса ПТ таърифини таҳлил этишдан воз кечиб, технологиянинг айрим турларини қараб ўтадилар. Хусусан, монографияда тўртта асосий педагогик технологиянинг концептуал таҳлили берилган: напир воситалари, компьютерлар, радио ва телевидение, таълимни бошқариш тизими.

Америкалик олимлар Р.Ганье ва Л.Бригслар педагогик технология усулида дарс ўтишнинг қуйидаги шаклини таклиф этганлар. Дарс ўтишнинг усули хусусий ўқув мақсадларига эришишга ҳамда фикрлаш тафаккурини маҳсулдор даражасини рағбатлантиришга қаратилган:

1. Талабалар диққатини жамлаш.
2. Талабаларга дарс мақсадини етказиш.
3. Керакли билимларни эсда қолдириш ва кўникмаларни эгаллаш зарурлигини уқтириш.
4. Таълим олувчида қизиқишни уйғотиш, ҳаракат қилишга ундайдиган ўқув материални тақдим этиш.
5. Талабанинг жавоб ҳаракатларини маъқуллаб, рағбатлантириш.
6. Талабаларнинг ўзлаштиришидан хабардор бўлиб бориш.
7. Талабанинг фикрлаш (тафаккур) фаолиятини бошқариш, билим ва малакалари мустаҳкамланишини рағбатлантириб бориш.
8. Талабаларнинг ҳаракатини баҳолаш.

Ф.С.Келлер олий ўқув юртлари учун педагогик технологиянинг усулларини индивидуаллаштирилган тизимини ишлаб чиқди. Келлер режасининг муҳим белгиларига қуйидагилар киради:

1. Ўқув материали мазмунини (олдин ўтилган билимнинг мазмуни ҳақида) талаба тўлиқ ўзлаштириб олишига эришиш.
2. Ҳар бир талаба ўзлаштириш тезлигига биноан алоҳида ишлаши.
3. Маърузадан талаба мотив ҳосил қилиш ва умумий йўналтириш учунгина фойдаланиш.
4. Ўқув ахборотларини баён қилиш учун нашр этилган ўқув қўлланмалардан фойдаланиш.
5. Ўқув материали бўлимларининг ўзлаштирилганини аниқлашдан ассистент (аспирант, аълочи, талаба)лар кучидан фойдаланиш.

1-босқич. XX асрнинг 30-йилларида, таълим-тарбия машғулотларини аниқ ва самарали ташкил этишга кўмаклашувчи усул ҳамда услублар йиғиндиси «педагогик техника», уни амалга оширувчи «педагогик мастер» (педагогик маҳорат маъносида) номини олиб, ўша даврда таълимнинг энг самарали тадбири ҳисобланган.

2-босқич. Ўтган асрнинг 50-йилларида таълим жараёнига техник воситаларни қўллаш, уларнинг имкониятларини такомиллаштириш, ахборот сиғимини кенгайтириш, ахборотларни узатиш хизматини сифатли ташкил этиш, ривожлантириб, у ўқитишнинг техник воситалари (ЎТВ) ёрдамида амалга ошириш деб номланган.

3-босқич. XX асрнинг 60-йиллари дастурлаштирилган таълим жорий этилиб, унда таълим мақсадларига аниқлик киритилди. Таълим жараёни, умумий бўлса-да, лойиҳалана бошланди. Шунингдек, таълим олувчилар томонидан назарий билимларнинг ўзлаштирилиш эҳтимолини олдиндан ташхислаш, таълим жараёнининг самарадорлигини аниқлаш, таълимнинг мақсадий натижаларини ўрганиш, таҳлил этиш жараёнлари жорий этилди.

4-босқич. Ўтган асрнинг 70-йилларидан бошланиб, шу кунгача давом этиб келмокда. Бу даврда ўқитувчи маҳоратига боғлиқ бўлмаган ҳолда, педагогик жараён якунида кафолатланган натижаларга эришиш, педагогик жараён самарадорлигини ошириш мақсадида, уни мантиқий қисмлар (модуллар)га ажратиб ўқитиш, аввалдан бутун дарс жараёни лойиҳасини тузиб олиш, унда ишлатиладиган педагогик усуллар ва ахборот технологияларининг қўлланиш жойларини аввалдан белгилаш, бутун педагогик жараён доимо назоратда тутиб туриш, педагогик жараён самарадорлигини баҳолаш ҳамда бошқа бир қатор масалалар ўртага ташланди ва маълум даражада, уларнинг ечими топилди.

Республикаимизнинг таълим муассасалари фаолияти жараёнига янги педагогик технологияларни олиб киришга қаратилган ҳаракатлар, юртимиз мустақилликка эришганидан кейин бошланди. Сўнгги

йилларда республикамизнинг бир қатор етакчи олий ўқув юртлари қошида инновацион (педагогик технология) марказлари жорий этилди.

Педагогик технологияни ўқув жараёнига олиб кириш зарурлигини МДХ га кирувчи мамлакатлар ичида биринчилар қаторида ҳар томонлама илмий асослаб берган россиялик олим В.П.Беспальконинг фикрича, «ПТ-бу ўқитувчи маҳоратига боғлиқ бўлмаган ҳолда педагогик муваффақиятни кафолатлай оладиган талаба шахсини шакллантириш жараёни лойиҳасидир».

Ўзбекистонлик педагог олим Б.Л.Фарберман педагогик технологияга қуйидагича таъриф беради: ПТ – таълим жараёнига янгича ёндашув бўлиб, педагогикада ижтимоий-муҳандислик онг ифодасидир. У педагогик жараёни техника имкониятлари ва инсоннинг техникавий тафаккури асосида стандарт ҳолга солиб, унинг оптимал лойиҳасини тузиб чиқиш билан боғлиқ ижтимоий ҳодисадир.

Ҳозирги вақтда педагогик технологияга оддийгина «ўқитишнинг техник воситаларидан ёки компьютерлардан фойдаланиш соҳасидаги тадқиқотлар сифатида қаралмайди, ўқитиш самарадорлигини оширувчи омилларни таҳлил қилиш ва қўллаш йўли билан ҳамда қўлланилаётган усулларни баҳолаш воситасида таълим жараёнининг тамойилларини аниқлаш ва оптимallasштириш усулларини ишлаб чиқиш мақсадида тадқиқотлардир».

Педагогик технологияни таълим жараёнига тадбиқ этиш заруриятини асослаб берган россиялик олим В.П.Беспалько, «ПТ - бу ўқитувчи маҳоратини боғлиқ бўлмаган ҳолда педагогик муваффақиятни кафолатлай оладиган таълим оловчи шахсни шакллантириш жараёни лойиҳасидир» ёки педагогик технологияни «ўқув жараёнини жорий қилиш техникаси» ёки «амалиётда жорий қилинадиган педагогик тизимнинг лойиҳаси» деб таърифлайди.

Б.Зиёмуҳаммедов мажмуалар назариясининг қонуниятларидан келиб чиқиб, педагогик технологияга қуйидагича таъриф беради: «Педагогик технология – бу жамият эҳтиёжидан келиб чиқиб, олдиндан белгиланган киши ижтимоий сифатларини самарали шакллантирувчи ва аниқ мақсадга йўналтирилган ўқув жараёнини мажмуи сифатида кўриб, уни ташкил қилувчи қисмлари бўлган ўқитувчи (педагог)нинг ўқитиш воситалари ёрдамида талабаларга маълум бир шароитда муайян кетма-кетликда кўрсатган таъсирини назоратда тутувчи ва таълим натижасини баҳолаб берувчи технологиялашган таълимий тадбирдир.

Россия олимларидан В.М.Монахов: «ПТ- аввалдан режалаштирилган натижаларга олиб боровчи ва бажарилиши шарт бўлган тартибли амаллар тизимидир», - деган қисқача таърифни бера туриб, унинг қуйидаги асосий хусусиятларига эътиборни қаратиб, «ПТ – ўқув жараёнини технологиялаштириб, унинг қайта тикланувчанлигини ҳамда

педагогик жараён турғунлигини ошириб, бу жараён ижрочисининг субъектив хусусиятларидан уни озод қилади», дейди.

М.В. Кларин фикрича, ПТ- ўқув жараёнига технологик ёндашган ҳолда, олдиндан белгилаб олинган мақсад кўрсаткичларидан келиб чиқиб, ўқув жараёнини лойиҳалашдир.

И.Я. Ларнернинг фикрига кўра, ПТ – таълим олувчилар ҳаракатларида акс этган ўқитиш натижалари орқали ишончни англаб олинадиган, аниқланадиган мақсадни ифодалайди.

В.П.Беспальконинг Ўзбекистонлик шогидларидан Нурали Сайдахмедов ва Абдурахмон Очиловларнинг фикрича, ПТ – бу ўқитувчи (тарбиячи)нинг ўқитиш (тарбия) воситалари ёрдамида талабаларга муайян шароитда таъсир кўрсатиши ва бу фаолият маҳсули сифатида уларда олдиндан белгиланган шахс сифатларини интенсив шакллантириш жараёнидир.

Ўзбекистонлик педагогик олим Б.Л.Фарberman педагогик технологияга қуйидагича таъриф беради: ПТ- таълим жараёнига янгича ёндашув бўлиб, педагогикада ижтимоий - муҳандислик онг ифодасидир. У педагогик жараёни техника имкониятлари ва инсоннинг техникавий тафаккури асосида стандарт ҳолга солиб, унинг оптимал лойиҳасини тузиб чиқиш билан боғлиқ ижтимоий ҳодисадир.

Япон педагог олими Т.Сакомото фикрича – ПТ бу мажмуали фикр юритиш усулини педагогикага сингдириш, бошқача қилиб айтганда, педагогик жараёни муайян бир мажмуага келтиришдир».

Бу асослардан келиб чиққан ҳолда В.Ю.Питюков «Педагогик технология» тушунчасини, таълим олувчида ижтимоий маданий меъёрни, шахс эркинлигини, дунёга бўлган муносабатни, таъсирни шакллантириш мақсадида унинг дунё билан ўзаро таъсири контекстида, педагогнинг талабага жараёنли таъсир кўрсатишини илмий асослашни илгари суради.

Б.Т.Лихачёв томонидан тақлиф этилган таъриф қуйидагича: «Педагогик технологиялар–таълим шакллари, усуллари, методлари, тарбия воситаларининг жойлашувини аниқловчи психологик-педагогик мажмуалар йиғиндиси бўлиб, бу педагогик жараённинг ташкилий-услубий лойиҳасидир».

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг нуфузли идораларидан ЮНЕСКОнинг таърифи бўйича, «ПТ – бу билим бериш ва уни эгаллашда техника ҳамда инсон ресурсларини ўзаро узвий боғлиқ ҳолда кўриб, бутун таълим жараёнини лойиҳалашда, амалда қўллашда мажмуали ёндашув усулидан фойдаланишдир».

Н.Х. Авлиёкулов фикрича, Педагогик технология – бу, амалиётга самарани тадбиқ этиладиган, тегишли тамойиллар асосида ишлаб чиқилган ўқув жараённинг лойиҳасидир.

Педагогик технология — бу аниқ кетма-кетликдаги яхлит жараён бўлиб, у талабанинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда бир максадга йўналтирилган, олдиндан пухта лойиҳалаштирилган ва кафолатланган натижа беришга қаратилган педагогик жараёндир.

Бизнинг фикримизча, **Педагогик технология - таълим жараёнига технологик ёндашув асосида бутун ўқитиш ва ўргатиш жараёнини аниқ кетма-кетликда пухта лойиҳалаштирилиб ташкил этиш, амалга ошириш ва баҳолашнинг яхлит тизими бўлиб, унинг асосини берилган шароитлар ҳамда ажратилган вақт ичида ўқув максадларига кафолатли эришишларини таъминлаш ғояси ташкил этади.**

Юқорида келтирилган педагогик технология тўғрисидаги таърифларни назарий таҳлил қиладиган бўлсак, хорижий (шу жумладан, яқин хорижий) давлатларнинг олимлари томонидан берилган таърифлар билан Ўзбекистонлик олимлар берган таърифлари мазмунан бир-бирига яқин келсада, фарқи ҳам анчалигини кўрамиз. Ривожланган мамлакатларда муваффақият билан қўлланилиб келаётган педагогик технологияларни ўрганиб, халқимизнинг миллий педагогика анъаналари, ўзига хос хусусиятлари, республикамизда йиғилган тажрибалар ҳамда таълим соҳасининг шу кундаги ҳолатидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистоннинг миллий педагогик технологиясини яратиш лозим.

Педагогик технологиянинг моҳияти ва юқоридаги хусусиятларидан келиб чикиб, биз бундан кейинги параграфларда асосан «педагогик технология» тушунчасига синоним сифатида кўпроқ қўлланиладиган «Ўқитиш технологияси» атамасини ҳам ишлатамиз.

Юқоридагиларга таяниб, биз анъанавий ўқитишнинг замонавий технологияларга асосланган таълимдан фарқ қилувчи белгиларини очиб берувчи маълумотларни келтирдик (1-жадвал).

Ушбу жадвалнинг таҳлили шуни кўрсатадики, замонавий педагогик технологияларга асосланган таълим, анъанавий таълимдан усуллари ва воситалари, уни ташкил қилиш шакллари ҳамда натижалари (таълим олувчиларнинг билим, малака ва кўникмаларини ўзлаштириш даражалари) билан сезиларли даражада фарқ қилади.

Анъанавий ўқитишда дарснинг мақсади, одатда, ахборотни пассив узатиш дарснинг мақсади ҳисобланади, топшириқлар асосан алгоритмик даражада бажарилади. Анъанавий ўқитиш тизимининг асосида таълим олувчининг педагогик таъсирлар остида билим олиши ётади, бунда талабанинг фаолияти фаол ижодий характерга эга бўлмайди. Бу эса, ҳозирги таълим талабларига мос келмайди.

Анъанавий ўқитишнинг педагогик технологияларга асосланган ўқитишдан ўзига хос фарқлари

Анъанавий ўқитишга асосланган ёндашув	Педагогик технологияларга асосланган ёндашув
Мажбурловчи, таълим оловчига ёндашиш бўйича насиҳатгўйлик, ўқитишни қаттиққўллик билан ташкил қилувчи авторитар, таълим оловчиларнинг мустақиллигини ва ташаббускорлигини бостирувчи педагогикага асосланади. Ўқитиш ва таълим оловчининг, билимларни ўзлаштиришига ва қайта тиклашига йўналтирилган. Ўқиш – хотирада сақлаб қолиш функцияси, ўқитиш эса – етакчи фаолият. Таълим парадигмаси: таълим берувчи - дарслик-таълим оловчи.	Шахсга йўналтирилган таълимга асосланган. Таълим оловчи шахси - таълим жараёнининг марказий фигураси ҳисобланади. Таълим оловчини ўқишга мажбурлашдан воз кечиш. Ўқитишга табақалашган ёндашув; таълим оловчини мустақил ривожланиш ва ижодий ишлаш фаолиятларини ривожлантириш, мавзунини ўзлаштиришини, қобилият ва сифатларини ҳисобга олиш. Ўқиш фаолияти – билимларни мустақил эгаллаш ва таълим оловчи томонидан ўзлаштирилган билимларни қўллаш. Таълимнинг янги парадигмаси: таълим оловчи – дарслик - таълим берувчи.

Кунлардан бир кун кўл бўйида қорни оч қолган бир киши балиқ тутиб турган донишмандга дуч келибди ва унга мурожаат қилиб: «Мен очман, менга ёрдам бер!». Донишманд қуйидагича жавоб берибди: «Мен сенга балиқ беришим мумкин, сен тез тўясан ва бироз вақт ўтгач, худди шундай яна оч қоласан ва мендан яна ёрдам сўрайсан. Мен сенга қармоқ беришим мумкин, лекин у қачондир синиб қолиши мумкин, унда сен менга яна мурожаат қилишингга тўғри келади. Яхшиси, мен сенга қармоқ ясашни ўргатаман, бу узок ва кийин, лекин кейинчалик сенга менинг ёрдамим керак бўлмайди. Ўз йўлингни танла ...».

Юқорида келтирилган ривоятдан келиб чиқадиган хулоса шуки, яхши ўқитувчи талабага «қармоқ ясашни» ўргатиши ва ақлли талаба эса уни ўрганиши лозим. Талабалар «қармоқ ясашни» қанчалик тез ва мустақкам ўрганиб олсалар, улар шунчалик бировларга муҳтож бўлмасдан ўз «овларига» эга бўладилар. Мана шундай вазифаларни

амалга оширишда янги интерфаол ва ноанъанавий педагогик технологиялар жуда кўл келишини тадқиқотчилар томонидан турли таълим муассасаларида ўтказилаётган кўпгина педагогик тажрибаларининг натижалари тасдиқламоқда. Шунинг учун ҳам, таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар ўз соҳалари бўйича олиб бораётган машғулотларини педагогик технологиялар асосида ташкил этиш ва ўз ўрнида қўллашни билишлари ўта зарур ҳисобланади.



Билимларни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. «Педагогик технология» тушунчасини таърифланг.
2. Педагогик технологияни таълим жараёнига тадбиқ этиш заруриятини асослаб берган қайси россиялик олимларни биласиз?
3. Америкалик олимлар педагогик технология усулида дарс ўтишнинг қандай шаклини таклиф этганлар?
4. Анъанавий ўқитишнинг педагогик технологияларга асосланган ўқитишдан ўзига хос фарқлари нимада?
5. Хорижий давлатларнинг олимлари томонидан берилган таърифлар билан Ўзбекистонлик олимлар берган таърифлари мазмунан бир-бирига яқин келсада, бир-биридан фарқи нимада?



Таянч иборалар

Ўқитиш технологияси, замонавий педагогик технологиялар, усул, ўқув қўлланма, педагогик техника, таълим шакллари, анъанавий ўқитиш, восита, фикрлаш(тафаккур), фаолият.



Адабиётлар

1. Олимов Қ.Т. Замонавий таълим технологиялари. Монография. Тошкент – 2007. 87 б.
2. Педагогик технологияларнинг ривожланиш тарих // Касб-хунар таълими. №2. 2005. Б. 16-25.
3. (Mitchel P.D.Educational Tehonology: Pancebo// Bajpai A/C/ and Leedham. (Eds). Aspects of Educational Tehonology, 4 London: Pithham, 1970).
4. (Silber K.H/ some implications of the history of Educational Tehonology: We're all in this together. In: J. Wbrawn & S.N. Brawn.Educational Media Yearbook, Littleton, Colorado Libraries Ublimited,1981. p.21).
5. Nouvelles technologies-reussir la revolution // Le Monde de l'education. №287 (12). 2000. с.20-32.

6. Зиёмухаммадов Б., Абдуллаева Ш., «Илғор педагогик технологиялари». Т.: Абу Али Ибн Сино, 2001. – 80 б.
7. Беспалько В.П. Слагаемые педагогические технологии. М.: Педагогика, 1989. – 192 с.
8. Беспалько В.П. Педагогика и прогрессивные технологии обучения. М.: ИТПИМИО, 1995. – 169 с.
9. Монахов В.М. Аксиоматический подход к проектирован. Пед.технологии. – Педагогика. 1997.№6. – С. 26.
10. Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном процессе. М.: Знание.19989. С-75.
11. Лернер И.Я. Внимание о технология обучения//Сов.Педагогика. 1990.№3. С-139.
12. Сайдахмедов Н., Очилов А. Янги педагогик технология моҳияти ва замонавий лойиҳаси. Т.: 1999, 7-8-бет.
13. Фарберман Б.Л. Передовые педагогические технологии.- Ташкент: Фан, 2000. - 130 б. 134.
14. Юзвичене П.А. Теория и практика модульного обучения. Каунас. 1989. С-126.
15. Питюков В.Ю. Основы педагогической технологии. - М.: Педагогика, 1997.- С. 23-27.
16. Лихачёв Б.Т. Педагогика. –М.: 1992.- 172 с.
17. Авлиёкулов Н.Х., Мусаева Н.Н. Педагогик технологиялар. Тошкент: Фан ва ва технология. 162 б.
18. Ишмухамедов Р., Абдукодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. Тошкент. 2008. 181 б.



АСОСИЙ МАЪЛУМОТЛАР

 Илмий-техник таракқиёти жадаллашуви шароитида, “Педагогика” ва “Технология” фанлар улашувида пайдо бўлган педагогик технология мустақил фанга айланди. Ҳар бир мустақил фан ўз моҳиятига кўра унинг назарий асосларини ташкил этувчи ўзининг тамойилларига эга бўлади. Педагогик технология тамойиллари, “Педагогика” ва “Технология” фанларининг негизини ташкил этувчи қоидалар йиғиндисига таянади. Педагогик технология мақсадлари, вазифалари, таркиби, мазмунининг таҳлилига кўра Н.Ҳ.Авлиёқулов томонидан унинг қуйидаги асосли тамойиллари шакллантирилган: илмийлик, лойиҳаланиш, тизимлилик, мақсадга йўналтирилганлик, фаолиятли ёндашувлик, бошқарилувчанлик, тузатувчанлик, натижавийлик, қайта такрорланувчанлик, тежамлилик. Ушбу барча тамойиллар ўзаро боғлиқ бўлиб, бири-бирини талаб этади ва тўлдиради. Бу тамойиллар асосида ўқув жараёни ташкил этилади, яъни унинг тайёргарлиги ва ўқитиш жараёни амалга оширилади.

Педагогик технологиянинг тамойилларида педагогик ва технологик фанларнинг ютуқлари камраб олинган. “Педагогик технология” фани кўринишидаги мазкур тамойиллар мажмуаси аниқлиги, исбот талаб этмаслиги, амалийлиги туфайли, юқори малакали кадрлар тайёрлашда ажойиб натижаларни беради.

1. Илмийлик тамойили. Бу тамойил ҳар қандай ўқув предмети, ўқув материали фанининг замонавий ютуқларига таяниши лозимлигини кўрсатади. Ушбу тамойил, энг аввало ўқув дастурлар, ўқув қўлланмалар ва дастурларни яратиш жараёнида амалга оширилади. Илмийлик тамойилига мувофиқ ҳар йили фанларнинг ишчи ўқув режалари ва ўқув материалларини такомиллаштириш, муаммоли машғулоти ўтказиш талаб этилади. Илмийлик шакли ва фаннинг тили ўрганиладиган предметлар характерининг асосий кўрсаткичлари ҳисобланадилар. Илмий ахборотни ифода этилиш аниқлиги ва қатъийлиги, уни ифода этиш тизими ва алоқаларига жуда катта эътибор қаратишни талаб этади.

Олий мактабда, илмийлик биринчи навбатда объектив олам қонуниятларини очиш билан узвий боғлиқ ва фанлараро боғланишлар ҳамда фанларнинг ўзаро таъсирини шаклланишини талаб этади.

Ушбу тамойилнинг Олий мактабда рўёбга чиқариш учун, барча ўқитувчилар томонидан мажбурий равишда илмий-тадқиқот ишларнинг олиб борилишини ва бу ишга талабаларни жалб қилиниши тақозо этилади. Бу талабаларда ажойиб ва ностандарт ечимлар қабул қилиш, индивидуал ҳамда ижодий ишлаш малакаларини ҳосил қилиш, илмий адабиёт ва ахборотлардан фойдаланиш кўникмаларини, уларда танқидий фикрлаш, билимлар ҳаракатчанлиги, тез ўзгарувчан шароитларга мослашиш қобилиятларини ривожланиш имкониятларини шакллантиради. Олий мактабда ўқув жараёни доимо ҳаракатдаги жараёндир, шунинг учун у доимий равишда нафақат фан ва техниканинг ҳолатини, балки уларнинг замонавий тараққиёти барча хусусиятларини эътиборга олишни талаб этади.

2. Лойиҳаланиш тамойили. Бу тамойил, педагогик технологиянинг энг муҳим хусусиятларидан бирини белгилайди. Лойиҳаланиш тамойили – бу ўқув жараёнини ташкил этиш, ҳужжатларини-ўқув жараёни графиги; ишчи ўқув режа; фаннинг ишчи ўқув дастури; фаннинг, бўлимларнинг, таянч ибораларнинг ўқув мақсадлари тоифалари; ўқитиш жараёни технологияси, эгалланган билим ва малакаларни баҳолаш-олдидан яратишни англатади. Ишлаб чиқилган ҳужжатлар асосида ўқув жараёни амалга оширилади. Бу ҳужжатларнинг барча бандларига риоя этилиши, режалаштирилган натижаларга эришишни кафолатлайди. Ишлаб чиқариш техникавий соҳада, лойиҳаланиш базавий ҳисобланади, яъни бинолар ва иншоотлар, маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёнлари олдиндан лойиҳаланади.

3. Тизимлилик тамойили. Педагогик технология, ўқув жараёнининг барча элементларини қамраб олиши билан алоҳида ажралиб туради. Тизимлилик тамойилининг моҳияти шу билан ифодаланади. Ўқув жараёнининг барча элементлари, уларнинг ўзаро боғлиқлик шарти асосида ягона тизим каби лойиҳаланади. Бунда ўқув жараёнининг барча элементлари тузилмаси, ташкил этилиши ва фаолияти-талабаларни ўқитишга рағбатлантиради.

Бу ерда, ўқув жараёни ва ўқитиш жараёни тушунчаларини аниқ таърифлаш зарурлигини қайд этмоқ жоиздир. Агар бу тушунчаларни ишлаб чиқариш соҳаси билан солиштирадиган бўлсак, улар ишлаб чиқариш жараёни ва технологик жараён тушунчалари билан мос келади. Ишлаб чиқариш жараёни қисмдан-ишлаб чиқаришни тайёрлаш ва технологик жараёнларидан иборат.

Ишлаб чиқаришни тайёрлаш қисмида-ишлаб чиқариш илмий тадқиқот жиҳатдан асослаш масалалари ечилади, маҳсулотларни

тайёрлашнинг конструкторлик ва технологик ҳужжатлари тайёрланади, ташкилий-техникавий тадбирлар бажарилади. Ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнида-маҳсулотни тайёрлаш бўйича технологик операциялар бажарилади. Ишлаб-чиқариш жараёнига ўхшаб, ўқув жараёни ҳам иккита қисмдан-ўқув жараёнини тайёрлаш ва ўқитиш жараёнларидан иборат.

Ўқув жараёнини тайёрлаш қисмида-ўқув жараёни графиги ва ишчи ўқув режа ишлаб чиқилади, машғулотлар жадвали тузилади, фаннинг ишчи ўқув дастури, ўқув услубий материаллар ва бошқалар ишлаб чиқилади. Ўқитиш жараёни қисмида-билимлар, малакаларга эга бўлиш ва улар сифатини баҳолаш амалга оширилади.



Тизимлилик тамойилининг базавий эканлиги, педагогик технологияни ўқитишнинг бошқа ёндашувларидан фарқ этувчи асосий белгилардан бири ҳисобланади. Ушбу далил халқаро нуфузли ташкилот ЮНЕСКО томонидан “Педагогик технология”га фан сифатида берилган таърифда тўлалигича ўз исботини топди.


4. Мақсадга йўналтирилганлик тамойили. Ўқув жараёни мақсадга йўналтирилган бўлиши лозим. Мақсад ҳам қонун каби одамнинг характери ва ҳаракат усулини аниқлаши зарур. Бунинг учун ўрнатиладиган мақсад, аниқ ва ўлчаниладиган бўлиши шарт. Бихевиоризм ғояларига таянган, педагогик технология айнан шу билан фарқ қилади. Психологияда бу йўналишнинг хусусияти-организмни кўзғатишга бевосита боғлиқлигини шакл шубҳасиз тан олиш ва уни бу кўзғалишга ундашдан иборатдир.

Бихевиоризм, ўқитиш жараёнида кечадиган организм ичидаги жараёнларни ўрганмайди, у фақат ташқаридан кузатиладиган жараёнларни таҳлил қилади, кўзғатиш (рағбатлаш) ва ечимлар

орасидаги боғланишни ўрганиш билан чекланади. Бихевиористчилар, хулқни ўрганувчи эмперик ва математик усулларни яратишда, олдинги концепцияларда, фақат ички алоқа ёки жараён сифатида қаралган, ҳаракат тоифаларини ишлаб чиқишда катта ҳисса қўшдилар. Бихевиоризм психология соҳасини кенгайтирди ва унга ташқи таъсирларни киритди. Ж.Уотсон, Э.Торндайн, С.Пресси, Б.Скиннерлар бихевиоризмнинг асосчилари эдилар.

Педагогик технологиянинг мақсадга йўналтирилганлик тамойили-тирик организм танасининг скелетига ўхшайди. Умуман ўқув жараёни учун бу тамойил аҳамиятини баҳолаш ҳаддан ташқари қийиндир. Бунинг учун ўқитишнинг энг кўп тарқалган таърифини келтириш етарлидир:

“Ўқитиш-бу ўқитувчи ва талаба орасидаги муносабатнинг мақсадга йўналтирилган жараёни бўлиб унинг давомида инсон маълумотли бўлади”. Ушбу ифодадан ўқитиш сифати, мақсадларни шакллантириш сифатига боғлиқ эканлиги ҳақида хулоса чиқариш мумкин. Педагогик технологияда мақсадларни шакллантириш умумийликдан хусусийликка тизимли ёндашиш асосида амалга оширилади. Биринчи навбатда, мазкур ўқув фанининг маълум мутахассисни тайёрлашдаги ўрни ва аҳамияти аниқланади. Бунинг учун Давлат таълим стандартидан фойдаланилади, унинг асосида фаннинг умумий ўқув соатлари ўқув машғулоти тури-лекция, амалий (семинар), лаборатория, мустақил ишлар бўйича бўлинади. Сўнгра қуйидагича ўқув мақсадлари шакллантирилади:



Ўқув мақсадларининг шаклланиш пирамидаси

5. Фаолият ёндашуви тамойили. Илмий техник тараққиётнинг ҳозирги босқичи мураккаб юқори технологияларни қўллаш, илм талаб маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан характерланади, бунда нафақат фан ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланишга шароит яратади. Бу шароитларда, фаолият ёндашувига таянган ўқув жараёнининг самарадорлиги ошади. Ўқув режа, фанлар дастури, машғулоти тури бўйича ўқув соатлари, мутахассис фаолиятининг батафсил таҳлили

асосида ўрнатилиши мақсадга мувофиқдир. Ҳозирги пайтда “юз бор эпитишдан кўра, бир бор кўриш афзалдир” деган тамойилга таяниш камлик қилади. “Ҳозирги замон шароитида, ўқув жараёни “юз бор кўрмоқдан кўра, бир бор бажариш афзал” деган тамойилга асосланиб ташкил этилиши керак. Ушбу тамойил, нафақат назария ва амалиёт боғлиқлигини балки уларнинг ўзаро таъсирини, ўзаро кучайишини, ўқув жараёнини мутахассис ишлаб чиқариш фаолиятини ҳозирги ва келгуси талабларига таянишини ҳисобга олади.

“Фаолият” тушунчасининг моҳияти ўз ичига мақсад, восита ва жараёни қамраб олади. Бу тушунчанинг мазмуни нуқтаи назаридан, ўқув жараёни ҳам мақсадлари, воситалари, натижаси ва жараёни ўзи билан характерланади. Ўқув жараёни, бўлажак мутахассиснинг фаолияти сифатида тасвирланади.

Умуман олганда, ўқув жараёни, мутахассис фаолиятининг кўзгудаги акс тасвиридек бўлиши лозим. Уларнинг мувофиқлик даражаси, мутахассис тайёрлашнинг сифатини белгилайди.

6. Бошқарилувчанлик тамойили. Педагогик технология ўқитишнинг режалаштирилган натижаларига эришишни кафолатлайди. Бунга фақат ўқув жараёни бошқариладиган тақдирдагина эришиш мумкин. Бошқарилувчанлик тамойилининг аҳамияти шу билан белгиланади. Бошқариш-жараёни режалаштирилган маромда амалга ошириш, ўқитиш мақсадларига эришиш дастурини рўёбга чиқариш учун хизмат қилади. Мазкур тамойил ўқитишнинг жорий натижаларини кўп босқичли диагностик текширувлар ўтказиш имкониятини кўзда тутаяди, бутун ўқитиш даврида ўқитиш жараёнини бошқариш асосан дидактик тестлардан фойдаланиб амалга оширилади. Ўқитиш жараёнида дидактик тестлардан фойдаланиш, тесқари алоқани таъминлайди. Тесқари алоқа натижаларининг таҳлили, кўзланган натижага эришиш учун воситалар ва услубларни ўзгартириш орқали ўқитиш жараёнини бошқариш имкониятини беради. Бошқарилиш тамойили, ўқитиш жараёнини ва шу билан бирга унинг натижаларига мунтазам равишда тузатишлар киритиш имкониятини беради.

Сифатли лойиҳаланган ўқув жараёнининг ўқитиш жараёнини сифатли бошқариш режалаштирилган натижаларга эришишнинг кафолатидир.

7. Қайта такрорланиш тамойили. Замонавий ишлаб чиқариш шароитида, зарурий миқдордаги маҳсулот тайёрлаш, олдиндан яратилган техник ҳужжатлар асосида амалга оширилади. Бу эса, қанча маҳсулот ишлаб чиқариш керак бўлса, шунча марта технологик жараён қайта такрорланишини англатади. Яратилган технологик ҳужжатлар мавжудлиги туфайли технологик жараёни кўп мартаба қайта такрорлаш мумкин. Ишлаб чиқариш-техникавий соҳадаги ушбу

ёндашув “Технология” фанининг пайдо бўлиши билан боғлиқдир. Айнан, шу илмий фан материалларни олиш, ишлов бериш, қайта ишлаш усуллари яратиш ва такомиллаштириш билан шуғулланади. Ишлаб чиқаришда, технологик жараёни амалга ошириш учун технологик хариталар тайёрланади. Ўқув жараёни ташкил этишда қайта такрорланиши тамойили ҳам шунга ўхшаш аҳамиятга эгадир. Қайта такрорланиш тамойили, маълум фан бўйича ишлаб чиқилган педагогик технологик харитани, турли гуруҳларда турдош таълим муассасаларида бошқа субъектлар билан кўп маротаба қўллаш имкониятини англатади.

Қайта такрорланиш тамойили – педагогик-технологик харитаси асосида, педагогик технологияни кўп маротаба такрорланиш имкониятини англатади.

Шундай қилиб, такрорланиш тамойили педагогик технологиянинг моҳиятини-ўқитишнинг кўзланган натижаларига эришиш кафолати билан уни турли гуруҳларда кўпчилик ўқитувчилар томонидан кўп маротаба қўллаш имкониятини белгилайди.

8. Самарадорлик тамойили. Ушбу тамойил педагогик технология ўқитишнинг кўзланган натижаларига мақбул харажатлар билан кафолатли эришиш имкониятини яратишни кўрсатади. Ўқув жараёнининг самарадорлигига педагогик технологиянинг юқорида баён этилган тамойиллари: илмийлик, лойиҳаланиш, тизимлилик, мақсадга йўналтирилганлик, фаолият ёндашуви, бошқарилувчанлик, қайта такрорланувчанликни амалга ошириб эришилади.

Бизнинг фикримизча педагогик технологияларни қўллаш тамойиллари қуйидагилар:

1. Таълимнинг юксак маънавиятли шахсни тарбиялашга йўналтирилганлиги.
2. Педагогик технологияларини ижтимоий буюртма сифатида мавжуд давлат талабларига ва бозор иқтисодиёти талабларига мослаштириш.
3. Педагогик технологияларни илмийлик тамойили асосида ишлаб чиқиш.
4. Педагогик технологияни ишлаб чиқишда назария билан амалиётнинг ўзаро алақодорлигини таъминлаш.
5. Инсонпарварлик ва демократик характерда бўлишини таъминлаш.
6. Ўқитиш жараёни таълим олувчининг мустақил ва ижодий ишлаш, келажакда касбий ва ҳаётий муаммоларини мустақил ечиш кўникма ва малакаларини шакллантириш ҳамда ривожлантиришга йўналтирилиши.
7. Ўқитиш жараёнининг тизимлилик ва фаолият ёндашуви асосида ташкил этилиши.

Таълим мақсадларининг аниқ қўйилиши ва эришиладиган ўқув натижалари педагогик вазифалар шаклида ифодаланиши керак.



Билимларни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Педагогик технология мақсадлари, вазифалари, таркиби, мазмунининг таҳлиliga кўра қандай тамойиллари шакллантирилган?
2. Мақсадга йўналтирилганлик тамойилини изоҳланг.
3. Ўқув мақсадларининг шаклланиш пирамидасини тушунтириб беринг.
4. Фаолият ёндашуви тамойили билан бошқарилувчанлик тамойилини бир-биридан фарқларини кўрсатинг.
5. Умумий фикрлардан келиб чиқиб, педагогик технологияларни қўллаш тамойиллари қандай бўлиши керак?



Таянч иборалар

Педагогика, технология, илмийлик, қобилият, лойиҳаланиш, ўқув дастури, тизимлилик, мақсадга йўналтирилганлик, ўқитиш, ўқув услубий материаллар, фаолият ёндашуви, бошқарилувчанлик, самарадорлик.



Адабиётлар

1. Авлиёкулов Н.Х., Мусаева Н.Н. Педагогик технологиялар. Тошкент: Фан ва технология. 162 б.
2. Олимов Қ.Т. Замонавий таълим технологиялари. Монография. Тошкент – 2007. 87 б.
3. Олимов Қ.Т. ва бошқалар. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. Тошкент: Фан.-2007. 119 б.
4. Олимов Қ.Т. ва бошқалар. Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси. Ўқув қўлланма. Тошкент, “Фан” – 2009. 172 б.
5. Олимов Қ.Т., Алимов А.А. Педагогик технологиялар асосида таълим жараёнини ташкил этиш тамойиллари ва тузилмаси. //Ж. Касб-хунар таълими. 2011.

Ўқув мақсади

Талабаларда педагогик технология тузилмаси аниқ ва ўқув жараёнини кетма-кетликда лойиҳалаштириш ҳақида билимларни шакллантириш

**АСОСИЙ МАЪЛУМОТЛАР**

Педагогик технология, ўз тамойилларига биноан, ижодий қобилиятга ва зарурий ўқитувчилик иш тажрибасига эга бўлган етук педагоглар томонидан лойиҳаланади. Педагогик технологиянинг тамойиллари, қайта такрорланадиган ўргатувчи цикл сифатида рўёбга чиқариладиган ўқув жараёнини яратишга имкон берадилар.

Ўқув жараёнини ўқув мақсадларига эришишга йўналтириш ўқув режасини ишлаб чиқишдан бошланади. Биринчи навбатда, ўқув режадаги ҳар бир фаннинг, мутахассис тайёрлашдаги ўрни ва аҳамиятини аниқ ўрнатиш зарур. Бу эса Давлат таълим стандартлари ҳамда мутахассис фаолиятининг чуқур таҳлили асосида бажарилади. Ўқув фанининг мутахассис тайёрлашдаги ролига кўра машғулотлар турлари-маърузавий, амалий (семинар), лаборатория, мустақил ишлар орасидаги муносабатлар ўрнатилади.

Йўналиш фанлари учун амалий ва лаборатория машғулотларига ажратилган ўқув соатлари маърузавий соатлардан кўп бўлиши керак, чунки бу ерда олинган билимларни қўллаш, таҳлил этиш, синтез, баҳолаш даражасида бўлиши муҳимдир. Яъни, мутахассис фаолияти учун зарур бўлган малакаларга эга бўлиши лозим. Бошқа турдаги ўқув фанлари учун машғулотлар турлари орасидаги муносабат ўзгача нисбатларда режалаштирилади. Шу билан бир каторда олий таълим ўқув жараёнининг ташкил этиш самарадорлигига, аудитория соатлари ва мустақил иш учун ажратилган соатлар орасидаги нисбатларни мақбуллаштириш таъсир кўрсатади.

Ўқув материали ҳажми ошиши билан мустақил ишлаш малакалари ва зарурияти ошиб боради. Зеро, таълим курси ошиши билан, малакаларни шакллантириш мутахассис касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган ишларни бажариш талаблари ошиб боради.

Ўқитишнинг режалаштирилган натижаларига кафолатли эришиш, таълим жараёнини технологик ёндашув асосида ташкил этиш ва бошқарилиши орқали таъминланади.

Режалаштирилган натижаларга эришиш учун ўқув жараёнини тезкор баҳолаш керак, у эса тескари алоқани баҳолаш ўқув жараёнига тузатишлар киритилиши лозимлигини кўрсатади. Ўқув материални тезкор баҳолаш тест асосида ўтказилади. Аниқ ўқув мақсадлар ифодалари, уларнинг тоифалари тестларни тузиш учун асос бўлади. Ўқув жараёнида ишлатиладиган тестлар диагностик хусусиятга эга, чунки бу тестлар натижасига кўра кейинги ўқув жараёни режалаштирилади.


Педагогик технологиялар асосида ўқитиш жараёни қуйидагича тузилма асосида лойиҳалаштирилади:

1. Ижтимоий эҳтиёж. Давлат, жамият, ишлаб чиқариш ҳамда шахс талаблари асосида ишлаб чиқилган Давлат таълим стандарти ва фан дастурларида кўрсатилган буюртмадир.

2. Таълим мақсадларни одатда қуйидагича қўйилади:

- *Ўқув мақсадини ўрганиладиган мазмун орқали аниқлаш.* Ўқув мақсадини бу усулда қўйиш билимнинг фан мазмунига йўналтирилганлигидан дарак беради. Масалан: бешинчи мавзу мазмунини ўрганинг! Ўқув мақсади бундай қўйилганда, мақсадга эришганлигини текшириш имконияти бўлмайди.
- *Ўқув мақсадини педагог фаолияти орқали аниқлаш.* Ўқув мақсадини бу усулда қўйилганида, педагог диққат марказига ўз фаолиятини қўяди. Масалан: талабаларни автомобилнинг пневматик тормозларининг ишлаш принциплари билан таништириш. Мақсадни ифодалашидан кўришиб турибдики, бу мақсад ҳақиқий ўқитиш натижаси билан боғлиқ эмас. Ўқув мақсади бундай қўйилганида, мақсадга эришганлигини баҳолаш умуман ҳисобга олинмаган.
- *Ўқув мақсадларини талабанинг ички ривожланиши.* (Ақлий, ҳиссий, шахсий...) жараёнлари орқали аниқлаш. Ушбу усулда бир неча фанлар (масалан: умумтаълим фанлари) ёки алоҳида фан бўйича умумлашган таълим мақсадлари аниқланади. Масалан: корхонанинг молия фаолиятини таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириш. Бу усул бир мавзу ёки мавзунинг таянч тушунчалари доирасига мутлақо тўғри келмайди. Бу усулда алоҳида бир машғулот бўйича аниқ мақсад қўйиб бўлмайди, демак, ўқитиш натижаларини баҳолаш имконияти ҳам бўлмайди.

Ўқув мақсадини талабалар фаолияти асосида белгилаш. Ўқув мақсадини бундай қўйганда, дарсни режалаштириш ва аниқлиги назарда тутилади. Аммо бунда ҳам энг муҳим нарса, кутилажак натижа ҳисобга олинмайди. Масалан: дарс мақсади-корхона баланс даромадини аниқлаш бўйича масалаларни ечиш. Бу ҳолатда қўйилган мақсадга эришишни белгиловчи механизм назарда тутилмаган.



ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ ТУЗИЛМАСИ

3. **Таълим мазмуни.** Фан дастури бўйича ҳар бир мавзуга белгиланган ўқув мақсадларига мувофиқ таълим мазмуни шакллантирилади.

4. **Таълим шакллари.** Ўқитиш жараёни жамоавий, кичик гуруҳлар ва индивидуал шаклида олиб борилиши тавсия этилади. Жамоавий таълим шаклида талабалар гуруҳи орасида рақобат муҳитини шакллантириш, бир-бирининг билиминини тўлдириш имкониятлари кенгайда. Машғулоти топшириқлари асосан янги мавзу мазмунини очиб берувчи алоқадор фанларда ўзлаштирилган билим ва кўникмалар, мавзулараро узвийликка йўналтирилган бўлади. Кичик гуруҳларда ишлаш махсус билимлар билан бир қаторда амалий кўникмаларни шакллантиришда, шунингдек, талабаларда мустақил ишлаш қобилиятларини ривожлантириш учун қўлланилади. Бир нечта талабалар биргаликда ишлаган пайтда, уларнинг шахсий хусусиятлари ва характерлари орасида ўзаро ҳамкорлик вужудга келади.

Якка тартибда эса асосан мустақил иш машғулотларини олиб бориш тавсия этилади.

5. **Таълим методлари** - ўқитишда белгиланган мақсадга эришиш учун таълим оловчи ва таълим берувчининг ўзаро боғлиқ фаолиятини ташкил этишнинг тартибга солинган усулидир.

Таълим мақсадларини амалга ошириш бўйича таълим оловчилар билан таълим берувчилар ўртасида бўладиган биргаликдаги мураккаб жараёнда таълим методи муҳим вазифани бажаради.

Методлар таълим мазмунини амалда қўллашни таъминлайди, бунда таълим берувчи фаолиятини ташкил этиш йўли – дарс бериш методларидир, таълим оловчининг фаолияти эса – ўрганиш методларидир.

Ўқитиш жараёнида талабаларни фаоллаштириш – шунини назарда тутадик, бунда талабалар билимларни ҳамда уларни амалда қўллаш усулларини онгли ва фаол эгаллаб олади, уларда ижодий ташаббускорлик ҳамда ўқув фаолиятида мустақиллик, тафаккур, нутқ ривожланади.

Фаол методларини танлаш биринчидан, дарсдан кўзда тутилган ўқув мақсадларига боғлиқ. Масалан, агар дарснинг мақсади янги билимларни эгаллашдан иборат бўлса, ўқитувчи бу билимларни ўзи баён қилади ёки талабаларнинг ўқув адабиётлари ёки бошқа материаллар билан мустақил ишлашини ташкил қилади.

Таълим оловчиларнинг билим олиш, мустақил ишлаш ва ижодкорлик қобилиятларини ривожлантириш, уларнинг онгли фаоллиги, мустақиллиги ва ижодкорлигини, ўқув билиш фаолияти натижасининг сифатини яқшилади.

6. Таълим воситалари - Талабаларининг мустақил ва ижодий ишлаш фаолиятларини ривожлантириш учун шароитлар яратиш, ўқув-услубий адабиётлар ва дидактик материаллар билан таъминлаш жуда муҳим.

Ўқув-дидактик материалларга ўқитилиши ва ўрганилиши лозим бўлган билимларни берувчи ҳар қандай ахборот ташувчилар тушунилади. Махсус фанлар бўйича ўқув-дидактик материаллар сифатида назарий дарсларда матнли - визуал воситалардан, амалий машғулотларда курс материаллари, услубий қўлланмалар, жадваллар, жиҳоз ёки асбобни ишлатиш бўйича кўрсатмалар кабилардан фойдаланилади.

Талабаларнинг мустақил ва ижодий ишлаш фаолиятларини ривожлантиришда электрон таълим ресурсларидан максимал фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Ўқув ва дидактик материалларга қўшимча тарзда тасвирий-визуал воситалар (фотосуратлар, расмлар, чизмалар, графиклар) ҳам қиради. Улар умумий ва кенг қамровли тасаввурларни вужудга келтиришни осонлаштиради. Шунингдек, тасвирий тасаввурларни шакллантирадиган аудио-визуал воситалар технологик жараёнлар ва функциялар тўғрисидаги кенг қамровли реал тасаввурларни вужудга келтиради.

Предмет воситалари тасвир ва матнларни ёзиб олиш ва сақлаш имконини беради. Уларга доска, флипчарт, кодоскоп (проектор) камера ва компьютерлар қиради.

Иш соҳасига тегишли асл нарсалар, яъни маҳсулотлар, жиҳозлар ва асбоблар назарий дарс ёки амалий машғулот пайтида дидактик функцияга эга бўлса, ўқув воситаси сифатида қўлланилиши мумкин.

Ушбу воситалардан фойдаланишда уларни муайян мақсад, соҳа ва усулларга мос ҳолда танлаш муҳим ўрин тутди. Ўқитувчи ўқув ва кўрсатмалар воситаларни ишлата олишни, улардан мақсадга мувофиқ ва оқилона тарзда фойдаланишни билиши керак. Техник воситалардан фойдаланилаётганда юзага келадиган техник муаммоларни мустақил ҳал қила олиши керак.

Ўқув материаллари бир пайтнинг ўзида дидактик материаллар сифатида, яъни ўқитиш ва ўрганиш учун ишлатилади. Агар ўқув ва дидактик материаллар етарли бўлмаса, у ҳолда ўқитувчи томонидан уларнинг танланиши ва назарий ёки амалий машғулотлар мақсадига мослаштириб тайёрланиши керак.

7. Ўқув натижаларини баҳолаш - талабалар томонидан ўқув материаллари ўзлаштирилганлигини, кўникма ва малакалар ҳосил бўлганлигини текшириш ҳамда баҳолаш таълим жараёнининг зарурий таркибий қисми ҳисобланади. Бу фақат ўқитиш натижаларини баҳолаш

эмас, балки ўқитиш жараёни даврида талабалар билим олиш ва мустақил иш фаолиятига раҳбарлик қилиш ҳамдир.

Билим ва кўникмаларни текшириш ҳамда баҳолашнинг таълимий аҳамияти шундан иборатки, бунда ўқув материалнинг ўзлаштирилиши тўғрисида талаба ва ўқитувчи муайян маълумотга эга бўлади. Ўқитувчига талабаларнинг қайси ўқув материални яхши ўзлаштирилгану, қайси иш етарли даражада ўзлаштирилмаганлиги маълум бўлади. Бу эса талабанинг ўрганиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш учун асос бўлиб ҳисобланади. Баҳолаш орқали талабаларнинг ўқув материалларини билиш, тушуниш, хотирада сақлаб қолиш, амалда қўллай олиш, таҳлил қилиш ва ўз-ўзини баҳолаш даражалари аниқланади.

Билимларни, кўникма ва малакаларни баҳолашнинг тарбиявий аҳамияти шундаки, бунда талабаларнинг ўқишга қизиқиши, ўз ютуқлари ёки муваффақиятсизликларига нисбатан муносабати шаклланади, ўқув қийинчиликларни енгиш иштиёқи туғилади.

Натижаларни баҳолаш орқали бутун таълим жараёни текширилиб кўрилиши керак. Бу билан таълим жараёнида кутилаётган ўқув мақсадига эришилаётганлик даражаси текширилади. Таълим бериш давомидаги талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларни баҳолаш талабанинг ўзлигини англаши учун бир имкониятдир.

Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиқиб, талабаларни баҳолашда қуйидагиларни эътиборга олиш муҳимдир:

- ўқув мақсадларига эришилганликни аниқлаш;
- таълим жараёнидаги ютуқ ва камчиликларни аниқлаш;
- ўқитувчи ўз фаолиятидаги камчиликларни бартараф этиш;
- жорий ва оралик ўзлаштириш даражасини аниқлаш;
- баҳолаш натижалари бўйича ота-оналарга маълумот бериш;
- дастлабки билим ва кўникмалар таълим натижасини баҳолаш;
- талабаларнинг қизиқишларини аниқлаш.

Жорий (шакллантирувчи) баҳолаш - мунтазам равишда ўтказиб борилиши лозим. У таълим жараёнидаги ютуқ ва камчиликларни, таълим самарасини тезкор аниқлаб бориш, ўқув жараёнини мувофиқлаштириш ҳамда таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасидаги қайтар алокани таъминлаш имконини беради.

Оралик баҳолаш - махсус фан асосий бўлимлари ёки модуллари бўйича машғулотлар ўтиб бўлингандан кейин талабаларнинг билим ва кўникмаларни ўзлаштирганликлари баҳоланади. Бу билан талабанинг бўлим ёки модул бўйича ўқув материални қанчалик даражада ўзлаштирилганлиги ҳақида маълумотга эга бўлинади. Лозим бўлса ўзлаштириши паст бўлган талабалар билан қўшимча машғулотлар олиб борилади.

8. Таълим натижаси. Якуний баҳолаш - талабанинг фан бўйича ўзлаштириш натижаларини белгиланган мезон ва стандартларга жавоб беришини аниқлайди. Якуний баҳолаш махсус фанни ўқитиш жараёнининг якунида ўтказилади. У жорий ва оралик баҳолаш натижаларини жамлайди. Модул асосида талабаларнинг мустақил ва ижодий ишлаш фаолиятларини ривожлантиришга қаратилган ўқитиш жараёни ташкил этилади ҳамда ҳар бир машғулот учун ишлаб чиқилган дарс ишланмалари баҳолаш мезонлари аниқ белгиланади.

Педагогик технологиялар шароитида таълим жараёни доимо бошқарилиши ва бажарилиши узлуксиз мониторинги олиб борилиши керак.



Билимларни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Педагогик технология тузилмасини тушунтириш.
2. Педагогик технологиялар асосида ўқитиш жараёни қандай тузилма асосида лойиҳалаштирилади?
3. Таълим мақсадлари одатда қандай қўйилади?
4. Педагогик технология тузилмасининг ҳар бир компонентини тушунтириб бериш.
5. Таълим жараёнида талабаларни баҳолашда нималарни эътиборга олиш лозим?



Таянч иборалар

Педагогик технология, ижодий қобилият, тузилма, жамият, стандарт, мониторинг, узвийлик, нутқ, визуал, лойиҳаланиш, ўқув дастури, ўқитиш, ўқув услубий материаллар, фаолият ёндашуви, модул, мезон.



Адабиётлар

1. Авлиёкулов Н.Х., Мусаева Н.Н. Педагогик технологиялар. Тошкент: Фан ва ва технология. 162 б.
2. Олимов Қ.Т. Замонавий таълим технологиялари. Монография. Тошкент – 2007. 87 б.
3. Олимов Қ.Т. ва бошқалар. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. Тошкент: Фан.-2007. 119 б.
4. Олимов Қ.Т. ва бошқалар. Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси. Ўқув қўлланма. Тошкент, “Фан” – 2009. 172 б.
5. Олимов Қ.Т., Алимов А.А. Педагогик технологиялар асосида таълим жараёнини ташкил этиш тамойиллари ва тузилмаси. //Ж. Касб-хунар таълими. 2011.

ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ АСОСИДА ТАШКИЛ ҚИЛИНАДИГАН ШАХСГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИ МАҚСАДИ, МАЗМУНИ ВА УНИ АМАЛГА ОШИРИШ ШАРТЛАРИ

Ўқув мақсади

*Талабаларни педагогик технология асосида шахсга
йўналтирилган ўқитиш жараёнини амалга оши-
риш шартлари билан таништириш ва уларнинг
назарий билимларини кенгайтириш*



АСОСИЙ МАЪЛУМОТЛАР



Бугунги кунда тизимли фаолият ёндашуви асосида талабаларнинг мустақил ишлаш фаолиятини ривожлантириш ва фаоллаштириш, ҳамда тушуниш методлари ёрдамида ўқитиш технологиялари бир қатор илмий тадқиқот ишларида ишлаб чиқилган. Бу талабаларга маълумотлар билан интенсив ишлаш методларини кўп ҳажмдаги маълумотларни тартиблаштириш, сақлаш, тақдим этиш ва ўзлаштиришни ўргатади. Ушбу методлар дарсликлар ва турли ўқув қўлланмаларни яратишда асос қилиб олиниши мумкин. Бундай методнинг янгилиги шахсий қобилиятларни ривожлантирувчи тарбия, ўқитиш психологиясини, ҳамда педагогиканинг янги гуманистик концепциясини ҳисобга олган ҳолда таълим мазмунини тизимли ёндашув асосида ишлаб чиқилишини талаб этади.

Ўқитиш технологияси – биринчидан, педагогик технология сифатида жараёنли-ҳаракат аспекти аниқланади. Бу, таълим жараёнини ўзгарувчан шароитларда, белгиланган вақт давомида истиқболлаштирилган натижаларга кафолатли эришишга ва ҳақиқий таълим-тарбия жараёнларини амалга оширишни таъминловчи усул ва воситаларнинг тартибли бирлигини ўзида мужассамлаштирадиган таълим моделини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишнинг технологик жараёни бўлса, иккинчидан, у мақсадни амалга оширишда ва истиқболда белгиланган натижаларга эришиш бўйича педагогик ҳамда ўқув фаолият лойиҳасини бажариш баёни ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда таълим жараёнининг шахсга йўналтирилган ўқитиш технологиялар асосида ташкил этилишини таъминлаш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Бугунги кунда ўқитувчи фақат билим бериш ва амалий кўник-мани шакллантириш билан чегараланмасдан талабаларни мустақил билим олиш, изланиш ва қарорлар қабул қилишга ўргатиши керак.

Шахсга йўналтирилган ўқитиш технологиялари таълим жараёнида бошқача ёндашувни талаб қилади. Ўқитувчи талабага ва фанга нисбатан ўзининг муносабатини ўзгартиришга тўғри келади.

Шахсга йўналтирилган таълимнинг назарий асосларига қуйидагилар киради:

- таълим олувчининг ўқитиш жараёнидаги ўрнини белгилаш ва шахсни ривожлантириш;
- таълим олувчининг касбий шаклланиши бўйича меъёрий талаблар қўйилади. Ушбу меъёрлар Давлат таълим стандартларида ва уларнинг талабларида ўз аксини топади;
- таълим жараёнини ташкил этишда педагогнинг ижодий қобилияти ва маҳорати катта аҳамиятга эга.
- таълим жараёнига шахсга йўналтирилган ўқитиш технологияларни қўллаш талаб этилади.

Шахсга йўналтирилган ўқитиш технологияларида педагогик таъсирлар асосан талаба шахсни шакллантиришга қаратилади.

Таълим технологияларини ишлаб чиқиш пайтида, биз шахсга йўналтирилган таълим технологияларини амалга оширамиз. Чунки, шахс “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”нинг асосий компонентларидан бири ҳисобланади; шунингдек, кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим хизматларининг истеъмолчиси ҳамда ишлаб чиқарувчиси. Таълим олувчининг шахси – бутун таълим тизимининг мақсади, унинг нуфузли субъекти бўлиб қолмоқда.

Шахсга йўналтирилган таълим технологиялари, ўз моҳиятига кўра, таълим жараёнининг барча қатнашчиларининг тўлақонли ривожланишини назарда тутди. Бу эса нафақат таълим олувчини умумий интеллектуал ривожланиш даражасини ва хусусан, унинг ушбу предмет бўйича тайёргарлигини, уни қобилиятлари ҳамда имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ўқитишга дифференциялашган ёндашув, балки таълим олувчининг психологик касбий ва шахсий хусусиятларини ҳамда қобилиятларини ҳисобга олиш ҳамдир.

Шахсга йўналтирилган таълимни амалга ошириш шартлари.

Шахсга йўналтирилган таълимнинг алоҳида жиҳатлари ва уларни амалга ошириш шартлари 1-жадвалда келтирилган.

Шахсга йўналтирилган таълим шароитида, биз таълим берувчилар ўқув жараёнида анъанавий тизим пайтидагидан моҳияти кам бўлмаган ўзгача рол ва функциясига эга бўламиз. Агар, анъанавий таълим пайтида, биз билим субъектини ва билимнинг энг компетентли манбаси бўлган дарслик билан бирга назорат қилувчи ролида бўлсак, таълимнинг янги парадигмаси пайтида эса, таълим олувчиларнинг

мустақил фаол билиш фаолиятининг ташкилотчиси, компетентли маслаҳатчи ва ёрдамчиси ролида намоён бўламиз.

Шахсга йўналтирилган таълим мазмунини технологиялаштириш асосан ўқув ва дидактик материалларни ишлаб чиқишни, талаба шахсининг ривожланишини назоратга олиш ишларини қайтадан кўриб чиқишни кўзда тутди. Технологиялаштириш талабага ўқув материалнинг мазмунини ўзи танлашига, ўз-ўзини баҳолашга имконият яратади.

Касбий ва педагогик маҳоратимизни, фақатгина таълим олувчиларнинг билимлари ва маҳоратларини назорат қилишга эмас, балки БМК- билим, кўникма ва малака, билиш ҳамда қўллашда юзага келиши мумкин бўлган қийинчиликларни ўз вақтида бартараф этишга малакали ҳаракатларимиз билан ёрдам беришимиз учун, уларнинг фаолиятини ташҳис қилишга йўналтиришимиз керак. Ушбу рол, анъанавий таълимдагига нисбатан анча мураккаб ва биздан юқори маҳорат талаб қилади.

1-жадвал

Шахсга йўналтирилган таълимнинг асосий назорат ҳолати	Амалга ошириш шартлари
Таълим олувчиларнинг шахси- таълим тизимининг мақсади, нуфузи субъекти, ўқув жараё- нининг марказий фигураси.	Таълим олувчи шахсининг ҳар томонлама эркин ва ижодий ривожланиши учун етарли шароитларни таъминлаш, унинг табиий имкониятларини амалга ошириш. Таълим берувчи томонидан таълим олувчи шахсини қабул қилиш: унинг - мақсадларини, ҳаяжонларини, қизиқиш- ларини, қарашларини, муносабатларини, уларни қимматли хусусият сифатида тан олиш, уларга ишониш, унинг кучи ва имкониятларига ишониш.
Таълим жараёнининг барча катнашчиларини тўлақонли ривожланиши: Ўқитиш жараёнини инди- видуаллаштириш ва диффе- ренциялаштириш: касбий тайёргарлик йўналишлари бўйича ДТС талабларига риоя қилган ҳолда таълим олувчи шахси ривожланишига йўналтириш.	Таълим технологиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнида қуйидагиларни ҳисобга олиш: • ушбу билим соҳасидаги билимдонлик даражасини ва шахс маданиятининг умумий ривожланганлик даражаси; • таълим олувчининг психологик-физио- логик хусусиятларини. Ҳар бир таълим олувчи учун, ўқув дастурига нисбатан индивидуал характерга эга бўлган ўқитиш дастурини тузиш унинг индивидуал хусусиятларига асосланади ва

	унинг имкониятларига, ўқитиш таъсири остида унинг динамик ривожланишига нозик мослашади; унга ўзлигини англашга, ўзлигига аниқлик киритишга, ўз-ўзини ривожлантиришга ва ўзининг имкониятларини амалга оширишга ёрдам беради. Таълим олувчининг шахсий ривожланишини аниқлаш, кейин эса уни ривожланиш истикболларини ёки сўнишини коррекция қилиш учун объектив назорат ва ташхис қилиш.
Таълим олувчининг психологик - касбий ва шахсий хусусиятларини, қобилиятларини ҳисобга олиш.	Таълим берувчининг умумий педагогик маҳоратини, ўз-ўзини ривожлантиришини нафақат профессионал сифатида, балки шахс сифатида ҳам ривожланиш технологиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.
Қуйидагиларни назарда тутувчи диалогик ёндашув: • Ўқув жараёни катнашчиларининг субъектив ўзаро ҳаракати. • Ўқув жараёни катнашчиларининг эркинлик даражасини ошириш. • Шахсни ўз-ўзини фаоллаштиришини ва ўз-ўзини баҳолаш.	Ўқув жараёнини таълим берувчи ва таълим олувчининг диалоги сифатида қуриш ҳамда уни ҳамкорликдаги дастурли фаолиятига йўналтириш. • таълим берувчининг вазифаси; • таълим олувчи билан шахсий-тенг ҳуқуқли позицияни ўрнатиш; • таълим олувчини нафақат ўқитиш, балки уни ривожланишига рағбатлантириш, унинг мустақил ҳаракатлар бажаришига шароит яратиш; • таълим олувчиларда мустақил тафаккур юритишга, мустақил режалаштириш ва муаммоларни ечиш йўллари таклиф қилиш, олинган натижаларни баҳолаш ва ёки текширишга тайёргарликка мотивацияни шакллантириш. Бунинг учун қуйидагилар амалга оширилади: • ҳолатли лойиҳалаштириш; • мазмунли изланувчан диалог; • ўқув вазифаларини ҳаётий муаммоларининг матнига қўшиш; • таълим олувчиларда мустақил ўқиш, ўз-ўзини аниқлаш, мустақиллик, ўзининг имкониятларини амалга ошириш ва ўз-

	Ўзини такдим этиш қобилиятларини ривожлантириш учун шароит яратиш.
Ўқув жараёни қатнашчилари фаолиятини шахсни мотивациялаштириш билан таъминлаш.	Ушбу мақсад ўқитиш ва шахсни ривожлантириш, таълим берувчи ҳамда таълим олувчи учун ҳаётий ҳамда касбий моҳиятга эга бўлганда, ушбу фаолиятга нисбатан мустақкам қизиқиш пайдо бўлганда, ўқиш ва ривожланиш шахсининг ҳаётий эҳтиёжига айлангандагина эришилган деб ҳисобланиши мумкин.

Шахсга йўналтирилган таълимни амалга оширишда педагогик таъсирлар шахсни шакллантиришга қаратилган. Ана шу жараёни тушуниш асосий иш ҳисобланади. Бунга эса талабалар қаршилиқ кўрсатадилар. Шахсга йўналтирилган таълим турли хусусиятларга эга бўлган шахсни шакллантириш билан шуғулланмайди.

Шахсга йўналтирилган таълим қуйидаги тамойилларга таянади:

- шахсининг мавқеи тан олинади, субъектив тажриба тарқатувчи сифатида талаба фаол қатнашади ва ўз-ўзини баҳолайди;
- таълим жараёнида ҳар бир талабанинг субъектив тажрибаси кўзда тутилади;
- талабанинг шахс сифатида ривожланиши фақатгина унинг меъёрий фаолияти билан шуғулланишдангина қоникмайди, доимий равишда тажриба орттириб ўз қобилиятини ривожланиш манбаини кенгайтириб боради.

Шундай қилиб, шахсга йўналтирилган таълимни субъект таълимидек аниқлаш мумкин, чунки у ташкил этилиш, аниқланиш ва ривожланишга муҳтож.

Шахсга йўналтирилган таълимни амалга ошириш қуйидаги шарт-шароитлар ва талаблар билан қондирилиши керак:

- таълим жараёнида барча субъектларни ривожлантириш, талабалар усталар, ўқитувчилар, бошқарув ходимлар учун шароит яратиб бериш;
- таълими жараёнида шахсининг касбий керакли зарур ҳислатларига эътибор бериш ва уларни ривожлантириш;
- шахсни ривожлантиришнинг замонавий педагогик ва психологик технологияларини таълим жараёнига тадбиқ этиш;
- таълим субъектларини ҳимоя қилиш, талабалар ютиб чиқишлари учун вазиятлар ташкил этиш;
- таълим субъектларини касбий ривожлантириш учун ўқув-услубий ёрдам кўрсатиш, доимий ва тез ташҳисини ташкил этиш;

- табақалаштирилган таълимни ривожлантириш, чунки у талабанинг ўзини аниқлашида ва ривожланишида катта рол ўйнайди ҳамда кенг миқёсда тадбиқ этилади;
- кенг қўламда шароитлар яратилиш, кўп амалий иш бажарувчи устахоналар, тажриба хоналари, ўқув хоналари ташкил этиш;
- шахснинг асосий хусусиятларини, шунингдек бўлажак мутахассиснинг касбий хислатларини белгилаш.

Шахсга йўналтирилган таълим мазмуни. Ҳозирги таълим мазмунидаги анъанавий тадбирлар шахснинг тўлиқ ривожланишини тўлиқ таъминлай олмайди. Шахсга йўналтиришнинг қийинлашиб қолганига ўқув режалар, дастурларнинг мураккаблашгани ҳам сабаб бўлади. Таълим жараёнига ўзгартириш киритилиб бир касб соҳасида турли хил мутахассисликлар ташкил этиш керак бўлади ва шундай қилиш лозим.

Ўқув дастури ҳужжатлари тузилишига бежирим моделлаштирилган ўзгартириш киритиш мумкин. Ушбу тузилишнинг лойиҳасини тузётганда ҳар бир блокнинг автономлигини ҳисобга олиш зарур. Блокларга ўзгартириш киритиб, уларни керакли вақтда алмаштириш мумкинлигини кўзда тутиш лозим. Талабаларга дидактик ўқув-ҳунар блокларидан хоҳлаганларини танлаш учун имконият яратиш керак, чунки улар ўзлари олаётган таълимнинг мазмуни лойиҳасини мустақил равишда тузадилар. Ушбу лойиҳаларни тузишда ўқув меъёрий ҳужжатлари ва кенг тарқалган ишлаб чиқариш технологияларидан фойдаланадилар. Асосий диққат мустақил ва кооператив ўқишларга қаратилади.

Шахсга йўналтирилган таълим мазмунини технологиялаштиришда ўқув ва дидактик материаллар талаба шахсини назоратга олиш ишларини қайтадан кўриб чиқишни кўзда тутати.

Шахсга йўналтирилган таълим мазмуни ахборот – сўровномалар билан қониқиб қолмай, муаммоли матнлар, бир-бирига зид маълумотлар, ноаниқ вазиятларни ҳам ўз ичига олиши зарур. Албатта, ўқув дастурида мустақил ишлашга ҳам ёрдам берадиган: турли тавсиялар, маъноли жадваллар, кўрсатмалар бўлиши лозим. Ўқув материаллари ўз ичига талабаларнинг субъектив тажрибаси ва уларда рўй берадиган ўзгаришларни қамраб олади.

Технологиялаштириш талабага ўқув материалининг мазмунини ўзи танлашига ёрдам беради. Таълим технологияси, усулларини танлашга имконият яратилади.

Таълимнинг бундай ўзлаштирилиши анъанавий ўқитишдан узоклашиш, ўқувда яхши самара кузатилади. Кенгайтирилган бундай ўқувлар очикчасига бўлиши керак.

Албатта, бу ерда педагогнинг ҳам иш суръати ўзгаради. Педагогнинг роли эса фақат маслаҳатчи бўлиб қолади.

Биз бугунги кунда шахсга йўналтирилган таълимни амалга оширишда қўлланиладиган муаммоли, модулли ва компьютерли, ўйинли ҳамда бошқа ўқитиш технологияларининг моҳияти, мазмуни ва ўқув жараёнига қўллаш имкониятлари тўғрисида кейинги параграфларда батафсил тўхталамиз.



Билимларни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Шахсга йўналтирилган таълимнинг назарий асосларига нималар киради?
2. Шахсга йўналтирилган таълим мазмунини технологиялаштириш деганда нимани тушунасиш?
3. Шахсга йўналтирилган таълим қандай тамойилларга таянади?
4. Шахсга йўналтирилган таълимни амалга ошириш қандай шарт-шароитлар ва талаблар билан қондирилиши керак?
5. Шахсга йўналтирилган таълимнинг алоҳида жиҳатлари ва уларни амалга ошириш шартларини ёритинг.



Таянч иборалар

Ўқитиш технологияси, объект, ижодий қобилият, касбий маҳорат, шахс, субъект, табақалаштирилган таълим, маҳорат, ахборот – сўровномалар, ўқитиш жараёни, тамойиллар, методлар, воситалар.



Адабиётлар

1. Олимов Қ.Т. Замонавий таълим технологиялари. Монография. Тошкент – 2007. 87 б.
2. Барболин М.И. Методологические основы развивающего обучения. М.: Высшая школа, 1991. – 230 с.
3. Галиев Т.Т. Системный подход к интенсификации учебного процесса. Дис. док. пед. наук. – Караганда.: 2002. – 50 с.
4. Олимов К.Т. Шахсга йўналтирилган ўқитиш технологиялари// Касб-хунар таълими. №3. 2007.

Ўқув мақсади

Талабаларни ўқув мақсадлари, турлари ва соҳалари билан таништириши ва уларни аниқ белгилаш бўйича билимларни шакллантириши

**АСОСИЙ МАЪЛУМОТЛАР**

Ўқитиш технологиясининг бошланиши - бу фаннинг ўқитиш мақсадларини белгилашдир. Назарий ва амалий машғулотлар аниқ мақсадга йўналтирилган ўқув жараёнларидир. Бу жараёнлар аввалдан белгиланган муайян ўрганиш мақсадларига эришиш учун олиб борилади. Агар ўқув мақсадлари белгиланмай ўтказилса у ҳолда дарснинг мазмуний ва дидактик тузилиши бузилади. Натижада дарс давомида мавзуга тааллуқли бўлмаган мазмунларга тўхталишга тўғри келади. Назарий ва амалий машғулотларни шакллантириш учун олдиндан мос келадиган мақсадларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўқув мақсадлари ва унинг турлари

1. Ўқув мақсадлари. Ўқув мақсадлари таълим жараёни охирида кутилаётган натижанинг ёзма тавсифидан иборат. Замонавий ўқув мақсадларини белгилаш усули ўзига хос хусусиятга эга. Бу шундан иборатки, ўқув мақсадлари (ўқув вазифалари деб ҳам аталади) талабалар ҳаракатида ифодаланадиган ва аниқ кўринадиган, ҳамда ўлчанадиган натижалар орқали белгиланади. Ўқув мақсадларини ўлчаш, аниқлаш, ўқитишни қайта такрорлаш имконига эга бўлиш учун ҳар бир мақсадга эришиш мезони ишлаб чиқирилиши керак, яъни таълим мақсади шундай қўйилиши керакки, унга эришганлик ҳақида аниқ ҳулоса чиқариш мумкин бўлсин.

Ўқув мақсадлари бу - муайян таълим жараёни якунида таълим олувчи томонидан ўзлаштирилиши, яъни ҳосил қилиниши лозим бўлган билим, ҳатти-ҳаракат билан боғлиқ бўлган амалий топшириқни урдалай олиш маҳорати, шахсий фазилатлар ва ҳулқни белгилайди.

Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, ўқув мақсадлари олдиндан кўзланган якуний натижалар тавсифидир. Уни тўғри танлаш таълим жараёни учун ўта муҳимдир. Буни қуйидаги ибора ёрдамида яхшироқ

тушунса бўлади: «Қаерга боришни, охириги манзилини билмасдан туриб сафарга отланишдан ҳеч қандай маъно ва наф йўқ».


Ҳар бир назарий дарс ва амалий машғулотнинг ўқув мақсадлари олдиндан аниқланиши лозим. Аниқланган ўқув мақсадлари, дарс мазмуни бўйича қайси назарий материалларни танлаш, уни ўтказиш бўйича қандай методик ва дидактик ресурслардан фойдаланиш лозимлигини белгилаб беради. Шундай қилиб, ҳар қандай таълим жараёнига ўқув мақсадлари таълим мазмуни, методлари ва воситаларни белгилаб берар экан.

2. Йўналтирувчи, умумий ва аниқ мақсадлар. Ўқув мақсадлари таълим жараёнининг кўламига кўра турлича тарзда ифодаланиши мумкин. Ўқув мақсадлари, пастдан юқорига қараб:

- алоҳида олинган битта дарснинг мақсади,
- фаннинг бирор бўлимини (фаолият усули бўйича ўқув материаллини) ўрганишнинг ўқув мақсадлари;
- бутун бир фанни ўрганишнинг ўқув мақсадлари;
- бирор бир фаннинг модулини ўрганишдан кўзланган ўқув мақсадлари;
- бутун бир мутахассисликни эгаллаш бўйича ўқув мақсадларига бўлинади.

Кичик кўламга (алоҳида дарс, фаннинг бир бўлими учун) мақсадлар аниқ-қўйилса, кўлам катталашган сари (модулни ўрганиш, мутахассисликни эгаллаш учун) ўқув мақсади умумлаштириб борилади. Ўқув мақсадлари қамров кўламга қараб уч хил турга ажратилади:

1) Йўналтирувчи мақсадлар. Йўналтирувчи мақсадлар энг катта кўламдаги таълим жараёнининг мақсадларини белгилайди. Масалан, бирор мутахассисликни эгаллаш бўйича ўқув мақсадлари. Одатда давлат таълим стандартларида ўз аксини топади ва меъёрий ҳужжат ҳисобланади. Улар таълим жараёнига қўйилган умумий талабларни аниқлайди ва унинг умумий йўналишини белгилаб беради.



2) Умумий мақсадлар. Умумий мақсадлар кичикроқ кўламдаги таълим жараёнларига таълуқли бўлиб, унинг мазмуни йўналтирувчи мақсадлардан келиб чиқади. Умумий мақсадлар ҳам ҳар бир фан бўйича тузилган давлат таълим стандартлари кўринишида белгиланиши мумкин. Умумий мақсадлар йўналтирувчи мақсадларни ўз камров кўлами даражасида ойдинлаштиради ва аниқлаштиради. Шундай бўлсада, йўналтирувчи мақсадлар ҳам таълим олувчи эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма, малака ва ҳулқ ҳақида умумий тасаввурни беради. У ҳам ўз навбатида пастки кўламда янада аниқлаштирилиши ва ойдинлаштирилиши лозим бўлади.

3) Аниқ мақсадлар. Аниқ мақсадлар энг кичик кўламдаги таълим жараёнига таълуқли бўлиб, унинг мазмуни ўз навбатида умумий мақсадлардан келиб чиқади. Масалан, бирор бир дарснинг мақсади, фанни бирор бўлимининг ўқув мақсади. Аниқ мақсадлар аниқ ифода этилганлиги туфайли таълим жараёнида муҳим ўрин тутди. Улар бирор бир мавзуга ёки бирор бир бўлимга оид дарс, амалий машғулоти бўйича ўлчаниши мумкин бўлган аниқ якуний бўлим, кўникма, малака ва ҳулқни ифода қилади. Шунинг учун уларни ифодалашда, мақсадлар билан бирга, уларга эришиш кўрсаткичларини, баҳолаш мезонларини ва бу натижаларга эришиш учун яратилиши лозим бўлган шарт-шароитлар (асбоб-ускуналар, материаллар ва бошқа зарурий воситалар) тавсифини бериш ҳам лозим бўлади. Аниқ мақсадлар одатда таълим муассасалари ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилади. Шунингдек, бу мақсадлар юқорида турган мутасадди таълим муассасалари, илмий-методик кенгашлар томонидан ишлаб чиқилиши ва амалиётга тадбиқ қилиниши мумкин.

3. Когнитив, психомоторик ва аффектив ўқув мақсадлари.

Аниқ ўқув мақсадлари моҳиятига кўра уч соҳага бўлинади:

- когнитив (назарий билимларни ўзлаштириш билан боғлиқ) ўқув мақсадлари соҳаси.
- психомоторик (амалий ҳатти-ҳаракатни ўзлаштириш билан боғлиқ) ўқув мақсадлари соҳаси.
- аффектив (ҳулқ, ўзини тутиш, атроф муҳитга ва тева рақ атрофдагиларга муносабатнинг шаклланиши ҳамда кадриятларни ўзлаштириш билан боғлиқ) ўқув мақсадлари соҳаси.

Когнитив ўқув мақсадлари соҳаси. Когнитив ўқув мақсадлари соҳаси-ўқув материаллари, маълумотлар, ахборотлар, турли далиллар, тушунчалар, тамойиллар ва усулларни билиш (яъни хотирада сақлаш ҳамда эслаш) уларни миёда қайта ишлаш орқали тушуниш, амалда қўллаш, таҳлил ва синтез қилиш, баҳолашни ўз ичига олади.



У билимларни ёдда сақлаш, яъни хотирани чиниқтириш, интеллектуал ақлий қобилиятларни ривожлантиришни кўзда тутати.

2. Психомоторик ўқув мақсадлари соҳаси. Бу ўқув мақсадлари соҳаси амалий иш жараёнлари орқали ҳосил қилинадиган кўникма ва малакаларни эгаллашни кўзда тутати. Бунда психика орқали бошқариладиган мускул ҳаракатлари (моторик ҳаракатлар) амалга ошади. Амалий фаолият олиб бориш, мисол учун, бирор асбобни ишлата олиш малакасига эга бўлиш психомоторик ўқув мақсадлари соҳасига таълуқлидир. Ушбу ўрганиш соҳаси инсон мияси томонидан бошқариладиган ҳаракатларни ифодалайди. Улар эса ўз навбатида моторик (мускул ҳаракати билан боғлиқ) кўникмаларни талаб этади. Психомоторик ҳаракатлар оддий, ўрта ва комплекс ҳаракатларга ажратилиши мумкин.

3. Аффектив ўқув мақсадлари соҳаси. Аффектив ўқув мақсадлари соҳаси, шахснинг уни ўраб турган атроф муҳитга нисбатан муносабати, бошқа кишилар билан ўзаро муомаласи, ҳуққи, жамоат жойларида ўзини тутиш каби умуминсоний қадриятларни ўзлаштириши билан боғлиқ бўлган кўникмаларни эгаллашни назарда тутати. Уни аниқлашда маслак, манфаат, муносабат, қадрият, интизом, дунёқараш,

хавфсизлик (хусусан, меҳнат хавфсизлиги) каби эмоционал ҳолатлардан келиб чиқади.

Хулоса қилиб айтганда, ихтиёрий таълим жараёнининг максади ҳар учала ўқув мақсадларидан иборат. Назарий дарсда кўпроқ когнитив соҳа, амалий таълимда эса кўпроқ психомоторик соҳа бўйича билимларни эгаллашга эътибор қаратиш лозим. Аффектив соҳага кўпинча унча эътибор берилмасдан келинар эди. Шахс камолотига янгича назар билан қаралаётган, катта эътибор берилаётган бугунги кунда бу соҳа янада катта аҳамият касб этиб бормокда.



Билимларни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Педагогик таксономия бўйича ўқув мақсадлари қандай тартибда белгиланади?
2. Йўналтирувчи мақсадлар қандай белгиланади?
3. Аниқ ўқув мақсадлари моҳиятига кўра неча соҳага бўлинади, қайсилар?
4. Коғнитив ўқув мақсадлари ўз ичига нималарни олади?
5. Психомоторик ва аффектив ўқув мақсадларига нималар қиради?



Таянч иборалар

Ўқув мақсадлари, аниқ мақсадлар, психомоторик ўқув мақсадлари, йўналтирувчи мақсадлар, когнитив ўқув мақсадлари, баҳолаш, умумий мақсадлар, аффектив ўқув мақсадлари, билиш.



Адабиётлар

1. Авлиёқулов Н.Х., Мусаева Н.Н. Педагогик технологиялар. Тошкент: Фан ва ва технология. 162 б.
2. Рашидов Х.Ф. ва бошқалар. «Касбий педагогика» блокини ўқитиш методикаси. Тошкент: ЎМКХТТКМО ва УҚТИ, 2007. 200 б.
3. Олимов Қ.Т. ва бошқалар. Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси. Ўқув қўлланма. Тошкент, «Фан» – 2009. 172 б.
4. Олимов Қ.Т. Замонавий таълим технологиялари. Монография. Тошкент – 2007. 87 б.
5. Селевко Г.К. Современные образовательные технологии.-М.: Народное образование, 1998. – 256 с.



АСОСИЙ МАЪЛУМОТЛАР

**Ўқув мақсадларининг белгилашнинг аҳамияти тўғрисида.**

Фаолиятга йўналтирилган ўқиш ва ўрганишни ташкил этиш учун албатта, ўқув мақсадларини фикрлашнинг турли хил даражаларида ифодаланиши лозим. Бу инсонни касбий вазиятларда маҳорат билан маъсулиятни ҳис қилган ҳолда ҳаракатланишга ва ўзининг ҳаракатланиш имкониятларини такомиллаштиришни доимо давом эттиришга қодир ҳамда тайёргарлигини билдиради. Касбий фаолият бир-бири билан ўзаро боғланган касбий шахсий ва ижтимоий компетенцияларни ўз ичига олади.

Касбий компетенцияни ривожлантиришга фақат интеграллаштирилган шаклдаги фаолиятга йўналтирилган таълим ёрдамида амалга оширилиши керак.

Ўқиш ва ўрганиш даражалари бўйича ўқув мақсадлари.

Талабалардан исталган вақтда ўқув материални хотирасида қайта ишлай олишини талаб қилади.

Талабалар томонидан ўрганилган қайта ишланган материални янгидан тартибга солиниши керак.

Трансфера деганда маълум мавзунинг асосий қонуниятлари ва тамойилларини амалда қўллаш ёки янги мавзуни ўрганишда фойдаланиш, шунингдек ўрганилган билимларни тарқатиш (бошқаларга узатиш) олиш маҳорати тушунилади.

Муаммоли фикрлаш – бу энг юқори ўқув даражаси бўлиб ўзида талабаларнинг янги ютуқларини ўзлаштиришни намоиш этади.

Ўқув мақсадларини ифодалаш шахс хусусиятларини юзага чиқиши ва қўтиладиган таълим натижаси ҳақида тасаввур бўлиши керак.

 **Ўқув мақсадларини белгилашда қўйидаги таксономия** (Блум бўйича) феълларидан фойдаланиш тавсия этилади.

№	Ўқув мақсадлари	Феъллар	
1	Билиш	Қайтариб айтиш Қайд қилиш Хабар бериш Номламоқ, атамоқ Ёзмоқ	Ифодалаш Фарқлаш Таниб олиш Айтиб бериш Такрорлаш
2	Тушуниш	Далиллар келтирмоқ Алмаштирмоқ Аниқламоқ, белгиламоқ Тушунтирмоқ	Ўтказиш, айлантириш Ўзгартириб бериш Сурат билан кўрсатиш Изоҳ бериш, очиб ташлаш
3	Қўллаш	Тадбиқ этиш Ҳисоблаб чиқариш Намойиш этиш Фойдаланиш, ўргатиш	Аниқлаш Бажариш Ҳисоблаш Амалга ошириш, ечиш
4	Анализ	Келтириб чиқариш Ажратиб кўрсатиш Дифференциялаш Таснифлаш Таклиф этиш	Олдиндан айтиш Қисмларга ажратиш Таксимлаш Текшириш Гуруҳлаш
5	Синтез	Кашф этиш Умумийлаштириш Режалаштириш Ишлаб чиқиш	Тизимга солиш Қўшмоқ, уламоқ Тузиш Лойиҳалаш
6	Баҳолаш	Диагностикалаш Исботлаш Асослаш Ўлчаш Маъқуллаш	Баҳолаш, текшириш Назорат қилиш, Таққослаш, Солиштириш, Қиёслаш

Когнитив ўқув мақсадлари Блум таксономияси бўйича қуйидаги даражаларга бўлинади.

«**Билиш**» даражаси когнитив соҳанинг энг қуйи босқичи бўлиб, у тушунчалар, далиллар ва тамойилларни эслаш демакдир. Бу босқичда шахс ўзлаштирган билимларини хотирада сақлаши ҳамда эслаши, уларни номлаши ва айтиб бера олиши керак.

«**Тушуниш**» босқичида ўзлаштирилган билимлар моҳияти ойдинлаштирилади ва англаб етилади.

«Кўллаш» босқичида шахснинг ўзлаштирган назарий билимлар турли шаклларда қўлланилади.

«Таҳлил» босқичи шахсга ўзлаштирилган билимларни таҳлил қилиш имконини беради.

«Синтез» босқичи шахсга ўзлаштирилган билимларни ўзаро бир-бирига боғлаш ва умумий алоқадорликларни аниқлаш имконини беради.

«Баҳолаш» даражаси энг юқори босқич ҳисобланади. Бу босқич олинган билимлар асосида маълум кадриятларга таълуқли ҳолатларни баҳолаш, қарор қабул қилиш, муаммоларни ҳал қилиш ва баҳолаш мезонларини яратиш кўникмаларини ўзлаштиришни назарда тутди.

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳар бир даража ўзидан олдинги даражадаги билимларни ўзлаштиришни такозо қилади.

Ўқув мақсадларни ифодалашга қуйидаги Бройер (BRAUER), Шмидт (SCHMIDT) таксономияларидан фойдаланиш ҳам тавсия этилади.

Ўқув мақсадлари даражаларининг тавсифи	Тушунчалар
Билим соҳаси билан дастлабки танишув.	Танишиш
Фаннинг асосий мазмуни ва фаолият усулларини билиш.	Билим
Билимларни таққослаш, методлар ва усулларни солиштириш	Солиштириш, таққослаш
Фаолият усулларини тўлиқ эгаллаш.	Эгаллаш
Эгалланган билимлар ва фаолият усулларини амалда қўллаш оладилар.	Қўллаш
Мазмунни, олинган натижаларини таҳлил қилиш, баҳолаш ва зарур ҳолларда ўзгартириш.	Баҳолаш
Эгалланган билим, кўникмалар асосида фаолиятни мустақил режалаштириш, амалга ошириш ва назорат қилиш.	Амалга ошириш



Қуйида битта мавзу бўйича намуна келтирилган.

I. Мавзу: Фотосинтез

Таълим соҳаси: Ўсимликлар ва уларни қўллаш. Ўсимликларнинг ривожланишида ҳаёт фаолияти жараёнлари.

Ўқув машғулотининг давомийлиги 90 дан 135 минутгача

Умумий мақсадлар:

Таълим олувчилар фотосинтезнинг аҳамиятини, фотосинтез жараёнини тавсифлаб бера оладилар.

Аниқ ўқув мақсадлари:

- таълим олувчилар «фотосинтез» тушунчасини тушунтириб бера оладилар;
- таълим олувчилар фотосинтез қонунини айтиб берадилар ва таъсир этувчи омилларнинг ўзаро боғлиқлигини тушунтириб берадилар;
- таълим олувчилар ёруғликдаги ҳамда қоронғуликдаги реакциялар орасидаги фарқни тавсифлай оладилар;
- таълим олувчилар боғдорчиликдаги фотосинтезга таъсир қилувчи кўрсаткичлари, тўғрисидаги зарурий билимларни амалда қўлай оладилар.

II. Мавзу: Тритикале етиштириш

Таълим соҳаси: Ўсимликшунослик

Ўқитиладиган бўлим: Бугдой

Ўқув машғулотнинг давомийлиги: 90 минут

Умумий мақсадлар:

Таълим олувчилар тритикале етиштиришнинг аҳамияти ва хусусиятларини ҳақида билимларни эгаллайдилар.

Аниқ ўқув мақсадлари:

- таълим олувчилар тритикале бугдой ва арпанинг чатишмаси эканлиги ҳақида маълумотга эга бўладилар;
- таълим олувчиларга тритикале бошқа донли экинларга нисбатан энг юқори хом тўқима таркибига эгаллиги ва шу билан бирга муҳим озик моддаси бўлиб ҳисобланишини билиб оладилар;
- таълим олувчилар тритикале экин материалининг кўпайиши ҳақида билимларга эга бўладилар;
- таълим олувчилар ерга ишлов беришни тушунтира оладилар ва тритикалени экиш муддатларини аниқлай оладилар.

III. Мавзу: Микробиологик лабораториянинг тузилмаси, уни жиҳозлаш.

Ўқитиладиган бўлим: Хужайрали компонентлар ва микроорганизмларни тадқиқ қилиш.

Ўқув машғулотининг давомийлиги: 90 минут

Умумий мақсадлар:

Таълим олувчилар экологик қулай ва долзарб лаборатория усуллариغا риоя қилган ҳолда микробиологик лабораторияда ишлашни ўрганадилар.

Аниқ ўқув мақсадлари:

- таълим олувчилар микробиологик лабораториянинг тузилмасини билиб оладилар;
- таълим олувчилар ўзларига топширилган мактаб лабораторияси билан танишадилар;

- таълим олувчилар лабораторияда ишлашда техника хавфсизлиги қоидаларини билган ҳолда уларга риоя қилган ҳолда ишлайдилар;
- таълим олувчилар лаборатория жиҳозларидан фойдаланиб, пластиналарини тайёрлашни ўрганадилар.



Мазмунни танлаш ва ихчамлаштириш

Ўқув машғулотини режалаштириш ва тайёрлаш бўйича асосий вазифа бўлиб, ўқув мазмунини танлаш, тартибга солиш ва танлаш, ҳамда уни ўқитувчи томонидан дидактик асослаш ҳисобланади. Бунда махсус дидактиканинг касбий, илмий, педагогик ва таълимий жиҳатлари ўзаро мувофиқлаштирилади. Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш технологияси учун таълим дастурларининг таркибларини аниқлаш учун ҳал қилувчи омиллар бўлиб етакчи мутахассисларнинг бўлажак фаолиятларига қуйидаги талаблар ҳисобланади. Мавзулар мазмунини қуйидаги тамойиллар асосида танлаб олинади:

- илмийлик;
- қулайлик тамойили;
- назария ва амалиётни ўзаро боғлиқлиги тамойили;
- ўқув мақсадларига йўналтириш тамойили;
- режалаштириш тамойили;
- мустақил ишлашга йўналтирилганлик тамойили;
- кўргазмалилик тамойили;
- бир ўқув майдони доирасидан чиқмасликни назорат қилиш тамойилч.



Билимларни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Педагогик таксономия бўйича ўқув мақсадлари қандай тартибда белгиланади?
2. Умумий ўқув мақсадлари қандай белгиланади?
3. Аниқ ўқув мақсадлари моҳиятига кўра неча соҳага бўлинади, қайсилар?
4. Ўқув мақсадларини белгилашда қайси таксономиядан фойдаланиш тавсия этилади?
5. Билиш, тушуниш ва қўллашнинг феълларини тушунтиринг?



Таянч иборалар

Ўқув мақсадлари, аниқ мақсадлар, ўқув мақсадлари феъллари, умумий мақсадлар, когнитив ўқув мақсадлари, баҳолаш, умумий

мақсадлар, аффе́ктив ўқув мақсадлари, билиш, тушуниш, қўллаш, анализ, синтез, баҳолаш, ўқув машғулотли.



Адабиётлар

1. PETERBEN, Wilhelm H.: Kleines Methoden-Lexikon, 2001 (S. 58-60)/ Петерсен, Вильгельм Х.: Малый методический лексикон, 2001 (стр. 58-60).
2. STANKEWITZ, Winfried: Szenisches Spiel als Lernsituation, 1977/Станкевитц, Винфрид: Сценическая игра как учебная ситуация, 1977.
3. THURN, Bernhard: Mit Kindern szenisch spielen, 1992/Турн, Бернхард: Сценически играть с детьми 1992.
4. Имеется большое количество публикаций о (сценической) игре и о ее дидактике (прежде всего о ролевой игре), например: ERTMER, Cornelia: Szenisches Spiel in der Schule, 1999/Эртмер, Корнелия: Сценическая игра в школе, 1999.
5. GAUDENZ, Helga: Die Haltung verlieren – Handlungsmöglichkeiten gewinnen - Szenisches Spiel, 1991/ Гауденц, Хельга: Потерять самообладание – приобрести возможности действия – Сценическая игра, 1991.
6. GOFFMAN, Erving: Interaktionsrituale, 1971/ Гофман, Эрвинг: Интерактивные ритуалы, 1971.
7. REINERT, Gerd-Bodo: Das darstellende Spiel in der Schule: Fakten, Berichte, Erfahrungen und Anregungen aus der Primar- und Orientierungsstufe, 1976/ Райнерт, Герд-Бодо: актерское мастерство в школе: Факты, отчеты, опыт и инициативы начальной ступени общего образования (1-4 классы общеобразовательной школы) и уровня 5-6 классов, 1976.
8. REISS, Joachim u. a.: Handreichungen zum Darstellenden Spiel. In: Kulturelle Praxis Heft 1. Hessisches Institut für Bildungsplanung und Schulentwicklung, 1994 (Bezug: Hessisches Landesinstitut für Pädagogik, Zentralstelle Publikationsmanagement, W.-Hallstein-Str. 3, 65197 Wiesbaden, Tel.: 0611/ 88030, Fax 0611/ 8803340)/ SCHELLER, Ingo: Szenisches Spiel. Handbuch für die pädagogische Praxis, 1998/ Шеллер, Инго: Сценическая игра. Руководство по педагогической практике, 1998.
9. WELSCHER-FORCHE, Ursula: Lernen fördern mit Elementen des szenischen Spiels, 1999/ Вельшер-Форше, Урсула: Содействовать обучению/учебе, используя элементы сценической игры, 1999.

Ўқув мақсади

Талабаларда муаммоли ўқитиш технологияси ҳақида тушунчаларни, унинг моҳияти ва мазмуни бўйича билимларни шакллантириш

**АСОСИЙ МАЪЛУМОТЛАР**

Замонавий таълим - юксак малакали мутахассисларни бозор иқтисодиёти талабларини инобатга олиб тайёрлашни, талабаларнинг танлаган ихтисосликлари бўйича билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришни, мустақил равишда амалий фаолиятга ўргатишни таъминлаш керак.

Шунинг учун ҳам тадқиқотчилар ва илғор ўқитувчилар талабаларда ўқув фаолиятига ижодий ёндашишни ривожлантириш йўллари, технологиялари ва усуллари кидириб топмоқдалар. Бу изланишлар жамиятни тарбиялашнинг янги тузилмасини яратишдан иборат умумий жараёнинг давоми ва ривожидир. Бугунги кунда таълим жараёнида ижобий самара бераётган илғор педагогик технологиялардан бири муаммоли ўқитишдир.

Муаммоли ўқитиш, таълим беришнинг энг самарали усулларида бўлиб, у асосан илмий билимлар асосида муаммоли вазиятлар мантиқини намоёниш этади. Муаммоли вазиятлар киритилиб, анъанавий баён этиш ўқув материалнинг энг оптимал таркиби ҳисобланади.

Муаммоли таълим – бу ўқитувчининг талабаларни кетма-кет муаммоли вазиятлар тизимини олдиндан ўйлаб қўйилган яратиш йўли билан муаммоли ўргатиш шартларини таъминлаш ва уларни талабалар томонидан ечиш жараёнини бошқариш бўйича фаолиятидир.

Муаммоли ўрганиш – таълим олувчиларнинг билимлар ва муаммоли вазиятни таҳлил қилиш, муаммони ифодалаш ҳамда уларни ечиш фаолият усуллари – тахминларни ўртага ташлаш, асослаш ва фаразни исботлаш орқали ўзлаштириши бўйича ижодий ўқув фаолиятини махсус тузилишидир.

Муаммоли ўқитиш деганда ўқитувчи раҳбарлигида муаммоли вазиятларни қўйиш ва уларни ечиш бўйича талабаларни фаол мустақил фаолиятини кўзда тутадиган ва натижада ижодий равишда касбий (ёки предмет) билим, кўникма ва малака (БКМ)лари ижодий эгалланган ҳамда ижодий қобилиятларини ривожлантирадиган ўқув машғулотларини ташкил этиш тушунилади.

Муаммоли технологиянинг мақсади таълим оловчиларга билим, кўникма ва малакаларни эгаллатиш, улар томонидан мустақил фаолият усуллари ўзлаштириш, уларнинг билиш ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришдан иборат.

Т.В.Кудрявцев муаммоли ўқитиш моҳиятини қуйидагида кўради: муаммоли ўқитиш талабалар олдида муаммоли вазиятларни яратишда, талабаларнинг мустақиллигида ва ўқитувчининг умумий раҳбарлиги остида, мактаб ўқувчиларининг ўқитувчи билан биргаликда фаолияти боришида бу вазиятларни англаш, қабул қилиш ва ҳал қилишда хулосаланади. Бирок, бундай аниқлаш муаммоли ўқитишни тушунишнинг бутун ҳажмини акс эттирмайди. Бундан ташқари, баъзан ўқитишнинг тадқиқот усуллари гуруҳи ҳам муаммоли ўқитиш деб юритилади. Эҳтимол, бу ерда «муаммоли» сўзини тадқиқот маъносида тушуниш таъсир кўрсатади.

Ўқитувчиси томонидан қўйилган муаммони ҳал этиш жараёнида талаба маълумотларни қайта ишлабгина қолмайди, балки уларни ўзлаштиради ва ўзи учун янги билимларни кашф этади. Муаммоли ўқитишнинг асосий моҳияти ҳамда афзаллиги шундаки, ўқитувчи таълим усуллари (муаммоли саволлар қўйиш, гипотезаларни илгари суриш ва уларни тасдиқлаш ёки рад этиш, талабаларга «ёрдам сўраб» мурожаат этиш ва бошқалар) орқали уларни ижодий фикрлашга ҳамда мунозарага чорлайди.

Муаммоли методлар – фандан муаммоли вазиятлар яратишга, талабаларнинг махсус фанлардан билимларини фаоллаштиришни талаб этадиган, мураккаб масалаларни излаш ва ечишга, таҳлилга, алоҳида фактлар ортида ҳодиса ва қонунларни кўра олишларига асосланган методлардир.

Ҳозирги замон психологияси ва дидактикаси шунга асосланадики, фикр юритиш жараёнининг бошланғич моменти, одатда, муаммоли вазият бўлади. Инсонда бирор нарсани тушунишга талаб пайдо бўлганидагина у фикр юрита бошлайди.

Муаммоли вазият – муайян қийинчилик сабаб юзага келган ҳолат бўлиб, уни бартараф этиш йўли топилиши керак. Вазифа енгил ҳал этиладиган ёки аксинча ҳал этилиши мумкин бўлмаган пайтда муаммоли вазият вужудга келмайди.

Муаммоли ўқитиш жараёнида ўқитувчи аввало муаммоли вазият яратди, саволлар қўяди, масалаларни, экспериментал топшириқларни таклиф қилади, муаммоли вазиятни ечишга қаратилган муҳокамани уюштиради, хулосаларининг тўғрилигини тасдиқлайди. Талабалар олдинги билим ва тажрибаларига асосланиб муаммоли вазиятни ҳал қилиш йўллари тўғрисида ўйлайдилар ҳамда таклифлар киритадилар. Олдин олган билимларини умумлаштириб, ҳодисаларнинг сабабларини

аниклаган ҳолда, уларнинг келиб чиқишини тушунтиради, муаммоли вазиятни ечишнинг энг оқилона вариантыни танлайдилар. Бу метод таълим олувчиларнинг билим кизиқишини оширибгина қолмай, уларда фикрлаш қобилиятини ҳам ривожлантиради.

Муаммоли вазиятни ўрганиш мавзуга оид материални таҳлил қилишда талаба шу вазиятга ўзи киришиши, уни тушуниши, баҳолай олиши керак. Ушбу ҳолатда у қандай муаммо борлиги ва қўйилаётган муаммонинг моҳияти нимада эканини аниқлаши лозим, муаммони ҳал этишдаги ўзининг роли ва бунда ўзини қандай тутиши кераклигини белгилаши керак. Муаммоли вазиятлар методи тайёрлов, танишув, таҳлил ва якуний қарор қабул қилиш босқичларига бўлинади. Тайёрлов босқичида ўқитувчи мақсадни белгилаб, керакли вазиятни режасини ишлаб чиқади, яъни:

- а) бериладиган мисол назарий курсни мантиқан давом эттириши ва талабаларнинг келгусидаги касбий эҳтиёжларига мувофиқ бўлиши керак;
- б) қўйилаётган муаммо мураккаблиги таълим олувчиларнинг имкониятлари даражасида бўлишини ҳисобга олиш керак, яъни талаба бир томондан вазифани бажара олсин, иккинчи томондан уни бажариш иштиёқи ҳамда муваффақият ҳисси пайдо бўлсин;
- в) талабаларга муаммо устида ишлаш бўйича йўл-йўриқлар берилиши керак. Танишув босқичида талабалар муаммони реал, яъни жонли муҳокама қилишга жалб этилади. Ўқитувчи таълим олувчиларнинг маълум соҳадаги билим, кўникмаларини ҳисобга олган ҳолда бажариладиган, ишнинг умумий изохини белгилайди. Индивидуал равишда ёки бутун гуруҳни қўйилаётган муаммонинг мазмуни билан таништиради. Таҳлил ва якуний қарор қабул қилиш босқичида муаммоли вазиятни таҳлил этиш гуруҳий иш бўлгани учун муаммо очик баҳс-мунозара шаклида ҳал этилгани маъқул. Муҳими, талабалардаги фаолликни ривожлантириш ва муаммони ҳал этиш бўйича бошқалар киритган таклифга ҳолис баҳо бериш. Бу эса ишлаб чиқаришда юзага келадиган вазиятларни таҳлил этиш кўникмасининг такомиллашувига ва мустақил равишда қарор қабул қила олиш қобилиятини ривожлантиришга имкон яратади. Барча таҳлиллардан сўнг якуний хулоса чиқарадилар.

Мақсадга йўналтирилган муаммоли вазиятларни яратишда қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

1. Муаммоли вазият таълим олувчиларнинг ишлаб чиқариш фаолиятига асосланган бўлиши керак.
2. Муаммоли топириқ талаба ўзлаштирган билим, кўникма ва малакалар даражасига мос бўлиши лозим.

3. Муаммоли вазият янги мавзуни тушунтиришдан олдин қўйилиши керак. Агар мос муаммоли вазиятни ҳал этишга талабалар малакаси етарли бўлмаса, уларга айрим амалларни бажаришдаги иш усулларини кўрсатиш, зарур бўлган билимларни эслатиш лозим.
4. Билим, кўникма ва малакалар такомиллашув жараёни бевосита ўқитувчи-педагогнинг раҳбарлиги остида муаммоли вазиятларни ҳал этиш йўли билан амалга оширилади. Муаммоли вазият яратиш билан бирга, хулоса чиқаришларига ёрдам берадиган йўлловчи саволлар бериб боришни ҳам назарда тутиш лозим.

Муаммоли ўқитиш жараёнини қуриш учун мос равишдаги муаммоли вазиятларни олдиндан кўзда тутилган ва тизимли яратиш талаб қилинади. Қуйида келтирилганлар махсус фанларни ўқитиш амалиёти учун характерли ҳисобланади.

Биринчи тоифа. Муаммоли вазият кўпинча талаба янги амалий шароитларда олдин ўзлаштирган билимдан фойдаланиш зарурияти билан дуч келганда ҳосил бўлади. Бунда таълим олувчилар амалий топшириқларни ечиш учун билим, кўникма ва малакаларнинг етарлича эмаслиги далили билан тез-тез дуч келади. Бу далилни англаш талабаларда онгли кизиқишни уйғотади ҳамда янги билимларни излашга ундайди.

Иккинчи тоифа. Топшириқни ечишнинг назарий мумкин бўлган йўли ва танланган усулнинг амалий жиҳатдан амалга оширилмаслиги орасида қарама-қаршилик бўлган ҳолда муаммоли вазият осон юзага келади.

Учинчи тоифа. Ўқув топшириғини бажариш натижаларига амалий жиҳатдан эришиш ва талабаларда уни назарий асослаш учун билимларнинг йўқлиги орасида қарама-қаршилик бўлганда муаммоли вазият юзага келади.

Тўртинчи тоифани энг кўп тарқалган деб ҳисоблаш мумкин. Агар талабалар қўйилган масаланинг ечиш усулини билмаса, яъни талабалар томонидан янги далилни тушунтириш учун олдинги билимларининг етарли эмаслиги тан олинган ҳолда муаммоли вазият юзага келади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, муаммоли вазият ўқув-ишлаб чиқариш жараёнида талабаларда касбга бўлган кизиқишларни шакллантириш ва ривожлантиришнинг энг муҳим омили бўлади.

Ўқув материални муаммоли баён қилиш услубини қўллаш, амалий муаммоли-қидирув ишларини бажариш, ҳатто тадқиқот кўринишидаги амалларни олиб бориш тўғрисида сўз юритиш мумкин.

Ўқув материални муаммоли услуб ёрдамида ўтиш муаммоли тузилган маъруза услуби орқали билим баёни давомида мулоҳаза юритиш, исботлаш, умумлаштириш, далилларни таҳлил қилиш, талаба

фикрини ўз ортидан эргаштириш, уни фаолроқ бўлишига ундаш каби усуллардан фойдаланишни кўзда тутди.

Муаммоли баён - таълим олувчиларни муаммоли ўқитишга ўзига хос тайёрлашдан иборатдир. Бу шундай ўқитишки, унда талабалар олдида билим олиш соҳасига доир вазифалар қўйилади ҳамда улар бу вазифаларни ҳал этиш йўлларини мустақил равишда ёки ўқитувчи ёрдамида излайдилар. Ўқув материални муаммоли баён қилиш шундай тузиладик, бунда ўқитувчининг ўзи муаммо қўяди, ўзи уни ҳал этади, талабаларга муаммони ҳал этиш намунасини кўрсатади. У талабалар тафаккурини турли усуллар билан фаоллаштиради, талабалар ҳам муаммонинг қандай ҳал этилишини кузатиб борадилар. Ўқитувчи талабани муаммони ҳал этишнинг иштирокчисига айлантиради. Бунда ўқитувчи фикр юритишни фаоллаштиришнинг тажрибалар ўтказиш, диафильмлар ва кинофильмлар, виртуал лавҳаларни намойиш қилиш, масалалар қўйиш ҳамда таълим олувчиларнинг тажриба бошланишидан олдин турли тахминларни айтишлари сингари воситалардан фойдаланади. Шу тарзда талабаларнинг тажрибага жиддий эътиборини қаратишга, уларни фикр юритиш фаолиятига, тажриба маълумотларини умумлаштиришга, хулосаларни таърифлашга жалб этишга эришилади.

Аммо талабалар ўқитувчи муаммони ҳал этиш сари қандай йўл билан бораётганлигини фақат кузатиб турсалар, илмий фикр юритиш методини эгаллаш олмайдилар. Талабаларнинг ўзларини изланиш фаолиятига аста-секин жалб этиш ана шу мақсадга хизмат қилади.

Муаммоли таълимда қисман изланма ва эвристик қидирув методларини қўллаш мумкин. Бунда ўқитувчи таълим олувчилар олдида қатор изчил ва ўзаро узвий боғлиқ бўлган саволлар мажмуини қўяди. Талабалар уларга жавоб берганда қандайдир шаклларни айтадилар. Айтганлари тўғрилигини мустақил исботлашга ҳаракат қиладилар. Шу билан бирга янги билимларни ўзлаштиришда мустақил равишда олдинга сиқжишни амалга оширадилар. Агар эвристик суҳбатда бундай тахминлар янги мавзунинг фақатгина бирор қисмига алоқадор бўлса, муаммоли – қидирув суҳбатда талабалар муаммоли вазиятнинг бутун бир тизимини ечадилар. Таълимнинг муаммоли – қидирув услубларида кўргазмали қўлланмалар эса саклашни фаоллаштириш мақсадида эмас, балки дарсда муаммоли вазиятни яратадиган экспериментал масалаларни қўйиш учун ишлатилади. Бу усулда талабаларга мустақил фикрлашининг устувор сабабларини аниқлаш осон қўчади.

Муаммоли – қидирув услублари кўпроқ ижодий билим фаолияти кўникмаларини ривожлантириш мақсадида қўлланилади. Улар талабаларнинг билимни чуқур англашига, мустақил эгаллашига ёрдам беради. Бу услублар, айниқса, қуйидаги ҳолларда самарали

қўлланилади: ўқув жараёнида тушунча, қонун ва назария кабиларни шакллантириш кўзда тутилганда, далилий ахборотни маълум қилиш, меҳнат фаолиятида лаборатория - экспериментал ўқув ва кўникмаларини ҳосил қилишда, ўқув материалнинг мазмуни принципал жиҳатдан янги бўлмасдан, илгари ўрганилганининг мантикий давоми бўлса, унинг асосида талабалар янги билимни қидириш учун мустақил қадам ташласа, мазмун ҳодисадаги сабаб, оқибат ва бошқаларга олиб келса, қидирув услублари ўқитувчилар, талабаларни муаммоли вазиятни ечиш фаолиятига тайёрлаган ҳолларида қўлланилади. Шу нуқтаи назардан бу услуб ўзини тадқиқот ишига бағишлаган ёшларга билим беришда асқотади.

Қисман изланма метод талабаларни изланишнинг турли босқичларида тадқиқот фаолиятига жалб қилишни, муаммоларни топиш, гипотезани таърифлаш, исбот усуллари топиш, хулосаларни таърифлашга жалб қилишни тақозо этади.

Таълим олувчиларни изланиш фаолиятига жалб қилишнинг яна бир усули умумий вазифани бир катор кичик вазифаларга бўлиш ва уларнинг айримларини талабалар ҳал этишидир.

Қисман – изланма метод – муаммоли баёндан муаммоли ўқишга, вазифаларни мустақил қўйишга ва уларни мустақил ҳал этишга ўтишнинг ўзига ҳос қўлигидир.

Ўтказилган тажрибалар муаммоли ўқитишнинг катта самара келтиришини кўрсатди. Аммо шуни назарда тутиш керакки, муаммоли ўқитиш таълим жараёнига аста-секин, талабаларни муаммоли баён қилиш жараёнида ва қисман-изланма фаолиятидан фойдаланиш жараёнида тайёрлаш йўли билан киритилиши керак. Бутун ўқув материални муаммоли йўл билан ўрганиш мумкин, деб ўйлаш ярамайди. Ўқув материалнинг кўп қисми ўқитувчининг оддий баёни ёрдамида, талабаларнинг дарслик ва бошқа маълум усуллар орқали материални мустақил ўрганиши ёрдамида ҳам ўрганиб келинди ҳамда ўрганилади.

Муаммоли ўқитишда ўқитувчи аниқ ўқув мақсадларига йўналтирилган саволлар ва топшириқлар ишлаб чиқади. У муаммоли саволларни ҳал этишда ёки топшириқларни бажаришда талабаларнинг аниқ мақсадга йўналтирилган ҳаракатига туртки беради ва жараёни назорат қилади. Талаба эса ўз таълимнинг фаол қатнашчиси бўлиб қолади. Муаммоли ўқитишнинг моҳияти шундаки, талабалар ўзлари муаммони мустақил ечишлари керак. Демак, ўқув материаллари ва топшириқлар тизими шундай тузилиши керакки, улар асосан мустақил фикр юритишга ҳамда ўрганишга қаратилиши лозим.

Муаммоли ўқитишнинг афзалликлари, ижобий ва яхши томонлари билан бир қаторда, унинг камчиликлари ҳам мавжуд. Унинг камчиликлари қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ҳар қандай ўқув материалларини (масалан, рақамли ва миқдорий маълумотлар, далиллар, саналар) ҳам муаммоли вазиятни юзага келтирувчи қилиб бўлмайди;
- ўқув муаммосини ҳар доим ҳам ифодалаш мумкин эмас;
- муаммоли ўқитиш кўникмаларга ишлов бериш ва уларни малака даражасига ўтказиш имкониятига эга эмас;
- талабалар билиши жуда осон бўлган ва жуда қийин бўлган масалалар муаммоли вазиятни яратмайди;
- муаммоли ўқитишда иқтисод қилиш кам ҳамда катта вақт сарф қилишни талаб этади.

Муаммоли ўқитишдан фойдаланиш шартлари. Муаммоли ўқитишдан:

- ўқув материалларининг мазмуни сабаб-оқибатли алоқа ва боғланишга эга бўлиб, тушунча, қонун ҳамда назарияни шакллантиришга қаратилган;
- таълим олувчилар мавзуни муаммоли ўрганишга тайёр;
- таълим олувчилар фанлардан мустақил фикрлашни ривожлантиришга, тадқиқот кўникмаларини шакллантиришга, ишга ижодий ёндашишга қаратилган масалалар ечаётган;
- ўқитувчида предмет мавзусини муаммоли ўрганишга вақти бор;
- ўқитувчи мос ўқитиш методларини яхши эгаллаган бўлсагина фойдаланиш мақсадга мувофиқ.



Билимларни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Замонавий таълим қандай бўлиши керак?
2. Муаммоли ўқитиш деганда нимани тушунасиз?
3. Муаммоли таълим ва муаммоли ўрганиш нима?
4. Муаммоли технологиянинг мақсадларини айтинг.
5. Тайёрлов босқичида ўқитувчи мақсадни белгилаб, қандай керакли вазият режасини ишлаб чиқади?
6. Муаммоли вазиятни яратишда нималарга эътибор бериш керак?
7. Муаммоли ўқитишнинг камчиликларига нималар қиради?



Таянч иборалар

Муаммоли таълим, муаммоли – қидирув методи, муаммоли вазият, муаммоли баён, муаммоли семинар (амалий машғулот), муаммоли

маъруза, қисман изланма метод, муаммоли таҳлил босқичлари, муаммоли вазият, топширик.



Адабиётлар

1. Олимов Қ.Т. Заонавий таълим технологиялари. Монография. Тошкент – 2007. 87 б.
2. Зиёмухаммадов Б., Абдуллаева Ш., «Илғор педагогик технологиялари». Т.: Абу Али Ибн Сино, 2001. – 80 б.
3. Узокова Л.П. «Касб-хунар коллежларида махсус фанларни муаммоли ўқитиш технологияси («Тикувчилик ишлаб чиқариш» йўналишининг «Тикувчилик корхоналари жиҳозлари» фани мисолида) Пед.фан.номз.Диссертация. Тошкент, 2009. 154 б.
4. Кудрявцев Т. В. Проблемное обучение истоки, сущность,перспективы.Серия «Педагогика и психология» // Знание.- Москва, 1991. - №4. - 89 с.
5. Кудрявцев Т. В. Проблемное обучение: понятие и содержание // Вестник высшей школы.-Москва, 1984.- №4.– С.24-32.
6. Никандров Н.Д. Проблемное обучение // Воспитание школьников.- Москва, 1983.-№12.-С. 13-14.
7. Ишмухамедов Р., Абдукодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. Тошкент. 2008. 181 б.
8. Педагогика: педагогические теории, систему технологии . Под. ред. Смирнова, М.:Издательский центр «Академия»,1999-544 с.
9. Селевко Г.К. Современные образовательные технологии.-М.: Народное образование, 1998. – 256 с.

Ўқув мақсади

Талабаларда муаммоли маърузаларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича билимларни шакллантириш

**АСОСИЙ МАЪЛУМОТЛАР**

Таълим жараёнида муаммоли характердаги машғулотларни жорий этиш орқали талабаларнинг изланувчанлик фаолиятини ривожлантириш ҳамда куйидаги тўртта асосий мақсадга эришиш таъминланади:

1. Талабалар томонидан фан бўйича асосий билимларнинг тўлиқ ўзлаштирилишига эришиш;
2. Назарий тафаккурнинг ривожлантирилиши;
3. Фан мазмунига қизиқишнинг шакллантирилиши;
4. Бўлажак мутахассис касбий мотивациясининг ошиши.

Муаммоли маъруза шаклидаги машғулотларда ўқув мақсадларига эришиш муваффақияти ўқитувчи ва талабаларнинг ҳамкорликдаги фаолияти билан таъминланади.

Ўқитувчининг асосий вазифаси маълумотни узатиш эмас, балки талабаларни илмий билимларини ривожлантиришдаги объектив зиддиятлар ва уларни ҳал этиш усулларини ўргатишдан иборатдир. Бу йўл талабалар илмий-изланувчанлик тафаккури услубини шакллантиради, уларнинг билим олиш фаоллигини рағбатлантиради. Ўқитувчи билан ҳамкорликда талабалар ўзлари учун янги билимларни очадилар, фанлар назарий асосларини эгаллайдилар.

Муаммоли маърузани ўқитувчи шундай тузадики, талаба онгида ўқув материалида берилган унга нотаниш билим ҳақида куйидаги саволлар туғилсин: «Уни билиб олиш учун нима қилиш керак? Ушбу муаммо ечими таъминли қандай?» Айнан шу туфайли ўқув материали ўқув муаммоси шаклида берилади. Бу саволлар замирида маълум зиддиятларни қайд этувчи ва бу зиддиятни аниқловчи билан яқунланувчи таълимий масала мантиқий шакли ётади. Зиддиятни ҳал этувчи саволга жавоб номаълум бўлиб, уни аниқлашда талаба интеллектуал қийинчилик каби ҳис этади. Ўқув муаммоси бошланғич муаммоларида зиддиятларни аниқлашдан кейин муаммоли вазият пайдо бўлади. Ўқитувчи талабани муаммо фаол ечими жараёнига жалб этгандагина талабанинг мустақил ижодий фаолияти рағбатлантирилади. Ўқитувчи ёрдамчи (маълумотли, муаммоли) саволларни қўяди, улар

муҳокамасида талабаларнинг фаол иштирокини таъминлайди. Мунозара бошланишини рағбатлантиради, ҳаммани биргаликдаги фикрлаш ишига жалб этади ва фанда акс эттирилган маълум ечим йўллари кўрсатиб муаммо ечимига қараб изчил олиб келади.

Талабаларнинг муаммо ечими жараёнида катнашуви даражасига кўра таълимнинг турли даражада муаммоли ташкил этилиши фаркланади. Биринчи даража ўқитувчининг шундай фаолиятини кўзда тутдики, бунда ўқув материални баён этишда у ўзи муаммони тўлиқ ёритади ва унинг ечими йўлини очиб беради ҳамда талабаларни қарши саволлар ёрдамида бирга фикрлашга жалб этади. Муаммоли таълимнинг иккинчи даражаси ўқитувчи томонидан муаммони қўйилиши ва ифодалаб қўйилишига йўл очади, кейин талабаларни унинг ечими йўллари мустақил излашга йўналтиради. Учинчи даража муаммони ифодаламай ўқитувчи томонидан муаммоли вазиятнинг яратилиши ҳамда талабаларнинг кейинги мустақил фаолиятини кўзда тутди. Муаммоли ўқишни ташкил этишнинг тўртинчи даражасида ўқитувчи изланиш соҳасини белгилайди холос, муаммога «яқинлаштиради», лекин уни кўрсатмайди ва талабаларни мустақил изланишга йўналтиради.

Олий таълимнинг анъанавий тузилиши доирасида муаммоли таълимнинг барча шакллари амалга ошириш учун уни аудиторияли ва аудиториядан ташқари таълимнинг муайян шаклларига мослаштириш зарурати келиб чиқади. Масалан, учинчи даражали муаммоли таълимни амалга ошириш учун талабалардан катта назарий тайёргарлик талаб этилади. Муаммолилик тўртинчи даражаси талабалар томонидан курс ишлари, битирув малакали ишларини тайёрлаш жараёнида бирон-бир лойиҳани тайёрлаш доирасида амалга оширилади. Умуман, муаммоли характердаги маърузаларни ўз ичига олган маърузалар курси бўлажак мутахассислар томонидан фан тамойиллари ва қонуниятларини, талабалар учун янги билимлар олиш ҳамда ўзлаштирилган билимларни амалиётда қўллаш услублари ижодий ўзлаштирилишининг таъминлаганлиги ҳисобланади. Муаммоли характердаги маърузалар орқали талабаларнинг ўқув - ўрганиш фаолиятини, уларнинг мустақил аудитория ва аудиториядан ташқари ишини фаоллаштиришга эришиш мумкин.

Муаммоли маърузада янги билим талабалар учун номаълум тарзда киритилади. Муаммони ҳал этиш жараёнида талаба маълумотни оддий қайта ишлабгина қолмай, унинг ўзлаштирилишини ҳис этади ва ўзи учун янги билимнинг субъектив «кашф этилишини» амалга оширади.


Муаммоли маъруза саволлар ва топшириқлари дидактик асосланган ҳолда тузилиши билан таъминланади. Муаммоли маърузада, ҳар қандай бошқа маърузадагидек каби, фан асосий қоидалари аниқ

ҳамда чуқур ёритилиши, унинг мазмуни тўлиқлиги ва тизимлиги, ҳаракатга келтирувчи кучлар ҳамда ривожланиш манбаларини мантиқан тўғри оғзаки баён этиш асосий белги ҳисобланади.

Ўқитувчи томонидан маърузагача тузилган ўқув муаммоси ва ўзаро боғлиқ кичик муаммолар тизими маърузада ўқитувчининг жонли нуткида очиб берилади.

Ўқитувчи муаммоли маърузада мос услубий усуллар орқали (муаммоли ва маълумотли саволлар қўйиш, гипотезаларни илгари суриш ҳамда уларни тасдиқлаш ёки рад этиш, талабаларга «ёрдам сўраб» мурожаат этиш ва бошқа) талабаларни биргаликда фикрлашга, мунозарага чорлайди.

📌 Қуйидаги схемада муаммоли маърузадаги муаммонинг ифодаланиши тасвирланган.



Ўқув мақсадларига самарали эришиш ва ўқув муаммосини ҳал этиш учун муаммоли вазият билан боғлиқ ҳамда уларни билмай туриб муаммоли вазиятни ҳал этиш жараёнини амалга ошириб бўлмайдиган назарий масалалар доирасида талабалар билимларини фаоллаштириш муҳимдир. Яъни талаба муаммо ечимига максимал яқинлаштирилиши ва тайёрланиши керак.

Муаммоли маъруза тузилмаларининг намунавий кўринишини куйида келтирамиз (1-жадвал):

1-жадвал

Намунавий муаммоли маъруза тузилмаси

Мавзу _____
тартиб рақами _____ номи _____

Ўқув вақти - 2 соат	Талабалар сони: 10-50 киши
Ўқув машғулотининг шакли	Муаммоли маъруза
Маъруза режаси (маъруза бўйича ўрганилиши лозим бўлган қонунлар, ҳодиса, объектлар ва жараёнлар бўйича мавзулар)	1. 2. 3.
Ўқув машғулоти мақсади: Мавзу бўйича талабалар ўрганиши керак бўлган билимларни шакллантириш, талабаларда изланувчанлик ва ижодий фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш.	
Педагогик фаолият	Ўқув фаолияти натижалари
Ўқитувчи: - мавзунинг асосий моҳиятини тушунтириш; - мавзу бўйича ўрганилиши лозим бўлган билимларни асосий тамойиллар, қонунлар ва ҳ.к. ни тавсифлаб бериш; - асосий кўрсаткичлар, методлар ва усулларни ёритиб бериш; - муаммони ифодалаш; - кичик муаммоларни ажратиш; - муаммони ечиш кетма-кетлигини тушунтириш; - талабаларга муаммонинг ечими йўллари, усуллари излаш ва топиш имкониятларини яратиш	Талаба: - мавзунинг моҳияти бўйича тушунча бериш; - қонун, қоида, шакллар, жараёнлар, тушунчалар ва ҳ.к.ларни айтиб бера олиш; - асосий кўрсаткичлар, таъриф ёки методларни қисқача тавсифлаш; - тушунтириш; - муаммо ва кичик муаммоларни айтиб бера олиш; - муаммони ечиш йўллари излаш ва турли вариантларини таклиф қилиш; - муаммони ечими тўғрисида хулосани ифодалаб бериш.
Таълим методлари	Муаммоли, ақлий ҳужум; баҳс, биргаликда ўрганиш, суҳбат, блиц-сўров, тақдирот, гуруҳий ишлаш в.х .

Таълим воситалари	Маъруза матни, слайдлар, таркатма материаллар, визуал материаллар, компьютер, экран, проектор, виртуал кўргазмалар ва ҳоказо.
Таълим шакллари	Жамоада, кичик гуруҳларда ёки жуфтликларда ишлаш.
Таълим шароитлари	Замонавий дидактик воситалар ва ахборот технологияларидан фойдаланиш шароитига эга бўлган аудитория.
Баҳолаш методлари ва мезонлари	Оғзаки савол-жавоб; муаммони ҳал этиш бўйича бажарилган ўқув топшириғини баҳолаш, тест; савол, топшириқлар ва баҳолаш мезонлари.



Билимларни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Таълим жараёнида муаммони машғулотларни жорий этишда нечта асосий мақсадга эришиш таъминланади, қайсилар?
2. Муаммони маърузани шакллантиришда ўқитувчининг асосий вазифаси нимадан иборат бўлади?
3. Муаммони характердаги маърузани ташкил этишда қандай услубий тавсиялар берилади?
4. Мақсадга йўналтирилган муаммони вазиятларни яратишда нималарга эътибор бериш лозим?
5. Муаммони маъруза қандай тузилиши керак?



Таянч иборалар

Муаммони ўқитиш, муаммони таълим, муаммони — қидирув услуби, муаммони вазият, муаммони баён, муаммони семинар (амалий машғулот), муаммони маъруза, қисман изланма метод.



Адабиётлар

1. Олимов Қ.Т. Замонавий таълим технологиялари. Монография. Тошкент – 2007. 87 б.
2. Ходиев Б.Ю., Гимранова О.Б. Современные образовательные технологии. Тошкент. 2007. 319с.
3. Узокова Л.П. «Касб-хунар коллежларида махсус фанларни муаммони ўқитиш технологияси («Тикувчилик ишлаб чиқариш» йўналишининг «Тикувчилик корхоналари жиҳозлари» фани мисолида) Пед.фан.номз.Диссертация. Тошкент, 2009. 154 б.
4. Зиёмуҳаммадов Б., Абдуллаева Ш., «Илғор педагогик технологиялари». Т.: Абу Али Ибн Сино, 2001. – 80 б.

Ўқув мақсади

Талабаларда муаммоли семинар ёки амалий машғулотларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича билимлар ва кўникмаларни шакллантириш



АСОСИЙ МАЪЛУМОТЛАР



Муаммоли семинар (амалий машғулот) муаммоли ўқитиш технологиясининг иккинчи ва учинчи даражасини амалга ошириш шакли бўлиб, муаммоли топшириқлар услубини қўллаш орқали таълим мақсадларига муваффақият билан эришилади.

Муаммоли вазиятнинг моҳияти талабаларга маълум бўлган маълумотлар ва тушуниши ҳамда тушунтирилиши учун олдинги билимлар етарли бўлмаган янги омиллар ҳамда ҳодисалар ўртасидаги диалектик зидликнинг юзага келтиришдир. Бу зиддият талабалар билимларини ижодий ўзлаштиришини ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб, у муаммоли топшириқни ечиш жараёнида изчил очиб берилади.

Бу услубни амалга ошириш доирасида талаба муаммони ҳал этишга интилади ва қуйидаги бир қатор ишларни бажаради:

- муаммоли вазиятни ўрганади;
- муаммони ифодалайди;
- муаммони ҳал этиш усулини излайди;
- муаммони ҳал этади;
- муаммо ечимини текшириш, хулосалар қабул қилишга унда муаммонинг муваффақиятли ечимини талабага ўқув мақсади-чуқур мавзу бўйича билим ҳосил қилиш, назарияни амалиётда ижодий қўллаш қобилиятини ривожлантиришга эришишга имкон яратади.

Муаммоли таҳлил кўникмаларига эга бўлиш талабаларга нафақат ўқув муаммоларини ечишда, муваффақиятга эришишга имкон беради. Шунинг учун талабаларда таълим жараёнида муаммоли топшириқлар услуби асосида таҳлил қила олиш малакасини шакллантириш ўқитувчининг асосий вазифасидир.

Муаммоли таҳлил босқичлари. Дастлабки босқич муаммоли вазиятнинг асосий жиҳатлари ажратилишини кўзда тутди. Муаммоли топшириқларни бажариш одатда талаба томонидан барча таклиф этилувчи материалларни диққат билан ўрганишдан бошланади. Кейин

таҳлилининг ўзи бошланади, яъни муаммонинг барча кўрсаткичлари (асосий муҳим мазмун, жиҳатлари ва муаммоли вазиятнинг батафсил тавсифланиш).

Иккинчи босқич-муаммоли вазиятни таҳлил қилиш, яъни объект ҳолатини аниқлаш.

Таҳлилли жараёнлар операциялар уч блокни ўз ичига олади:

- 1) танланган кўрсаткичларга мос объектнинг реал ҳолатини таърифлаш;
- 2) шу кўрсаткичлар бўйича объектнинг керакли ҳолатини аниқлаш;
- 3) реал ва керакли ҳолатларни таққослаш ҳамда объектнинг сабаблари, йўналишлари ва усулларини аниқлаш.

Кейинги босқичда мукобиллик майдонини шакллантириб муаммони ҳал этишнинг барча мумкин вариантлари аниқланади.

Сўнгра муаммо ечимини баҳолаш ва оптимал вариантини танлаш амалга оширилади. Муаммоли топшириқни ишлаб чиқиш катта меҳнат ва педагогик маҳоратни талаб этади. Муаммоли топшириқ (вазият «+» муаммо) талабаларни ўзлаштириш даражасига мос келиши керак. Таништирув материали жуда катта ҳажмда ёки мураккаб бўлса, талабалар маълумотларни ҳаммасини қабул қила ҳам олмайдилар, ечимини ҳам топишга қийналишади, ҳамда уларда ўқув фаолиятига бўлган ҳар қандай мотивация йўқолади. Тўғри ишлаб чиқилган муаммоли топшириқлар талабаларга назарияни реал вазият билан боғлашга имкон беради, уларга ўрганилаётган назарий материалнинг келгуси касбий фаолият учун амалий аҳамиятини тушуниб олишларига кўмаклашади.

Муаммоли ўқитиш таълим жараёнида талабаларни фаол иштирок этишга ундайди, чунки ўзида юқори даражали фаоллик элементларини, яъни зарурат - эҳтиёж - қизиқишини мужассам этади.

Муаммоли амалий машғулотларнинг тузилмалари намунасини келтирамиз (2.2-жадвал):

2.2-жадвал

Муаммоли амалий машғулотнинг намунавий тузилмаси

Мавзу

Номери	номи
Ўқув вақти: - 2 соат	Талабалар сони: 15-30 киши
Ўқув машғулоти шакли:	Муаммоли амалий машғулот
Амалий машғулотда муҳокама учун қўйиладиган муаммоли масалалар, саволлар ва топшириқлар	1. 2. 3.
Ўқув машғулоти мақсади: мавзу юзасидан назарий билимларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш, муаммоли масалалар ва топшириқларни ҳал этиш орқали амалий кўникмаларини ривожлантириш	

Педагогик вазифалар: -муаммоли масалаларни ҳал этишда мавзу юзасидан назарий билимларни онгли қўллаб ўрганишга мотивация ва шароитлар яратиш; -мавзу юзасидан билимларни тизимлаштириш, мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш; -талабаларда муаммоли масала ва топшириқларни ҳал этиш кўникмасини, муаммоли вазиятни таҳлил қилиш, муаммони ажрата олиш, мақбул ечимларни илгари суриш, баҳолаш, якуний хулосани ифодалаш малакасини ривожлантириш	Ўқув фаолияти натижалари, талаба: ...асосий тушунчаларни таърифлаш; ...тавсифлаши; ...кўрсатиб ўтиши; ...мазмунини очиб бериши; ...муаммоли ечим йўналишлари рўйхатини тузиш; назарий билимларни муаммоли масалалар ва топшириқларни ҳал этишда қўллаши; муаммоли вазиятни таҳлил қилиш, муаммони ажратиш, мақбул вариантларни аниқлаш ва баҳолаш, муаммо юзасидан якуний хулосани ифодалаб бериши керак.
Таълим методлари	Муаммоли, суҳбат, ақлий ҳужум, мунозара, баҳс, тақдирот ва ш.к.
Таълим воситалари	Ўқув адабиётлари, услубий кўрсатмалар, тарқатма ва ўқув материаллари, электрон таълим ресурслари
Таълим шакллари	Кичик гуруҳларда ёки индивидуал ишлаш
Таълим шароитлари	Гуруҳларда ишлаш учун барча шароитларга эга ўқув хонаси
Билим ва кўникмаларни баҳолаш	Савол-жавоб усули, муаммоли топшириқни бажарилиш натижалари тақдироти бўйича балл қўйиш, ёзма назорат, тестлар



Билимларни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Муаммоли топшириқлар қандай фаолиятга асосланган?
2. Талаба муаммони ҳал этишда қандай ишларни бажаради?
3. Муаммоли таҳлилнинг қандай босқичлари мавжуд?
4. Муаммоли вазиятнинг моҳияти нимада?
5. Муаммоли амалий машғулотнинг намунавий тузилмасида нималар акс этган?



Таянч иборалар

Муаммоли семинар (амалий машғулот), муаммоли ўқитиш, муаммоли таълим, муаммоли вазият, муаммоли баён, таълим шакллари, таълим методлари, ўқув мақсадлари.



Адабиётлар

1. Олимов Қ.Т. Замонавий таълим технологиялари. Монография. Тошкент – 2007. 87 б.
2. Ходиев Б.Ю., Гимранова О.Б. Современные образовательные технологии. Тошкент. 2007. 319с.
3. Узокова Л.П. «Касб-хунар коллежларида махсус фанларни муаммоли ўқитиш технологияси («Тикувчилик ишлаб чиқариш» йўналишининг «Тикувчилик корхоналари жихозлари» фани мисолида) Пед.фан.номз.Диссертация. Тошкент, 2009. 154 б.
4. Зиёмухаммадов Б., Абдуллаева Ш., «Илғор педагогик технологиялари». Т.: Абу Али Ибн Сино, 2001. – 80 б.
5. Авлиёқулов Н.Х. Муаммоли ўқитиш технологияси. Монография. Тошкент.»Фан ва технологиялар.-2009.

Ўқув мақсади

Талабаларда модулли ўқитиш технологиясининг мазмуни, моҳияти ва тамойиллари бўйича билимларни шакллантириш

**АСОСИЙ МАЪЛУМОТЛАР**

Таълим олувчиларнинг қобилияти, онг ва кўникмаларини ривожлантириш, илмий – амалий билимларини чуқурлаштириш масаласи бугунги кунда муҳим аҳамиятга эга. Бу муаммони ҳал этиш талабаларнинг қобилиятини ўсишига ва онгли равишда ўз касбларига қизиқиши ҳамда масъулиятини ошишига ёрдам беради.

Ўқитиш технологияларга доир ўтказилган изланишлар шуни кўрсатдики, талабаларда касбий билим ва кўникмаларни шакллантиришда модулли ўқитиш технологияси яхши натижа беради.

Биз томондан модулли ўқитиш технологиясига доир бир қатор тадқиқотлар ўрганилди.

Ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатдики, касб-хунар таълимини ривожлантиришнинг самарали йўналишларидан бири – фанларни модулли технология асосида ўқитишдир. Анъанавий таълимда ўқув мақсадлари педагог фаолияти орқали ифодаланган, яъни билим беришга йўналтирилган бўлса, модулли ўқитишда талабалар фаолияти орқали ифодаланиб, бевосита касбий фаолиятга йўналтирилган бўлади.

Модулли ўқитиш технологиясининг анъанавий ўқитишдан фаркли хусусиятларини қуйидаги 3-жадвалда келтирдик.

Ушбу жадвалнинг таҳлили шуни кўрсатадики, модулли технологияга асосланган таълим, анъанавий таълимдан ўқитиш усуллари ва воситалари, уни ташкил этиш ҳамда натижалари билан сезиларли фарк қилади.

Модулли ўқитиш - ўқитишнинг истикболли тизимларидан бири ҳисобланади, чунки у талабаларнинг билим имкониятларини ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш тизимига энг яхши мослашгандир.

3-жадвал

Анъанавий ўқитиш технологиясига асосланган таълим	Модулли ўқитиш технологиясига асосланган таълим
• бир томонга йўналтирилган ахборот; • бир томонлама мулоқот (дарслик → ўқитувчи → талаба) • ахборот олиш; • хотирада сақлаш; • маъносини тушунмаган ҳолда ёдлаш.	• фикрлаш ва амалий фаолият орқали таҳсил олиш; • икки томонлама мулоқот; • таҳлил қилиш орқали маълумотни эслаб қолиш; • билим ва кўникмаларни намойиш этиш; • мазмунни тушуниш ва ҳаётга боғлаш.

Модулли ўқитиш, касбий таълимнинг қуйидаги замонавий масалаларини ҳар томонлама ечиш имкониятини яратади.

- модул – фаолиятлик асосида ўқитиш мазмунини оптимallasиш ва тизимлаш, дастурлар ўзгарувчанлиги, мослашувчанлигини таъминлаш;
- ўқитишни индивидуallasиштириш;
- амалий фаолиятга ўргатиш ва ўқитиш самарадорлигини назорат қилиш;
- талабаларни касбга қизиқтириш асосида фаолласиштириш, мустақил ўқитиш имкониятларини тўла рўёбга чиқариш.

Модулли ўқитиш самарадорлиги қуйидаги омилларга боғлиқ:

- таълим муассасасининг моддий-техник базаси;
- малакали профессор-ўқитувчилар таркиби даражаси;
- талабалар тайёргарлиги даражаси;
- кутиладиган натижалар баҳоси;
- дидактик материалларнинг ишлаб чиқилиши;
- модуллар натижаси ва таҳлили.

Модулли ўқитишда, ўқув дастурларини тўла, қисқартирилган ҳамда табақаласиштириш орқали, босқичма-босқич ўқитиш имконияти яратилади, яъни ўқитишни индивидуallasиштириш мумкин бўлади. Модулли ўқитишда қуйидаги мақсадлар назарда тутилади:

- ўқитишнинг узлуксизлигини таъминлаш;
- ўқитишни индивидуallasиштириш;
- ўқув материални мустақил ўзласиштириш учун етарли шароит яратиш;
- ўқитишни жадалласиштириш;
- фаннинг самарали ўзласиштирилишига эришиш.

Модулли ўқитиш, фаннинг асосий масалалари бўйича умумлаштирилган маълумотлар берувчи муаммоли ва йўриқли маърузалар ўқилишини тақозо этади. Маърузалар талабаларнинг ижодий қобилиятини ривожлантиришга қаратилмоғи лозим.

Модул амалий ва лаборатория машғулотида маърузалар билан бирга тузилиши, уларни маърузалар мазмунини ўрганиладиган янги материал билан тўлдирилиши керак.

Ўқитишнинг модул тизими мазмунидан унинг қуйидаги афзалликлари аниқланди:

- фанлар ва модуллар бўйича ўқитиш узлуксизлигининг таъминланиши;
- модуллараро методик жиҳатдан асосланган мувофиқлик ўрнатилиши;
- фаннинг модулли тузилиши таркибининг мосланувчанлиги;
- талабаларнинг қобилиятига кўра табақаланиши (дастлабки модуллардан сўнг, ўқитувчи айрим талабаларга фанни индивидуallasштиришни тавсия этиши мумкин);
- ахборотни «сикиб» бериш натижасида ўқитишни жадаллаштириш, аудитория соатларидан самарали фойдаланиш ва ўқув вақти таркибини, маърузавий, амалий (тажрибавий) машғулотлар, индивидуал ҳамда мустақил ишлар учун ажратилган соатларни оптимallasштириш.

Бунинг натижасида, талаба етарли билим ва қўникмаларга эга бўлади.

Ўқитишнинг модулли технологияси ўқитишнинг қабул қилинган тамойилларига мувофиқ ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши керак.

Таълим тамойилларини тизимлаштиришга бўлган ёндошишларда қуйидагича фикрлар билдирилган.

М.Н.Скаткин таълим тамойилларини қуйидагича белгилайди: илмийлик, ҳар томонламалик, ҳаёт билан алоқадорлик, табақалаштириш, тизимлилиқ, ўқув фанлари орасидаги ўзаро алоқадорлик.

М.Г.Огородников эса ўз тадқиқотларида илмийлик, ғоявийлик, тарихийлик, тизимлилиқ, назария ва амалиётнинг бирлиги, таълимнинг ҳаёт билан алоқаси қабиларни асосий тамойиллар сифатида ажратади.

С.Я.Батишев касбий таълим мазмунини ишлаб чиқариш ва меҳнат жараёни ривожланиши билан узвий боғлиқ ҳолда тасаввур этиш керак, деб ҳисоблайди ва таълимнинг қуйидаги тамойилларини белгилайди: илмийлик, тизимлилиқ ва жорийлилиқ, амалий таълим билан ишлаб чиқариш меҳнатининг бирлиги.

В.А. Скакун касбий таълим тамойилларини қуйидагича талқин қилади: илмийлик ва ғоявийлик; таълим ва тарбияни ривожлантиришнинг бирлиги; илмий-техника тараққиётига таълимнинг боғлиқлиги; политехнизм; малакали ишчиларни тайёрлаш жиҳатларнинг бир-бирига алоқаси; таълимнинг бирлиги ҳамда табақаланиши.

А.П.Беляева таълимда ҳақчиллилик, илмийлик, политехникавийлик, тизимлилик, муқобиллилик, политехник ва касбий таълимнинг бирлиги ҳамда ўзаро алоқаси; фанлараро ва мажмуавий ўзаро алоқадорлик, касбий сафарбарлик, таълимнинг эгилувчанлиги ҳамда турғунлиги, мужассамланганлигини унинг асосий тамойиллари сифатида талқин этади.

Н.Х.Авлиёқулов модулли ўқитиш жараёнини фаолиятлилик, тизимли, қизиқтириш, модуллилик, муаммолилик, когнитив визуаллилик, хатоликларга таяниш тамойилларига мувофиқ ишлаб чиқиши лозим, деб таъкидлайди.

Биз Н.Х.Авлиёқулов томонидан талқин этилган ушбу модулли ўқитиш тамойилларига батафсил тўхталамиз.

1. Фаолиятлилик тамойили: Бу тамойил кичик мутахассиснинг касбий фаолияти мазмунига мувофиқ шаклланишини англатади. Бу тамойилга кўра модулар фан бўйича фаолият ёндашуви ёки тизимли фаолият ёндашув асосида тузилиши мумкин. Модулли ўқитиш технологиясига фан бўйича фаолият ёндашувида модуллари ўқув режаси ва дастурлар таҳлили натижасида тузишни тақозо этади. Тизимли фаолият ёндашувида модулар блоки мутахассиснинг касбий фаолияти таҳлили асосида шакллантирилади.

2. Тизимлилик тамойили: Бу тамойил дидактик бирликлар умумлаштирилган назарияларининг талабларига асосланади.

Модулда тизимлилик тамойилига, махсус фан ўқув материалининг тегишли тузилмасини тизимли тарзда тузиш йўли билан эришилади. Модул умумий кўринишда қуйидаги элементлардан иборат бўлиши мумкин:

- тарихий - бу муаммо, теорема, масала, кашфиёт ва тушунчаларнинг тарихига қисқача шарҳ бериш;
- муаммоли - бу муаммони шакллантириш;
- тизимли - бу модул таркиби тизимини намоён этиш;
- фаоллаштириш - бу янги ўқув материалини ўзлаштириш учун зарур бўлган таянч иборалар ва ҳаракат усулларини ажратиб кўрсатиш;
- назарий - бу асосий ўқув материали бўлиб, унда - дидактик мақсадлар, муаммони ифодалаш, гипотезани асослаш, муаммони ечиш йўллари очиқ кўрсатилади;
- тажрибавий - бу тажрибавий материални (ўқув тажрибаси, тажрибавий ишни) баён этиш;
- умумлаштириш - бу муаммо ечимини ва модул мазмунини умумлаштириш;
- жорий этиш - бу фаолиятни ташкил этишнинг янги усулларини ишлаб чиқиш ва ўрганилган билим (материал)ни амалиётда қўллаш;

- хатоликлар — талабаларнинг модул мазмунини ўзлаштириши кузатиладиган хатоликларини ва уларнинг сабабини аниқлаш ҳамда тузатиш йўллари кўрсатиш;
 - боғлиқлик - ўтилган модулни бошқа модуллар билан, жумладан, ёндош фанлар билан боғлиқлигини намоён этиш;
 - тест ва топшириқлар ёрдамида баҳолаш - модул мазмунини талабалар томонидан ўзлаштириш даражасини назорат қилиш ҳамда баҳолаш.
- Ўқув материалининг ўзлаштирилиш жараёнида модулнинг амалий аҳамияти қай даражада очиб кўрсатилганлиги, модул мазмунининг бошқа модуллар билан боғлиқлиги, шу модулни ўрганишда талабаларнинг йўл қўйган бир хил хатоликлари таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга.

3. Қизиқтириш тамойили - бу тамойилнинг моҳияти, талабанинг билим олиш фаолиятини рағбатлантиришдан иборат. Таълим олувчиларда модулнинг ўқув материалига қизиқишини уйғотиш, билим олишга рағбатлантириш, машғулотлар пайтида фаол иштирок этиш ва ижодий фикрлашга даъват этиш модулнинг тарихий ва муаммоли элементларининг вазифалари ҳисобланади.

4. Модуллик тамойили - бу тамойил ўқитишни индивидуallasштириш асоси бўлиб хизмат қилади.

Биринчидан, модулнинг динамик тузилмаси фан мазмунини уч хил яъни тўла, қискартирилган ва чуқурлаштирилган кўринишда намоён этиш имкониятини беради. Ўқитишнинг у ёки бу турини танлаш талабанинг ўзига ҳавола қилинади.

Иккинчидан, модул мазмунини ўзлаштиришда, ўқитиш усул ва шаклларнинг турлилигида ҳам модуллик намоён бўлади. Буларга ўқитишни фаоллаштириш шакл ва усуллари (диалог, мустақил ўқиш, ўқув ва имитацион ўйинлар ва ҳоказо) ҳамда муаммоли маърузалар, семинарлар, маслаҳатлар қиради.

Учинчидан, модуллик, янги материални поғонасимон ўзлаштиришда таъминланади, яъни ҳар бир фан ва ҳар бир модулда ўқитиш оддийдан мураккабга қараб йўналган бўлади.

Тўртинчидан, модулга қирувчи ўқув элементларининг мосланувчанлиги туфайли ўқув материалини мунтазам равишда янгилаб туриш имконияти туғилади.

5. Муаммолик тамойили - муаммоли вазиятлар ва машғулотларни амалий йўналтирилганлиги ўқув материалининг ўзлаштирилиш самарадорлигини ошишига имкон беради.

Машғулотлар пайтида гипотеза қўйилади, унинг асосланганлиги кўрсатилади ва муаммонинг ечими берилади. Кўпчилик ҳолларда бизнинг ўқитувчилар дарсларда фақатгина далил келтирадилар, бошқа мамлакатлар, масалан АҚШда ўқитувчи масалани ўрганиш услубини,

ўзи қўйган муаммонинг ечим йўллари, тажриба хусусиятини, унинг натижаларини кўрсатади ва тушунтиради, яъни у тадқиқотчи ёки маслаҳатчи сифатида намоён бўлади.

Бу энг биринчи навбатда талабани қизиқтириб қўяди ва унда ижодий фикрлаш ҳамда фаолликни туғдиради.

6. Кўргазмалилик тамойили. Бу тамойил психологик-педагогик қонуниятлардан келиб чиқади. Ўқитишдаги кўргазмалилик, нафақат сўроқ вазифасини, балки шу билан бирга когнитив вазифани бажарган тақдирдагина ўзлаштириш унумдорлигини оширади. Айнан шунинг учун когнитив графика-сунъий интеллект назариясининг янги муаммоли соҳаси бўлиб, мураккаб объектлар компьютер технологиялари ёрдамида вертикал кўринишида тасвирланади. Мураккаб объектлар ва жараёнларни тасвирловчи рангли расмлар модулнинг асосий бош элементи ҳисобланади. Бу эса:

Биринчидан, талабанинг кўриш ва фикрлаш қобилиятини ривожлантиради.

Иккинчидан, ўқув материали мазмунини ўзида зич жойлаштириб, равшан кўрсатилган объект ёки жараён расми, талабада тизимли билим шаклланишига ёрдам беради.

Учинчидан, рангли суратлар ўқув материални қабул қилиш ва эслаш самарасини оширади, ҳамда талабаларни эстетик тарбиялаш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Кўргазмали маълумот оғзаки маълумотдан кўра аҳамиятлироқ ва ўзлаштириш, қабул қилиш самарадорлиги юқорироқдир. Кўриш механизмининг маълумотни ўтказиш қобилияти, эшитишдан кўра анча устунроқ. Бу эса ўз навбатида, кўриш орқали, инсонга қабул қилинадиган маълумотнинг қарийб 90 фоизини етказиш имкониятини беради. Ундан ташқари кўргазмали маълумот бир вақтнинг ўзида берилади. Шунинг учун маълумотни қабул қилиш ва эслашга оғзаки маълумотдан кўра кам вақт талаб этилади. Кўргазмали маълумот ишлатилганда, таъсурот ҳосил бўлиши оғзаки баёндан кўра ўртача 5-6 маротаба тезроқ кечади.

Инсоннинг кўргазмали маълумотга ишончи оғзаки маълумотдан кўра юқори бўлади. Шунинг учун «юз бор эшитгандан кўра, бир бор кўрмоқ афзалроқдир» деб бежиз айтилмаган.

Шу билан бирга, кўргазмали маълумотда, қабул қилиш ва эслаш унуми, уни кўрсатилиши орасидаги муддатнинг узоклигига боғлиқ бўлмайди, оғзаки маълумотнинг ўзлаштирилиши эса бунга боғлиқ бўлади. Яна бир муҳим тафсилотни қайд этиш лозим: символли-кўргазмали маълумотни қабул этиш, ўқитиш самарасини оширади. Ўқув-илмий адабиётдан ва компьютер техникаси воситасида

олинадиган маълумотни кўпайтириш учун шарт-шароит яратиш зарур. Бу эса, ўқитишни индивидуаллаштириш зарурлигини кўрсатади.

7. Ўқув вақтини тежаш тамойили. Бу тамойил талабаларда индивидуал ва мустақил ишлаш учун ўқув вақтининг захирасини яратишга йўналтирилган бўлади. Тўғри ташкил қилинган модулли ўқитиш, ўқиш вақтини 20 фоиз ва ундан ортиқ тежаш имкониятини беради. Бундай натижага модулли ўқитишнинг барча тамойиллари тўла амалга оширилганда, ўқув жараёни компьютерлаштирилганда, ёндош фанларнинг ўқув дастурлари мувофиқлаштирилганда эришиш мумкин.

Ўтказилган назарий ва амалий изланишлар натижасида махсус фанларни модулли ўқитиш талабаларнинг билим олиш имкониятини, ижодий қобилиятини ва амалий кўникмаларини ривожлантиришда ижобий самара бериши аниқланди. Модулли методика асосида ўқитишда махсус фан таркибидаги модуллар орасидаги узвийликни таъминлашга, ўқитишни жадаллаштириш, талабаларнинг ўзлаштиришини мунтазам назорат қилишга ва баҳолашга, қизиқтириш асосида амалий фаолиятга ўргатишга, имкон беради. Ўқув материални босқичма-босқич ўқитиш орқали фанни самарали ўзлаштиришга эришилади.



Билимларни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Модулли ўқитиш деганда нимани тушунасиз? Анъанавий ўқитиш технологиясидан модулли ўқитиш технологиясининг фарқи нимада?
2. Модулли ўқитиш жараёнининг босқичларини санаб ўтинг.
3. Модулнинг ўрганиш мақсадларини неча соҳада тузиш мумкин, изоҳ беринг.
4. Модулли ўқитишда қандай мақсадлар назарда тутилади ва ўқитишнинг модул тизими қандай афзалликлари мавжуд?
5. Модулли ўқитиш қандай тамойилларга бўлинади?



Таянч иборалар

Модул, муаммоли мулоқотлар, эвристик суҳбатлар, модулли ўқитиш, ўқув ўйинлар, фаолиятлилик, тизимли, қизиқтириш, модуллилик, муаммолилик, когнитив визуаллилик.



Адабиётлар

1. Олимов Қ.Т. Замонавий таълим технологиялари. Монография. Тошкент – 2007. 87 б.
2. Ашурова С.Й. Махсус фанларни модулли ўқитиш // Касб-хунар таълими.Т.: 2004. №5.
3. Бородина Н.В., Самойлова Е.С. Модульные технологии в профессиональном образовании. Учебное пособие. Екатеринбург. 1998-26с.
4. Голиш Л, Файзуллаева Д. Касб-хунар коллежларида модулли дастур асосида таълим бериш // Касб-хунар таълими №4. 2002.- 24б.
5. Зимин В.Н. Модульный подход к профессиональному образованию//. Профессиональное образование. №10.М.: - 2001-14с
6. Ибатулина Л.Ф. Технология модульного обучения // Профессиональное образование. М.: №4 . 2002.-11с.
7. Махмутов М. И., Ибрагимов Г.И. Педагогические технологии развития мышления учащихся. Казан: 1993.-88 с
8. Модульная система подготовки персонала. Информационный бюллетень. М.: Международный центр развития модульной системы обучения. 1997. – 10 с.25.
9. Норенков И.П. Концепция модульного учебника. // Информационные технологии. М.: 1996. №2.
- 10.Селевко Г.К. Современные образовательные технологии.-М.: Народное образование, 1998. – 256 с.
11. Авлиёкулов Н.Х. Касбий фанларни модулли ўқитиш технологияси. Тошкент: «Янги аср авлоди». 2004. – 106 б.
- 12.Ибатулина Л.Ф. Технология модульного обучения // Профессиональное образование. М.: №4 . 2002.-11с.
- 13.Чориев З. Педагогик фаолият мазмунини ўзгартирувчи омил.// Касб-хунар таълими. №4-2002- 21 б.
- 16.Скаткин М.Н. Методология и методика педагогических исследований. М.: Педагогика, 1986. – 150 с.
- 17.Букалова Г.В. Технология модульного обучения как средство эффективности преподавания общетехнических дисциплин. Автореферат дисс... канд. наук. Брянск.. 2000.
- 18.Скакун В.А. Преподавание общетехнических и специальных предметов в училищах профтехобразования. М.: Высшая школа, 1985. – 256с.
- 19.Скакун В.А. Преподавание курса «Организация и методика производственного обучения» . М.: Высшая школа, 1990. – 252 с.

Ўқув мақсади

Талабаларда ҳаракатга йўналтирилган ўқитиш технологиясининг аҳамияти, мазмуни ва ўзига хос хусусиятлари ҳақида билимларни шакллантириш



АСОСИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Жамиятнинг барча жабҳаларидаги ўзгаришлар касб-хунар коллежи ўқувчиларини тайёрлаш жараёнига таъсир қилади ва янги-янги талабларни кўрилади. Ҳозирги пайтда ҳам назарий билим ва амалий кўникмага эга, ўзгаришларга мосланувчан, эркин фикрлайдиган, касбий ҳамда ҳаётий муаммоларини мустақил ҳал қила оладиган кичик мутахассисларга, кадрларга эҳтиёж катта. Шу билан бирга, касб-хунар коллежи ўқувчиларидан ҳар томонлама билимдонлик, мустақил фикрлай оладиган шахс даражасини талаб этади. Бундай талабларнинг бажарилиши албатта ҳар бир бутун ҳаёти давомида билим олишга ўргатиш орқали таъминланади. Бунини учун касб-хунар коллежи ўқувчиларида касбий компетенциялар билан бир қаторда ижтимоий ва шахсий компетенциялари ҳам шакллантирилиши керак. Шу сабабли ўқувчиларда ахборотни мустақил излаш, топиш ва таҳлил қилиш қобилиятларини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Бунда ўқувчиларнинг керакли маълумотларни мустақил излаш, топиш ва таҳлил қилиш ҳамда амалда қўллай олиш қобилиятларини ривожлантириш орқали уларни мунтазам ўрганиш ва билим олишга ўргатилади. Бундай қобилиятлар ва компетенцияларни шакллантириш ҳамда ривожлантириш ўқитиш жараёнига бошқача ёндашувни, яъни янги педагогик ва ахборот технологияларини қўлланни талаб этади. Биз янги технологиялардан бири бўлган «Ҳаракатга йўналтирилган ўқитиш ва ўқиш» ҳақида фикр юритамиз.

«Ҳаракатга йўналтирилган ўқитиш ва ўқиш» тушунчаси ҳақидаги барча баҳс-мунозараларда қуйидаги ягона гоя илгари сурилади. Бу касб-хунар учун муҳим бўлган меҳнат фаолиятларга йўналтирилган ўқув жараёнини ҳаракатли ўқитиш асосида ташкил этиш ва ўтказиш орқали ўқувчиларда касбий компетенцияни шакллантириш ва ўстириш ғоясидир.

Ҳаракатга йўналтирилган ўқитиш:

- ишлаб чиқариш вазиятларида ўқувчининг мустақил режалаштириш, ўтказиш ва баҳолаш ҳаракатларига асосланган касбий фаолиятни ўрганишга йўналтирилган;
- ўқувчиларнинг дастлабки тажрибасига мос келувчи, фаолиятли ва муаммоли таълимларга асосланган;
- барча ўқув жараёнлари элементларининг психологик қонуниятларга асосланган равишда тузилиши (когнитив-психологик назариялар,


ҳаракатларни рoстлаш назариялари, икки турдаги назарияларнинг прагматик боғланиши асосланиш масалан, абстракт яъни ҳаёлий, мавҳум, ўзида бегона ҳаракатни ҳаёлий тасаввур қилиш);

- ўқувчиларни ўзлаштириш имкониятлари даражасида мустақил ҳаракат орқали ўқитиш; бунда таълим олувчилар ўзида бегона ҳаракатларни ҳаёлий тасаввур қилиш орқали эмас, балки фаол ҳаракат орқали ўрганадилар (воқеани ўрганиш орқали, лойиҳа орқали, тажриба орқали ўқиш);
- муайян касбий ҳаракатларга ўргатиш, натижаларини назарий билимлар орқали эмас, балки синов тарзида аниқланади (масалан, электрик схеманинг ишлаб қoбилиятини синаб кўриш);
- талабаларда эгаллаган билимларидан қoбилиятини ўстириш мақсадида ўқув жараёнларини режалаштириш ва ташкил этиш; (шахснинг ўсиши, умуминсоний қадриятларнинг шаклланиши);
- янги билимни шакллантириш ва узатишга йўналтирилган (хатони қидириш уларни бартараф этиш);
- мустақил ишбилармонликни белгиларини эгаллаш каби ҳаракатга йўналтирилган ўқитиш (масалан, корхона нуқтаи назаридан ёки мутахассис каби фикрлаш ва ҳаракат қилиш);
- касбий ва шахсий компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган фаолиятлар.

Касб-ҳунар коллежларида махсус фанларни ҳаракатга йўналтирилган ўқитиш жараёнида талабалар ҳамда ўқитувчи роли ўзгаради ва янги ўқув маданияти юзага келади. Бу янги таълим парадигмаси бутун умр давомида таълим олиш ғоясига асосланади ва ўқиш фаоллиги, ўз-ўзини бошқариш, мустақил ўрганиш, ўқиш ҳамда ўрганишга қайта йўналтириш асосларини ўзида акс эттиради. Мустақил ташкил этилган таълим ўзида янги ўқув маданиятининг асосий моделини намоён қилади.

Бу метод анъанавий методлардан фарқли равишда талабаларга ўз-ўзини намоён қилишнинг жуда юқори даражасини белгилайди.

Янги ўқув шаклини фақат билимларни узатиш назариясидан ва ўз-ўзини бошқариш таълимига ўтишни билдиради.



Анъанавий таълим. Ҳаракатга йўналтирилган таълим.

Ҳаракатга йўналтирилган ўқиш ҳамда ўрганишни ташкил этиш асосан мустақил таълим жараёни ва ўқув ҳаракатларига таянади, унинг белгилари куйидагилар бўлиб ҳисобланади:

- фаолиятга йўналтирилган;
- ўз-ўзини бошқарадиган;
- фаол ҳаракат;
- компетенцияни ривожлантирувчи;
- ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланган ҳолда.

Уларни жорий қилиш янги ўқув маданиятини ва ролини тушунишдаги ўзгаришларни кўзда тутати.

Ўқувчи ҳаракатининг фарқли белгилари. Ҳаракат мақсадга йўналтирилган ва онгли равишда, яъни ҳаракат натижалари фикран аниқланган.



Инсон фаолияти иерархик (шажаравий) кетма-кетликда жойлашган ҳаракат элементларидан ташкил топган. Ҳаракатни умумий ва хусусий мақсадлар амалга оширишда ҳаракатнинг «психологик тузилмаси» шаклланади ҳамда у «муайян ҳаракатларни» бошқаради.

Ҳаракатлар абстракт фикрлаш орқали амалга оширилиши ва уларнинг натижалари текширилиши мумкин (масалан, ҳаёлий тажриба). Ўқитувчилар учун режалаштириш бўйича намунавий дастурлардан уларнинг тартибли ҳаракатга асосланган тузилмада амалий қўлланилиши ҳақида билиб оладилар.



Билимларни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Ҳаракатга йўналтирилган ўқитиш деганда нимани тушунаси?
2. Махсус фанларни ҳаракатга йўналтирилган ўқитиш жараёнида талабалар ва ўқитувчининг роли нимадан иборат бўлади?
3. «Ўз-ўзини бошқариш таълими» тушунчасини изоҳланг.
4. Мустақил таълим жараёни ва ўқув ҳаракатларининг белгиларини айтинг.
5. Талаба ҳаракатининг фарқли белгилари нималардан иборат?



Таянч иборалар

Ҳаракат, компетенция, муаммоли вазият, когнитив, психологик, парадигма, анъанавий, фаолият, иерархик, технология, объект, методика, ғоя, субъект.



Адабиётлар

1. Leontév, A. (Леонтьев, А.) Tätigkeit, Bewußtsein, Persönlichkeit (Фаолият, англаш, шахс) Berlin, 1987.
2. Galperin, P. J. (Гальперин, П.Я.) Zu Grundfragen der Psychologie (Психологиянинг умумий саволларига тегишли) Berlin, 1980.
3. Matern, B.; hrsg. von Hacker, W. (Матерн, Б.; Хакер, В. таҳририяти остида) Psychische Regulation von Arbeitstätigkeiten: innere Modelle - Strategien in Mensch-Maschine-Systemen - Anforderungen, Beanspruchung und Belastung (Меҳнат фаолиятининг психологик регуляцияси: ички моделлар – одам – машина тизимида стратегик талаблари, талаб ва юклама) Berlin, 1976.
4. Miller, G.A.; Galanter, E.; Pribram, K.H. (Миллер, Г.А.; Галантер, Е.; Прибрам, К.Х.) Strategien des Handelns: Pläne und Strukturen des Verhaltens (Ҳаракат стратегияси: режалар ва ҳулк тузилиши) Stuttgart, 1973



АСОСИЙ МАЪЛУМОТЛАР



Замонавий таълим шароитида ахборот ва коммуникация технологияларининг кириб келиши ўқитишнинг янги шаклларини ишлаб чиқишини тақозо этади. Бундай таълим шаклларида бири компьютерли ўқитиш технологиясидир.

Компьютерлаштирилган ўқитиш технологияси - бу компьютердан фойдаланишга асосланган ўқитишдир. Ўқитишнинг компьютер технологияси янги ахборот технологияларнинг бир туридир. Яъни ўқитишнинг компьютер технологияси асосида ўқув жараёнини жадаллаштириш ва самарадорлигини максимал даражада оширишга эришиш мумкин.

Компьютерли ўқитиш технологиясининг жорий этилиши масофавий ўқитишга йўл очиб беради. Компьютерли ўқитиш технологияси асосан электрон таълим ресурслари орқали амалга оширилади.

Баъзи хорижий мамлакатлар тадқиқотчилари компьютерли ўқитиш технологияси афзаллиги билан бирга салбий жиҳатларини ҳам таъкидлайдилар. Масалан, Япония педагоги С.Судзуки «Компьютерли ўқитиш бир томондан, таълим олувчиларнинг интеллектларини ривожлантиришга ёрдам берса, иккинчи томондан эса билимни мустаҳкам эгаллашни таъминлай олмайди» деган фикр билдиради.

Умуман хорижий тадқиқотчилар замонавий ўқитиш воситаларини қўллашда тизимли ёндашувни, яъни ўқитувчиларни сифатли тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда педагогик технологиялар соҳасидаги олимлар, педагоглар ва мутахассислар билан ҳамкорликни тавсия этадилар. И.Г.Захарованинг фикрича, компьютерли ўқитишда ҳар бир таълим олувчи маълум бир вақтда «виртуал талаба» шароитида бўлади. Демак, талаба виртуал муҳитга қўникиб бориши таъминланиши керак.

Кейинги ўн йилликда илғор таълим муассасаларида тўпланган тажрибалар шуни кўрсатдики, ўқув жараёнига янги педагогик технологияларни жорий этишда юқори самарадорликка факат услубий жиҳатдан юксак даражада ишлаб чиқилган мультимедияли интерфаол дастурий таълимотни ва компьютерли ҳамда интернет технологияларни қўллаш орқали эришиш мумкин. Компьютер махсус фанларни ўқитишда энг самарали дидактик воситаси ҳисобланади. Ўтказилган

тажрибалар шуни кўрсатдики, таълим жараёнига компьютер технологияларини қўллаш ўқитиш даврини кучайтиради. Таълим олувчиларни фаоллаштиради, секин ўзлаштирувчи талабаларнинг қўшимча шуғулланишлари учун имконият яратади. Таълим олувчилар доимо ўзларининг билимларини баҳолашлари учун имконият яратилади. Шуни таъкидлаш жоизки, муваффақиятли таълим тизими юксак малакали ва педагогик маҳоратга эга илғор ўқитувчилардан бошланади. Компьютердан ўқитиш технологиясида ўқитувчи таълим жараёнида марказий фигура ҳисобланади. Компьютер ўқитувчи ўрнини боса олмайди, факат унга қўшимча дидактик восита бўлиб хизмат қилади.

Компьютерли ўқитиш - таълим олувчиларнинг тайёргарлик даражасига, интеллектуал имкониятига мослаштирилган бўлиши керак.

Амалиётда информацион махсус техник воситалар (ЭХМ, аудио, видео, кино) қўлланиладиган барча технологиялар компьютер технологиялари дейилади. Компьютерлардан кенг фойдалана бошлангандан кейин «янги информацион технология» термини пайдо бўлди. Умуман ҳар қандай педагогик технология – бу информацион технологиядир, чунки ўқитиш технологик жараёнининг асосини информация (ахборот) ва унинг узатилиши ташкил қилади. Бизнинг фикримизча, компьютердан фойдаланиб ўқитишни – компьютердан ўқитиш технологияси деб юритилиши маъқулроқдир. Компьютер технология дастурлаштирилган ўқитиш ғоясини ривожлантиради. Бу технология – таълим олувчига компьютер орқали информацияни (ахборотни) тайёрлаш ва узатиш жараёнидир.

Хорижий тадқиқотчилар фикрича, компьютерли ўқитиш технологияси қуйидаги 3 вариантда амалга оширилади:

1. Кирувчи технология – фаннинг алоҳида бўлимлари, мавзунини ўрганиш ёки дидактик топшириқларни бажаришда компьютердан фойдаланилади.
2. Асосий технология – фанни тўлиқ компьютер ёрдамида амалга оширилади.
3. Монотехнология – ўқув жараёнини бажариш, ўқитиш ва мониторинг компьютерлар ёрдамида амалга оширилади.

Компьютерли ўқитиш технологиясини қўлланишдан асосий мақсад таълим олувчиларнинг ахборот билан ишлаш кўникмаларини шакллантириш, уларнинг интеллектуал қобилиятларини ривожлантириш, оптимал ечимларини мустақил излаш, топиш, тадқиқотчилик фаолиятларини кучайтиришдан иборатдир.

Компьютерли ўқитишни такомиллаштириш ва анъанавий ўқитиш шакллари билан таққослаш учун қуйидаги тамойилларга эътиборни қаратиш керак:

- қўшимча электрон ресурсларни, маълумотларни ва кутубхоналарни яратиш, тармокдан ахборотни излашни таъминловчи махсус дастурий таъминотни ишлаб чиқиш;
- ўқитувчиларнинг ўқув-услугий ишларини такомиллаштириш, интернетдан фойдаланиш, ахборот технологиялари ва психология соҳалари бўйича мутахассислар билан ҳамкорликни ўрнатиш;
- электрон таълим ресурсларини мунтазам янгилаб бориш.

Бу эса ўқитишда илғор педагогик технологиялар ва фаол методларни қўллашни талаб этади. Компьютерли ўқитиш технологиясида билимларни баҳолаш мезонлари муҳим муаммо ҳисобланади. Ушбу технология асосан мустақил таълимга йўналтирилганлиги сабабли ўқитувчилардан баҳолаш жараёнини ташкил этишда фаол ва маъсулиятли иштирок талаб қилади. Чунки баҳолаш жараёнида нафақат тестлар натижалари, балки талабаларнинг фаоллиги ҳамда мустақил ишлаш қобилияти ҳам инобатга олиниши керак. Фаннинг ўқув дастурини компьютерли ўқитиш технологиясига мослаштириш лозим.

Компьютерли ўқитишда ахборот ва ўргатувчи технологияларни қўллаш учун имкон яратилади. Компьютерли ўқитиш жараёнининг самарали ташкил этилиши ўқув мақсадларга эришишни таъминлайди. Агар ўқитиш жараёни яхши ташкил этилмаса, илғор ўқитиш технологиялари ҳам самара бермайди.

Компьютерли технологиялар дастурли ўқитиш ғояларини ривожлантиради, замонавий компьютерлар ва телекоммуникациянинг ноёб имкониятлари билан боғлиқ таълимнинг тадқиқ қилинмаган умуман янги технологик вариантларини очади. Таълимнинг компьютерли технологиялари – бу, таълим олувчига ахборотни тайёрлаш ва узатиш жараёни бўлиб, уни амалга ошириш воситаси компьютердир.

Технологияни мақсадли йўналтириш:

- ахборот билан ишлаш маҳоратини шакллантириш, коммуникатив қобилиятларини ривожлантириш;
- «ахборотли жамият» шахсини тайёрлаш;
- таълим олувчиларни ўзлаштириш имкони даражасидаги етарли миқдорда ахборот билан таъминлаш;
- тадқиқотчилик маҳоратини шакллантириш.

Концептуал ҳолатлар:

- ўқитиш – таълим олувчининг компьютер билан мулоқоти;
- мослашиш тамойили: компьютерни таълим олувчининг индивидуал қобилиятларига мослаштириш;
- ўқитишнинг диалогли характердалиги;

- бошқариш мумкинлиги, ҳар қандай моментда таълим берувчи томонидан ўқув жараёнини коррекция қилиш имконияти;
- таълим олувчини барча типдаги компьютерлар билан ўзаро ҳаракати, субъект-объект, субъект-субъект, объект-субъект;
- индивидуал ва гуруҳли ишнинг оптимал бирлиги;
- компьютер билан мулоқот пайтида, таълим олувчида психологик комфорт ҳолатни қўллаб қувватлаш;
- чегараланмаган ўқитиш, мазмунли, уни интерпретацияси ва иловалари керагича катта.

Компьютерли технология, мазмунни бир қанча шакллантирилган моделини қўллашга асосланган бўлиб, бу модел, компьютер хотирасига ёзиб қўйилган педагогик дастурли воситалар ва телекоммуникация тармоғининг имкониятлари орқали намоён бўлади.

Таълим мазмуни фактологик томонининг асосий хусусияти «қўллаб қувватловчи» ахборотни қўп мартали қўпайтириш, таркибида замон даражасига ахборот базаси, гипертекст ва мультимедия (гипермедия), микродунё, имитацион ўқитиш, электрон коммуникациялар (тармоқлар), эксперт тизимлар бўлган компьютер ахборот муҳитининг мавжудлиги ҳисобланади.

Маълумотлар базаси. Маълумотлар базаси деганда, компьютер техникасини қўллаш билан, ахборотни киритиш, тизимлаштириш, сақлаш ва чиқариб бериш технологияси тушунилади. Маълумотлар базаси ахборот массиви таркибига турли статистик, матнли, график ва иллюстратив ахборотни чегараланмаган ҳажмда, албатта, уни формализация (ушбу тизим учун маълум бир характерда бўлган шаклда-форматда компьютерга тақдим этиш, киритиш ва чиқариш) ҳолда киритиш мумкин. Аънавий қайта ишланадиган, бир қатор ахборотлар учун, уни тақдим қилишни стандарт форматлари мавжуд, масалан: библиография, статистик маълумотлар, рефератлар, обзор ва б.

Маълумотлар базасида ахборотни тизимлаштириш ва излаш учта асосий усул билан бажарилади.

Иерархик маълумотлар базаси, таснифловчи асос сифатида каталоглар ва рубрикаторларни қўллайти, яъни иерархик типдаги ахборотли – изловчи тиллар.

Амалга оширувчи маълумотлар базасида ахборотнинг ҳар бирига маълум бир (муаллиф, муҳим сўзлар, ҳудуд, ахборот класи, тезаурус дескриптори ва ҳ.к. берилади ва уни излаш, уларнинг бирортаси ёки ҳар қандай комбинацияси орқали бажарилади.

Статистик маълумотлар базаси. Икки ўлчамли (кам ҳолларда – уч ўлчамли) матрица ёрдамида ташкил қилинган сонли ахборот билан операцияларни ўтказди, шу туфайли, изланаётган ахборот тизимида

уни координатлари киритиш йўли билан топилади. Статистик маълумотлар базаси, кўпроқ электрон жадваллар номи остида маълум.

Таркибида матнли – график ахборотлари бўлган маълумотлар базасини яратиш амалиётида, уни тизимлаштириш кўпинча гибрид кўринишида амалга оширилади.

Маълумотлар базаси, ўқитиш пайтида, таълим берувчи ва таълим олувчиларга дарслик ҳамда қўлланмалар таркибига кирмай қолган зарур ахборотни тезкор тақдим этиш учун бевосита дидактик жараён сифатида ва ахборотни эркин танлаш режимида (сервиси режим) фойдаланувчининг ўзи ишлатади.

Билимлар базаси. Билимлар базаси ахборот тизими кўринишида бўлиб, таркибида ушбу мавзу бўйича қўшимчани истисно қилмайдиган берк ҳажмдаги ахборот мавжуд. Ушбу ахборот шундай структуралаштирилганки, унинг ҳар бир элементи, уларнинг умумий тўпламидаги, у билан мантиқан боғлиқ бўлган бошқа элементлардан келтирилган далилга эга. Ушбу билимлар базасида бўлмаган элементларга ҳавола қилишга йўл қўйилмайди. Билимлар базасида ахборотни бундай ташкил қилиш, таълим олувчига, уни ўрганиш пайтида ушбу моментда унга маъқул бўлган мантиқ асосида ўрганиш имконини беради, чунки у, ўз хоҳишига биноан, ахборотни ўрганиш пайтида уни осон қайта структуралаштириши мумкин. Билимлар базасини бирламчи библиографик аналогн энциклопедия ва лўғатлар ҳисобланиб, уларнинг мақолаларида ушбу нашрларнинг бошқа мақолаларига ҳаволалари мавжуд. Билимлар базасини амалга оширувчи дастурли маҳсулотлар HIPERMEDIA классига мансуб, чунки улар, фойдаланувчи томонидан ахборот билан танишув мантиқини нафақат эркин танлашни амалга ошириш, балки матнли графикли ахборотни овоз, видео ва кинофрагментлар, мултипликация бирлаштириш имкониятини ҳам беради. Бундай режимда ишлаш қобилиятига эга компьютер дастури, МУЛТИМЕДИА интеграл атамаси билан бирлаштирилади (кўп вариантли мухит).

Multimedia аппаратли воситалар, билимлар базаси билан бир қаторда, ўқув жараёнида компьютерли иммитацияларни, микро-дунёларни ва уларнинг базасини таълим олувчиларда алоҳида қизиқиш чакирувчи дидактик ва ривожлантирувчи ўйинларни яратиш ҳамда қўллаш имконини беради.

Таълим олувчининг билим даражасини компьютерли тестлаш ва уни рухий - жисмоний ривожланиш параметрларини ташхис қилиш, тармоқли баҳолаш муолажаларини амалга оширувчи ҳамда маълум бир аниқлик даражасида натижаларни берувчи экспертли тизим-тизимостиларни қўллаш билан тўлдирилади. Ушбу дастурли воситалар ўқув мақсадлари ва ҳолатларига боғлиқ ҳолда қўлланилади: биринчи

ҳолатда, таълим олувчи эҳтиёжларини чуқурроқ тушуниш зарур бўлса, бошқа ҳолатда – предметли соҳада билимларни таҳлил қилиш муҳим, учинчи ҳолатда – таълимнинг психологик тамойилларини ҳисобга олиш асосий ролни ўйнаши мумкин.

Компьютерда ахборотни тақдим қилишнинг бой имкониятлари таълим мазмунини, унга интеграцияланган курсларни, фаннинг тарихи ва методологияси билан танишишни, буюк инсонларнинг ижодий лабораторияларини, фаннинг, техниканинг, маданиятнинг ва жамоат онгининг жаҳондаги даражаси қўшилганда ўзгартириш ҳамда чексиз бойитиш имконини беради.

Жараёни хусусиятлари:

Компьютерли ўқитиш воситаларини интерфаол деб аташади: улар, таълим олувчилар ва таълим берувчилар ҳаракатига «жавоб бериш», улар билан диалог олиб боришга «киришиш» қобилиятига эга. Айнан шу, компьютерли ўқитиш усулининг асосий хусусиятини ташкил қилади.

Компьютер, ўқув жараёнининг барча босқичларида қўлланилиши мумкин: янги материални тушунтириш (киришда), мустаҳкамлаш, такрорлаш, БМК назорат қилиш пайтида. Бунда, у, таълим олувчи учун турли функцияларни бажаради: ўргатувчи, ишчи инструментини, ўқитиш объектини, ҳамкорлик қилувчи жамоани, дам олиш (ўйин) муҳитини.

Компьютернинг таълим берувчи функцияларига қуйидагилар киради:

- ўқув ахборотининг манбаи (таълим берувчи ва китобни қисман ёки тўлиқ ўрнини босувчи);
- кўргазмали қурол (сифат жиҳатдан янги даражада мультимедиа ва телекоммуникацияларнинг имкониятлари билан);
- индивидуал ахборотни бўшлиғи;
- тренажёрлар;
- таҳҳис ва назорат воситаси.

Компьютер, ишчи инструмент функциясида қуйидаги сифатларда чиқди:

- матнларни тайёрлаш воситаси, уларни сақлаш;
- матнли таҳрирчи;
- графани қурувчи, график таҳрирчи;
- чексиз имкониятга эга ҳисоблаш машинаси (натижаларни турли кўринишда тузиш билан);
- моделлаштириш воситаси.

Ўқитиш объекти функциясини компьютер қуйидаги пайтларда бажаради:

- дастурлаштиришда, компьютерни белгиланган жараёнларга ўргатишда;

- турли ахборот муҳитларини қўллашда.

Ҳамкорлик килувчи жамоа компьютер томонидан кенг доирадаги аудитория (компьютер тармоқлари) билан коммуникациянинг, internet га телекоммуникациянинг оқибати сифатида қайта тикланади.

Дам олиш муҳити қуйидагилар ёрдамида ташкил қилинади:

- ўйин дастурлари;
- тармоқ бўйича компьютер ўйинлари;
- компьютерли видео.

Компьютер технологиясида таълим берувчининг иши қуйидаги функцияларни бажаради:

- синф ва умумий предмет даражасида ўқув жараёнини ташкил қилишни (ўқув жараёнининг графиги, ташки ташхис, якуний назорат);
- синф ичидаги фаоллаштириш ва координациялаштиришни, ишчи жойларини тақсимлаш, йўриқлаш, йўриқлар бериш, синф ичидаги тармоқни бошқариш ва ҳоказони ташкил қилишни;
- таълим олувчилар устидан индивидуал кузатишни, индивидуал ёрдамни, бола билан индивидуал «инсоний» контакт қилишни. Компьютер ёрдамида, визуал ва эшитиш образларини индивидуал ўқитишнинг идеал вариантларига эришилади.
- ахборотнинг муҳим компонентларини ўқув ва намойиш асбоб-ускуналарининг ҳар хил турлари, дастурли воситалар ва тизимлар, ўқув - кўргазмалар қуроллар ва ҳ.к.) тайёрлаш, уларни маълум бир ўқув курсининг предметли мазмуни билан алоқасини.

Таълимни ахборотлаштириш таълим берувчи ва таълим олувчидан компьютер саводхонликни талаб қилади, уни компьютер технологияси мазмунининг алоҳида аҳамиятга эга қисми сифатида кўриб чиқиш мумкин. Компьютерли технология мазмунининг структурасига (компьютер саводхонликка) қуйидагилар киради:

- информатик ва ҳисоблаш техникасининг асосий тушунчаларини билиш;
- компьютер техникасининг принциплар тузилишини ва функционал имкониятларини билиш;
- замонавий операцион тизимлар ва уларнинг асосий командаларини эгаллашни билиш;
- замонавий дастурли қобик ва умумий қўлланувчи операцион воситаларни (Norton commander, Windows, уларнинг кенгайтирилларини) билиш ва уларнинг функцияларини эгаллаш;
- ҳеч бўлмаста битта матнли таҳрирни эгаллаш;
- алгоритмлар, тиллар ва дастурлаш пакетлари тўғрисида бирламчи тушунчага эга бўлиш;

- таълим олувчининг, утилитар аҳамиятга эга амалий дастурларни фан ва маданият билан бирга қўллашни бирламчи тажрибасини умумжаҳон компьютер тармоғи бўлмиш – Internet тақдим этади;
- жаҳоннинг барча ҳудудларидаги тенгдошлари билан ёзишмалар орқали гаплашишни;
- дунёдаги барча банклар, музейлар, расадхоналардан илмий ва маданий ахборотни жалб қилишни;
- халқаро серверлар орқали интерфаол мулоқот қилиш, ҳодисаларни кузатиш.

Компьютерли технологиялар билан бирга, аудиовизуал ўқитиш технологиялари ҳамда функция қилиб, уларда таълим олувчиларнинг билиш фаолиятини бошқаришнинг кўпроқ қисми махсус ишлаб чиқилган аудиовизуал ўқув материаллари ёрдамида амалга оширилади.

Ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатадики, таълим жараёнига компьютер технологияларини қўллаш ўқитиш даврини кўчайтиради. Таълим олувчиларни фаоллаштиради, секин ўзлаштирувчи талабаларнинг кўшимча шуғулланишлари учун имконият яратади. Таълим олувчилар доимо ўзларининг билимларини баҳолаши учун имконият яратилади. Шуни таъкидлаш жоизки, муваффақиятли таълим тизими юксак малакали ва педагогик маҳоратга эга илгор ўқитувчилардан бошланади. Компьютердан ўқитиш технологиясида ўқитувчи таълим жараёнида марказий фигура ҳисобланади. Компьютер ўқитувчи ўрнини боса олмайди, фақат унга кўшимча дидактик восита бўлиб хизмат қилади.



Билимларни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Компьютерли ўқитиш технологиясини қандай тушунаси?
2. Компьютерли ўқитиш технологиясининг хусусиятларини айтиб ўтинг?
3. Компьютерли ўқитиш технологиясини қўллашда ўқитувчининг вазифаси нималардан иборат бўлади?
4. Компьютерли ўқитиш технологиясини қўллашда ўқитувчига ва таълим олувчига қандай талаблар қўйилади?
5. Компьютерли технология мазмунининг структурасига нималар қиради?



Таянч иборалар

Компьютерли ўқитиш, статистик маълумотлар базаси, интеллект, виртуал талаба, масофавий ўқитиш, мультимедиа, маълумотлар базаси, статистик маълумотлар, иерархик маълумотлар базаси.



Адабиётлар

- 1.Захарова И.Г. Информационные технологии для качественного и доступного образования // Педагогика.- № 1.- 2002. С.27-33.
- 2.Абдукуддусов О.А. Интегратив ёндашув-чукур билим, яхши фазилатларни шакллантириш омили // Халқ таълими.- 2000.- №3.-Б. 121-123.
- 3.Олимов Қ.Т. Махсус фанлардан ўқув адабиётлар янги авлодини яратишнинг назарий - услубий асослари. Пед.фан.докт. Диссертацияси. 255 б.
- 4.Каналина Н.А. Эксперимент в колледже: Проблемы, результатов, перспективы // Профессиональное образование.-2004.- №1.- 13 б.
- 5.Коростелева Е.А. Формирования профессионально-ценностных ориентаций будущего учителя технологии // Педагогика.- 2003.- № 7.- 2003.- Б. 79 -82.

МУСТАҚИЛ ВА ИЖОДИЙ ИШЛАШ ФАОЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН МАШҒУЛОТЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ҲАМДА ЎТКАЗИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Ўқув мақсади

Талабаларда мустақил ва ижодий ишлаш фаолиятларини ривожлантиришга қаратилган машғулотларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш технологиясининг аҳамияти, мазмуни ва ўзига хос хусусиятлари ҳақида билимларни шакллантириш



АСОСИЙ МАЪЛУМОТЛАР



Ўтказилган назарий ва амалий изланишлар, ҳамда олий таълим муассасалардаги таълим жараёнини ўрганиш шундан далолат берадики, биз бугун талабани мустақил бўлишга ва ўрганишга қандай қилиб ўргатишимиз ҳақида ўйлашимиз керак.

Масалан, ўқув хонасида ҳамма банд. Талабалар гуруҳ-гуруҳ бўлиб ишлашмоқда. Талабалар учун ўқув адабиётлари етарли. Бир талаба нимадир ўқияпти. Иккинчиси берилиб дафтарларига бир нималарни ёзмокда. Умуман ўқув хонасида ҳамма қандайдир иш билан бандлиги сезилиб турибди.


Ушбу дарс шаклини кузатиб беихтиёр савол туғилади – ўқитувчи қани, агар талабалар мустақил ишлаётган бўлсалар ўқитувчи нима билан машғул? У талабаларни мунтазам назорат қилиш ва уларга нима қилиш кераклиги тўғрисида қатъий кўрсатмалар бериш керак эмаслигига қандай қилиб эришди. Бу ҳолатда шундай фикр туғилиши мумкин. «Қандай онгли талабалар! Ўқитувчининг омади бор экан». Аммо реал таълим шароитида талабаларнинг онгли ва фаол бўлишлари бу-ўқитувчи ишининг самарасидир.

Масалан: Мустақил билим олиш ва ўрганишда талабалар ҳаракати гуруҳдаги талабалар қуйидаги тартибда бўлиши мумкин:

1. Талабалар кичик гуруҳларга бўлинади (одатда 3-4 та)
2. Ҳар бир кичик гуруҳ ўтилган мавзулар бўйича бир нечта савол (ёки топшириқ)лар тузадилар.
3. Сўнгра гуруҳлар ўзаро саволлар билан алмашадилар.
4. Гуруҳлар «ракиб» гуруҳ тузган саволларга жавоб берадилар ва энг кўп саволга тўғри жавоб берган гуруҳ муваффақият қозongan деб хисобланади.

Демак, талабаларнинг мустақил ва ижодий ишлаш фаолиятларини ривожлантиришга қаратилган машғулотларни самарали ташкил этиш ўқув жараёнининг муҳим омилларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Биз томондан таълим олувчиларнинг мустақил ва ижодий ишлаш фаолиятларини ривожлантириш бўйича машғулотларни ўтказиш жараёни модели (Схемага қаранг) ишлаб чиқилди. Ушбу моделнинг ҳар бир компоненти моҳиятига тўхталамиз.



Таълим олувчиларнинг мустақил ва ижодий ишлаш фаолиятларини ривожлантириш бўйича машғулотларни ўтказиш жараёни модели

1. Умумий ўқув мақсадлари. Ўқув мақсадлари муайян таълим жараёни якунида таълим олувчи томонидан ўзлаштирилиши, янги ҳосил қилиниши лозим бўлган билим, ҳатти-ҳаракат билан боғлиқ бўлган амалий топшириқни уддалай олиш маҳорати, шахсий фазилатлар ва ҳуққни белгилайди.

Ҳар бир фаннинг ўқув мақсадлари тўғри белгиланиши муҳим аҳамиятга эга. Умумий ўқув мақсадларнинг мазмуни йўналтирувчи мақсадлардан келиб чиқиб белгиланади. Умумий ўқув мақсадлари йўналтирувчи мақсадларни аниқлаштиради. Умумий ўқув мақсадлари таълим олувчи муайян махсус фан бўйича эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малака ҳақида умумий тасаввурни беради.

Қуйида «Кийимни моделлаштириш ва бадий безак» фанидан умумий ўқув мақсадлари белгиланган. Таълим олувчилар ушбу фанни ўзлаштиргандан кейин қуйидаги назарий билимларга эга бўлишлари керак:

- кийим моделини яратиш, тарихи, уларнинг вужудга келиши ҳақида маълумотларга эга бўлиши;
- мода ва унинг жамоатчилик тарзида вужудга келиши ҳамда «Мода» тўғрисида тушунчага эга бўлиши.
- кийим моделини яратиш, бадий безаш ва ишлаб чиқариш усулларини билиши;
- кийим композицияси тўғрисида тушунчага эга бўлиши;
- кийим шакллари ва кўринишларини билиши;
- кийим моделини яратишда рангларнинг тутган ўрнини тушуниши;
- кийим моделини яратишда безак берувчи элементларни билиши.

Қуйидаги амалий кўникмаларини эгаллаши керак:

- ўзига хос услубдаги кийим ечимининг турлари, кўринишларини танлай олиши;
- кийим композицияларни ишлаб чиқиш;
- кийим моделини яратишда безак берувчи элементларни танлаш;
- моделни яратишда рангларнинг хусусиятларини танлай олиш;
- аёллар енгил қўйлагининг асос ва енг чизмасини ишлаб чиқиш;
- кийим қирқимларига ишлов бериш, шим тақилмасига «молния» тасма қўйиб тикиш.

Қуйидаги малакаларга эга бўлиш керак:

- кийим композицияларини яратиш;
- аёллар юбкасини моделлаштириш;
- кийим моделини яратишда аппликация ва гажим тайёрлаш ва безаш;
- эркаклар шимини моделлаштириш;
- кийимларга безак бериш.

2., 3. Назарий ва амалий машғулотлар.

Назарий дарс ва амалий машғулотларни ўтказиш давомида ўқитиш жараёнининг кўзда тутилган кетма-кетлигини сақлаб қолиш ҳамда режалаштирилган ўқув мақсадларига эришишни таъминлаш лозим.

Ўқитувчи томонидан таълим олувчиларнинг мустақил ва ижодий фаолиятларини ривожлантириш учун машғулотларнинг дарс ишланмаси ҳамда технологик харитаси ишлаб чиқиши керак. Ҳар бир машғулот бўйича дарс ишланмалари ва технологик хариталарни ишлаб чиқиш ўқув жараёнини тўлақонли лойиҳалаштириш ҳамда самарали ташкил этиш имконини беради.

4. Мустақил иш.

Таълим олувчиларнинг мустақил ва ижодий ишлаш қобилиятларини шакллантириш ҳамда ривожлантиришда мустақил ишларнинг аҳамияти жуда катта.

Мустақил ишлар таълим олувчининг умумий ривожланишига ва касбий маҳоратини ўстиришга хизмат қилиши керак. Шунингдек, таълим олувчиларнинг мустақил ва ижодий ишларини ташкил қилиш тарбиявий, таълимий аҳамиятга ҳам эга бўлиши керак. Тарбиявийлик аҳамияти шундаки талаба ўз билимини ошириш ҳамда мустақамлаш учун ўзини-ўзини тарбиялаб боради. Таълимий аҳамияти эса талаба бўш вақтдан самарали фойдаланган ҳолда мустақил билим олиш жараёнининг шаклланишига олиб келади.

Талабаларнинг мустақил ишларини самарали ташкил этиш ва бошқариш ўқув жараёнининг асосий таркибий қисмларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Мустақил ва ижодий ишларнинг турлари, шакллари танлашда «олдийдан-мураккабга» ҳамда «умумийдан-хусусийга», «мавҳумдан-аниқликка» тамойилларига амал қилиш лозим. Мустақил ва ижодий иш топшириқларини ишлаб чиқишда ҳар бир талабанинг шахсий имкониятлари, тушунувчанлик, ўқув материални ўзлаштириш даражаси инобатга олинishi, шахсга йўналтирилган ўқитиш технологияларини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Машғулотларда талабаларнинг ижодий ишлашига аҳамият бериш керак. Ўқитувчи талаба бажарадиган мустақил ишларни ҳажминини аниқлаб, бажариш учун уларга ақлий меҳнат қилиш йўллариини ўргатади ҳамда ишни бажариш жараёнида келиб чиқадиган камчиликлар ва хатоликлар бўйича кўрсатмалар беради.

Мустақил ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш ҳамда унга раҳбарлик қилиш учун коллеж раҳбарияти ва ўқитувчилар айни вақтда ҳам яхши педагог, ҳам касб-ҳунар сирларини яхши биладиган мутахассислар бўлиши керак.

Мустақил ва ижодий ишлаш жараёнида талабада мустақил фикрлаш қобилиятининг ривожланиши натижасида, талабада жараёнлар ва ҳодисалар, объектлар ҳақида билимларни тизимлаштириш уларни чуқур ўрганиш ҳамда тегишли қарорлар қабул қилиш, назарий билимларни амалда қўллаш қўникмалари шаклланади.

5. Машғулотларни ташкил этиш шакллари.

Таълим олувчиларнинг мустақил ва ижодий ишлаш фаолиятларини ривожлантиришга қаратилган машғулотлар кичик гуруҳларда ҳамда индивидуал шаклда олиб борилиши лозим. Индивидуал шакл асосан ижодий топшириқларни бажаришга йўналтирилади. Ҳар бир талаба ўзининг индивидуал (жисмоний, психик ва б.) хусусиятларига эгаки, бу унинг ўқув фаолиятига катта таъсир этади. Педагогнинг бу хусусиятларни ўрганиши ва инобатга олиши ўқитиш сифатини ошириш ҳамда ҳар бир талабанинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш учун шароит яратади.

Педагог талабаларнинг дарслардаги ва ишлаб чиқариш таълими вақтида устахоналардаги ишини, уй вазифаларини бажаришини кузатади, уларнинг билими, ёзма ишлари ва ижодий иш сифатида тайёрлаган буюмларини текширади, маслаҳатларда, дарсдан ташқари вақтларда улар билан ишлайди. Талабанинг кучли ва ожиз томонини билиб олишга, унинг қизиқишлари, тафаккури, нутқи, хотираси, диққати, ҳаёлига хос бўлган хусусиятларни ўрганишга, унинг характери ҳамда иродавий сифатларини яхши билиб олишга ҳаракат қилади, уларнинг ҳаётӣ ва меҳнат тажрибаларини, коллежга келишдан олдинги фаолияти хусусиятларини ўрганади.

Бугунги кунда махсус фанлар ўқитиш жараёнида кичик гуруҳ бўлиб ишлаш шаклининг аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Махсус фанлар бўйича назарий билимларни беришда ва амалий машғулотларни ўтказишда ўқувчилар бир неча кичикрок ўқув гуруҳларига тақсимланади ҳамда бу гуруҳлар мустақил ишлайдилар. Кичик гуруҳларнинг иш натижалари кейинроқ бутун гуруҳ доирасида муҳокама қилиниши мумкин.

Кичик гуруҳларда ишлаш махсус билимлар билан бир қаторда амалий қўникмалар ўрганилиши керак бўлганда, шунингдек талабаларда мустақил ишлаш қобилиятларини ривожлантириш учун қўлланилади. Бир нечта талабалар биргаликда ишлаган пайтда, уларнинг шахсий хусусиятлари ва характерлари орасида ўзаро ҳамкорлик вужудга келади.

Гуруҳли бўлиб ишлашда иккита ҳолат фарқланади:

- бир хил мавзуда олиб бориладиган гуруҳ иши;
- ҳар хил мавзуда олиб бориладиган гуруҳ иши.

Бир хил мавзуда олиб бориладиган гуруҳ ишида бир неча гуруҳларга бир хил топшириқлар берилади. Топширик ва машқларни ечиш шароитлари ҳам бир хил бўлади. Шундай қилиб ҳар хил ечимлар гуруҳ иши тугаганидан сўнг бир-бири билан таққосланиши мумкин. Кўпинча бундай ҳолларда рақобат ҳолати юзага келади. Ечим топилиши вақтида эса рақибликка ўхшаш ҳолатлар вужудга келади. Бу ерда муҳим нарсаси шуки, гуруҳлардаги талабаларнинг билим ва кўникмалари имкон қадар бир хил бўлиши керак.

Ҳар хил мавзуда олиб бориладиган гуруҳ ишида бериладиган иш топшириғи бир неча қисмларга бўлинади. Фақат бу қисмлар бирлаштирилгандагина топшириқнинг мазмуни аниқ кўринади.

Ҳар бир гуруҳ бу ҳолда қисман топшириқ олади ва мустақил равишда унинг устида ишлайди.

Бундай ёндашувда бир гуруҳ талабалари фақат ўзларига берилган топшириқларни билишади ҳолос, яъни бошқа гуруҳлар ишлари ҳақида деярли хабарлари бўлмайди. Шунинг учун ҳам натижалар қисман бирлаштирилиши зарур.

Кичик гуруҳларда ишлашда берилган топшириқлар пухталики билан ўйлаб чиқилган бўлиши керак, чунки уларда талабалар орасида мулоқот ва ҳамкорлик қобилиятини ривожлантириш каби мақсадлар бор. Гуруҳий иш учун қуйидаги ўқитиш шакллари мос келади:

1) Устахона шаклидаги гуруҳий иш:

Устахонада бажариладиган амалий машғулоти доирасидаги вазиятга ўхшаш келажак фаолият бўйича сценарийлар ва муаммолар ишлаб чиқилади. Бунинг учун долзарб муаммолар ўрганиб чиқиши керак. Бу муаммолар талабаларнинг дастлабки билимлар даражасини инобатга олган ҳолда ҳамда ижодий фикрлаш билан боғлиқ ҳолда талабаларни ечимларга ундашлари керак.

2) «Режа ўйини» шаклидаги гуруҳий иш:

«Режа ўйинлари» белгиланган вазиятда турли хил ечимларни синаб кўриш имконини беради. Талабалар бунда муаммога бўлган ҳар хил таъсирлар натижага қандай таъсир қилишини ўрганади. Бунинг учун сабаб ва оқибат бир-бири билан боғлиқ равишда кўрилиши керак. Талабалар ўйин жараёнида ўзаро рақобат муносабатида бўлади.

3) Лойиҳа шаклидаги гуруҳий иш:

Лойиҳавий иш бир лойиҳани аниқ белгиланган чегара доирасида ишлаб чиқишни талаб қилади. Лойиҳа шаклидаги гуруҳий иш жуда ҳам катта аҳамиятга эга, чунки бунда вазифалар топшириқлар мажмуаси бўйича аниқ тақсимланиши керак бўлади.

Биз тажриба-синов ишларида «Кийимни моделлаштириш ва бадий безак» фанини ўқитиш жараёнини кичик гуруҳларда ҳамда индивидуал шаклда ташкил этдик.

6. Дидактик воситалар ва материаллар.

Таълим олувчиларнинг мустакил ва ижодий ишлаш фаолиятларини ривожлантириш учун шароитлар яратиш, ўқув-услубий ада-биётлар, дидактик материаллар билан таъминлаш жуда муҳим.

Ўқув-дидактик материалларга ўқитилиши ва ўрганилиши лозим бўлган билимларни берувчи ҳар қандай ахборот ташувчилар тушунилади. Махсус фанлар бўйича ўқув-дидактик материаллар сифатида назарий дарсларда матнли - визуал воситалардан, амалий машғулотларда курс материаллари, услубий қўлланмалар, жадваллар, жиҳоз ёки асбобни ишлатиш бўйича кўрсатмалар кабилардан фойдаланилади.

Таълим олувчиларнинг мустакил ва ижодий ишлаш фаолиятларини ривожлантиришда электрон таълим ресурсларидан максимал фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Ўқув ва дидактик материалларга қўшимча тарзда тасвирий-визуал воситалар (фото-суратлар, расмлар, чизмалар, графиклар . . .) ҳам киради. Улар умумий ва кенг қамровли тасаввурларни вужудга келтиришни осонлаштиради. Шунингдек, тасвирий тасаввурларни шакллантирадиган аудио-визуал воситалар технологик жараёнлар ва функциялар тўғрисидаги кенг қамровли реал тасаввурларни вужудга келтиради.

Предмет воситалари тасвир ва матнларни ёзиб олиш, сақлаш имконини беради. Уларга доска, флипчарт, кодоскоп (проектор) камера ва компьютерлар киради.

Иш соҳасига тегишли асл нарсалар яъни маҳсулотлар, жиҳозлар ва асбоблар назарий дарс ёки амалий машғулот пайтида дидактик функцияга эга бўлса, ўқув воситаси сифатида қўлланилиши мумкин.

Ушбу воситалардан фойдаланишда уларни муайян мақсад соҳа ва усулларга мос ҳолда танлаш муҳим ўрин тутди. Ўқитувчи ўқув ва кўрсатмали воситаларни ишлата олишни, улардан мақсадга мувофиқ ва оқилона тарзда фойдаланишни билиши керак. Техник воситалардан фойдаланилаётганда юзага келадиган техник муаммоларни мустакил ҳал қила олиши керак.

Ўқув материаллари бир пайтнинг ўзида дидактик материаллар сифатида, яъни ўқитиш ва ўрганиш учун ишлатилади. Агар ўқув ва дидактик материаллар етарли бўлмаса, у ҳолда ўқитувчи томонидан уларнинг танланиши ҳамда назарий ёки амалий машғулотлар мақсадига мослаштириб тайёрланиши керак.

7. Фаол таълим усуллари.

Ўқитиш жараёнида талабаларни фаоллаштириш - шуни назарда тутадик, бунда талабалар илмий билимларни ҳамда уларни амалда қўллаш усулларини онгли ва фаол эгаллаб оладиган, уларда ижодий

ташаббускорлик, ўқув фаолиятида мустақиллик, тафаккур, нутқ ривожланади.

Талабаларнинг фаоллиги уларнинг ўқув материални эгаллаб олишида ўқув хонасида, лабораторияда, устахона ҳамда ишлаб чиқариш шароитларида топшириқларни бажаришдаги ҳаракатларида намоён бўлади. Фаоллилик талабаларнинг ўқув ва меҳнат фаолиятидаги мустақиллигини ривожлантириш билан мустаҳкам боғланган.

Ўқув ишлаб чиқариш ишларини бажаришда фаоллик, яъни фикрий, онгли равишдаги ижодий фаоллик муҳим аҳамиятга эга. У талабаларда ўз ҳаракатларини кўрсатилган намуна билан мос онгли равишда тузатишларида, ижобий натижаларга олиб келувчи фаолият усулларини мустақил танлашларида, ўз меҳнатларини режалаштириш, хатоларни таҳлил қилиш ва тузатишда намоён бўлади. Ишлаб чиқаришда талабаларнинг фаоллиги – бу уларнинг машина, агрегат, қурилма ишининг ташки белгилари бўйича ички жараёнларни тасаввур қилишлари ҳамда ушбу белгиларининг таҳлили асосида зарурий ҳолларда уни ростлаш бўйича мақсадга мувофиқ қарорлар қабул қилиш қобилиятидир.

Фаол усулларини танлаш биринчидан, дарсдан кўзда тутилган ўқув мақсадларига боғлиқ. Масалан, агар дарснинг мақсади янги билимларни эгаллашдан иборат бўлса, ўқитувчи бу билимларни ўзи баён қилади ёки талабаларнинг ўқув адабиётлари ва бошқа материаллар билан мустақил ишлашини ташкил қилади.

Иккинчидан, таълим усулларини танлаш ўрганиладиган фаннинг мазмуни ва дарснинг аниқ ўқув материалига боғлиқ бўлади. Бир машғулотнинг ўзида бир нечта фаол усуллар қўлланилиши мумкин.

Учинчидан, талабаларнинг илгариги тайёргарлик даражасига ва шахсий тажрибасига боғлиқ. Агар янги ўқув материали талабаларга бутунлай нотаниш бўлса, ўқитувчи буни ўзи баён қилади, буни дидактик воситалар ва тажрибаларни кўрсатиш билан қўшиб олиб боради.

Таълим олувчиларнинг билим олиш, мустақил ишлаш ва ижодкорлик қобилиятларини ривожлантириш, уларнинг онгли фаоллиги, мустақиллиги ҳамда ижодкорлигини, ўқув билиш фаолияти натижасининг сифатини характерлайди.

Фаоллик-таълим шароитида ўзлаштирилган назарий билим ва амалий иш-ҳаракат усулларини турли ишлаб чиқариш вазиятларида қўлланишга имкон беради.

8. Аниқ ўқув мақсадлари.

Мавзулар бўйича аниқ ўқув мақсадлари мазмуни ўз навбатида умумий мақсадлардан келиб чиқади. Аниқ ўқув мақсадлар аниқ ифода этилганлиги туфайли таълим жараёнида муҳим ўрин тутади. Аниқ ўқув

мақсадлари бир мавзуга оид назарий ва амалий машғулоти ёки мустақил ишлар бўйича ўлчаниши мумкин бўлган аниқ якуний билим, кўникма, малака ҳамда хулқни ифодалайди. Аниқ ўқув мақсадлари одатда таълим муассасалари ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилади. Қуйида «Кийимни моделлаштириш ва бадий безак» фанининг «Аёллар кийими моделларини яратиш» мавзусининг ўқув мақсадини белгиланишини келтирилган. Биз ушбу фаннинг барча назарий ва амалий машғулоти ҳамда мустақил ишлар бўйича ўқув мақсадларини ишлаб чиқдик.

Мавзу: Аёллар кийими моделларини яратиш (6 соат).

Ўқув мақсадлари:

Таълимий: Талабаларда аёллар классик юбкасини моделлаштириш, андоза тайёрлаш ва бичиш бўйича билим ҳамда кўникмаларни шакллантириш;

Тарбиявий: Талабаларнинг яқка ҳолда ва кичик гуруҳларда ишлаш қобилиятини шакллантириш, касбга бўлган қизиқишларини орттириш;

Ривожлантирувчи: Талабаларнинг мустақил ва ижодий фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш.

Машғулоти давомида ўзлаштириладиган амалий кўникмалар:

- аёллар юбкаси турли вариантларига ташқи кўринишига қараб техник тавсиф бериш ва ажратиш;
- турли моделдаги аёллар юбкасининг асос конструкцияси бўйича техник моделлаштириш;
- юбка андозалари контурларини чизиш;
- юбка андозасини қирқиш ва уни расмийлаштириш, газламага жойлаштириш ҳамда бичиш.

Машғулоти давомида шаклландиган назарий билимлар:

- аёллар юбкаси конструкциясини қуриш усуллари;
- юбкани моделлаштириш усуллари;
- юбка андозасини тайёрлаш усуллари;
- юбка андозаларини расмийлаштиришга қўйилган талаблар;
- юбкани бичиш техник шартлари.

9. Ўқитиш жараёни. Талабаларнинг мустақил ва ижодий ишлаш фаолиятларини ривожлантиришга қаратилган машғулоти дарс ишланмалари ҳамда технологик хариталари асосида ўқитиш жараёни ташкил этилади. Машғулоти асосини мустақил ва ижодий иш топшириқларини бажариш ташкил этади. Ҳар бир машғулоти ўқув мақсадига тўла эришиш учун қўшимча машғулоти ҳам ўтказилиши мумкин. Назорат гуруҳида ўқув машғулоти анъанавий тарзда олиб борилса, тажриба-синов гуруҳида педагогик технологияларга асосланган «Йўналтирувчи матн» усули бўйича ўқув машғулоти олиб борилади.

10. Мустақил ва ижодий иш топшириқлари.

Ўқитувчининг махсус фан бўйича мустақил ва ижодий топшириқларни ишлаб чиқиш таълим сифатига ижобий таъсир кўрсатади.

Талабаларга мустақил билиш, фикрлаш ва ижодий изланишга мажбур қиладиган, муаммоли ҳаётий далилларга асосланадиган вазиятли топшириқларни бериш мақсадга мувофиқдир. Талаба топшириқларни ижодий фикрлаш ва мустақил ишлаш орқали бажаришлари лозим.

Ўқитувчилар мустақил ва ижодий иш топшириқларини бажариш бўйича талабаларнинг интилишларини олқишлаши ҳамда тўғри йўналтира олишлари лозим. Талаба якка ҳолда самаралироқ ишлайди; ёки бир неча кишидан иборат гуруҳ билан биргаликда ишлашни ёқтиради; ёки унга электрон дарсликлардан фойдаланиш қулайроқми буни ўқитувчи яхши билиши керак.

Талаба топшириқни ўзи англаши ва уни бажаришга ҳаракат қилиши, ўқитувчи эса, ўз навбатида, талабаларнинг мустақил изланиш олиб бориш кўникмаларини, ўтилган материалларни янада чуқурроқ ўзлаштириш учун қўшимча маълумотларни излаб топиш қобилиятларини ривожлантиришга ундашлари лозим.

Саволлар ёки топшириқлар орқали талабаларнинг ижодий фикрлашларни ривожлантириш, номаълум ёки ноаниқ маълумотлар моҳиятини тушуниш учун мустақил изланишларини вужудга келтиради. Биз томондан олиб борилган педагогик тадқиқотлар шуни кўрсатдики, талабанинг ижодий фикрлаш қобилиятини шакллантириш ва ривожлантириш, унинг мустақил билим олишга бўлган қизиқишини оширишда мустақил иш ижобий таъсир кўрсатар экан. Лекин, аудиториядан ташқари мустақил ишни ташкил қилиш бирмунча мураккаб жараён. Чунки бу жараёнда талаба мустақил тарзда фанлар бўйича берилган топшириқларни ўқув-услубий адабиётларидан фойдаланган ҳолда бажаришлари керак.

11. Жорий, оралик баҳолаш.

Талабалар томонидан ўқув материаллари ўзлаштирилганлигини, кўникма ва малакалар ҳосил бўлганлигини текшириш ҳамда баҳолаш таълим жараёнининг зарурий таркибий қисми ҳисобланади. Бу факат ўқитиш натижаларини баҳолаш эмас, балки ўқитиш жараёни даврида талабалар билим олиш ва мустақил иш фаолиятига раҳбарлик қилиш ҳамдир.

Билим ва кўникмаларни текшириш ҳамда баҳолашнинг таълимий аҳамияти шундан иборатки, бунда ўқув материалларининг ўзлаштирилиши тўғрисида талаба ва ўқитувчи муайян маълумотга эга бўлади. Ўқитувчига талабаларнинг қайси ўқув материални яхши ўзлаш-

тирилгану, қайси иш етарли даражада ўзлаштирилмаганлиги маълум бўлади. Бу эса талабанинг ўрганиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш учун асос бўлиб ҳисобланади. Баҳолаш орқали талабаларнинг ўқув материалларини билиш, тушуниш, хотирада сақлаб қолиш, амалда қўллаш олиш, таҳлил қилиш ва ўз-ўзини баҳолаш даражалари аниқланади.

Билимларни, кўникма ва малакаларни баҳолашнинг тарбиявий аҳамияти шундаки, бунда талабаларнинг ўқишга қизиқиши, ўз ютуқлари ёки муваффақиятсизликларига нисбатан муносабати шаклланади, ўқув қийинчиликларни енгиш иштиёқи туғилади.

Натижаларни баҳолаш орқали бутун таълим жараёни текширилиб кўрилиши керак. Бу билан таълим жараёнида кутилаётган ўқув мақсадига эришилаётганлик даражаси текширилади. Таълим бериш давомидаги талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларни баҳолаш талабанинг ўзлигини англаши учун бир имкониятдир.

Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиқиб, таълим олувчиларнинг мустақил ва ижодий ишлаш фаолиятларини ҳам инобатга олиб баҳолашда қуйидагиларни эътиборга олиш муҳимдир:

- ўқув мақсадларига эришилганликни аниқлаш;
- таълим жараёнидаги ютуқ ва камчиликларни аниқлаш;
- ўқитувчи ўз фаолиятидаги камчиликларни бартараф этиш;
- жорий ва оралик ўзлаштириш даражасини аниқлаш;
- баҳолаш натижалари бўйича ота-оналарга маълумот бериш;
- дастлабки билим ва кўникмалар таълим натижасини баҳолаш;
- талабаларнинг қизиқишларини аниқлаш учун.

Баҳолашни қуйидаги уч босқичда ўтказиш тавсия этилади:

Бошланғич баҳолаш таълим жараёни бошида талабаларнинг дастлабки билим, кўникма ва малакаларини аниқлаш учун ўтказилади. Бундай баҳолаш натижалари орқали махсус фанни ўқитиш жараёнининг мазмуни, методлари ва шакллари танлаш имконияти яратилади.

Жорий (шакллантирувчи) баҳолаш мунтазам равишда ўтказиб борилиши лозим. У таълим жараёнидаги ютуқ ва камчиликларни, самарасини тезкор аниқлаб бориш, ўқув жараёнини мувофиқлаштириш ҳамда таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасидаги қайтар алокани таъминлаш имконини беради.

Оралик баҳолаш махсус фан асосий бўлимлари ёки модуллари бўйича машғулотлар ўтиб бўлингандан кейин талабаларнинг билим ва кўникмаларни ўзлаштирганликлари баҳоланади. Бу билан талабанинг бўлим ёки модел бўйича ўқув материални қанчалик даражада ўзлаштирилганлиги ҳақида маълумотга эга бўлинади. Лозим бўлса ўзлаштириши паст бўлган талабалар билан қўшимча машғулотлар олиб борилади.

12.Таълим натижаси. Талабаларни баҳолаш мониторингини ўтказиш.

Якуний баҳолаш талабанинг фан бўйича ўзлаштириш натижаларини белгиланган мезон ва стандартларга жавоб беришини аниқлайди. Якуний баҳолаш махсус фанни ўқитиш жараёнининг якунида ўтказилади. У жорий ва оралик баҳолаш натижаларини жамлайди. Биз томондан ушбу модел асосида талабаларнинг мустақил ва ижодий ишлаш фаолиятларини ривожлантиришга қаратилган ўқитиш жараёни ташкил этилди. Ҳар бир машғулоти учун ишлаб чиқилган дарс ишланмаларидан намуна куйида келтирилган.



Билимларни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Мустақил билим олиш ва ўрганишда талабалар ҳаракати гуруҳдаги талабалар қандай тартибда бўлиши керак?
2. Талабаларнинг мустақил ва ижодий ишлаш фаолиятларини ривожлантиришга қаратилган машғулотлар қандай тузилиши лозим?
3. Дарсга қўйиладиган тарбиявий талабни аниқланг.
4. Талабаларнинг мустақил ва ижодий ишлаш фаолиятларини ривожлантириш бўйича машғулотларни ўтказиш жараёни моделини тушунтириш.
5. Дарс жараёнида гуруҳли бўлиб ишлашда қандай ҳолатлар фарқланади?



Таъинч иборалар

Таълим жараёни, ўқитиш, ўқиш, ўқитувчи, талаба, маъруза, амалий, лаборатория, семинар машғулотлари, мустақил ишлар, ўқув амалиёти, курс ишлари (лойиҳалари), маслаҳатлар, дарс.



Адабиётлар

1. Олимов Қ.Т. ва бошқалар. Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси. Ўқув қўлланма. Тошкент, «Фан» – 2009. 172 б.
2. Рашидов Х. ва бошқалар. «Қасбий педагогика» блокинни ўқитиш методикаси. Тошкент: ЎМКХТТКМО ва УҚТИ, 2007. 200 б.
3. Жалолова Д.Ф. Махсус фанларни ўқитишда талабаларнинг мустақил ва ижодий ишлаш фаолиятларини ривожлантириш (Қасб-хунарсозлик коллежларининг «Тикувчилик ишлаб чиқариш» йўналиши мисолида): Пед. фан. ном. дис. – Т.: 2009. – 140 б.
4. Зиёмуҳаммадов Б., Абдуллаева Ш., «Илғор педагогик технологиялари». Т.: Абу Али Ибн Сино, 2001. – 80 б.

Ўқув мақсади

Талабаларда ўйинли ўқитиш технологиясининг моҳияти, таълим жараёнида қўллаш афзалликлари ва амалга ошириш босқичлари тўғрисида билимларни шакллантириш



АСОСИЙ МАЪЛУМОТЛАР



Ўйин технологиялари таълим жараёнида талабаларни касбий фаолиятга кенг қамровда тайёрлаш имконини беради. Ўйин технологиялари асосини талабаларнинг бўлғуси касбий фаолияти билан боғлиқ вазиятлар, воқеа-ҳодисалар ташкил қилади.

Ўйин технологиялари муайян фаннинг катта бир бўлими ўрганилгандан кейин талабаларнинг билимларини мустаҳкамлаш ва уларни амалий фаолиятга йўналтириш мақсадида қўлланилади. Ушбу технология дарснинг мақсад ва вазифалари, мутахассислик мазмунидан келиб чиққан ҳолда фаолиятга татбиқ қилинади. Бундай машғулотларда талабаларда таълимга нисбатан кучли мотивация юзага келади, улар фаоллиги таъминланади. Сценарий бўйича ролларни ижро қилиш давомида улар назарий машғулотлар ўзлаштирган билим, кўникмаларидан фойдаланган ҳолда касбий соҳа билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишга ҳаракат қиладилар, ўзларининг тайёргарлик даражаларини, имкониятларини баҳолайдилар.

Бошқарувчанлик ўйинлари талабаларда касбий фаолиятни режалаштириш, ташкил қилиш, бошқариш, мувофиқлаштириш, назорат ва таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради, уларда лидерлик, қатъийятлилик, масъулиятлилик, ташкилотчилик, ишбилармонлик сифатларини тарбиялайди.

Тадқиқотчилик ўйинлари орқали талабалар назариялар, қоидалар, концепциялар мазмунини амалий жиҳатдан мустаҳкам ўрганадилар, уларда назарий маълумотларга нисбатан шахсий фикр, хулосалар таркиб топади. Илмий концепцияларнинг асослигини текшириш мақсадида улар тадқиқот ишларини олиб борадилар, фикрларини шакллантирадилар. Талабларда илмий тафаккур ривожланади.

Талабалар таълим жараёнида ўзлаштирган билим ва кўникмаларини реал ҳаёт воқеа-ҳодисаларини моделлаштириш орқали пухта эгаллайдилар, ролларни ижро қилиш давомида ўзларининг имкониятларини синаб кўрадилар, ўзларига баҳо берадилар, касбий шаклланишдаги камчиликларни аниқлайдилар. Бир сўз билан

ифодалаганда талабалар ўзларининг нималарга қодир эканликларини билиб оладилар.

Ўйин технологиялари талабаларни фаоллаштиради. Талабалар билимларни фаолият негизида ўзлаштирадилар. Ҳатто суст ўзлаштирувчи талаба ҳам ўзини намоён қилишга эҳтиёж сезади. Талабалар ўйинда иштирок қилиш давомида ўзларининг илмий-амалий тайёргарликларига асосланиб хулосалар чиқарадилар, маънавий-интеллектуал ва касбий ривожланиш даражаларини намоён қиладилар.

Талабаларда хулқ-атвор меъёрлари таркиб топади. Улар сценарий бўйича ролларни ижро қилишлари давомида ўзларининг шахсий мазмундаги маънавий, эмоционал, хулқий, ижтимоий тажрибаларига таянадилар. Бу ўз навбатида бошқа талабалар томонидан баҳоланади. Маълум маънода талабалар ижтимоий-касбий соҳада фаолиятни тўғри ташкил қилиш тўғрисида шахсий фикр ва хулосаларни билдирадилар.

ИШБИЛАРМОН ЎЙИН

Ишбилармон ўйин – бу ўқитишнинг умумий методик технологияси бўлиб, бунда таълим олувчи биринчи навбатдаги топширик ечимини қабул қилиш жараёнини кўриб чиқадиладар. Бу жараён моделга ўтказилиб, бунинг натижасида эпизодлар (аниқ натижалар ва уларнинг оқибатлари) пайдо бўлади.

Дидактик мақсад. Бу асосан фаолият компетенцияси ва методик компонентларини ривожлантириш бўлиб, хусусан, фаолиятни бажаришда ечимларни қабул қилиш вазиятларини мустақил ечиш орқали амалга ошади.

Методик мақсад. Ишбилармон ўйиннинг методик мақсади ечимларни қабул қилиш ва уларнинг натижалари билан тажрибалар ўтказиш, кўникмаларни орттиришдан, шунингдек муаммони ечиш йўллари топишдан иборат.

Ишбилармон ўйинлар турига умумий ўйинлар, катта ўйинлар қисмлари, эркин ўйинлар, интерактив ўйинлар (ечимни қабул қилишга ва ўйин боришига бошқа ўйин гуруҳлари таъсир кўрсатишади), ноинтерактив ўйинлар, очик ва ёпиқ ўйинлар (танлов асосида).

Аналогик методлар: ролли ўйин, вазиятни ўрганиш, сценарийлар техникаси (стратегик режалаштриш методи).

Асослар. Ишбилармон ўйинлар ҳақиқатнинг аниқ лавҳалари кўрсатиладиган реал вазиятларни тиклаш ҳисобланади. Бунда кўпинча ижтимоий ёки ишлаб чиқариш муҳити можаро вазияти моделлаштирилади. Таълим олувчилар турли персонажлар ролларини ўйнаб, ўзларининг қизикишларини акс эттиришади.

Келиб чиқиши. Ҳозирги ишбилармон ўйинининг дастлабки шакллари 17-18 асрларда мавжуд эди. Бошланишида улар харбий мақсадларда стратегик ўйин сифатида ишлатилган, 1950-йилларда саноат ва иқтисодиётда қўлланилиши (бизнес-тренинг, бошқарув кўникмаларини машқ қилиш) натижасида ўз характерини сезиларли ўзгартирди. Таълим тизимига эга ишбилармон ўйинлари сиёсат-шуносликда сиёсат ва жамиятда ечимларни қабул қилиш жараёнларини моделлаштириш орқали кириб келди.

Қўлланиш соҳалари. Одатда ишбилармон ўйини ҳеч қандай фанни четламайди, турли фанлар орасида ҳамкорликни талаб қилади, чунки ўйиннинг ўзида турли махсус соҳалар методлари билан ишлаш керак бўлади. Бунда турли соҳалар ўқитувчилари орасидаги ҳамкорлик катта аҳамият касб этади. Ишбилармон ўйинни иш фаолиятларига рухсат йўқ бўлган ёки имконияти чекланган ҳолатларда, иш фаолиятларини кўрсатиш хавфдан узоқ бўлган ёки мураккаб бўлган ҳолатларда қўллаш мақсадга мувофиқдир. Ишбилармон ўйин бу ерда турлича ифодаланиши мумкин: иштирокчи ўзига бирон ролни олиб, бу рол билан боғлиқ ечимни эса бутун гуруҳ қабул қиладиган умумий ўйинлардан бошлаб, иштирокчи бошқа исталган иштирокчи билан алоқа қилиши мумкин бўлган интерактив ўйинларгача.

Тузилиш ва ўтказиш. Ишбилармон ўйинда фаолият доимо муаммолар таҳлили, альтернативаларни ўйлаб топиш/таққослаш ва ечимларни қабул қилиш билан характерланади. Бунга мувофиқ муаммони ечишда ечимни қабул қилишнинг алоҳида асосий жараёнларигача ва шу орқали фаолиятнинг муҳим маълумотларгача, структуралар ва ҳаракатларигача соддалаштириш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун бир гуруҳ ичида ёки можаро қилувчи томонлар орасида ечимларни қабул қилувчи ёки можаро чегарасидан чиқувчи ечимларни қабул қилишни талаб қилувчи муаммоли топшириқлар энг қулай ҳисобланади. Гуруҳга керакли маълумотларни бериш учун ишбилармон ўйинда камида 20 та иштирокчи қатнашиши керак. Ўйин гуруҳларини танлаш жуда муҳимдир, шунинг учун уни пухталиқ билан ўйлаб чиқиш зарурдир. Гуруҳлар ўз ўзлаштириши даражаси бўйича аралаш бўлиши керак. Ўқитувчи рол бажармайдиган «асосий гуруҳлар» масалан, модераторлар ва бошқа компетентли талабалар томонидан бажарилиши керак. Ўйин раҳбари иштирокчиларга ҳаракат эркинлигини беради, у «айланма» ўқув йўллари билан боришга ва хатоликлар қилишга йўл қўяди. Унинг асосий вазифаси ўйиннинг алоҳида қисмларини олиб бориш ва керакли материал билан таъминлашдир. У гуруҳ қарорига таъсир кўрсата олмайди, аммо ишга янги қўшимча ахборотни, материаллар ва таклифларни киритиши мумкин. Шу билан бирга у ўйинда иштирок этмайдиган гуруҳларни таништиради, вақтга қарайди

ва ҳақиқатга яқинликни таъминлайди. Бундан ташқари, у ўйин қоидалари бузилганда ва ечимсиз можаролар вужудга келганда ҳакам бўлади. Талабалар ишбилармон ўйин учун зарурий билимларни ёки ўйиндан олдин машғулотларда ёки ўйин давомида олишади. Охиргиси билимларни бериш қисмини киритишни талаб этади.

Ўқув дастурининг бирон бўлимида иккиламчи қўлланилишда ишбилармон ўйин олдинги ишланган билимларнинг фаолиятли йўналтирилган қўлланилишига хизмат қилиши мумкин. Ишбилармон ўйин хона ва вақтга нисбатан катта талабларга эга бўлиб, қўпинча уларни кунлик мактаб ҳаётида бажариши мушкул бўлади. Буни айниқса техник соҳада ишбилармон ўйинларда инобатга олиш лозим.

Ўйин бориши. Ишбилармон ўйини етти босқичга ажратилади:

1. Ўйинга кириш;
2. Информацион фаза ва ўқиш фазаси;
3. Фикрларни шакллантириш ва стратегияни режалаштириш;
4. Гуруҳлар орасида ҳамкорлик;
5. Такдимот тайёрлаш;
6. Такдимот ўтказиш;
7. Ўйинни баҳолаш.

Ўйин *киришдан* бошланади (1), бу ерда ишбилармон ўйиннинг ўзи, материаллар ва роллар билан таништирилади. Тушуниш билан боғлиқ саволлар тушунтирилади ва ишчи гуруҳлар тузилади. Ўйин раҳбари бунда муаммо/можарони тушунтиради ва материалларни таркатади. *Информацион фаза ва ўқиш фазасида* (2) гуруҳлар тузилади, ишчи карточкалар тарқатилади (ҳар бир гуруҳ иштирокчи учун бир хил) ва ролли карточкалар тарқатилади. Информацион материал ишлаб чиқилади ва тушуниш билан боғлиқ саволларга жавоб берилади. *Сўнгра, фикрларни шакллантириш ва стратегияларни режалаштириш фазасида* (3) гуруҳлар ичида ахборот тизимлаштирилади ва бошланғич вазият таҳлил қилинади. Бунда имкон борида ижодий ғоялар ва стратегиялар ишлаб чиқилади, бу ишланмалардан келиб чиққан ҳаракат ва ечимлар танлови кўриб чиқилади ва муҳокама қилинади. Кейин натижалар ҳужжатлаштирилади ва кўриб чиқилади. Муҳим жиҳат – ёрдам фақат «алоҳида, мажбур бўлган вазиятларда» кўрсатилади. *Гуруҳлар орасида ҳамкорлик* (4) ўйиннинг энг интенсив фазаси ҳисобланади, бунда гуруҳлар бир-бирига нисбатан ҳаракат қилишади (хатлар ёзишади, факслар, электрон хатлар узатишади. Сухбат ва музокаралар олиб боришади). Бу ерда воқеалар карточкалари ёрдамида ўйинга йўналтирилган импульслар ва ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Ўйин раҳбари позицияси бунда тўлалигича пассив бўлади. *Вопрос/конференцияни тайёрлаш* фазасида (5) ўйиннинг кульминацион пайти бошланади. Натижалар жамланади, ишланади ва гуруҳ ичида

баҳоланади, тақдим этиладиган жараён муҳокама қилинади. Эҳтимолли далиллар, стратегиялар ва кириш сўзлари. Шунингдек гуруҳ маърузачиси аниқланади. Ҳайин раҳбари қарама-қарши саволлар вужудга келишида гуруҳга маслаҳат беради. Кейин бевосита *пленумни ўтказиш* фазаси ўтказилади (6). Бу ерда ишбилармон Ҳайиннинг барча иштирокчилари тўпланиб ва ҳар бир гуруҳ натижалари йиғилади ва тақдимот этилади. Агар келишувга келинмаса, ёки очиқ саволлар қолса, талабалар бу саволларга Ҳайинни баҳолашда қайтишади. Энди ўқитувчи ўзига конференция раиси функциясини олади. Еттинчи фаза Ҳайинни баҳолашдир (7). Бу ерда фаннинг моҳияти умумлаштирилади ва таҳлил қилинади. Бунда Ҳайин натижалари таҳлил қилинади ва конструктив танқидланади. Кўрсатилган Ҳайин бориши типик идеал ҳисобланади ва вазиятга қараб ўзгариши мумкин. Яна бир муҳим жиҳат бўлиб талабалар томонидан олинган ролларнинг жиддий қабул қилиниши ва бажарилиши ҳисобланади.

Ҳайин қондалари турли ишбилармон Ҳайинларда ўзгариши мумкин. Қўйидаги вазиятлар ишбилармон Ҳайин муваффақиятли бориши учун асосий ҳисобланади: деструктив (бузувчилик) ҳаракатлари, ҳокимлик тарбия ва ишбилармон Ҳайинни аввалроқ тугатиши мумкин бўлган «нотўғри тушунилган» ҳаракатларни чеклаш керак. Умуман, Ҳайин қондаларига информацион ва коммуникацион шакллар, гуруҳлар ва Ҳайинни бошқариш компетенцияси, шунингдек Ҳайиннинг техник жиҳатдан бориши ҳисобланади.

Мисол тарикасида «..... шаҳрида атроф-муҳит ифлосланиши» лойиҳаси танланди.

Маъзу: лойиҳа марказида шаҳар қоғоз фабрикаси ва чарм маҳсулотлари ишлаб чиқариш фабрикасида чикувчи заррали моддалар миқдорини атроф-муҳитга чиқишини камайтириш саволи туради. Улар аҳолига зарар келтиради ва шаҳарнинг иклимига, хорижий туризмга зиён келтирмоқда. Иккала қорхона шаҳарда асосий иш берувчилар ҳисобланиши туфайли, ишчи ўринларни ҳам ҳисобга олиш керак.

Гуруҳлар: Бу Ҳайин учун олти гуруҳ мўлжалланган: қоғоз фабрикаси раҳбарияти, чарм ишлаб чиқариш фабрикаси раҳбарияти, шаҳар маҳаллий кенгаши, хорижий туризмнинг маҳаллий уюшмаси, ҳаваскор балиқчилик клуби ва атроф-муҳитни асраш бошқармаси. Бунга яна одатда ўқитувчи томонидан амалга ошириладиган Ҳайинни бошқаришни киритиш керак.

Вақт ҳажми: муаллиф бутун Ҳайинга 6 академик соатни режалаштиради. Тайёргарлик фазаси ва музокаралар фазасига мос равишда икки соатдан вақт режалаштирилади. Қолган икки соат конференция фазасига ажратилган. Бу вақт чегараларига натижаларни баҳолаш/таҳлил киритилмаган.

Ўйин қондалари.

Ўйин учун ҳужжатлаштириш: муаммо тавсифи ва ишчи варақ (вазифали технологик карта)дан ташқари ўйин ҳужжатларига ролли карточкалар, газеталар, воқеали карточкалар ва ишчи бланклар киради. Ўйин бошида тарқатиладиган муаммо тавсифи ва ишчи варақ барча гуруҳлар учун бир хил. Ролли карточкалар алоҳида гуруҳлар бошланғич вазиятини тавсифлайди ва кейинги ҳаракатлар учун кўрсатмалар беради. Информацион газета алоҳида гуруҳларга кейинги, чуқурроқ ва профессионал ахборот беради. Ўйин раҳбарида зарурият бўйича ўйинга янги импульс бериш учун 10 дона воқеали карточкалар бор. Бундан ташқари, ўйинга ишчи формулярлар мавжуд. Улар ўйин боришига ва талабалар ҳаракатларини енгиллаштиришга мўлжалланган.

Таҳлил. Ишбилармон ўйин жамиятда ҳақиқий жараёни моделлаштиради, шу тарзда доим ҳам охириги ечимларни топиб бўлмасам, кўпинча келишувга келинади.

Кучли жиҳатлари.

Ўйиннинг кучли жиҳатларига қўйидагилар киради:

- кўпгина ўқув, ташкилий ва ишчи методларни бирга қўллаш;
- мустақил ва ижтимоий фаолият;
- фанлараро боғланишли ўқув машғулоти;
- юқори мотивацион потенциал;
- қобилиятли ва сустроқ талабаларга бир хил кўмаклашиш;
- маъсулият ҳиссини тушунишга кўмаклашиш;
- ўқишда самарали ва узоқ муваффақият.

Камчилиги. Шартларда таъкидлаб ўтилганидек, ишбилармон ўйинни ўтказишда баъзи муаммолар/чегараларга дуч келинади. Уларга қўйидагилар киради:

- катта ташкилий ишларни талаб килади (вақт сарфи, хоналарга талаб, моддий харажатлар);
- кичик ўқув гуруҳларида ишни қисман инкор этади, чунки зарурий гуруҳ динамикаси мавжуд бўлмайди;
- рол билан етарли бирхиллик бўлмаслиги мумкин;
- ҳақиқатга максимал яқинликни сақлаш қийин.

Вазиятни ўрганиш методи ва ролли ўйин билан таққослаш.

Ишбилармон ўйинда маълум вазият ва узоқроқ давомийликка нисбатан вазиятни ўрганиш ва ролли ўйин бирлаштирилади. Ролли ўйин каби талабалар бу ерда ҳам рол ўйнашади, аммо ишбилармон ўйинда ўрнатилган тартибдан кам чиқишади ва шахсий талқинга деярли йўл қўйишмайди. Ишбилармон ўйинда роллар талаба қабул қиладиган кўпроқ аниқ ифодаланган позицияни (сиёсий, иқтисодий ва ҳок.) акс эттиради. Бундан ташқари, ишбилармон ўйин вақтда чўзилган жараёнларни соатлар ёки кунларда бажаришга имкон беради.

Вазиятни ўрганиш билан боғлиқлик ишбилармон ўйин доирасида ишланган ва имкони борича ечилган мавжуд муаммоли вазият орқали кузатилади. Аммо ишбилармон ўйини шунингдек, лойиҳага тайёргарлик ёки ғояларни топиш учун қўлланилиши ҳам мумкин, бунинг учун уни лойиҳа билан мустаҳкам алоқада ўрганиб чиқиш керак



«РОЛЛИ ЎЙИН» МЕТОДИ

Қисқа тавсифи.

Ролли ўйин – ўқитишнинг комплекс методик усули бўлиб, унда майда гуруҳ ўйин саҳнаси сифатида у учун муҳим бўлган мавзунини, кўпинча ижтимоий можарони танкидий кўриб чиқади (диагноз ва ечим) ва бунда иштирокчилар ўйлаб чиқилган вазиятда ҳаётининг вазият моделидаги каби турли одамлар ролини ёки айнан битта ролга вариацияларни ўйнашади, бунда ўқув мақсадига ролли муносабатда бўлган ижтимоий тарбия комплекслигини танкидий кўриб чиқиш амалга оширилади.

Дидактик мақсади. Ролли ўйин дидактик мақсади альтернатив ҳаракатлар имкониятларини кўрсатиб ва асослаб, ҳаракат компетентлигини ривожлантиришга қўмаклашади (тўлиқ ҳаракат).

Методик мақсади. Ролли ўйин методик мақсади можароли вазиятларда муаммоларни ечишнинг стратегияларини ўйнаш ва тажрибавий текширишдан, ўзининг ва ўзганинг ҳаракатларини англаш ҳамда таҳлил қилишдан, зарурият бўлганда нуқтаи назар ва ҳуқуқ-атворни ўзгартиришдан иборат. Энг аввало ҳамдардлик, ўзи ва ўзгаларни кузатиш қобилияти, ҳамкорлик ва бошқалар билан ишлаш қобилияти шунингдек, муаммоларни (ўқув мақсадлари) ечиш қобилияти ривожлантирилади.

Вариантлар: қўйилмаган, дидактик, йўналтирилган, режали, бошқариладиган, очик, ёпик ролли ўйин, протагонист иштирокидаги ролли ўйин, бутун гуруҳ иштирокидаги ролли ўйин.

Аналогик методлар: саҳна кўриниши, ишбилармон ўйин, вазиятни ўрганиш.

Белгилари.

Дидактик ролли ўйин қуйидаги белгиларга эга:

- бошланғич ҳолат: можаро сақлаган ва ташқи дунё билан боғлиқ бўлган мавзу;
- систематик ўқув жараёни;
- элементлар: танкид, вариация, ролларни алмаштириш, муҳокама, анализ;
- ҳақиқийликнинг янги модел конструкцияси;

- ўйин: «Ҳаёлий ҳақиқийлик» (Хекхаузен/HECKHAUSEN), ўйлаб чиқилган вазият (таклиф этилган рол, вазият), мажбурий чоралар йўқлиги, қоидалар;

- такрорланувчанлик, ўзгарувчанлик, шаффофлик;

- ўйинчилар (майда гуруҳлар) ва кузатувчилар (томошабинлар эмас);

- ўйинчилар келишиб гапиришади ва ҳаракат қилишади (ўйиннинг мослашувчан бориши, ҳеч қандай тайёр матн йўқлиги).

Ўйинлар турлари: адабиётда ролли ўйиннинг қуйидаги вариантлари/классификациялари (қутблари) фарқланади (аниқки, ўйин давомида уларнинг бирлашган шакллари қўлланилади):

- *Қўтилмаган* (мавзу/вазият талабаларнинг ўзлари томонидан, яъни ўқитувчи кўрсатмаларисиз белгиланади ва ишлаб чиқилади; дидактик/йўналтирилган/режали/бошқариладиган ролли ўйиндан фарқли ўларок (мавзунин олдиндан белгилаш/ўқитувчи кўрсатмалари);

- *Очиқ ролли ўйин* (ўйин бориши/туғаши ҳеч қандай кўрсатилмайди *эпик* ролли ўйиндан фарқли ўларок (ўйиннинг белгиланган бориши ва тугатилиши);

- *Протагонист интирокидаги ролли ўйин* (битта иштирокчи бош актёр сифатида. Мавзу: шахсий ички ҳолати, ўтказилган кечинмалари) *бутун гуруҳ иштирокидаги ролли ўйиндан* (бутун гуруҳнинг фаол қатнашиши, мавзу: ижтимоий, иқтисодий, экологик ёки маданий мавзу/вазиятлар) ва *ҳикоя қилувчи ролли ўйиндан* (матнга асосланган ёки тарихни ривожлантирадиган ролли ўйин);

- Ижтимоий ўйинлар, сахна ўйинлари, имитацион ўйинлар.

Ролли ўйиндан ташқари тасвирий ўйин шакллари мавжуд: (*қисқа*) *сахна кўринишлари* (қисқа кўринишлар, масалан, кундалик мактаб ҳаётидан воқеалар), *психодрама* (психикаси бузилган беморлар учун, ўз ролини бажариш), *социодрама* (гуруҳ учун муҳим можарони ишлаб чиқиш), *имитацион ўйин* (ҳақиқий вазият учун можароларни ҳал қилишнинг ҳақиқатга йўналтирилган стратегияларни рационал ривожлантириш), *ишбилармон ўйин* (берилган режа/ахборотга асосан ўйиннинг бориши: соддалаштирилган шароитларда ҳақиқатга йўналтирилган ечимларни топиш). Уларнинг барчасида умумий бўлиб:

- воқеликни модели қайта яратиш;

- бутун ўйин давомида, хусусан ўзини англаш орқали ўқитишни баҳолашда метакоммуникация;

- ўрганиш билан ҳиссиётларни боғлаш;

- ижтимоий алоқалар/ўзлаштириш (китоблар, фильмлар каби ўқув воситаларидан фарқли ўларок).

Келиб чиқиши. Ролли ўйин театр муҳитида пайдо бўлган (Юнонистон: пергаментларда томоша воқеалари), психодрама ва импровизацион ўйин орқали педагогикага йўл топди. 1970-йиллар

бошида ролли ўйин касбий таълим ва ўқитувчилар, тарбиячилар ҳисобланган. Ижтимоий ишчилар социологлар иши учун фаол реклама қилинди, аммо кам ишлатиларди. 1970-йиллар бошларидан мактабда кенг, аммо мунозарали қўлланилишни олди. Мунозарали, чунки баъзи ўқитувчилар ролли ўйинда тарбия воситасини фақат ролга адаптацияда («фақат ижтимоий роллар бажарилиши керак») кўришарди бу эса ўша вақт ва ҳозирги тасаввурлар билан умуман зид келарди: ролли ўйин исталган ролларни машқ қилиш бўйича ҳеч қандай алоҳида кўрсатмаларни ва «тарбия нормаларидан чекланишларни бартараф этишнинг ажойиб воситасини» бермайди, балки рол ва рол хиллари бирхилликларининг акс томонида ҳаракатнинг шакллари очиб беришни кўзлайди.

Қўллаш соҳалари. Ролли ўйин ҳозирда кўп ва тез-тез, баъзи ҳолларда бепарволик билан ҳамда нотўғри ўтказилади. Метод ўзини кўпгина мавзуларда ва барча ёшдаги муассасаларда (болалар боғчаси, мактаб, олий мактаб, катталарни ўқитиш, раҳбарлар малакасини ошириш, тренинг, маслаҳат) оқлади. У педагогик шахсга йўналтирилган ўқув жараёнларини вужудга келтиришда ва соғломлаштиришнинг терапевтик жараёнларида қўлланилади. Кўпчилик ўқув режаларида /дастурларида ролли ўйинни қўллаш тасдиқланади ёки рағбатлантирилади, чунки ўқув контекстида у барча ўқув ва ўргатувчи ҳодисалари учун тўлдиришни беради. Шунинг учун ролли ўйинни қўллаш ўқитувчилар малакасини оширишдаёқ уларни ўзларига амалга тадбиқ этилиши керак. Кўпчилик талабалар ролли ўйинларни фақатгина компьютер ўйинларидан билишади. Ўқитувчилар бу фактни ўзлари учун қўллашлари мумкин, чунки шу орқали талаба аввал ўйиннинг моҳиятини мавзуга кириш ва танқидий анализ учун бошланғич нукта сифатида ўзи англаши мумкин бўлади. Ҳозирги вақтда ролли ўйинни сифатли ижтимоий тадқиқотлар доирасида ишлаб чиқариш ўзгартириш жараёнларини режалаштириш, маълумотларни йиғиш методи сифатида қўллаш ҳақида музокаралар олиб борилмоқда.

Мисоллар. Конкрет ўқув ўйинларини топиш учун Интернет тармоғига мурожаат қилиш тавсия этилади: информацион-кидиров орқали «биотехнология ролли ўйини» ёки «тарбия услуби ролли ўйини» саволини киргизиш орқали махсус яратилган ролли ўйин учун таклифларни топиш мумкин. «Саломатлик» ва «Ижтимоий фанлар» предметида «Тарбия услуби» мавзусида ролли ўйинларни ўтказиш мумкин (турли вазиятларда тарбиянинг турли услубларини кўрсатиш: ўқитувчи талабани кўчириш вақтида «тутиб қолди», ўқитувчи талабанинг такрорланганидан сабабсиз кеч қолишига муносабатини билдиради. «Техника/технология» фани бўйича қизиққан шахсларнинг турли гуруҳларини материал ёки конструкция ҳақидаги мунозаралари

ёки мижоз, ҳамкасаба билан суҳбат кўринишидаги ролли ўйинни бажариш мумкин.

Ўтказиш шартлари ва қоидалари. Ролли ўйинларни талабалар томонидан амалий тадбир сифатида қабул қилмаслиги учун умумий ўқув жараёнига синчиклаб киритиш лозим. «Ролли ўйин» ўқитиш методини дастлабки босқичда ёки баҳолаш фазасида дидактик таҳлил қилиш (қучли томонлари, чеклашлар) бунинг олдини олишга ёрдам беради. Кўпчилик педагоглар ролли ўйинларни у учун талаб этиладиган вақт ҳисобидан (тайёргарлик ва натижалар таҳлили) жуда ноқулай деб ҳисоблашади – аммо бу айнан шундай бўлиши шарт эмасдир. Ролли ўйин ўзининг очик характери туфайли «назоратдан чиқиб кетиши», ўқитувчи «вазият эгаси» бўлмай қолиши хавфини адабиётни ўрганиш ва доимий таҳлил қилишни ўтказиб туриш орқали бартараф этилиши мумкин. Ролли ўйин шахсий иштирокчининг юқори даражасини сақлаши ва кўрсатиши (ўзининг ҳиссиётлари, нуқтаи назари) ҳамда талабаларнинг маълум мавзуларда ўқитувчидан билимлари кўп бўлиши мумкинлигини билиш ва қабул қилиш барча иштирокчилар учун муҳим шарт ҳисобланади. Ўқитувчи биринчи навбатда ўзи ролли ўйиндан завқланиши ёки буни пайдо қилиши ва шу орқали талабаларга шуни етказиши, вазият талаб қилганда иккинчи даражали шахс сифатида қутилмаганда қўшила олиши керак. Маслаҳат берувчи, аммо баҳоламайдиган олиб бориш ва дидактик бошқариладиган ролли ўйин билимлар муваффақиятли ролли ўйин учун асосий шартлар ҳисобланади. Ўқитувчи ўйин раҳбари сифатида қуйидаги функцияларни бажаради: ахборотни йиғади, диалоглар сақлаган саҳналарни тузатади, ролли масофани тушунтиради, вақтни назорат қилади, ечимларни (масалан, ролларни алмаштириш, ўйинни тўхтатиш ҳақида) қабул қилади, ҳалақит берадиган элементлар пайдо бўлишида аралашади, муаммоларга тузатишлар киргизади, муҳокамани бошқаради. Ўқитувчи тушунадик, унинг олдида битта мақсадни кўзлаган турли одамлар туради ва айнан битта ўйинни турли гуруҳларда ҳамда синфларда ўтказиш (роллларни алмаштириш) мос тарзда муаммони ечишнинг турли ёндашувлар ва натижаларни тақозо этади. Кейинги шарт бўлиб битта гуруҳ/синф талабалари бир-бирини яхши таниши, ҳамкорлик ва суҳбат муҳити бўлиши ҳамда талабалар гуруҳ иши билан таниш бўлиши ҳисобланади.

Ўйиннинг қуйидаги қоидалари мажбурийдир:

- қизиқишлар, фикрлар аниқ ва ишонарли ифодаланиши керак;
- ўйин тўғри/адолатли ўтказилади ва муҳокама этилади (барча ўз сўзини айтиш имкониятига эга, бошқаларга ўз сўзини айтишга имкон берилади);
- ролли ўйинда мақсадга мувофиқ ечимга интилиш керак.

Ролли ўйин фазалари қоидалари олдиндан гаплашиши ва шакллантирилиши, ўйин давомида мажбурий қолиши керак, чунки фақат шу тарзда мажбурлаш йўқлигини ҳамда фаолиятнинг ижодий характерини/ролли масофа таъминланади.

Ўйин учун қўйидаги материалларни қўллаш мумкин, аммо ўйин бориши жуда ҳам чегараланган ёки батафсил белгиланиши мумкин эмас:

- информацион карточкалар (кириш: можароли вазиятни тавсифлаш, мавзу бўйича қўшимча ахборот);
- ролли карточкалар (алоҳида роллар учун далил келтириш учун ёрдам, қўшимча ахборот);
- натижа ва вазифа сақлаган карточкалар (вазифаларнинг турлича қўйилиши, мавзу муаммоси бўйича қўшимча ахборот);
- муҳокама учун карточкалар (синфда муҳокама фазаси давомида суҳбат ўтказиш бўйича кўрсатмалар).

Ролли ўйин учун бошланғич нуқталар – бу одатда кўпчилик ёки барча иштирокчилар ҳаётига тегишли можароли вазиятлар (роллараҳо ва рол ичидаги можаролар) ҳисобланади. Мавзу ва қатнашувчи шахслар барча – ҳам иштирокчилар, ҳам томошабинлар томонидан қабул қилинади.

Ролли ўйинлар уч фазага бўлинади:

1. Мотивация фазаси; тайёргарлик фазаси;
2. Ҳаракат фазаси (ишлаб чиқиш ва ўтказиш); ўйин фазаси; ўтказиш;
3. Анализ фазаси; натижаларни олиш; баҳолаш фазаси; баҳолаш /аттестация фазаси; муҳокама ва баҳолаш.

Баъзи муаллифлар, масалан, немис педагог олим К.Райх, ўйинни ўтказишдан кейин яна битта фазани – эркинлик фазасини киритади, бунда иштирокчилар ўзларининг ролларидан эркинлашади, бу лавҳа ва ролдан ажралиш бажарувчи ҳимояси учун муҳим аҳамиятга эга, аниқ шахс эмас, балки ролли тарбия танқиди машқ қилинишини талаб қилади. Фазалар номлардан маълумки, бу фазалар қўйидаги белгилар билан характерланади:

1. *Тайёргарлик босқичи*: жонлантирувчи фурсат, аввало давомийроқ ролли ўйинларда ва тажрибасиз гуруҳларда (масалан, пантомима ва бошқ. ёрдамида, ҳеч қандай бачканаликсиз), сценарий/мавзу (можаро, вазият, рол)ни белгилаш ва режалаштириш, қуръа ташлаш методи билан бажарувчиларни танлаш, ролларни бажарувчилар ва томошабинлар розилиги/тайёргарлиги, англашмовчиликларни тушунтириш, ўйин қоидалари ва мақсадлари билан таништириш; қўшимча: ўйин материаллини ва қузатувлар натижалари/вазифаларини рўйхатга олиш учун анкеталарни тарқатиш, реквизитни бериш.

2. *Ўтказиш босқичи*: тасаввурдаги сахнада ролли ўйин (томошабинлар билан бир баландликда), имкони бўлса, темпни бузмасдан; мақсад: рол билан тенглаштириш; *техника*:

- айлана аквариум/балиқли ҳовуз: бир гуруҳ ўйнайди, иккинчиси томоша қилади (зарурият бўлганда оғзаки аралашishi мумкин);
- мураккаб конструкцияли метод: бир вақтда бир неча гуруҳларда ўйин (масалан, бир томошабини 2-3 кишилик бир неча гуруҳ, умумий гуруҳда баҳолаш);
- ролларни алмаштириш (иштирокчилар орасида алмашиш);
- роллар ротацияси.

3. *Баҳолаш босқичи* (давомийлиги бўйича камида ўйин каби, оптимал: икки марта давомийроқ): бажарувчиларнинг ўз ролларидан хулосалари (ўйинда пайдо бўлган асабийлик ёки кизикқонлик ўйиндан кейин қолмаслиги муҳимдир); барча учун бевосита қайта алоқа ва ўтказиш бўйича тажриба алмаштириш, жараён ва тарбияни баҳолаш; ўз-ўзини баҳолаш; ҳаракатлар ва уларнинг сабаблари/мотивлари, ўқув жараёни самараси, шунингдек, ҳиссиётларни англаш ва баҳолаш (оғзаки ифода); қўйилган мақсадларни ҳақиқий натижалар билан таққослаш; хулоса чиқариш; қўшимча: билимларни бошқа вазиятларга кўчириш; кейинги ролли ўйинлар (қайта кўриб чиқилган /ўзгартирилган роллар, альтернатив ҳаракатлар ҳамда ечимлар имкониятлари); олдинги таълим билан бирлаштириш ва келажакдаги таълим режасини тузиш; натижаларни ҳамда ролли ўйин методини кўчиришда чеклашларни аниқлаш.

Баҳолашда қўлланиладиган методлар ихтиёрида бўлган вақт (45 мин.) ва иштирокчилар даврасидан (болалар, ўқувчилар, талабалар) боғлиқ бўлади. Баҳолаш фазаси вақт бўйича икки қолган фазага етарли муносабатда бўлиши керак:

Баҳолашнинг эҳтимолли методлари/воситалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- кузатув баённома;
- сўровнома (гуруҳ ёки алоҳида иштирокчини сўраш);
- ёзма: сўров варағи;
- оғзаки: интервью;
- тест (билимларни баҳолаш);
- мияга ҳужум методи, қайтар алоқа;
- видеоёзув,
- доска/пинванд/флипчарт (кузатувчиларнинг қўшимчалари учун).

Сўровномага қуйидаги саволларни киритиш мумкин:

- белгиланган ижтимоий ва ўрганиш ўқув мақсадларига эришиш саволлари (натижа ёки маҳсулот баҳоси/ўқув мақсади эришилганлик);
- ўрганиш ўқув мақсадлари;

- мавзу бўйича махсус касбий билимлар;
- турли гуруҳлар билан қизиқишлар бўйича тенглаштириш;
- ижтимоий ўқув мақсадлари;
- ҳамкорлик;
- гуруҳда ишлашга қизиқишлар;
- сўз равллиги.

Ўқитиш ва ўйинни ташкил этиш бўйича саволлар (жараёни баҳолаш):

- ўқитишни ташкил этиш;
- таълим муассаси самарадорлиги;
- ролли ўйинга вақт сарфи;
- гуруҳнинг оптимал катталиги;
- ўйинни ташкил қилиш;
- ролли ўйинни режалаштириш;
- видеоёзув фойдаси;
- ўйин қўлланмаси.

Ролли ўйин умумий баҳоси ёки умумий танқиди:

- ролли ўйиндан мамнун бўлиш;
- бундай ўйинда қатнашиш бўйича тавсияномалар ва унга тайёргарлик;
- танқид ва тавсияномалар.

Баҳолаш фазасида (оғзаки, ёзма) эҳтимолли саволлар:

... асосий ва иккинчи даражали иштирокчиларга:

- Ўзингизни ҳозир қандай ҳис этиасиз?
- Ўзингизни ролда қандай ҳис этиасиз?
- Нимага айнан шундай қилдингиз?
- Бу ҳаракатлар орқали нимага эришмоқчи бўлдингиз?
- Муаммо ечими билан қанчалик қониқдингиз?

... кузатувчи/кузатувчиларга:

- Роллар ижрочилари ўзларини қандай ҳис қилишди?
- Ижрочилар бир-бирини тушунишдими?
- Ролларни тақсимлаш кузатилдими?
- Далилларни келтириш конструктив/иш бўйича бўлди?
- Рол ижрочисининг қандай фикри сизга ёқди ёки ёқмади? Нима учун?
- Роллар ижрочилари нутқ, мимика, имо-ишораларни қандай қўллашди?

... барчага:

- Муаммони ечиш учун қандай натижалар мавжуд эди?
- Қандай факторлар Х ижрочи қабул қилган қарорга таъсир кўрсатди?
- Ечим топиш сифати қандай эди?
- Сиз ўзингизнинг фикрингиз ва тарбиянгизни англадингизми?
- Ўзингизнинг ҳаракатингиз/ўқишингиз учун қандай хулосалар қиласиз?
- Ўйин ва воқелик орасида қандай фарқлар мавжуд?

- Қандай шароитларда реал вазиятда ўйин вазиятидагидек ўзини тутиш мумкин?

- Ролли ўйин мақсадларига эришиш нимадан боғлиқ?

Баҳолаш ролли ўйинни ташкил этишнинг дидактик элементи сифатида қаралиши ўтказишда бевосита қайтар алоқа бўлиши, ўқув мақсадларига эришилганлигини баҳолаш мезонлари асосида текшириш муаммолари мавзулари учун очиқ методлари қўллаш тавсия этилди.



Билимларни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Ўйинли ўқитишнинг моҳияти нимада?
2. Ўйинли ўқитиш технологиясини амалга ошириш босқичларини айтинг.
3. Бошқарувчанлик ўйинлари талабаларда қандай сифатларини тарбиялайди?
4. “Ишбилармонлик” методининг босқичларини санаб ўтинг.
5. «Ролли ўйин» методининг афзалликлари ва камчиликлари томонларини айтинг.



Таянч иборалар

Ўйин технологиялари, бошқарувчанлик, ишбоп ўйин, ролли ўйин, шахсий фикр, фаолият, лидерлик, баҳолаш, ташкилотчилик, ўқув мақсади.



Адабиётлар

1. PETERSEN, Wilhelm H.: Kleines Methoden-Lexikon, 2001 (S. 58-60)/ Петерсен, Вильгельм Х.: Малый методический лексикон, 2001 (стр. 58-60).
2. STANKEWITZ, Winfried: Szenisches Spiel als Lernsituation, 1977/Станкевитц, Винфрид: Сценическая игра как учебная ситуация, 1977.
3. THURN, Bernhard: Mit Kindern szenisch spielen, 1992/Турн, Бернхард: Сценически играть с детьми 1992.
4. Имеется большое количество публикаций о (сценической) игре и о ее дидактике (прежде всего о ролевой игре), например: ERTMER, Cornelia: Szenisches Spiel in der Schule, 1999/Эртмер, Корнелия: Сценическая игра в школе, 1999.
5. GAUDENZ, Helga: Die Haltung verlieren – Handlungsmöglichkeiten gewinnen - Szenisches Spiel, 1991/ Гауденц, Хельга: Потерять

- самообладание – приобрести возможности действия – Сценическая игра, 1991.
6. GOFFMAN, Erving: Interaktionsrituale, 1971/ Гофман, Эрвинг: Интерактивные ритуалы, 1971.
 7. REINERT, Gerd-Bodo: Das darstellende Spiel in der Schule: Fakten, Berichte, Erfahrungen und Anregungen aus der Primar- und Orientierungsstufe, 1976/ Райнерт, Герд-Бодо: актерское мастерство в школе: Факты, отчеты, опыт и инициативы начальной ступени общего образования (1-4 классы общеобразовательной школы) и уровня 5-6 классов, 1976.
 8. REISS, Joachim u. a.: Handreichungen zum Darstellenden Spiel. In: Kulturelle Praxis Heft 1. Hessisches Institut für Bildungsplanung und Schulentwicklung, 1994 (Bezug: Hessisches Landesinstitut für Pädagogik, Zentralstelle Publikationsmanagement, W.-Hallstein-Str. 3, 65197 Wiesbaden, Tel.: 0611/ 88030, Fax 0611/ 8803340)/ Райс, Йоахим и др.: Рекомендации по актерскому мастерству. В: брошюре 1 по культурной практике. Гессенский институт планирования развития системы образования и школ, 1994 (связь: Гессенский земельный институт педагогики, центральное управление управления публикациями)
 9. SCHELLER, Ingo: Szenisches Spiel. Handbuch für die pädagogische Praxis, 1998/ Шеллер, Инго: Сценическая игра. Руководство по педагогической практике, 1998.
 10. WELSCHER-FORCHE, Ursula: Lernen fördern mit Elementen des szenischen Spiels, 1999/ Вельшер-Форше, Урсула: Содействовать обучению/учебе, используя элементы сценической игры, 1999.

Ўқув мақсади


Талабаларда «Лойиҳа» технологиясининг моҳияти, таълим жараёнида қўллаш афзалликлари ва амалга ошириш босқичлари тўғрисида билимларни шакллантириш



АСОСИЙ МАЪЛУМОТЛАР



«Лойиҳа» методи – бу таълим олувчиларнинг индивидуал ёки гуруҳларда белгиланган вақт давомида, белгиланган мавзу бўйича ахборот йиғиш, тадқиқот ўтказиш ва амалга ошириш ишларини олиб боришидир. Бу методда таълим олувчилар режалаштириш, қарор қабул қилиш, амалга ошириш, текшириш ва хулоса чиқариш ва натижаларни баҳолаш жараёнларида иштирок этадилар. Лойиҳа ишлаб чиқиш якка тартибда ёки гуруҳий бўлиши мумкин, лекин ҳар бир лойиҳа ўқув гуруҳининг биргаликдаги фаолиятининг мувофиқлаштирилган натижасидир. Бу жараёнда таълим олувчининг вазифаси белгиланган вақт ичида янги маҳсулотни ишлаб чиқиш ёки бошқа бир топшириқнинг ечимини топишдан иборат. Таълим олувчилар нуктаи-назаридан топширик мураккаб бўлиши ва у таълим олувчилардан мавжуд билимларини бошқа вазиятларда қўллаш олишни талаб қиладиган топширик бўлиши керак. Лойиҳа ўрганишга хизмат қилиши, назарий билимларни амалиётга тадбиқ этиши, таълим олувчилар томонидан мустақил режалаштириш, ташкиллаштириш ва амалга ошириш имкониятини ярата оладиган бўлиши керак.



Лойиҳа методи йўналтирувчи матн усули билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бу иккита усул бир-биридан қуйидагича фарқланади.

- йўналтирувчи матн усули эътиборни мустақил ўрганишга қаратади;
- лойиҳа методи мустақил ўрганишдан ташқари эътиборни мутахассисликни эгаллашда керакли шахсий қобилиятлар ва кўникмаларни ўрганишга қаратилган;
- лойиҳа методи хусусан лойиҳалар билан ишлашни ўрганиш ҳамда ўзлаштиришни кучайтириш мақсадида қўлланилади.

Лойиҳа методининг асосий мақсади шуки, топширикни бажариш учун керакли барча билим кўникмалар жараён давомида ўрганилишидир.

Талабалар берилган топширикни бажаришда вазифаларни ўзаро тақсимлаб лойиҳа гуруҳи сифатида мустақил равишда режалаштирилишидан бошлаб амалга ошириш ва хулоса чикаришда биргаликда ишлашади.

Ўқитувчи ўрганиш жараёнини назорат қилади ва систематик равишда бошқаради. Лойиҳа давомида барча босқичларни қайд этиш ва лойиҳа ишини таққослаш имконияти бўлиши учун қуйидаги ҳужжатлар ишлатилади:

- лойиҳа (кинематик схемалар, ишчи чизмалар);
- лойиҳага тегишли топшириқлар таърифи;
- йўналтирувчи саволлар;
- ўқув мақсадлари ҳақида маълумотлар;
- ишлаш тартиби ва вазифаларни тақсимлаш бўйича кўрсатма;
- баҳолаш варағи;
- назорат баённомалари;
- асбоб ва ускуналар, ўлчаш воситалари ҳамда ёрдамчи материаллар рўйхати.

Лойиҳа методини амалга оширишни босқичма-босқич кўриб чиқамиз.

1. Маълумот йиғиш.

Бу босқич учун ўқитувчи қуйидаги ҳужжат ва материалларни тайёрлаши лозим:

- лойиҳа (схемалар, техник чизмалар);
- лойиҳага тегишли топшириқлар таърифи;
- йўналтирувчи саволлар;
- ўқув мақсадлари ҳақида маълумотлар.

Талабаларга чизма ва схемалар шаклидаги лойиҳа ҳамда топширик таърифи берилади. Ўқитувчи талабаларни йўналтирувчи саволлардан фойдаланиб топширикни таҳлил қилишга жалб этади. Талабалар мустақил равишда дарслик, ўқув қўлланмалар ва таркатма материаллар асосида маълумот йиғишади. Талабаларга техник чизмаларни беришдан мақсад, улар шу чизмалардан ўзларига керак бўлган қисмларни ўз

хужжатларига кўчириб олишади. Сўнгра улар лойиҳани бажаришдаги иш боскичларини тузишади.

2. Режалаштириш.

Бу боскичда талабалар мустақил равишда иш режасини тўлдиришади. Бу режада иш боскичлари, яъни уларнинг технологик кетма-кетлиги ва улар учун ажратилган вақт керакли жиҳозлар ва ускуналар ҳамда меҳнат хавфсизлигига оид тадбирлар ҳақида маълумотлар кўрсатилади.

3. Қарор қабул қилиш.

Талабалар амалиёт ўқитувчиси билан биргаликда режалаштириш боскичида юзага келган натижаларни муҳокама қилишади. Ҳар хил ечимлар бир-бири билан таққосланади ва энг яхши оптимал вариант танлаб олинади.

4. Амалга ошириш.

Талабалар топшириқни иш режаси асосида мустақил равишда бажаришади.

Ўқитувчи иш жараёнини назорат қилиб туради ва натижаларини «Назорат» дафтарига қайд қилади.

Талаба ўрганиб олган билимларини янги вазиятда қўллай олади, систематик равишда ривожлантира олади. Баҳолашни ва танлашни билади ҳамда янги ижодий ечимларни топа олади.

5. Текшириш.

Талабалар ўз иш натижаларини ўзлари текширишади. Масалан, иш натижаларини сифат критерийлари асосида баҳолашни мумкин.

6. Хулоса чиқариш.

Талаба ва ўқитувчи иш жараёни ва натижаларини биргаликда таҳлил қилишади.

Лойиҳа усулининг мақсади шуки, бунда талабалар ўз мутахассислиги бўйича билим ва кўникмаларидан ташқари ижтимоий ҳамда шахсий компетенциялари соҳасига тегишли шахсий қарашларга эга бўлишади.

Бу дегани, мутахассислар ўз соҳаларига оид билим кўникмаларидан ташқари қуйидаги қобилиятларга эга бўлишлари керак:

- ташаббус кўрсатиш;
- муаммоларга систематик ёндашиш;
- қарорларни мустақил қабул қилиш;
- мосланувчан бўлиш;
- бирор муаммони ўзи ҳал қилиш;
- доим малакасини оширишга бўлган истагини кўрсатиш;
- ҳамкорликка тайёр маъсулиятли бўлиш.



Билимларни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. «Интерфаол методлар» деганда қандай методлар тушунилади?
2. «Лойиха» методи қандай босқичларда амалга оширилади?
3. «Йўналтирувчи матн» методидан «Лойиха» методини қандай фарқлаш мумкин?
4. Лойиха устида ишлаш жараёнида, ўқитувчининг фаолияти нималардан иборат бўлиши керак?
5. «Лойиха» методининг афзаллиги нимада?



Таянч иборалар

Лойиха, дарслик, мунозара, метод, оғзаки ҳисобот, баҳолаш варақаси, интерфаол, тарқатма материаллар, ахборот манбаи.



Адабиётлар

1. Рашидов Х. ва б. «Касбий педагогика» блокани ўқитиш методикаси. Тошкент: ЎМКХТТКМО ва УҚТИ, 2007. 200 б.
2. Олимов Қ.Т. Замонавий таълим технологиялари. Монография. Тошкент – 2007. 87 б.
3. Авлиёкулов Н.Х. Педагогическая технология. Ташкент «Алоқачи»- 2009 .- 146 с.
4. Олимов Қ.Т. ва бошқалар. Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси. Ўқув қўлланма. Тошкент, «Фан» – 2009. 172 б.
5. Каримжонов И.А. ва бошқалар. Янги педагогик технологиялар. Тошкент. 2002. 146 б.

Ўқув мақсади

Талабаларда фаолиятга йўналтирилган таълим технологияси ҳақида тушунчаларини, унинг моҳияти ва мазмунини бўйича билимларни шакллантириш




АСОСИЙ МАЪЛУМОТЛАР



Фаолиятга йўналтирилган таълим – бу талабаларнинг фаол иштирокидаги ўқитиш бўлиб, унда ўқитувчи ва талабалар орасидаги мувофиқлаштирилган ҳаракат орқали ўқув жараёни ташкил этилади ҳамда бошқарилади. Фаолиятга йўналтирилган таълим, одатда, аввал реал вазият тарзида ўргатиш учун 1-қадам, сўнгра ундан умумий қонуниятларни келтириб чиқариш ёки умумий тамойилни тушунтириб бериш учун (индуктив ёндашув) учун (2-қадам) бўлиб ҳисобланади. Бундай таълимда аввал фаолият турини бажариш кўрсатиб берилади. Сўнгра аниқ топшириқлар берилади.

Фаолиятга йўналтирилган ўқув машғулотлари қуйидагича ташкил этилади.



Фаолиятга йўналтирилган таълим сценарийларини қўллашга мужассамлаштирилган бўлиб, улар режалаштириш даражасида ҳаракат тизимлари асосида тузилган ва комплекс касбий ҳаракатларни акс эттириш воситасида касбий компетенцияни ривожлантиришга қаратилган.



Фаолиятга йўналтирилган таълим тузилмаси

Фаолиятга йўналтирилган таълимнинг асосини ўқув вазиятлари ташкил қилади. Ўқув вазиятлари нима?

Ўқув вазиятлари – бу таълим дастурининг элементлари бўлиб,

-унда ўқиш ва ўрганиш жараёнининг ташкил эттиришда ўқув майдонини аниқлаштиради.

- таълим мақсадига ва касбий малакаларни эгаллашга йўналтирилади;
- фаолиятга йўналтирилган ҳолда ифодаланади;
- топшириқни бажаришда вазифаларни ҳар томонлама ва ишончли қўя олади;
- мутахассислик бўйича назарий билимларни амалиёт билан боғлайди;
- ўзида мустаҳкам ўзаро боғланган ҳаракатларни намойиш қилади.

Ўқув вазиятлари қандай ишлаб чиқилади?

Умумий дидактик режалаштириш.


1. Таҳлил.

- Режалаштириш бўйича намунавий ўқув дастури таҳлили;
- минтакавий корхоналар ва муассасаларда намунавий, ишончли ҳаракат майдонлар таҳлили;
- талабаларнинг дастлабки билимлар таҳлили;
- ўқув фанлари ва ўқув майдонлари орасидаги боғлиқликни ўрнатиш;

- ўзига хос қабул қилинган шартлар, яъни ўқитувчилар сони ва малакаси;
- бинолар сони ва жиҳозланиши, амалиёт ўтказиш бўйича ҳамкорлар таҳлили.

2. Мувофиқлаштириш.

В) Аниқлаштирилган дидактик режалаштириш.



3.1 Ҳолатларни излаш.

- Ҳаракатли касбий майдонларидан излаш;
- касбий таълим усталари ва ўқитувчиларининг ташаббуси;
- талабалар ташаббуси;
- ўқитувчиларнинг «Ақлий ҳужуми» — ассоциограммалар;
- бошқа касб таълими муассасаларининг концепциялари ва назариялари ўқув адабиётлари ва бошқа манбалар.

4. Ўқув вазиятларини танлаш ва ишлаб чиқиш.

- Касбий муаммолар → топшириқни бажариш бўйича амалга оширилган ишлар;
- бошланғич ва мақсадли вазиятларни тавсифлаш;
- шахсий компетенцияни намойиш қилиш;
- касбий ҳаракатларнинг бориши (босқичлари);
- ўқув мазмуни бўйича ўқув вазиятларини ишлаб чиқиш;

5. Умумий шартларни режалаштириш.

- Ўқитувчилар жамоасини тузиш (асосий мавзуй йўналишлар бўйича);
- ўқитувчи фаолиятини мувофиқлаштириш;
- техника воситаларини ва касбий методларни аниқлаш;
- натижаларини баҳолаш мезонлари ва воситаларни ишлаб чиқиш;
- махсус фанлардан машғулотлар ўтказиш учун бинолар, кабинетлар, лабораториялар ва устахоналарни режалаштириш.

6. Меҳнат ҳажминини аниқлаш.

Ассоциограмма, иш режаси/ календар режа, кўрсатмалар, чизма ёки расм, Web –саҳифа, тақдимот, ҳужжатлар тузиш.

Касб-ҳунар коллежларида махсус фанларни фаолиятга ва ҳаракатга йўналтирилган ўқитишни интеграллаштирилган шаклларда ташкил этиш тавсия этилади. Бундай ўқув машғулотларида маъруза ва амалий машғулотлари биргаликда олиб борилади.

Интеграллаштирилган ўқув машғулоти - бу назарий ва амалий машғулоти биргаликда мувофиқлаштирилган шаклда ўтказилишидир. Бундай машғулоти иккала шаклга ажратилган вақтнинг умумий миқдорига риоя этилган ҳолда ўтказилади. Назарий ва амалий машғулотининг ҳар бирига қатъий вақт ўрнатилмайди.

Мисол: Ўқув вазиятини режалаштириш.

Ген муҳандислигига асосланган, ўзгаришлар билан шартланадиган янги стратегияларни ишлаб чиқиш.

Топпирик: Каланхоэ ўсимликларидаги А-группа бактерияларини аниқланг!



Тақдиротни ишлаб чиқинг.

Харакат-лар	Компетенцияни ривожлантириш	Ўқув соат и	Қўллаш
Режалаштириш (13 ўқув соати)	Ўсимликлар органларининг морфологияси ва физиологиясини таҳлил қилиш -илдиз -шохлари -барги -гуллари -меvasи	1 2 1 4 1	Синф хонаси -моделлар -DVP/VPC Лаборатория -микроскопия -бўяш усуллари Экскурсия
	Тузатиш билимларни назорат қилиш	1	
	Ген муҳандислигига асосланган ўсимликшунослик усуллари ҳақида ахборотларни топинг ва муҳокама қилиш - ирсиятни кўчириш усуллари ирсиятчилик –Ген муҳандислигига асосланган синовлар серияси	3 1	Синф хонаси
	Тузатиш-билимларни назорат қилиш		
Амалга ошириш 10 ўқув соати	Каланхоэдаги бўртикларнинг кўзғалишини (индуцирование) кўрсатиш	4 3	Микробиологик лаборатория -А группа бактерияларини кўпайтириш -Ўсимликларни

			чатиштириш -Микроскопда кузатиш учун лаборатория -бўртиқларни кўриб чиқиш -натижаларни аниклаш
Баҳолаш	Тақдимотни ишлаб чиқиш	3	Информатика хонаси
Назорат қилиш (3 ўқув соати)	Натижаларини намоиш қилиш ва солиштириш Тақдимот Қўллаш учун хулосалар чиқариш		Тақдимот қилиш методикаси



Кичик гуруҳлар ташкил қилинг (3-4 киши). Қуйидаги асосий мавзуй йўналишлар бўйича намоиш қилинган намуна бўйича ўқув вазиятини ишлаб чиқинг.

1. Донни саклаш.
2. Озиқ-овқат хавфсизлиги.
3. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш техникаси.

Ўқув вазиятини ишлаб чиқиш ва режалаштириш бўйича кураторларнингиз учун тақдимот қилинг.



Билимларни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Фаолиятга йўналтирилган таълим деганда нимани тушунасиш?
2. Фанлар бўйича фаолиятга йўналтирилган ўқув машғулотлари қандай ўтказилади?
3. Ўқув вазиятлари нима ва қандай ишлаб чиқилади?



Таянч иборалар

Фаолият, индуктив, компетенция, вазият, амалиёт, назария, каланхоэ, бактерия, модел, ирсият, муҳандис, микробиологик, микроскоп.



Адабиётлар

1. Вак Витц К. / WACKWITZ. Специальная дидактика для аграрного хозяйства. Дрезден. – 2010.
2. ВакВитц К. / WACKWITZ. Шаги для самостоятельного получения специальной информации. Дрезден. – 2010.
3. Олимов Қ.Т., Жалолова Д.Ф. Хорижий таълим тажрибалари. Методик қўлланма. Бухоро. – 2011. 116 б.

Талабаларда морфологик матрица технологияси моҳияти, таълим жараёнида қўллаш афзалликлари ва амалга ошириш босқичлари тўғрисида билимларни шакллантириш



АСОСИЙ МАЪЛУМОТЛАР



Морфологик матрица – бу ўқитишнинг методик усуллар комплекси бўлиб, унда муаммо бир нечта элементларига ажратилади, муаммо элементларини ечиш учун излаш амалга оширилади ва мос тарзда имкон қадар ечим вариантларининг кўпроқ сони киритилади.

Дидактик мақсади. Морфологик матрицани қўллашнинг дидактик мақсади шундан иборатки, муаммони тўлалигича тасаввур этиш, шунингдек структуралаш ва мажбурий бириктириш йўли билан муаммони ечишга қўмаклашиш ҳисобланади. Шу билан бирга, бу технология муаммони ижодий ечишни ҳам рағбатлантиради.

Методик мақсади. Муаммо ечимлари вариантларини аниқлашдан иборат.

Вариантлар: морфологик кути, морфологик табло, функционал анализ, атрибутив рўйхатни тузиш, кетма-кет морфология, ечимлар дарахти.

Аналогик методлар: сўров варағи, латерал фикрлаш методи.

Илмий асослари. Морфологик матрица муаммоларни ечишнинг систематик, аналитик технологияси ҳисобланади. Қўйилган муаммо систематик тарзда параметрларга қўйилиб чиқади. Бу муаммо параметрлари бир-биридан мустақил бўлиши керак. Параметрлар ва уларнинг ҳосилалари жадвал кўринишида, матрица (икки ўлчамли) ва кути (уч ўлчамли) сифатида бўлиши мумкин. Иккала кўриниш ёрдамида муносабатларнинг боғлиқлигини яққол кўрсатиш мумкин.

Келиб чиқиши. Морфологик метод асосчиси бўлиб швейцариялик физик ва астроном олим Фритц Цвикки ҳисобланади. «Морфология» сўзи юнон тилидан келиб чиккан бўлиб, «шакл ва шакллантириш ҳақидаги таълим» маъносини билдиради. Маълум метод бўйича ҳосил қилинган ҳар бир тартиб морфология деб айтилади, шунинг учун «тартибланиш фикрлаш таълимоти» деб ҳам айтилади.


Қўлланиш соҳалари. Морфологик метод комплекс ёки чекланган, техник ёки нотехник муаммони ечишнинг янги комбинацияларини ёки турли имкониятларини топиш мақсадида қўлланиладиган систематик структуравий анализ ҳисобланади. Шунинг учун морфологик матрица

янги маҳсулотлар, жараёнлар ва хизматлар учун бўшлиқларни топиш учун қулай ҳисобланади. Бундан ташқари, у аналитик мақсадлар, шунингдек инновацион жараёнларни вужудга келтириш учун қўлланилиши мумкин. Метод ҳам гуруҳ ишида, ҳам мустақил ишлашда қўлланилиши мумкин.

Амалга ошириш шартлари.

Агар уни расмий жихатдан карасак, морфологик матрица параметрлар ва ифодалардан иборат бўлади. Бунда параметрлар (нима?) барча ечимларда учрайдиган ўзгарувчилар ҳисобланади; бу параметрлар бир-биридан реал мустақил бўлиши, барча мумкин бўлган ечимлар учун воқеликка тўғри келиши ва муаммони тўлиқ қамраб олиши керак. Кўринишлар (қандай?) параметрлар учун рухсат этилган шакллантириш имкониятлари ҳисобланади. Бажариладиган функцияга мумкин бўлган/рухсат этилган ечимлар қарши қўйилади.

Амалга ошириш босқичлари. Морфологик матрицани тузиш жараёни схемаси қўйидагича кўринишда бўлиши мумкин.



Тавсифланиши керак бўлган муаммо мавжуд.

1. Муаммо муҳим, бир-биридан мустақил бўлган муаммо элементларига (параметрларга) ажратилади.
2. Ҳар бир элемент учун дастлабки муаммога қарамасдан барча мумкин бўлган ечимлари (кўринишлари) ёзиб олинади. Улар ўнг томонга параметрлар билан бирга ёзиб олинади.
3. Асосий муаммо ҳар бир элементи учун бир-биридан мустақил равишда энг қулай кўриниши танланади; ҳар бир бўлиши мумкин бўлган комбинация ҳар бир ячейкадан ҳар бир кўриниш бўйича асосий муаммонинг ечимини беради.
4. Асосий муаммонинг оптимал ечими ажратилиб кўрсатилади/тагига чизилади.

Ўтказиш қоидалари. Параметрларни аниқлаш: аввал эҳтимолли параметрларнинг оддий рўйхатини тузинг ва қўйидаги талаблар бажарилишигача уни қайта ишланади:

- мантикий мустақиллик: параметрлар бир-бирини шартлагани мумкин эмас;
- умумий воқелик: параметрлар бир қисмига эмас, балки барча ечимларга тааллуқли бўлиши керак;
- муҳимлик: фақат асосли мулоҳазаларни қабул қилиш.

Параметрларнинг умумий сони 7-10 та бўлиши керак, ўзича олинган кўринишлар оптимал ечимни бермайди, аммо бошқа кўринишлар билан бирлаштирилганда оптимал умумий ечимга олиб келиши мумкин.

Намуналар:

Морфологик матрицани қўллаш технологияси:

Муаммо: Янги йил арафаси

Тасаввур қилинг, сиз кейинги Янги йил арафасида саёҳатга чиқмоқчисиз. Энди сиз бирон саёҳатни қидириясиз.

Ечимни қабул қилиш учун ёрдамчи восита сифатида морфологик матрица тавсия этилади.

Биринчи устунга бир-бири остига барча тавсифловчи белгиларни, яъни санаси, нархи ва бошқаларни ёзинг. Кейин сиз ҳар бир параметр учун турли ечимларни ўйлаб чиқасиз. Бу олдиндан белгиланган фикрлардан мустақил равишда амалга оширилиши керак.

Белгилар	Параметр					

Қуйида морфологик матрицани қўллашга яна бир мисол келтирилган:

Ювчи воситаси учун ўралмани ишлаб чиқиш

Белги	Кўриниш 1	Кўриниш 2	Кўриниш 3	Кўриниш 4
<i>шакли</i>	параллелепипед	цилиндр	тетраэдр	шар
<i>материал</i>	картон	пластик	фольга	тахта
<i>ранги</i>	оқ	оқ-қора	Олтин ранг	зангори
<i>ташиши учун қулайлиги</i>	дасталари	ушлаш учун тешиқлар	илмоқ	ремень

маҳкам-лаш	қопқоғи	пробка	дозатор	вентиль
ўлчаи	стаканча	тарози	кошик	таблеткалар
қўйимча фойдаси	ўйинчоқ	тақинчоқлар учун кути	контейнер	челак

Кучли жиҳатлари.

Бу технологияни қўллаш туфайли муаммони ҳал қилиш жараёни системалаштирилади. Аммо, у шунингдек янги ғояларни топиш учун ва муаммони ижодий ҳал қилиш учун қўлланилади. Морфологик матрица комплекс муаммолар ҳамда вазифаларнинг турлича қўйилиши имконини беради, чунки муаммони қўйиш аниқ ҳамда тушунарли амалга ошади. Метод ечимлар вариантлари кўп бўлган вазиятларда устиворларни ишлаб чиқишда фойдалидир. Айниқса мазкур методни ғояларни ишлаб чиқиш фазасида мақсадга мувофиқдир. Визуализация туфайли метод компонентлар учун кўпгина ечимларни умумий ечимга бирлаштиришни осонлаштиради. Янги ғоялар оддий бўлмаган комбинацияларга олиб келадиган оптимал кўринишларни мажбурий бирлаштириш натижасида вужудга келади. Морфологик матрицанинг кейинги ютуғи бўлиб натижаларни (доскага ёки қоғозга) матрицага ёки кутига ёзиб олиш орқали автоматик баёнлаштириш ҳисобланади.

Талаблар. Маълум шароитларда морфологик матрицани тузиш катта вақтни талаб қилиши мумкин. У мос муаммо соҳаси ҳақида катта, юқори даражали билимларни талаб қилиши мумкин. Муҳим шарт бўлиб муаммони аниқ белгилаш ва параметрлар мустақиллиги ҳисобланади. Бундан ташқари, параметрлар ва кўринишлар бир-биридан яққол ажралиши керак. Параметрлар ҳамда кўринишларни аниқлаш катта машғулотни талаб қилади, баъзи жойларда мураккаб бўлиши мумкин. Қуйидагини эътиборга олиш муҳимдир:

- матрицани тузиш доим ҳам дарров амалга ошмайди;
- матрицага «ўсиш» учун вақт керак. Қайта кўриб чиқиш кўпинча натижани яхшилаши мумкин.

Аналогик методлар билан таққослаш.

Сўровнома ва алмаштириш методи билан таққослаш.

Осборн сўровномаси 50-йиллар бошида америкалик реклама мутахассиси Александр Осборн томонидан тавсия этилган. Гап тўққизта комплексни қамраб олувчи саволлар мажмуи ҳақида боради. Методнинг мақсади шундаки, ижодий фикрлашни турли соҳаларга режали йўналтириш орқали амалга оширишдир.



Билимларни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Морфологик матрица технологиясининг моҳияти нимада?
2. Морфологик матрицани қўллашнинг дидактик мақсадини айтинг.
3. Морфологик методнинг асосчиси ким ва қандай маънони билдиради?
4. Морфологик матрицани тузиш жараёни схемасини тушунтиринг.
5. Морфологик матрицани амалга ошириш шартлари, босқичлари ва қўйиладиган талаблари ҳақида фикр билдиринг.



Таянч иборалар

Морфология, матрица, компонент, дидактик, структура, атрибутив, латераль, шакл, комплекс, комбинация, инновацион, параметр, визуализация.



Адабиётлар

1. BACKERRA, Hendrik; MALORNY, Christian; Schwarz, Wolfgang: Kreativitätstechniken. Kreative Prozesse anstoßen, Innovationen fördern. Die K7. 2. Aufl., München, Wien: Carl Hanser Verlag 2002.
2. BUGDAHL, Volker: Kreatives Problemlösen im Unterricht. Frankfurt am Main: Cornelsen Scriptor 1995.
3. SCHAUDE, Götz: Kreativitäts-, Problemlösungs- und Präsentationstechniken. 3. Aufl., Eschborn: Rationalisierungs-Kuratorium der Deutschen Wirtschaft (RKW) e.V. 1995.
4. SCHLICKSUPP, Helmut: Kreativ-Workshop. Ideenfindungs-, Problemlösungs- und Innovationskonferenzen planen und veranstalten. Würzburg: Vogel 1993.
5. ZWICKY, Fritz: Entdecken, Erfinden, Forschen im morphologischen
6. Weltbild. München, Zürich: Droemer & Knauer 1966.

Ўқув мақсади

Талабаларда латерал фикрлаш технологияси моҳияти, мақсади, таълим жараёнида қўллаш имкониятлари, афзалликлари ва амалга ошириш босқичлари тўғрисида билимларни шакллантириш

**АСОСИЙ МАЪЛУМОТЛАР**

Латерал фикрлаш – бу ўқитишга ижодий ёндашув бўлиб, таълим олувчини мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга ёрдам беради. У «ён томондан фикрлаш», «ностандарт фикрлаш», нуқтаи назар ўзгариши ва «ғояларни ижодий топиш» жиҳатдан устивор вертикал фикрлашни кенгайтирувчи муҳим тўлдирувчи ҳисобланади.

Дидактик мақсади. Латерал фикрлашнинг дидактик мақсади, муаммоли масалаларни ечишда талабаларнинг мустақил фикрлаш ва ижодий қобилиятларини яхшилашдан иборат.

Методик мақсади. Латерал фикрлашнинг методик мақсади, маълумотларни қайта ишлашнинг анъанавий, одатий йўлидан фарқли бўлган йўл орқали альтернатив, ижодий, ноодатий ғояларни ёки таклифларни яратиш ҳисобланади.

Синоними: ностандарт фикрлаш. Вариантлар, шляпалар методи, алмаштириш методи, тасодифий таъсир методи, «ижодий пауза» методи.





Аналогик методлар: аклий хужум методи, ғояларни йиғиш методи.

Илмий асослар. Ижодий фикрлаш ва ҳаракат назариясини қуйидаги фикрлар орқали тавсифлаш мумкин:

- ахборотни қабул қилиш ва қайта ишлаш, одатда, маълумотлар ҳамда ахборотни қайта ишлашнинг афзалрок/одатий йўллари орқали амалга оширилади;
- латерал (креатив) фикрлаш - ён томондан фикрлаш: ахборотни қайта ишлашнинг афзалрок/одатий йўлларида чикиш, ностандарт ечимларни топиш;
- вертикал ва латерал фикрлашни такқослаш.

Вертикал фикрлаш билан такқослаш.

Вертикал ва латерал фикрлаш типологияси

Вертикал фикрлаш	Латерал фикрлаш
селектив/танлов (бирон ечим йўли) 	генератив/ишлаб чиқарувчи (бир неча ечим йўллари бўлиши мумкин) 
Фақат ҳаракатлана оладиган йўналиш бўлганда қўлланилиши мумкин (аниқ йўналиш; „мен кидираётган нарсамни биламан“)	Йўналишни топиш учун ҳаракат қилади (ҳаракат/ҳаракат учун ўзгариш; «мен кидиряпман. Аммо нимани кидиришимни фақат уни топганимда аниқлайман»)
Аналитик	Ноаналити
мантикий 	сакрашлар орқали 
Ҳар бир алоҳида қадам тўғри бўлиши керак	Ҳар бир қадам тўғри бўлиши шарт эмас
Инкор этиш йўллари бўлиши мумкин (алоҳида йўллари тўсиш учун)	Ҳеч қандай инкор йўк
Барча кераксиз нарсалар четлаштирилади, концентрация	Тасодифан пайдо бўлган барча нарса яхши кутиб олинади
категориялар, классификация ва белгилар аниқланган 	Ҳеч қандай белгилар йўк 
Энг тўғри йўлни олади	Энг кутилмаган йўлни ўрганади
Чекланган жараён (тугаши = жавоб/ ечим)	Чекланмаган жараён (жавобсиз/счимсиз бўлиши мумкин)

Келиб чиқиши. Бу тушунча, метод ва назарияни 1960-йиллар ўрталарида немис педагогик олим д-р Эдвард де Боно вазибаларни

ечишнинг ижодий ёндашуви тадқиқоти асосида ишлаб чиқди. Унинг назариясининг бошланғич нуктаси бўлиб одам фикрлашининг структуралари тўғри чизиқлиги бўлди. Эдвард де Боно янги ғояларни топишга ёрдам берадиган ва одатий фикрлаш йўлларида четга чиқувчи кўпгина методларни ишлаб чиқди. Уларга, масалан, латерал фикрлаш ва шляпалар методи кириши мумкин. Бугунги кунга келиб де Боно 40 дан ортиқ китобларни чоп этиб, улар 25 тилга ўтирилган.

Қўллаш соҳалари. Латерал фикрлаш методлари биринчи навбатда ғояларни топишда қулай, масалан, маҳсулот учун янги ғояларни топишда ёки маҳсулотни яхшилаш учун. Шляпа методи кўпинча музокара учун умумий шартлар сифатида қўлланилади. Тасодифий таъсир методи ва алмаштириш методи ғоялар тугаганда, блокада ёки «нолинчи пункт вазияти» бўлганда айниқса қўл келади.

Амалга ошириш шартлар.

Муваффақиятли ўтказиш шартларига қўйидагилар киради:

- ишгирикчиларнинг ижодий гуруҳлари;
- ўқитилган модератор / музокара раҳбари (латерал фикрлаш ва унинг методлари ҳақида билимлар).

Амалга ошириш босқичлари. Ўтказиш қўйидаги босқичларда амалга оширилиши мумкин:

- муаммо ёки камчиликларни аниқлаш;
- кўргазма учун гуруҳни шакллантириш;
- мос модераторни танлаш;
- метод(лар)ни танлаш;
- қоидаларга асосан ўтказиш;
- ғояларни жамлаш;
- ечим учун таклиф этишда ғояларни қайта ишлаш / истиқболли ғояларни танлаш;
- ечим вариантларини баҳолаш;
- амалга оширишнинг биринчи қадамини режалаштириш.

Методлари. Мақсадли равишда билишнинг эвристик методларидан фойдаланиш тавсия этилди. Бу методларга қўйидагилар киради:

- нуқтан назарни тўнтариш;
- визуал фикрлаш;
- муаммони кичик бирликларга майдалаш ва уларни бошқадан яхлит ҳолатга келтириш;
- эътиборни юзада турган жиҳатлардан аҳамияти пастроқ жиҳатларга қаратиш;
- устивор қарашлар ва фикр боришини аниқлаш;
- нарсаларни қўриб чиқиш учун бошқа йўللарни кидириш;

- рационал-мантикий (вертикал) фикрлаш ёрдамида амалга ошириладиган кучли назоратни сусайтириш;
 - тасодифни онгли қўллаш;
 - муносабатларни билиб туриб бузиш;
 - аналогиялар, бирон вазият муносабатларини қўллаш осонроқ бўлган бошқа муносабатга ўтказиш.
- Латерал фикрлашга намуналар келтирилган.

Шляпалар методи.

Бу метод фикрлашнинг турли усулларини тезда алмаштиришдан иборат бўлиб, улар турли рангдаги олтита шляпа орқали кўрсатилган бўлади (шляпаларни алоҳида талабалар ёки гуруҳлар «кийиши» мумкин):

- *оқ шляпа (маълумотлар, ахборот) қуйидаги саволларга жавоб беради:*
- Қандай ахборотга эгамиз?
- Қандай муҳим ахборот бизга етишмайди?
- Қандай қилиб биз бу ахборотни олишимиз мумкин?
- *қизил шляпаликларга: ўзининг ҳислари ва интуитив фикрларини асосларсиз айтишга имкони берилади;*
- *қора шляпаларга эҳтиёткорлик, танқидий фикрлаш, камчиликларни топиш, хатоларни олдини олиш имкони бўлиб энг муҳими зояни бошиданоқ бузмаслик талаб этилади;*
- *сарик шляпаликлар ютуқ ва режани амалга ошириш имкониятларини қидириш тавсия этилади;*
- *яшил шляпаликлар креатив фикрлаш, янги зоялар/альтернативаларни қидириш талаб этилиб, бу вазифани бошқа йўл билан ҳам ечиш мумкинми? Бошқа таъриф ҳам бериш мумкинми? каби саволлар ҳам қўйилди;*
- *кўк шляпаликлар (юқоридан қараганда истиқболлар, модерация):*
- мавзуларни белгилаш;
- объектив назорат/ методлар ва фикрлаш усулларини текшириш;
- фикрлаш жараёнида кейинги қадамларга кўрсатмалар бериш;
- бошқа шляпаларни фаоллаштириш, имкони берилади.

Асосий қоида: шляпаларни доимий алмаштириб туриш.

Ғояларни топиш методи.

Бу метод муаммони ечишнинг оддий йўлини бошқасига алмаштиришга қаратилгандир.

Тасодифий таъсир методи (сўзли қўзғатувчини қўллаш методи):

- муаммо билан ҳеч қандай алоқаси йўқ бўлган сўзни яъни тасодифий тушунчани топиш;

- «сўз – муаммо» ни таққослаш (сўзлар комбинацияси);
- Улар орасида ассоциацияни тузиш.
- Латерал фикрлашнинг кўпгина бошқа турлари мавжуд, масалан:
- „ижодий пауза» (масофани тузиш/тескари қараш учун қисқа тўхталишлар);
- „ментал бузилишлар соғлом ақл чегаралари мантиксиз ва хато вазиятлар мантикий фикр боришида бузилади, яъни истикболлар ўзгариши, янги ғоялар) пайдо бўлиши ва ҳок.

Кучли жиҳатлари.

Латерал фикрлашнинг кучли жиҳатларига қуйидагилар қиради:

- ғояларни тузишда ва тўхталишлар бўлганда фикрлаш учун янги импульсларни беради;
- истикболларни тез-тез алмаштириш, ечимларнинг ностандарт вариантлари ва янги ғояларининг пайдо бўлишига қўмаклашиши;
- ўйин элементларини яратиш туфайли иштирокчилар мотивациясини оширади;
- асос бўлиб вазифаларни ечишга ижодий ёндашув назарияси ҳисобланади.

Камчилиги.

Қуйидаги чеклашларни айтиб ўтиш мумкин:

- баъзи методлар аниқ белгиланмаган;
- методлар ва уларнинг вариантлари кўпчилиги аниқ эмас, яъни кўрсатмали бўла олмайди;
- малакали модерацияни талаб қилади, акс ҳолда «норавшан қўлланилади».

Аналогик методлар билан таққослаш.

Ақлий ҳужум ва ғояларнинг кесишувчанлиги методи билан таққослаш.

Ақлий ҳужум методида гуруҳ ичида маълум вақт мобайнида маълум муаммо соҳасида ғоялар йиғилади ёки ишлаб чиқилади. Кесишувчан ғоялар методи ақлий ҳужум методига жуда ўхшайди, бу методда талабалар ғоялари ёзиб олинади.

Ақлий ҳужум ва ғояларнинг кесишувчанлиги методи барча методларга тўғри келади. Аммо, латерал фикрлаш билан тенглаштириш нотўғридир.

Ақлий ҳужум ва ғояларнинг кесишувчанлиги методи — бу фикрлаш жараёнига қўмаклашувчи бир хил структураларни таклиф этувчи расмий шартлардир.



Билимларни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Латерал фикрлашнинг қисқача тавсифини келтиринг.
2. Латерал фикрлашнинг методик мақсадини айтинг.
3. Вертикал ва латерал фикрлаш типологиясининг бир-биридан фарқларини айтинг.
4. Латерал фикрлаш методининг қўллаш соҳаларини айтинг.
5. Латерал фикрлаш вариантларига мисоллар келтиринг.



Таянч иборалар

Ностандарт, ғоя, компетенция, альтернатив, креатив, вертикал, латерал, классификация, модератор, рационал, аналогия.



Адабиётлар

1. De BONO, Edward: Laterales Denken. Ein Kurs zur Erschließung Ihrer Kreativitätsreserven. Düsseldorf: ECON-Taschenbuch-Verlag 1992.
2. De BONO, Edward: Serious Creativity. Die Entwicklung neuer Ideen durch die Kraft des lateralen Denkens. Stuttgart: Schäffer-Poeschel 1996.
3. http://imihome.imi.uni-karlsruhe.de/nlaterales_denken_b.html (по состоянию на: 05.12.2007)
4. http://www.grauzelle.de/gz_later.html (по состоянию на: 05.12.2007)

Ўқув мақсади

Талабаларда аналогиялар технологиясининг моҳияти, мазмуни, таълим жараёнида қўллаш афзалликлари ва амалга ошириш босқичлари тўғрисида билимларни шакллантириш



АСОСИЙ МАЪЛУМОТЛАР



Аналогия [юнонча: analogia] бир хиллик ёки ўхшашликни, белгиларда бир вақтдаги фарқларда белгилар бўйича маълум мувофиқлик маъносини билдиради. Аналогиялар методи хулосалашнинг мантикий методи бўлиб, унда предметлар ва ҳодисалар бўйича уларнинг бир хиллиги ёки ўхшашлиги бўйича хулоса қилинади.

Дидактик мақсади. Аналогиялар методининг дидактик мақсади муаммоларни ечишда талабаларнинг мустақил ва ижодий ишлаш қобилиятларини яхшилашдан иборат.

Методик мақсади. Аналогиялар методининг методик мақсади, билимлар ҳамда кўникмаларнинг ишончли, синалган фаолият усулларидан янгиларига кўчиришни билдиради, яъни муаммоларни ечиш учун аналогия асосида қилинган хулосани қўллашдан иборатдир.

Асосий белгилари. Аналогиялар методининг асосий белгиси ва элементи бўлиб *аналогия бўйича хулоса* ҳисобланади. Бунда хулоса икки объект бўйича намуна бўйича аналогия асосида қилинади: *A B билан ўхшашликка эга. B b хусусиятга эга, демак A ҳам b хусусиятга эга.* Бунда объектлар бўлиб жонзотлар, нарсалар ёки феноменлар бўлиши, ўхшашлик хусусиятларда, структураларда ёки функцияларда бўлиши мумкин. Аналогиялар бўйича хулосалар редуктив/тикловчи хулосаларга киради. Улар доимо эҳтимолли хулосалар бўлиб, гипотетик характерга эга ва тажрибада тасдиқланишни талаб қилади.

Қўллаш соҳалари. Аналогиялар методи кўргазмали тушунтириш учун кўп қўлланилади. Мисол учун, бу метод математик машқларда қўлланилиб, уларда талабалар бошқа кўпгина машқлар учун ечимларни топишда қўлланилади. Кўпинча янги ҳали ўрганилмаган лойиҳани бошлашда ҳам аналогиялар методи қўлланилади. Бунда таниш бўлган ва ўхшаш шароитларда бажарилган лойиҳа билан таққослаш ўтказилади. Аналогиялар бўйича хулосани ҳам табиий фанларда, ҳам ижтимоий фанларда чиқариш мумкин.

Шарти. Бу методни қўллаш шарти бўлиб муаммоли вазиятнинг мавжудлигини онгли қабул қилиниши ҳисобланади.

Амалга ошириш босқичлари.

Аналогиялар методи қуйидаги методик босқичларга бўлинади:

1. *Вазифа ёки муаммоли вазият* очиш кийин бўлган ишнинг предмети ёки ҳолати орқали берилади; ечимни топиш учун ўхшаш предметлар ёки ҳолатларни кидириш керак.
2. Номаълум предметлар ёки иш ҳолатлари белгиларини маълум предмет ёки иш ҳолати билан ўхшашлигини топиш мақсадида *таҳлил қилиш*.
3. Номаълум предметлар (иш ҳолатлари) ва маълум предмет ёки (иш ҳолати) орасида ўхшаш ҳамда фаркланадиган белгиларни синтезлаш.
4. Маълум муҳим белгилар ўхшашлиги, мослиги асосида битта ёки бир неча бошқа белгилар бўйича ўхшашлиги ҳамда мослиги ҳақида *хулоса қилиш*.
5. Белгилар мазмунида алоҳида фикрларни чиқариш ва унинг амалиётдаги тўғрилигини тасдиқлаш.

Аналогиялар технологиясини қўллашга мисоллар.

Мисол: *Магнитли занжир:*

1. Магнит майдон шароитларининг мураккаблиги; тушунтириш учун осон ва тушунарли иш ҳолатларини сақлаш; диққат марказида техник майдонлар.
2. Магнит майдон алоҳида хусусиятлари (оқим йўналишлари ёпиклиги, магнитли ҳаракатлантирувчи куч ва магнит оқим ҳаракати орасидаги боғлиқлик ва ҳок.); техник майдонлар ферромагнит ўзакда жамланади.
3. Электр токи занжири ва магнит майдони орасида мослик қўйидаги хусусиятларда мавжуд бўлади (ток чизиклари ва оқим йўналиши чизиклари туташ чизиклар бўлади; электр токи кучланиш билан ифодаланади, оқим магнит ҳаракат кучи билан ифодаланади; электр занжирлар ўтказгич билан боғланган, техник майдонлар ферромагнит ўзакда жамланган. Фарқловчи белгилар (электр токи оқади. Магнит оқими – йўқ; электр токда энергия ўзгариши, магнит майдонда эса энергия тўпланиши) юз беради, барча белгилар муҳим ҳисобланади.
4. Аналогия бўйича хулосалар: магнит майдони электр токига нисбатан аналогия бўйича магнитли занжир сифатида кўрсатилиши мумкин.
5. Магнит занжирни қўллаш ички кучланишнинг пасайишида асоссиз бўлади, чунки магнит оқим статик характерга эга; шунингдек, энергетик нисбатда энергияларнинг турли характери туфайли асоссиз бўлади.
6. Магнит майдони ҳисобларида аналогияларни қўллаш.

Германияда янги фан сифатида пайдо бўлган «Бионикада» (биологияга йўналтирилган муҳандислик фани) (Берлин техника

университети /TU Berlin сайти), техник муаммоларни ечиш учун асослар сифатида табиат/биология жалб этилади, яъни биологик эволюция принципи асосида техник системалар ишлаб чиқилади. Фаолият кўриниши эҳтимоллиги бунда аналогия бўйича қуйидаги фаолиятларни ташкил қилади:

1. Исталган техник функцияларни аниқлаш.
2. Бу функцияларни бажарадиган намуналарни (ҳайвонлар/ўсимликлар структуралари) аниқлаш. Биологик структуралар каталогларини топиш учун қўллаш, олинган билимларни ечилиши керак бўлган муаммога кўчириш.

Кучли жиҳатлари. Объектив воқелик ўзининг чексиз кўринишларида иккита объект (жонзот, нарсалар, феномен) орасида кўп сонли ўхшаш хусусиятларни (структура, функция ва бошқ.) намоён қилади. Бу далил одамларга воқеликни аналогиялар бўйича қилинган мулоҳазаларни кўчириш орқали тушуниш имконини беради. Аналогияларни шакллантириш ўқишнинг кейинги давомийлигига, вазиятларни тўғри тушунишга, муаммони ечишга ва муаммони ечишга ижодий ёндашувга кўмаклашади. Ўқиш осонлашади, чунки маълум бўлган билимлар билан параллеллар ўтказилади. Тадқиқотлар кўрсатишича, «муаммони ечиш қобилияти олдинги ўрганилган маълумотни аналогия сифатида қўллаш ҳақида кўрсатма берилганда сезиларли ошади».

Камчилиги. Аналогиялар муаммони ечишнинг асосий принципи сифатида қўлланилиши мумкин, аммо уларни тўғри қўллай олиш керак. Шунинг учун, аналогия хулосасидан кейин келувчи исбот кучи кўпинча шартли берилади, яъни фақат иккала объект ўз структураси бўйича ўхшаш бўлса ёки бир-бири билан шакли мос бўлса, *барча* муҳим белгилар ўхшаш яъни мос келади ва кўчиришда маълум асосий принципларга риоя қилинади, натижада аналогия бўйича хулоса қилиш мумкин бўлади. Агар бундай бўлмаса, аналогия бўйича хулоса қабул қилинмайди. Аналогиялар бўйича хулосалар асосий белгилар бўйича мосликдан келиб чиқиши туфайли, улар эмпирик тарзда доимий текширишни талаб қилади.

Моделлаштириш методи билан таққослаш. Иккала методларнинг муҳим элементи бўлиб аналогия бўйича хулоса ҳисобланади. Моделлаштирувчи методда аналогия бўйича хулоса шундан келиб чиқадики, асл (наrsa ёки иш ҳолати) ва қўлланилган модел (масалан, ўқитиш воситаси модели ва фикрлаш модели) барча асосий белгилар бўйича мувофиқ келади.



Билимларни мустахкамлаш учун саволлар

1. Аналогиялар технологиясининг моҳияти нимада, таълим жараёнида қўллаш афзалликларини айтинг.
2. Аналогиялар методининг методик мақсадини айтинг.
3. Аналогиялар методи қайси соҳаларда қўлланилади?
4. Аналогиялар методи қандай методик босқичларга бўлинади?
5. Аналогиялар методининг моделлаштириш методидан фарқи нимада?



Таянч иборалар

Аналогия, компетенция, структура, функция, иерархик, майдон, ферромагнит, энергия, прототип, феномен, бионика.



Адабиётлар

1. ANDERSON, R. John: Kognitive Psychologie: eine Einführung. 2. Aufl., Heidelberg: Spektrum Akademischer Verlag 1989.
2. ANDERSON, R. John: Kognitive Psychologie. 2. Aufl., Heidelberg: Spektrum Akademischer Verlag 1996.
3. BÜHRDEL, Ch.; REIBETANZ, H.; TÖLLE, H.: Unterrichtsmethode Metalltechnik. Berlin: VEB Verlag Technik 1988.
4. HILL, Bernd; NADER, Werner: Biologische Systeme, eine unerschöpfliche Innovationsquelle. In: Biologie in unserer Zeit, 30. Jg. 2000, Nr. 2.
5. METZIG, Werner; SCHUSTER, Martin: Lernen zu lehren. Lernstrategien wirkungsvoll einsetzen. 7. Aufl., Berlin, Heidelberg: Springer Verlag 2006.
6. ROSE, Heinz; THOMAS, Werner (Hrsg.): Unterrichtsmethodik Elektrotechnik. Berufstheoretischer Unterricht. Berlin: VEB Verlag Technik 1986.
7. SEEL, M. Norbert: Weltwissen und mentale Modelle. Göttingen: Hogrefe Verlag 1991.
8. <http://www.bionik.tu-berlin.de/> (по состоянию на: 08.10.2007)

Ўқув мақсади

Талабаларда ғояларнинг кесишувчанлиги технологиясининг аҳамияти, мазмуни ва ўзига хос хусусиятлари ҳақида билимларни шакллантириш

**АСОСИЙ МАЪЛУМОТЛАР**

Ғояларнинг кесишувчанлиги (фикрлар ва ғояларни ёзиб олиш) – бу ўқитишнинг методик усуллар комплекси бўлиб, унда талабалар киска вақт ичида ақлий ҳужум методидagi каби ёзма равишдаги ғояларни ишлаб чиқишади.

Дидактик мақсади. Ғояларнинг кесишувчанлигининг дидактик мақсади фаолият компетенцияси методик компонентларини яхшилаш, хусусан фаолиятда ғояларни топишдан иборат.

Методик мақсади. Асосан бу талабаларда ғояларни ишлаб чиқиш бўйича кўникмаларини ривожлантириш, шунингдек далиллар, ғоялар ва фикрларни тез комбинациялашни ўргатишдан иборатдир.

Вариантлари. Метод 635, жамоавий блокнот, эксперт баҳолаш методи, карточкалар бўйича сўровлар, ғояларни ишлаб чиқиш.

Аналогик методлар: ақлий ҳужум.

Асосий белгилари. Ғоялар кесишувчанлиги методи ақлий ҳужум методига жуда ўхшайди, бироқ бу методда ғоялар модераторга айтилмай, иштирокчилар ўзлари томонидан ёзиб олинади. Ғоялар кесишувчанлиги методига ақлий ҳужум методи каби ўз ғоялари орқали бир-бирларига импульс беришлари керак ва ғояларни бир-бирига боғлаши, улардан аналогик вариантларни яратиши керак.

Келиб чиқиши. Ғоялар кесишувчанлиги методи турли вариантларда ишлаб чиқилган, аммо ўз бошланишини ақлий ҳужум методи концепциясидан олади. Ғоялар кесишувчанлиги методи вариантлари каторидан энг тарқалгани бўлиб, бу метод 635 ҳисобланади. У 1970-йилларда Б.Рорбах томонидан ишлаб чиқилган.

Қўллаш соҳалари. Ғоялар кесишувчанлиги методи ақлий ҳужум методи каби деярли мутахассисликларга тегишли барча фанларда, у техник соҳа ёки ижтимоий соҳа бўлсин, қўллаш мумкин. Ақлий ҳужум методини қўлланилиши мумкин бўлган жойда ғоялар кесишувчанлиги методини ҳам қўллаш мумкин.

Тузилмаси. Бу ерда келтирилган ўтказиш 635 методи билан чекланади, бу метод ўз номини: 6 иштирокчи 3 тадан таклифни 5 минут

ичида беришидан олган. Албатта, иштирокчилар сони маълум чегараларда ўзгариб туриши мумкин.

Ғоялар кесишувчанлиги муаммоли-йўналтирилган методи асосий шарти бўлиб ечимнинг бир неча вариантлари бўлиши мумкинлиги ҳисобланади, 635 методини ўтказиш учун 6 та иштирокчи талаб этилди. Ишчи материал сифатида (уч устун ва олти қаторли жадвал ва вазифа қўйилиши билан) қўлланилиб, улар кейинчалик ғояларни яратиш учун ишлатилади.

Амалга ошириш босқичлари. Метод 5 босқичда ўтказилди:

1. *Муаммони аниқлаш:* биринчи фазада иштирокчилар савол ёки муаммо қўйилиши ҳақида тўлиқ ахборотга эга бўлишади ва уларга ўйин қоидалари тушунтирилади.
2. *Ечимлар таклифларини йиғиш:* кейин ҳар бир иштирокчи уч устунли ва олти қаторли жадвал сақлаган қоғоз варағини олади. Талаба аввал юкори қаторда ғоя ёки фикрини ёзади.
3. *Формулярни кейингисига узатиш:* ундан кейин варақ кейинги иштирокчига (масалан, соат миллари бўйича) узатилади.
4. *Боғлаш:* Бу иштирокчи олдинги иштирокчи ёзган ғоя ҳақида ўйлайди, ва уни мукаммаллаштириш йўлини иккинчи қаторга ёзади, яъни уни ривожлантиради. Яна варақ кейингисига берилади ҳамда шу тарзда давом этади. Шундай қилиб, ҳар бир варақ беш марта узатилади ва охирида 108 та ғоя бўлиши керак. Ҳар бир варақ ҳар бир иштирокчида 5 минутдан кўп турмаслиги керак.
5. *Баҳолаш:* Кейин таклифларни баҳолаш амалга оширилади. Мавжуд ечимлар таклифлари тушунтирилади ва муҳокама қилинади.

Қоидалар. Ғоялар кесишувчанлиги методи муваффақиятли ўтиши учун қуйидаги асосий қоидалар мавжуд:

- ғоялар кесишувчанлиги методи – бу бошқа иштирокчилар киритган таклифларни танқид қилинишига йўл қўймайдиган методдир. Ғоялар кесишувчанлиги методида олдинга сурилган ғоялар доимо уларнинг кейинги мукаммаллаштирилиши учун ҳисобга оlinиши керак, яъни ҳеч қандай муаллифлик ҳуқуқи йўқ – барча энг яхши ғояни амалга ошириш учун биргаликда ишлашади;
- ғоялар тушунарли ёзилганлиги ва тўғри шакллантирилганлигига алоҳида эътибор бериш ҳамда ҳалакит берадиган оралик суҳбатларни олдини олиш керак.

Кучли жиҳатлари. Ғоялар кесишувчанлиги методи талабаларга ўзини кўрсатиш, ўзларининг ғояларини структуралаш ва муаммоларни танқидий кўриб чиқиш имкониятини беради. Ғоялар кесишувчанлиги методи бошқа кучли томонлари қуйидагилардир:

- ўтказишда кичик харажатлар;
- олдинги ғояларни олиш натижасида бир-бирини рағбатлантириш;

- тинч муҳитда фикрлаш;
- барча учун тенг/бир хил катнашиш (устунрок талабалар камрок таъсир ўтказашади, чунки ҳеч қандай оғзаки фикрлар айтилмайди);
- гуруҳ режалаштириш ижодий ишлаб чиқаришга таъсир кўрсатмайди;
- модераторга эҳтиёж бўлмайди;
- протокол автоматик тайёрланади.

Чеклашларга қуйидагилар киради:

- англашмовчилик ҳолатларда қайтар алоқанинг имкони йўқ;
- иш давомида психологик босим сезилиши (вақт етишмовчилиги туфайли);
- ишнинг жўшқинлиги пастрок;
- ғояларни изоҳлаш учун вақт чекланганлиги;
- барча ғояларни эшитишга имконияти йўқлиги;
- ишлаб чиқилган ғоялар, ечимлар ёки ёндашувлар дарс машғулотида қандай давом эттирилиши шулар жумласидандир.

Аклий ҳужум ва ассоциограммалар методлари билан таккослаш.

Ғоялар кесишувчанлиги методи аклий ҳужум методи билан кучли боғланган. Лекин тушунча сифатида турли методларни, масалан, 635 методи, коллектив блокнот каби методларни ўз ичига олган умумий концепцияни ташкил этади. Вужудга келган ғояларни кўргазмани кўрсатиш мақсадида турли ёндашувларни келтириш учун ассоциограммалар методи қўлланилиши мумкин.



Билимларни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Ғояларнинг кесишувчанлиги технологиясининг аҳамияти нимада?
2. Ғоялар кесишувчанлигининг дидактик ва методик мақсадини айтинг.
3. Ғоялар кесишувчанлиги методининг келиб чиқишини тушунтиринг.
4. Ғоялар кесишувчанлиги методининг қўлланилиш соҳаларини айтинг.
5. Ғоялар кесишувчанлиги методи муваффақиятли ўтиши учун қандай асосий қоидалар мавжуд?



Таянч иборалар

Фикр, ғоя, комплекс, компетенция, аналогия, муаммо, ечим, анализ, структура, модератор, ассоциограмма.



Адабиётлар

1. BACKERRA, Hendrik; MALORNY, Christian; SCHWARZ, Wolfgang: Kreativitätstechniken. Kreative Prozesse anstoßen, Innovationen fördern. Die K7. 2. Aufl., München, Wien: Carl Hanser Verlag 2002.
2. HARTMANN, Wolf D., Handbuch der Managementtechniken. Moderne Managementmethoden und -techniken im kritischen Überblick. 2. Aufl., Berlin: Akademie Verlag 1990.
3. HENTZE, Henner; MÜLLER, Klaus-Dieter; SCHLICKSUPP, Helmut: Praxis der Managementtechniken. München, Wien: Hanser 1989.
4. SCHAUDE, Götz: Kreativitäts-, Problemlösungs- und Präsentationstechniken. 3. Aufl., Eschborn: Rationalisierungs-Kuratorium der Deutschen Wirtschaft (RKW) e.V. 1995.
5. SCHLICKSUPP, Helmut: Innovationen, Kreativität und Ideenfindung, 5. Aufl., Würzburg: Vogel Buchverlag 1998.
6. WEITZ, Bernd O.: Handlungsorientierte Methoden und ihre Umsetzung, Bd. 2, Bad Homburg vor der Höhe: Verlag Gehlen 2000.

Ўқув мақсади

Талабаларда ассоциограммалар технологиясининг аҳамияти, мазмуни ва ўзига хос хусусиятлари ҳақида билимларни шакллантириш

**АСОСИЙ МАЪЛУМОТЛАР**

Ассоциограммалар методи (хотира хариталари) – ўқитишнинг комплекс методик усули бўлиб, ўқув-психологик асосларга таянган ҳолда билимларнинг ўрганиш структураларига интеграциясини осонлаштиради.

Дидактик мақсади. Иш ҳолатини кўра олиш узоклигига кўмаклашиш, билимларни фаоллаштириш, хотирани чуқурлаштириш ва яхшилашдан иборат.

Методик мақсади. Мустақил равишда комплекс билимлар захираси ишлатилади ва шахсий ўқув вазиятини қабул қилиш ҳамда уни тўғри баҳолаш қобилияти ривожлантирилади.

Вариантлари: тушунчалар харитаси, ўрганиш харитаси, семантик тармоқлар, онтологиялар.

Белгилари ва асослари. Ассоциограммалар методи билимларни график тарзда кўрсатиш ва структуралаш учун қўлланилади. Бу метод ўқув-психологик асосларга, мавжуд структураларга янги концепциялар ва тасаввурларни интеграциялашни тушунишга тааллуқли бўлади. Бу методни қўллашда мавзудан марказдан чиққан каби кейинги ғоялар ва деталлар шохалари кўрсатилади, улардан ўз навбатида кейинги шохалар чиқади.

Тушунча ва метод 70-йилларда англиялик Тони Бузан томонидан таклиф этилган. Унинг фикрларининг бошланғич нуктаси бўлиб талабаларнинг кўпинча «манتيкий ўйлайдиган» бош мия чап ярим шари билан ишлаши деган мулоҳаза бўлди. Шунинг учун, ўзининг ассоциограммалар методи ёрдамида у талабаларнинг бир хил тарзда ҳам чап, ҳам ўнг ярим шарларини фаоллаштирувчи иш ва график кўрсатиш методини ишлаб чиқди, чунки бу метод тасаввур-ижодий фикрлашни ва мантикий-аналитик фикрлаш орасида қайтар алоқани ўрнатади.

Келиб чиқиши. Бу метод билимларни иерархик ва кўрсатмали структуралаш ҳамда комплекс боғлиқликларни визуализациялаш ҳақида гап борилганда метод сифатида доим қўл келади.

Шунинг учун у айниқса:

- умумлаштиришларни ишлаб чиқиш;

- комплекс системаларни кўрсатиш;
- матнлар ва тушунчаларни системалаштириш;
- ёзувлар ёки ўқув материални кўриб чиқиш;
- лойиҳаларни режалаштириш;
- ўқув материални мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш;
- ғояларни йиғиш ва структуралаш учун фойдалидир.

Қўлланилиш соҳалари. Ўқув машғулотида бу методни қўллашнинг турли вариантлари берилади. Индивидуал иш, гуруҳ иши ёки бутун синф иштирокидаги мавзунини ишлаб чиқишда бу методни қўллаш мумкин.

Шартлари. Методни амалда қўллаш ёрдамчи воситалар сифатида қуйидагилар керак: оқ, чизикларсиз қоғоз варағи, қалам, ўчирғич ва рангли қаламлар. Ассоциограммалар албатта рангли бўлиши шарт эмас, аммо рангли бўлганда ахборотни эслаб қолиш осонроқ бўлади. Исталган ҳолатда ассоциограммани слайдларда, флипчартда, доскада ёки компьютер дастури ёрдамида амалга ошириш мумкин.

Ассоциограммани ишлаб чиқишда ҳаракат тартиби қуйидагича бўлади:

1. *Мавзу:* варақ ўртасида ўзининг асосий мавзунингизни ёзинг ёки чизинг. Альбом форматида ишланг, бу сизга кўпроқ жой беради.
2. *Асосий шохчалар:* марказда жойлашган мавзудан асосий шохчалар чиқиб, улар мавзунини алоҳида соҳаларга ажратади. Уларга катта ҳарфлар билан калит сўзлар ёзилади, бунда шохчалар калит сўзлардан узун бўлмайди. Яхшироқ кўриниши учун ҳар бир асосий мавзу учун ўз рангини бериш, чизик қалинлиги орқали сўзнинг аҳамиятини кўрсатиш мумкин.
3. *Шохчалар:* асосий шохчалардан шу рангдаги шохчалар чиқади, улар ғоя/фикрларнинг қўшимча босқичларини шакллантиради.
4. *Тузатишлар:* муҳим бўлмай қолган ахборот рамкага олиниши ва штрихланиши ёки ўчирғич билан ўчирилиши мумкин.

Бориши. Ассоциограмма ўзининг расмлари, белгилари ва турли ранглари билан равшанроқ ҳамда самаралироқ чизилиши мумкин. Ассоциограмма ҳеч қачон охиригача тузилмаган, у ҳали тугалланмаган расмдир, янги ғоялар исталган вақтга уни тўлдириши ва ривожлантириши мумкин. Калит сўзларни танлашда абстрактдан ҳақиқийга ва умумийдан махсус томонга бориш керак. Агар кўп жой талаб қилинса, талабага бошидан бошлаш ва мавзунини бошқадан белгилаш керак бўлади.

Амалга ошириш қоидалари. Ўқув машғулотида ҳисобга олиш керак бўлган баъзи пунктлар:

- талабаларга мавзуга мослашиш учун вақт бериш;

- расм чизишга кетадиган вақтни чегаралаш;
- талабаларга бир-бирининг расмини кўришга рухсат бериш;
- талабаларга ўз ассоциограммаларини тақдим этишга имкон бериш, бунинг натижасида тушунчаларнинг кейинги маънолари тушунтирилади ва янги ассоциацияларга йўл очилади;
- тушунмовчиликларда «тешиклар» қўйиб, кейин уларни биргаликда муҳокама қилиш;

Кучли жиҳатлари:

- Калит сўзларни қўллаш натижасида эътиборни фақат асосий нарсаларга бериш мумкин, бунда ишлаб чиқишга вақт ва варақда жой тежалади.
- Кўриниши туфайли информация тезроқ қайта ишланади ва хотирада узокроқ сақланади.
- Ассоциограмма очик жойларни топади: график кўриниш туфайли қайси фикр/ғоялар яхши ривожланган, қайсилари эса унчалик эмаслиги яққол кўринади.
- Ассоциограмма методи материални такрорлаш учун жуда яхши келади; асосий билимлар мавжуд, уларни қайта тузиш ва эслаш учун калит сўзлар ассоциацияси етарли бўлади.
- Ишчи гуруҳларга ажратишда коммуникатив жараёнларни рағбатлантириш.

Камчилиги. Ҳеч қандай ассоциограмма бошида мукамал бўлмайди. Шу учун ассоциограммаларни тузиш бошида кийин бўлади ва бу машқ қилишни талаб қилади. Бунда қуйидаги кийинчиликлар юзага келиши мумкин:

- иштирокчилар томонидан қаршиликларга дуч келинади (ишлаш принципи уларнинг одатий фикрлашига тўғри келмайди);
- танланган калит тушунчалар/белгилар индивидуалдир ва бошқалар учун тушунарсиз бўлиши мумкин.

Айнан битта ассоциограммани қайта-қайта ёзиш кўп вақтни олади.

Тушунчалар/тасаввурлар харитаси методи билан таққослаш.

Агар ассоциограммада биринчи навбатда «тузилма» тушунчаси бўлса, тушунчалар/тасаввурлар харитаси учун «муносабат» тушунчаси ётади. У кўпроқ сабаблар ва оқибатлар ҳақидаги саволларга тўғри келади. Тушунчалар, билимлар структураларини график кўрсатиш учун сўзлардан (терминлар, тушунчалар, тугунлар) ҳамда стрелкалардан (маънодор муносабатлар) иборат бўлади. Алоҳида элементлар жойлашиши марказда ёки иерархик тизимланиши мумкин.



Билимларни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Ассоциограммалар технологиясининг аҳамияти, мазмуни ва ўзига хос хусусиятлари нимада?
2. Ассоциограмма методининг дидактик ва методик мақсади нимадан иборат?
3. Ассоциограмма методининг келиб чиқиши.
4. Ассоциограмма методининг қўлланилиш соҳаларини айтинг.
5. Ўқув машғулотида ҳисобга олиш керак бўлган пунктларни айтиб ўтинг.



Таянч иборалар

Ассоциограмма, харита, комплекс, структура, интеграция, функция, тасаввур, иерархик, лойиҳа, реферат, корректив, коммуникатив, индивидуал.



Адабиётлар

1. ASM (Arbeitgeberverband der Schweizer Maschinenindustrie): Power Work. Professionell lernen und arbeiten. 2. Aufl., Aarau, Frankfurt am Main, Salzburg: Sauerländer 1998.
2. BACKERRA, Hendrik; MALORNY, Christian; SCHWARZ, Wolfgang: Kreativitätstechniken. Kreative Prozesse anstoßen, Innovationen fördern. Die K7. 2. Aufl., München, Wien: Carl Hanser Verlag 2002.
3. BUZAN, Tony: Business Mind Mapping. Visuell organisieren, übersichtlich strukturieren, Arbeitstechniken optimieren. Wien, Wirtschaftsverlag Ueberreuter, 1999.
4. JÄGER, Roland: Selbstmanagement und persönliche Arbeitstechniken. Schriftreihe Organisation. Band 8, 3. Aufl., Gießen: Verlag Dr. Götz Schmidt 2000.
5. Landesgewerbeamt Baden-Württemberg, Referat 31: Lebendiges Lehren - aktivierende Methoden in der beruflichen Weiterbildung. Stuttgart: 1998.
6. METZIG, Werner; SCHUSTER, Martin: Lernen zu lehren. Lernstrategien wirkungsvoll einsetzen. 7. Aufl., Berlin, Heidelberg: Springer Verlag 2006.
7. KIEFER, Gerald: Concept Mapping – der methodische Griff in die „Beziehungskiste“. Fachbegriffe sichern, Relationen herstellen, Überblick gewinnen. In: Forum Schultiftung, Forum 39 (04/2004) http://www.schulstiftung-freiburg.de/de/forum/pdf/pdf_51.pdf (по состоянию на: 07.11.2007)
8. <http://www.consequence-concept.de/Business-Maps/index.php> (по состоянию на: 07.11.2007)

Ўқув мақсади

Талабаларда тармоқли режалаштириш технологиясининг аҳамияти, мазмуни ва ўзига хос хусусиятлари амалга ошириш босқичлари ҳамда шартлари ҳақида билимларни шакллантириш

**АСОСИЙ МАЪЛУМОТЛАР**

Тармоқли режалаштириш – бу ўқитишнинг комплекс методик усули бўлиб, вақтли ва мантикий кетма-кетлик жиҳатдан лойиҳани режалаштиришни, комплекс лойиҳанинг алоҳида цикллари график кўрсатиш ёрдамида лойиҳани бошқариш ҳамда назорат қилишни яхшилайд.

Дидактик мақсади. Тармоқли режалаштиришнинг дидактик мақсади, ўз-ўзини ташкил этиш компетенциясини яхшилашдан иборат.

Методик мақсади. Тармоқли режалаштиришнинг методик мақсади, лойиҳаларни самарали (яхши қўйилган, тежамкор, узлуксиз) режалаштириш ва ўтказишдан, шунингдек, умумий муваффақиятти назорат қилишдан иборат.

Синоними. Лойиҳа менежменти учун инструмент ёки ёрдамчи восита.

Вариантлари: катталашган тармоқли график, қисмлашган тармоқли график, оралик мақсадларни қўйиб чиқиш режаси, стандарт тармоқ графиги, альтернатив тармоқ графиги, бир неча лойиҳалар учун тармоқ графиги, систематик тармоқли режалаштириш.

Аналогик методлари: вазифаларни бажариш муддатлари назорат рўйхати, оператив режа, технологик жараён карточкалари, структурограмма, устунли диаграмма (Гант диаграммаси), чизикли диаграмма (вақт ва йўлни белгиловчи диаграмма)

Асосий белгилари ва асослари. Тармоқли режалаштириш – мураккаб структурали комплекс лойиҳаларни самаралироқ режалаштириш, бошқариш ва назорат қилиш воситасидан биридир. Бирок, бу методни кичик лойиҳа ишларини тайёрлаш ҳамда назорат қилиш учун ҳам қўлланилиши мумкин. Шундай қилиб, тармоқли режалаштириш предмети бўлиб исталган турдаги лойиҳалар ҳисобланади. Лойиҳани оператив ва календар режалаштириш берилган методнинг асосий ташкил этувчилари ҳисобланади. Тармоқли график/режа – лойиҳанинг

алоҳида компонентларини уларнинг вақтини ва мантикий кетма-кетликда график тарзда кўрсатишдир.

Келиб чиқиши. Тармоқли режалаштириш методи франциялик режалаштириш бўйича мутахассислар томонидан катта лойиҳалар доирасида ишлаб чиқилган. Бу вақтга келиб шундай фикр бўлганки, битта тармоқли режалаштириш методи орқали лойиҳани бошқаришнинг барча қийинчиликларини бартараф этиш мумкин. Асосий мақсад бўлиб лойиҳанинг минимал давомийлигини ва унинг жараёнлари кетма-кетлигининг эҳтимолли вариантларини аниқлаш бўлди.

Қўлланилиш соҳалари. Ҳозирги вақтда тармоқли режалаштириш методи комплекс лойиҳалар ёки катта лойиҳалар учун, масалан, исталган турдаги қурилиш лойиҳалари, машинасозлик ва саноат жиҳозларини ишлаб чиқариш, монтаж ишлари, шунингдек реклама компанияларида ҳамда илмий тадқиқот ишларида қўлланилади. Тармоқли режалаштириш методи лойиҳани бошқаришнинг дастурий таъминоти учун асос ҳисобланади.

Шартлари. Тармоқли режалаштириш методи бутун лойиҳа давомида, яъни унинг охиригача қўлланилиши мумкин. У режадаги ва амалдаги ҳолатни таққослаш ёрдамида доимий қайтар алоқа учун хизмат қилади. Методни амалга ошириш структура ва вақт анализини тақозо этади, кейинги ёндашувлар эса харажатлар анализини ҳамда ишлаб чиқариш ҳажми анализини киритади. Тармоқ графигини тузиш учун турли таҳлил ишларини ўтказиш шарт ҳисобланади.

Амалга ошириш босқичлари. Бу лойиҳани ўтказиш зарур бўлган барча жараёнларнинг (иш, фаолият, ҳаракат жараёнлари) уларнинг вақтдаги ва мантикий кетма-кетликда қуйидаги саволларга жавоб бериш тизимида амалга оширилади:

- Қандай жараёнларни (иш, фаолият, ҳаракат жараёнлари) ўтказиш ва ҳисобга олиш керак?
- Қандай жараёнлар қай тарзда бир-бирига боғлиқ бўлади (олдинги, кейинги)?
- Қандай жараёнлар параллел олиб борилади?
- Алоҳида жараёнлар қанчалик узок давом этади?
- Қандай манбалар керак бўлади (моддий, молиявий, кадрлар)?
- Қандай муҳим муддатлар белгиланиши керак?
- Критик жараёнлар, яъни вақт резервисиз жараёнлар ёки буфер вақт мавжудми?

Бу фикрларнинг натижалари сифатида жадвал кўринишида бажарилган ишлар рўйхатини тузиш мумкин:

№	Жараён номи	Олдинги жараён тартиб рақами	Давомийлиги, мин
1	...	-	...
2	...	...	...
...	...	...	...

Структура ва вақт таҳлили тугашидан кейин тармоқ графиги тузилиб, унинг остида алоҳида жараёнларни уларнинг кетма-кетлиги ва боғлиқлигидаги график кўрсатиш тушунилади. Графиклар назарияси, тармоқли режалаштириш методи назарий асослар тилида: «Бириккан контурларсиз йўналтирилган, баҳоланган ва ўзаро боғланган тармоқ графиги дейилади».

Ишлар рўйхати. Графиклар назариясига қисқа қуйидаги асосий тушунчалар тушунтирилиши керак: графикни бир-бирига (чекли ёки чексиз) қирралар билан боғланган (чекли ёки чексиз) тугунлар микдори сифатида тушуниш мумкин. Йўналиш кўрсатилган қиррани стрелка сифатида тасвирлаш мумкин. Ёпилган контур остида «тугунни ўз-ўзи билан боғловчи» стрелкани тушуниш мумкин. Йўл/маршрут «бир стрелка охириги тугуни бошқа стрелканинг бошланғич тугуни бўладиган стрелкалар қаторини» билдиради. Агар йўл четга чиқмаса, бунда занжир дейилади.

Тармоқли график. Тармоқли график бир-бири билан боғлиқ бўлган тугун жараёнини ва стрелка йўналишини сақлайди. Тугунлар (тўғрибурчак, айлана ва бошқ.) мос жараён ҳақида маълумотни сақлайди, стрелкалар жараёнлар орасидаги муносабатни ифодалайди, яъни улар жараёнлар тартиби бўйича тугунларни боғлашади.

Қуйидагиларни фарқлаш тавсия этилади:

- объектлар ва жараёнлар стрелкалар кўринишида кўрсатилган тармоқ графиклари (критик йўл методи, критик йўл методига асосланган тармоқ графиги);
- объектлар ва жараёнлар тугунлар кўринишида кўрсатилган тармоқ графиклари (потенциаллар методи, потенциаллар методига асосланган тармоқ графиги);
- тугунлар воқеаларни билдирадиган тармоқ графиклари (дастурларни баҳолаш ва таҳлил методи, дастурларни баҳолаш ҳамда таҳлил методига асосланган тармоқ графиги).


Жараёнлар. Стрелкали тармоқ графиклари жараёнларни стрелкалар кўринишида тасвирлайди ва кўрсатади. Тугунли тармоқ графиклари жараёнларни тугунлар кўринишида тасвирлайди ҳамда кўрсатади. Воқеалар тугунлари сақлаган тармоқ графикларида воқеалар тугунлар кўринишида тасвирланади ва кўрсатилади (воқеаларни стрелкалар кўринишида кўрсатиш қабул қилинмаган). Стрелкалар, тугунлар ёки воқеалар кетма-кетлиги лойиҳадаги жараёнлар кетма-

кетлигига мос келади. Деярли барча лойиҳаларда вақтда ҳаракатлар эркинлигини, яъни критик жараёнларни топиш мумкин. Бу вақт резерви жараёни ўтказиш ёки уни узайтириш учун мумкин бўлган эркин вақт маконини беради. Барча критик жараёнларни кетма-кет тартибдаш натижада лойиҳанинг энг давомий йўли ҳисобланган критик йўлни беради.

Қуйидаги намуна келтирилган:

Эҳтимолли тармоқ графиги

жараён	энг барвақт бошланиш	энг барвақт тугалланиш
давомийлик	энг кеч бошланиш	энг кеч тугалланиш




Бирон олдинги жараёнда тартибнинг боғлиқлиги ёки муносабати қуйидаги тарзда кўрсатилиши мумкин:



Қоида: жараён А тугаши жараён В бошланиши ҳисобланади.

Бир неча олдинги жараёнларда тартиб муносабати:



Амалга ошириш қоидалари:

А, В ва С жараёнлар тугаши D бошланиши ҳисобланади.

Тармоқ графигини тузишнинг қуйидаги кейинги қоидалари бўлиши мумкин:

- ҳар бир тармоқ бошланғич ва охириги тугунга эга;

- икки тугун тўғридан-тўғри фақат битта стрелка ёрдамида боғланиши мумкин;
- стрелкалар йўналиши айланага олиб келмаслиги керак;
- тўғрибурчакнинг чап томони алоҳида жараён бошланишини ифодалайди, тўғрибурчакнинг ўнг томони алоҳида жараён тугалланишини ифодалайди;
- тўғрибурчак катталиги жараён давомийлигига дахли йўқ.

Стрелка узунлиги вақт интервалига дахли йўқ.

Кучли жиҳатлари. Тармоқли режалаштириш методи лойиҳаларни режалаштириш, бошқариш ва назорат қилишнинг кўп воситаларидан бири бўлиб, у шунингдек манбаларни ҳам эътиборга олади. Исталган турдаги йирик лойиҳаларда режалаштириш ва ўтказиш жараёнини оптималлаштириш учун ҳамда лойиҳани сустрлаштирувчи эҳтимолли критик жараёнларни топиш, режага киритиш учун (алоҳида эътиборни талаб қилади) тармоқли режалаштириш методи қўлланилиши мумкин. Тармоқ графигида муддатларга амал қилинмаслик ёки жараёнлар ўзгариши маълум бўлади. Лойиҳанинг умумий бориши олдиндан пухта ишлаб чиқилади, натижа бўлиб ишонарли календар режа ҳисобланади. Тармоқ графиклари жараёнлар орасидаги боғлиқликни ифодалайди, температура ўзгариши туфайли уни ўзгартириш керак эмас, яъни оператив ва календар режалаштириш алоҳида ўтказилади. Тармоқли режалаштириш методи асосларини осон ва тез ўрганиш мумкин.

Камчилиги. Тармоқли режалаштириш методини лойиҳа бориши олдиндан белгиланмаган тақдирда ўтказиб бўлмайди. Майда лойиҳаларда уни қўллаш мақсадга мувофиқ эмас, чунки методни оптимал ишлаб чиқиш катта вақт ва кучни талаб қилади. Катта лойиҳалар компьютер (дастурий таъминот)сиз ўтиши ҳам анча қийин. Ҳаракатларни бажариш бўйича конкрет иш қадамлар ҳам тармоқ графигида кўрсатилмайди. Аниқланганки, тармоқ графиги режадан четга чиқишдан химоя қилинмаган.

Аналогик методлар билан таққослаш.

Устунли диаграмма билан таққослаш. Устунли диаграмма остида лойиҳа жараёнларини вақт шкаласида горизонтал қўйилган устунлар кўринишида қўйиш ҳисобланади. Бу ёрдамчи восита алоҳида жараёнларни график кўринишда кўрсатиш учун қўлланилади. Оддий устунли диаграммада жараёнлар орасидаги боғлиқлик кўрсатилмайди, шунинг учун уни лойиҳаларни режалаштириш учун кам қўлланилади. Устунли диаграммага нисбатан тармоқли графикда лойиҳа жараёнлари орасида ҳам тартибли, ҳам боғлиқлик ҳисобга олинган.



Билимларни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Тармоқли режалаштириш технологиясининг аҳамияти, мазмуни ва ўзига хос хусусиятларини айтиб ўтинг.
2. Тармоқли режалаштириш технологиясининг дидактик ва методик мақсади нимадан иборат?
3. Тармоқли режалаштириш технологиясининг келиб чиқиши.
4. Тармоқли режалаштириш технологиясининг қўлланилиш соҳаларини айтинг.
5. Тармоқли режалаштириш технологиясининг қоидаларини санаб ўтинг.



Таянч иборалар

Комплекс, лойиҳа, оператив, график, стандарт, тармок, альтернатив, структурограмма, структура, анализ, жараён, критик жараён, стрелка, тугун.



Адабиётлар

1. KUHNE Volker, NOOSTEN Dirk, NOOSTEN Antje: Netzplantechnik im Berufsschulunterricht. Bautechnik, Metalltechnik, Wirtschaft, In: Die berufsbildende Schule (BbSch). Zeitschrift des Bundesverbandes der Lehrerinnen und Lehrer an beruflichen Schulen (BLBS), Nr. 54 (2002) Heft 11-12, Heckner, Wolfenbüttel, S. 347-354(на сайте: <http://www.blbs.de/archiv/zeitschrift/text-pdf/unterricht11-12.pdf>, по состоянию на: 06.12.2007)
2. REICHERT, Oskar: Netzplantechnik. Grundlagen, Aufgaben und Lösungen für Studenten und Praktiker. Braunschweig, Wiesbaden: Vieweg 1994.
3. SCHWARZE, Jochen: Netzplantechnik. Eine Einführung in das Projektmanagement. 7. Aufl. Herne, Berlin: Verlag Neue Wirtschafts-Briefe 1994. <http://www.luk-korbmacher.de/Schule/Orga/netzplan.htm> (Stand: 06.12.2007)
4. <http://www.wiwi-treff.de/home/index.php?maincatid=126&sid=41&artikelid=739> (по состоянию на: 06.12.2007)
5. SCHWARZE, Jochen: Projektmanagement mit Netzplantechnik. 8. Aufl. Herne, Berlin: Verlag Neue Wirtschafts-Briefe 2001.
6. SCHWARZE, Jochen: Übungen zur Netzplantechnik. 2. Aufl. Herne, Berlin: Verlag Neue Wirtschafts-Briefe 1990.



АСОСИЙ МАЪЛУМОТЛАР

 Бизнинг фикрлаш йўлимиз бир неча ўн йиллар давомида худди тош отиш траекториясига ўхшаб соддалаштирилган педагогикага бўйсинди, отишнинг бошланғич тезлиги бир хил бўлиб, отилган тошнинг каерга ва қанчалик узокқа тушишини ҳал қилади.

Ҳаракатга қаратилган дарс жараёнини ташкил қилиш назарий жиҳатдан ёндашувни талаб этади. Бу ҳолатни унинг дидактиканинг асосини белгиловчи тамойилларидан бири сифатида қуйидагича таъриф беришганини кўриш мумкин:

«Ўқиш, тарбия ва таълим – бу доимий фаолият кўрсатиш функцияси бўлиб ҳисобланади».


Мен ҳаракатга қаратилган ўқитишнинг ўқув – назарий тамойили модели бўйича таълим жараёнини у ташкил этишда дарс беришда Херинг (Германия) ғояларига асосланилди.

Агар ушбу ғояларга суянган ҳолда таълим бериш ва изланишлар олиб бормоқчи бўлсак биринчи навбатда объектни\фан предметини аниқлаб олишимиз керак.

Бу эса тизимли ёндашувни талаб қилади. Ўқитиш жараёнига келадиган бўлсак, ўқитувчи субъект сифатида объект билан яъни талаба билан фаолияти «ўқитиш\таълим бериш» шаклида эканлигини кўриш мумкин. Ҳаракат назарияси нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, талабаларнинг фанни ўзлаштириши, яъни «субъект-объект» тарзида алоқа ўртанилади. Иккинчи фаолият эса «ўқитиш\ўқиш» шаклида намоён бўлади.

Асосий дидактик ҳаракатлар орқали ўқитувчи фаолиятининг маъзи яъни ўқитувчилик фаолияти, шу билан бирга ўқитувчининг вазифаси аниқланади. Ўқитувчининг вазифаси дарсларни ташкил қилишда\ўқитишда шарт – шароитлар яратиш билан иккинчи даражали «субъект-объект» алоқасини ўрнатишдан иборат бўлиши керак.

Ҳаракат назарияси асосида ўқитиш жараёнининг ҳаракатланувчи моделини яратиш мумкин. Бу моделни кенг кўламда кўз олдимизга келтириш кўп вақтни талаб қилади, шунинг учун бу моделни биз қуйидагича қискартирилган ҳолда ифодаладик.



1 - Расм: Асосий дидактик ҳаракатлар



2-Расм: Ўқитиш жараёнининг соддалаштирилган ҳаракатланувчи модели.

Ўқитувчининг фаолияти олдинги тушунтирилган материалларини (тушунчаларни) яна тушунтириш, иккинчидан эса асосий боғлиқлик моделнинг объектив мазмунида ётади. Шахснинг ривожланишига асосий таъсирни муҳит кўрсатади, «фаолият» тушунчасини инсоннинг атроф муҳитда ўз шахсий эҳтиёжларини тан олган ҳолда кондиритиши деб тушиниш мумкин.

Фаолият ҳаракатлар орқали амалга ошади. Шу сабабли, талаба ҳаракатини бутун ҳаракат модели сифатида кўз олдимизга келтиришимиз керак. Агар ўқитувчи нуктаи назаридан қарайдиган бўлсак, бу ўқув ҳаракатлари ҳисобланиб, яратилган шароитлардан келиб чиқиб тушунтириши деб ҳисобласа бўлади. Шу билан бирга ўқув ҳаракатлари ўз йўналишини йўқотиши мумкин, шунинг учун ҳам бу ҳаракатларни доим тўғрилаб ва назорат қилиб туриш керак. Шунга қарамай дарс берган ўқитувчилар ҳар бир дарсдаги ҳолат бошқа дарсларда қайтарилмаслигини тасдиқлайди. Бу яхши албатта! Лекин ўқитувчи ўзига хос чалғитувчи шароитларни яратмасин талабанинг «тўлдирувчи ҳаракатлар» қилишидан қоча олмайди. Ўқитувчи шу ҳолат билан келишган ҳолда ишлаши ва яшаши лозим.

Бу ерда биз инсонни ўқиши учун келтирилган функциялар тўғри келадими деб ўйлаб кўришимиз керак. Бизнинг кузатишларимиз шуни кўрсатдики, анъанавий ўқитиш модели ўз фаолиятини тўхтатди. Анъанавий ўқитишдаги каби фақатгина ўқитувчининг режалаштирилган ўқув материални ўзгартириш талаб этилади.

Шунинг учун биз прагматик фикрларни назарий жиҳатдан асослаб беришга ҳаракат қиламиз. Бизнинг фикримизча, бу каби назарий асослашга катта эътибор бериш керак, сабаби педагогик жараён бу узок давом этувчи катта даражадаги жараён ҳисобланиб, кўпчилик ҳолатларда узок давом этиш билан ўз таъсирини кўрсатади ва англашга йўл қўймайди, яъни кўрғазмалилик ҳолатида кўз олдимизга келмайди. Шу тариқа педагогик жараённинг ҳаракат назариясига катта аҳамият берилади, чунки бу мустақил ҳаракатларни асосланган деб тушунишга имконият беради.

Биз педагогик технологияларни қўллаб ўқитиш жараёнида мустақил ҳаракатларда ўз-ўзини ташкил қилиш тизимига тўхталамиз.

Ўз-ўзини ташкил қилиш – бу материянинг физикавий хусусияти бўлиб ўз навбатида электронларнинг физикавий хусусияти ҳисобланади.

Шахснинг ривожланишини сабаблардан қидирмаслик керак. Мажмуавий тизим бутун ҳолда нарса барчага таъсир қилади! Ҳамиша эволюция шакли учун жўнатилган нуктадан қайтиб, ўзида қайтма алоқа сифатида аста секин намоён бўлади.

Олимлар бош миянинг чизиклари устидаги тажрибалари шуни кўрсатдики, фикрлаш бу хиссиёт қабул қилишнинг мажмуавий хаотик

боғланишидан бошланиб, айланиб қайтма алоқа билан боғланган ҳолда лимбик тизимларнинг бош мия қовуғидан ўтади. Бош мия қовуғи маълумотни ҳиссиёт\қабул қилиш орқали танлайди ёки тасаввур қилади. Бу қабул қилинган ахборот эса қайтма алоқа ёрдамида жўнатилади. Натижада бундай кўп сонли такрорланиш орқали ахборотлар фикр ёки тасаввур сифатида шаклланади. Ла Виолетт фикрни ҳиссиёт\қабул қилишнинг қисқартирилган тури сифатида кўради. Бу фикрлар билан қайтма алоқа жараёнида бошқа ҳиссиёт\қабул қилиш турлари топилади. Бундай айланишлар натижасида ҳосил бўлган бошқа ҳиссиёт\қабул қилишлар, фикрни шакл сифатида инкор қилади.

Шунингдек, Пиаже «Биология ва англаш»да буни қўйидагича аниқлайди:

«Ташкил қилишнинг тузилишини етарли даражада таҳлил қилиш учун бизга *даврий* кетма – кетлик маъноси етишмайди, бу эса яна бир аниқ белги ҳисобланади; иерархик кетма – кетликнинг ўзига хос жиҳатларининг барча таникли ташкилотларда бўлишига қарамай буни дифференциялаш орқали тушиниш мумкин.


Иерархик кетма – кетликда тизимларнинг очилиши ва атроф муҳит билан алмашинуви шаклни сақлаб қолишда етарли эмас. Шакллар, қиёфалар қайтма алоқа шарофати билан сақланади ва эътироф этилади.

Кейинги савол эса бизни муаммомизнинг ечимига олиб келади. Шахснинг ривожланишини сақлаш ва таъминлаш учун фундаментал жараёнларнинг қайси бири қайтма алоқа орқали жараён ҳисобланади?

Ўз-ўзини ташкил қилишни материянинг хусусияти деб ҳисоблаган Кремерга қайтамыз. Бизнинг фикримизча, «инсон материяси» ташкил қилган фаолият, бу қайтма алоқа жараёнидир!

Инсоннинг ўз-ўзини ташкил қилишида унинг эҳтиёжи «туртки» бўлади. Шунингдек, қайтма алоқани ишга тушурувчи омил ҳисобланади. Агар инсоннинг ички ва ташқи эҳтиёжлари шароитлар орқали фаоллашадиган бўлса, унда улар фаолият учун қизиқиш ҳисобланади. Инсонда янги эҳтиёжларни вужудга келиши билан ҳаракат натижалари пайдо бўлади.


Ўз мавқеини билиш назариясига биноан қизиқиш қўйидагича ифодаланади. Ўз мавқеини билиш назариясига биноан қизиқиш инсонда ички (туғма) хоҳиш, ўз дунёсини тадқиқот қилиш, тушиниш ва ўзига олиш қабилар борлигини айтади. «Дунё билан фаол мулоқот қилиш мотивацияси инсон ривожланишининг бошланғич даврида берилади ва ташқи турткига муҳтож». Юқорида айтилганларни қўйидаги 3-расм орқали кўриш мумкин:



3 – Расм. Фаолият - қайтма алоқа жараёни

Агар аниқроқ кўриб чиқадиган бўлсак, бу модел тўлиқ эмас. Фаолият мақсад ва аҳамияти бор ҳаракат орқали намоён бўлади. Ҳаракатнинг бажарилиши ва тўғриланиши шароит ва эҳтиёжларни ўзгартиради ёки таъсир кўрсатади.

4-расмда қайтма алоқанинг танланган бир неча тури кўрсатилган.



4- Расм.Фаолият ва ҳаракат - қайтма алоқа жараёни сифатида

1. Қайтма алоқа тизими динамикаси диссипатив бўлади.

4-расмда кўрсатилган қайтма алоқа қўп энергияни талаб қилади.

Бундай турдаги тебранишли тизимда қутилмаган ўзгаришларга олиб келиши ёки шахснинг шаклланишига қаратилган ҳолда тартиб ҳосил бўлишига олиб келади. Бундай тахминлар чегараланган.

2. Қайтма алоқани орқага қайтариб бўлмаслик (ҳаракат йўналишини ўзгартириш эмас).

Бу хусусият ўз ўзидан тривиал ҳисобланади, чунки фаолият вақт функцияси, вақтни эса орқага қайтариб бўлмайди.

3. Гиперцикл назарияси жараёнини таърифлаш воситаси.

Эйген /17/ молекулаларнинг ўз – ўзини ташкил қилишни таърифловчи воситасини ишлаб чиқди. Бу гиперцикллар назариясидир. Биз эса, 4-расмда кўрсатилган жараённинг тузилишини гиперцикл теорияси ёрдамида кўрсатилган деб ҳисоблаймиз. Бунинг учун ушбу назариядан иккита шароит номланиши «фаолият – ҳаракат» қайтма алоқа жараёнида аниқ намоён бўлади. Бир томондан мавжуд бўлган фаолият жараёнидаги ахборот сақланади ва натижа олинган бўлса ўзгаришсиз узатилиш кучига эга, иккинчи томондан эса энергетик минимумга кирмай туриб мулоқотга киришиш кучига эга.

4. Тартибли ва тартибсиз ҳаракатларнинг ўзаро функционал боғлиқлиги.

Бу ўзаро боғлиқликни биров кенгрок тушунишимиз керак.

Олдин айтиб ўтганимиздек, аниқ таърифни билмай туриб умумий тарздаги тартибсиз ҳаракат тушунчасини қўллай олмаймиз. Ўзаро боғлиқликни тушунтириш учун бизга «тартиб» тушунчасини ёзма равишда белгилаб қўйишимиз керак. Тартиб деб кўпинча меъёрга туширилган/регламентланган ҳолатга айтилади. Қаерда тартиб ҳукм сурса, ўша ердан излаган нарсани топиш осон бўлади, тартибнинг таъсирини аниқ бўлади, деган иборалар бор. Тартибда бирон нарса олдиндан аниқланган ёки аниқликга мойиллик хусусияти бор. Тартибли ҳаракат детерминистик ҳисобланади.

Мисоллар исботи шуни кўрсатадики, детерминистик жараёнлар қайтма алоқали, даврий бўлишига қарамай детерминистик бўлмаслиги ҳам мумкин.

Детерминистик жараёнга математик таниқли мисол бу - квадрат икки баробар узунликга ва ярим баландликгача чўзилади, кейин ўртасидан кесиб ва икки бўлакни яна квадрат қилиб йиғишдир. Агар, бу ишни 10 марта қайтариб, квадратнинг битта нуктаси кузатилса чўзилиш ҳосил бўлганини ажралиб чиқишини кўрамиз.

«Ажратилган нукталар – бу эволюция тизимининг босқичлари, уларда тарих акс эттирилган».

«Кўп даражали» даврийликга эга тизим учун силжиш нуктаси тўғрисида жуда чекланган миқдорда тахминлар қилиш мумкин.

Буни 4-расмдаги чизма шаклида тасаввур қиладиган бўлсак, жараён силжиш нуктасига аниқлаб бўлмас даражада белгиланади. Бундай нукталарда инсон ривожланишини чекланган тарзда хулоса қилиш мумкин. Кейинчалик инсон ривожланиш йўли тартибсизлик ёки уни тартибга қайта солишга имкон бўлиш бўлмаслигини олдиндан тахмин қилиб бўлмайди.

Хулоса тариқасида қуйидаги афоризмни келтириш мумкин:


А: Мажбурий тартиб – бу тартибсизлик.

В: Катта тартибсизлик – бу тартиб.

Бу икки нарса доим бирга.

«Динамик тизимда бир – бирига қарама – қарши икки таъйин бор ва улар динамик кетма-кетликга олиб келади: яъни яратиш ва бузиш ўртасида тартиб юзага келади».

Ривожланишнинг асосий жараёни фаолият орқали амалга ошади ва қайтма алоқа билан тавсифланади, шунинг учун ривожланиш ҳамда қайтма алоқа муаммоларининг янги қирраларини кўриб чиқишимиз керак.



5 – Расм. Қайтма алоқа ёрдамида мустақил ҳаракатларнинг шаклланиши

Талабалар ҳаракатидаги мустақилликни шакллантириш мураккаб жараён бўлиб, уларда бу қобилият бир неча даражали қайтма алоқалар натижасида аста секин шаклланади. Бу ҳолатни тушунтириш учун қуйидаги назариясига мурожаат қиламиз:

Мустақил ҳаракатларнинг ривожланиш даражасининг долзарблигини барча ҳаракатларнинг мустақил бажарилиши деб тавсифлаш мумкин. Агар ўқитувчи талабанинг ривожланиш даражасида иш олиб борса, бу ривожланишда турғунлик бўлади, яъни шахснинг ривожланиши операция ёки ҳаракатнинг шаклланишига боғлиқ бўлиб қолиши мумкин. Шунинг учун педагогик ишларни ривожланишнинг кейинги нуктасига эътибор қилган ҳолда бажариш керак. Бу нуктада камида битта ҳаракат бўлиб, талабалар уни мустақил бажара олмайди. Ўқитувчининг асосий педагогик вазифаси талабаларга ҳаракатларини ташкил этиш ва бошқариш ҳисобланади. *Дидактик талабалар* ўқув ҳаракатларини ишга тушириш механизмидир. Ўқитувчининг мақсадга мувофиқ талабларни қабул қилиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Талаб даражалари оширилган вазифалар, янги ҳаракатларнинг ривожланишдаги долзарб даражалари ва уларни ишлаб чиқиш ривожланишга олиб келади. Ўқитувчида ҳаракатларни йўналтириш, тўғрилаш ва назорат қилиш вазифалари бор. Ўқув ҳаракатларини бажаришнинг ўсиши билан ҳаракат даражалари ўсади, яъни бизнинг мисолимизда ўсиши билан ўқитувчи вазифасининг маъноси ҳам ўзгариб боради. Ривожланиш жараёнининг дастлабки босқичда вазифалар аниқ ифодаланган бўлади, кейинчалик ўзининг аҳамиятини йўқотмагунча орқада қолдирилади. Бу барча режалаштирилган ҳаракатларнинг талаба томонидан мустақил бажарилиш кўрсаткичи ҳисобланади. Шу билан бирга талабалар ҳам ўз ҳаракатларининг юқори даражасига етганлигини билдиради. У ўз ривожланишининг юқори даражали талабларига нисбатан ривожланишнинг долзарб даражасида жойлашган. Бу даражадаги навбатдаги ҳаракатлар ривожланишга туртки бўлади. Шу билан бирга талабаларнинг янги юқори даражали ривожланиш даражасидаги ўзгармас ўлчамига тегишли педагогик жараён бошланади. Бу эса ўқитувчининг педагогик мақсадларини жамлаб, ҳаракатлар ривожланишнинг кейинги зонасида аниқлаштиришини тақоза этади. Афсуски, ўқитувчи бунга эришиши учун ўқув режаларини такомиллаштириш талаб этилади. Ўқув режалари касбий-назарий ёки ўқув – назарий дидактикага асосланган тузилмаларга эга. Буларда мақсад ва мазмун ўз аксини топади. Албатта, агар ўқув режалари ҳаракат назариясига асосланиб ишланганда бу ўқитувчи учун бебаҳо ёрдам бўлган бўлар эди. Бунда ўқув режаларига ҳаракатларнинг шаклланиши тўғрисида гувоҳлик ҳам кириши керак эди.

Ривожланишнинг долзарб даражаси талабалар томонидан мустақил равишда ўқитувчининг ўйлаб қўйган ҳаракатлари орқали амалга ошишини ҳам албатта атаб кўрсатиш мақсадга мувофиқ. Ўқитувчининг кўп қиррали тажрибаси шунини кўрсатадики, педагогик жараёнда талабаларнинг ривожланишида кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳам юз бериши мумкин. Ўз навбатида уларни талаба шахсининг ривожланишига нисбатан ва ундан ҳам муҳимроқ шаклланган ва ўйлаб бажарилган ҳаракатларда кўрамиз!

Юқорида айтилганларни шундай хулосалаш мумкин:

Ҳаракатларнинг мустақил шаклланиши таърифланган жараёнда ўша хусусиятлар мавжуд, фақат бу олдинги жараёнларни солиштиргандаги мажмуавий ва кўзга ташланадиган 4-расмдаги кўрсатилган фаолият жараёнидир.

Мустақилликнинг шаклланиши қайтма алоқа орқали ўтади, режалаштиришга ва олдиндан тахмин қилишнинг иложи йўқ.

Ўқитувчининг вазифаси ҳаракатларни таъкил этиш учун шарт - шароитлар яратишдир. Жараёни ўзи ўз-ўзини бошқариш тартибида кечади. Бу тўғрисида чуқурроқ тўхталаш керак.





Ўз – ўзини бошқарувчи ҳаракатлар қандай кечади?

Шу вақтгача биз «фаолият – ҳаракат» тартибсиз жараён, шунинг учун у қайтма алоқага ва чизикли эмас деган фикрга келдик. Жараён вақтидаги ҳаракатлар маълум даражада келиб чиқадиган шароитлар уларнинг ривожланишига таъсир қилади. Бу фикрни мустақилликнинг шаклланиш жараёнига ҳам айтиш мумкин.

Талабалар бажарадиган ҳаракатлар нотўғри чизикли тизимда вужудга келади. Тартибсиз ҳаракат назарияси бўйича борадиган бўлсак, унда талабалар ҳаракатларни қуйидаги 4 та усул билан бажариши мумкин.

1. Ҳаракатлари тартибсиз тарзда бажарилади.
 2. Ҳаракатлари ҳаракат мақсадига йўналтирилган бўлади.
 3. Ҳаракатлари даврий характерга эга.
 4. Ҳаракатлари – чегаравий даврнинг юқори даражасидир.
-

6-Расм. Ўз-ўзини бошқариш таълимида ўқув ҳаракатларининг
юриш таҳмини

Ҳаракат мақсади (ХМ) t			Талабалар ҳаракати бир мақсадга қаратилмаган. Унинг сабаблари қуйидагича: - талабалар қидириш жараёнида бўлади; - мўлжал қилиш қобилияти йўқ/ ахборот берилмаган; - қабул қилиш қийин бўлган шароитлар; - ҳаракат мақсадига нисбатан бошланғич шароитлар ноаниқ ва ўзгарувчан.
(ХМ) t			Ҳаракатлар ҳаракат мақсадига яқинлашади. Қоида бўйича, бу тўғри чизикли ўтмайди, лекин тортилиш нуқтаси шаклида намоён бўлиши мумкин. Кейин талаба ҳаракатни эгаллайди. У жараёнга айланади.
(ХМ) t			Ҳаракатланиши оддий чегаравий циклга тўғри келади. Ҳаракатлар бир маромда ва бошқа шароитларга ўтказса ҳам бўлади.
(ХМ) t			Ҳаракатлар шаклий жиҳатдан қайтма алоқали концентрик айлана шаклида бўлади. Ҳаракатлар юришида мўлжал доимий қайтма алоқа орқали олинади. Бу талабаларни ҳаракат мақсадига олиб боради. Ҳаракат натижаси – бу ҳаракат турғунлиги ва 2 дан 3 га ўтишдир.

Келтирилган киска изоҳли ҳулк чизиклари – бу назарий моделлар, конструкциялар. Булар албатта аниқ тажрибавий асослашни талаб қилади. Бу эса бажарилгани йўқ.

Ўз - ўзини бошқариш таълимида 4-та ҳулкий чизиклари амалий ҳаракатларда қўлланилади. Ўз-ўзини бошқариш таълимида 1дан 4гача бўлган ҳаракат усулларини ажратиб бўлмаслигини айтиб ўтиш керак. Таълим олувчи учун ҳаракатларнинг ҳар бир усули ўз хусусиятига эга. Ҳаракатларни аниқ бир усул билан бажаришда ҳал қилувчи бўлиб, бир томондан яратилган шароитлар, қайтма алоқа тури бўлса, иккинчи томондан ҳаракатларни бажаришга таъсир қилувчи шароитлар ҳисобланади. Юқоридагиларни мустаҳкамлаш учун яна бир марта 4-расмдаги тасвирга қараймиз.

Биз шу масалага оралик якун келтирмоқчи эдик:

Ўз - ўзини бошқариш ҳаракатларининг 4-та тури бор. Динамик мураккаб тизимда ҳам ҳаракатлар шу 4- та тури бўйича кечади.

Ҳаракат усуллари ўқитувчи учун талабаларнинг ўқув ҳаракатларини тушунтиришда намуна сифатида хизмат қилади. Тажрибавий моделларини ўрганиб чиқиб ҳар хил йўналишдаги касб гуруҳларида ўз-ўзини бошқариш таълимидан узоқлашганимиз аниқ бўлиши керак. Кўпчилик ҳолларда ўз - ўзини бошқариш таълимини ташкил қилишнинг ечим вариантлари йўналтирувчи матн методи сифатида берилади. Лекин, йўналтирувчи матн методи тузилмалари билан ишлаш ўз - ўзини бошқариш таълими эмас, балки тескарисига бировларнинг бошқаруви орқали амалга ошадиган методдир. Бунда йўналтирувчи саволлар ёрдамида, матн тузилмаси орқали бошқарилади.

Натижада ўқитувчининг барча ташкилий ҳаракатлари, ички бошқаришлари беҳуда бўлиб, дарс жараёни ўз-ўзини бошқариш таълими ҳисобланадими?

Биз барибир, дарс жараёнида ўз-ўзини бошқариш таълими мавжуд деб ҳисоблаймиз. Бу ерда муаммо фақат ўқитувчи хоҳишида ёки мажбурлигида бўлиши мумкин. Бу «тўлдирувчи ҳаракатлар» тушунчасини киритган маҳалда тушунарли бўлиши керак.

Ҳар қандай эволюция, инсон шахсининг ривожланишида ўз-ўзини ташкил қилиш тамойилининг сабабчиси ҳисобланади. Инсоннинг асосий ривожланиш жараёни тўғри чизикли эмас, қандайдир микдорда нодетерминистик таърифга эга. Инсон шу тизимда гиперцикллар ёрдамида ҳаракатланади. Биз маълум шарт – шароитларга ва қайтма ҳаракатга эга бўлган «табiiй» ҳаракатларни биз «ўз - ўзини бошқарувчи» деб атаган бўлардик.

Дарслар, ўқитишлар албатта фақатгина ҳаракатларнинг ўз - ўзини бошқариши ёрдамида шаклланмаслигини айтиб ўтиш керак. Ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатдики, талабалар ҳаракати доимий равишда

ўқитувчининг «диққат марказида» туриши, лекин талабалар ҳаракатидаги талаба ва реал шахсий динамика орасидаги боғлиқликга кам эътибор қаратилади.



Билимларни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Ўз-ўзини бошқариш таълими технологиясининг аҳамияти, мазмуни ва ўзига хос хусусиятларини айтинг.
2. Ҳаракатга қаратилган дарс жараёнини ташкил қилиш назарий жиҳатдан дидактиканинг асосини белгиловчи тамойилларидан бири сифатида қандай таърифлар беришган?
3. Ўқитиш жараёнининг соддалаштирилган ҳаракатланувчи моделини тушунтиринг.
4. Шахснинг ривожланишини сақлаш ва таъминлаш учун фундаментал жараёнларнинг қайси бири қайтма алоқа орқали жараён хисобланади?
5. Қайтма алоқанинг турларига изоҳ беринг.



Таянч иборалар

Траектория, ўқиш, тарбия, таълим, ғоя, субъект, объект, фаолият, эҳтиёж, материя, тизим, шакллар, кифоалар, тривиал.



Адабиётлар

1. HERING, D.: Die Organisation der Unterrichtsgestaltung und ihr Wirkungskreis, Technische Hochschule Dresden. 1952
2. HERING, D.: Die Elementarstruktur der Unterrichtsstunde. In: Wiss. Zeitschrift der TH Dresden. 2 (1953) 2. S. 245 – 257
3. HERING, D.: Vorschau auf eine Theorie der didaktischen Elemente In: Berufsbildung. 11 (1957) 6. S. 290 – 292
4. In memoriam Richard Seyfert – Karl Trinks – Hugo Dähne. Institut für Grundlagen der Berufspädagogik der TU Dresden. 1992
5. HORTSCH, H.: Zum Didaktikverständnis in der Dresdner Berufspädagogik. Vortrag vor der Berufungskommission für den Lehrstuhl „Didaktik beruflichen Lehrens und Lernens» am 09.09.1992 in Dresden
6. HORTSCH, H.: Einige grundlegende Positionen zum Disziplinverständnis im Allgemeinen und zum Verhältnis von Didaktik und Unterrichtsmethodik im Speziellen. Dresden. 1988
7. HORTSCH, H.: Die Didaktikausbildung von Berufspädagogikstudenten im Rahmen eines Dresdner Modells In: Anforderungsänderungen und ihre

- Konsequenzen für die Tätigkeit und Ausbildung von betrieblichen und schulischen Berufspädagogen. Stuttgarter Beiträge zur Berufs- und Wirtschaftspädagogik. Band 14. S. 230 – 237
8. KLINGBERG, L.: Kategorien der Didaktik In: Wiss. Zeitschrift der PH Potsdam. 29 (1985) 4. S. 722 – 738
 9. HUSCHKE-RHEIN, R.: Systematische Pädagogik. Bd. I. Köln. 1988
 10. JANTSCH, E.: *Die Selbstorganisation des Universums*. München. 1992
 11. CRAMER, F.: *Chaos und Ordnung*. Frankfurt a. M.; Leipzig, 1993
 12. Latein und Griechisch im deutschen Wortschatz. Berlin, 1980
 13. BRIGGS, J.; PEAT, F. D.: *Die Entdeckung des Chaos*. Frankfurt a. M.; Wien, 1990
 14. PIAGET, J.: *Biologie und Erkenntnis*. Frankfurt a. M., 1974
 15. REVERMANN, K.-D.: *Konstruktion und Selbstorganisation*. Frankfurt a. M., 1989
 16. DECI, E. L.; RYAN, R. M.: Die Selbstbestimmungstheorie der Motivation und ihre Bedeutung für die Pädagogik. In: Zeitschrift für Pädagogik. 39 (1993) 2
 17. HORTSCH, H.; WOLFRAM, P.: Nichtlineare Welt und Pädagogik In: Wissenschaftliche Zeitschrift der TU Dresden. 42 (1993) 3. S. 65 – 69
 18. EIGEN, H.; SCHUSTER, P.: *The Hypercycle – a Principle of Natural Self-Organization*. Heidelberg; New York, 1979
 19. WOLFRAM, P.: Persönlichkeitsentwicklung im Physikunterricht – Betrachtungen unter Aspekten der Chaostheorie. In: Physik in der Schule. 31 (1993) 6
 20. HORTSCH, H.: *Untersuchungen zum Aufbau eines deduktionistischen Verfahrens für die empirische Begründung pädagogischer Hypothesen*. TU Dresden, 1987. Habilitationsschrift.

Ўқув мақсади

Талабаларда «Бумеранг» ва «Резюме» технологияларнинг моҳияти, таълим жараёнида қўллаш афзалликлари ҳамда амалга ошириш босқичлари тўғрисида билимларни шакллантириш



«БУМЕРАНГ» ТЕХНОЛОГИЯСИ

1-вариант

Технологиянинг тавсифи. Ушбу технология талабаларни дарс жараёнида, дарсдан ташқарида турли адабиётлар, матнлар билан ишлаш, ўрганилган материални ёдида сақлаб қолиш, сўзлаб бериш, фикрини эркин ҳолда баён эта олиши, қисқа вақт ичида кўп маълумотга эга бўлиш ҳамда дарс мобайнида ўқитувчи томонидан барча талабаларни баҳолай олишга қаратилган.

Технологиянинг мақсади. Ўқув жараёни мобайнида тарқатилган материалларни талабалар томонидан яқка ва гуруҳ ҳолатида ўзлаштириб олишлари ҳамда суҳбати-мунозара ҳамда турли саволлар орқали тарқатма материаллардаги матнлар қай даражада ўзлаштирилганлигини назорат қилиш ва баҳолаш. Ўқув жараёни мобайнида ҳар бир талаба томонидан ўз баҳо (ёки балл)ларини эгаллашга имконият яратиш.

Технологиянинг қўлланиши. Амалий машғулотлар, семинар ёки лаборатория машғулотлари ҳамда суҳбат-мунозара шаклидаги дарсларда яқка тартибда, кичик гуруҳ ва жамоа шаклида фойдаланилиши мумкин.

Машғулотда фойдаланиладиган воситалар. Талаба дарс жараёнида мустақил ўқишлари, ўрганишлари ва ўзлаштириб олишлари учун мўлжалланган тарқатма материаллар (ўтилган мавзу ёки янги мавзу бўйича қисқа матнлар, суратлар, маълумотлар).

Машғулотни ўтказиш тартиби. Ушбу технология бир неча босқичда ўтказилади:

- талабалар кичик гуруҳларга ажратилади;
- талабалар дарс (машғулот)нинг мақсади ва тартиби билан таништирилади;
- талабаларга мустақил ўрганиш учун мавзу бўйича матнлар тарқатилади;

- берилган матнлар талабалар томонидан якка тартибда мустиқил ўрганилади;
- ҳар бир гуруҳ аъзоларидан янги гуруҳ ташкил этилади;
- янги гуруҳ аъзоларининг ҳар бири гуруҳ ичида навбати билан мустиқил ўрганган матнлари билан ахборот алмашадилар, яъни бир-бирларига сўзлаб берадилар, матнни ўзлаштириб олишларига эришадилар;
- берилган маълумотларни ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш учун гуруҳ ичида ички назорат ўтказилади, яъни гуруҳ аъзолари бир-бирлари билан савол-жавоб қиладилар;
- янги гуруҳ аъзолари дастлабки ҳолатдаги гуруҳларига қайтадилар;
- дарснинг қолган жараёнида талабалар билимларини баҳолаш ёки тўплаган балларини ҳисоблаб бориш учун ҳар бир гуруҳда «гуруҳ ҳисобчиси» тайинланади;
- талабалар томонидан барча матнлар қай даражада ўзлаштирилганлигини аниқлаш мақсадида ўқитувчи (ёки оппонент гуруҳ) талабаларга саволлар билан мурожаат этадилар, оғзаки сўров ўтказиладилар;
- саволларга берилган жавоблар асосида гуруҳларни тўплаган умумий баллари аниқланади;
- ҳар бир гуруҳ аъзоси томонидан гуруҳдаги матннинг мазмунини ҳаётга боғлаган ҳолда биттадан савол тузилади;
- гуруҳлар томонидан тайёрланган саволлар орқали савол-жавоб ташкил этилади («гуруҳ ҳисобчилари» берилган жавоблар бўйича балларни ҳисоблаб борадилар);
- гуруҳ аъзолари томонидан тўпланган умумий баллар йиғиндиси аниқланади;
- гуруҳлар тўплаган умумий баллар гуруҳ аъзолари ўртасида тенг тақсимланади.

Изоҳ: ўқитувчи дарсни шу тартибда тугатиши ёки ўқув материални талабалар томонидан якка тартибда қандай ўзлаштирилганини яна бир бор ўз-ўзига баҳо бериш тартибида назорат қилиш учун «Чархпалак» технологиясидан фойдаланган ҳолда ўқилган ва ўзлаштирилган матнлар асосида тайёрланган таркатма материалларни талабаларга тарқатиб, ўз билимларини текшириб олишларига имконият яратиши мумкин.

- Дарс (машғулоти)ни якунлаш, уйга вазифа бериш.

Ўқитувчиларнинг иш тажрибасидан

Ушбу технологияни қўллаган ўқитувчилар ўз ўқув предметлари мавзуси ёки эркин мавзу асосида қуйидаги мазмундаги матнлардан фойдаланган ҳолда ўқитиш ва тарбиялаш жараёнини ташкил этишган.

Масалан,

1. Мавзу: «Гуллар ва уларнинг тарихи, ҳаётдаги аҳамияти»

Таркатма материаллар:

- 1-гуруҳга – Гуллар қачондан бери ўстирилади?
- 2-гуруҳга – Айрим халқларда гулларнинг аҳамияти.
- 3-гуруҳга – Атиргулларнинг рамзий маъноси ҳақида?
- 4-гуруҳга – Мисрликлар учун нилуфар гули нима маънони англатади?

2. Мавзу: «Шарқона муомала одоби»

Таркатма материаллар:

- 1-гуруҳга – Устозларни ҳурматлаш баёни
- 2-гуруҳга – Қариндош-уруғлар ўртасидаги муомала одоби.
- 3-гуруҳга – Қўни-қўшнилари ўртасидаги муомала одоби
- 4-гуруҳга – Дўстлар ўртасидаги муомала одоби

3. Мавзу: «Ҳарбий қўшинларда тарбия услублари»

Таркатма материаллар:

- 1-гуруҳга – Ишонтириш услуби
- 2-гуруҳга – Рағбатлантириш услуби
- 3-гуруҳга – Услубларнинг синфлари
- 4-гуруҳга – Намуна услуби
- 5-гуруҳга – Жазолаш услуби.

2-вариант

Мазкур технология бир машғулот давомида ўқув материални чуқур ва яхлит ҳолатда ўрганиш, ижодий тушуниб етиш, эркин эгаллашга йўналтирилган. У турли мазмун ва характерга (муаммоли, мунозарали, турли мазмунли) эга бўлган мавзуларни ўрганишга мўлжалланган бўлиб, оғзаки ҳамда ёзма иш шаклларида амалга оширилиши мумкин. Технология машғулот мобайнида ҳар бир иштирокчининг турли топшириқларни бажариш, навбат билан талаба ёки ўқитувчи ролида бўлиш ва мос балларни тўплаш имкониятини беради.

«Бумеранг» технологияси талабаларга танқидий фикрлаш, уларда мантиқни шакллантиришга имконият яратади, шунингдек уларнинг хотирасини, ғояларини, фикрларини, далилларини ёзма ва оғзаки шаклларда баён қилиш қўникмаларини ривожлантиради.

Мазкур услуб талабаларга таълим билан бир каторда тарбиявий характердаги:

- жамоа билан ишлаш маҳорати;
- муомалалик;

- хушфеъллик;
- қўниқувчанлик;
- ўзгалар фикрини ҳурмат қилиш;
- фаоллик;
- ишга ижодий ёндашиш;
- ўз фаолиятининг самарали бўлишига қизиқиш;
- ўзини баҳолаш каби қатор сифатларини ҳам шакллантириш имкониятини беради.

Технологиядаги асосий тушунчалар:

Очиқ саволлар - бундай саволлар муомала қилиш ва ўзаро сўзлашувни давом эттиришга имкон беради, шу билан бирга уларга қисқа, бир хил жавоб бериш мумкин эмас.

Ёпиқ саволлар - бундай саволлар олдиндан «ха» ёки «йўқ» туридаги тўғри ва очик жавобларни беришни кўзда тутди.

Қўндаланг сўроқ - талаба бир-бирига гуруҳлаб берувчи қисқа саволлар қаторидан иборат бўлиб, ўзига хос ахборотлар излаш ҳамда далилларни, оппонентлар эгаллаган ҳолатини аниқлаш, шунингдек, муайян қарорлар қабул қилиш учун ажойиб имкониятдир.

Қўндаланг сўроқ пайтида ўзаро мунозарага киришиш мумкин бўлмай, балки фақат саволлар берилишига рухсат берилади.



«РЕЗЮМЕ» ТЕХНОЛОГИЯСИ

Технологиянинг тавсифи. Бу технология мураккаб, кўп тармоқли мумкин қадар муаммоли мавзуларни ўрганишга қаратилган. Технологиянинг моҳияти шундан иборатки, бунда бир йўла мавзунинг турли тармоқлари бўйича ахборот берилади. Айни пайтда уларнинг ҳар бири алоҳида нукталардан муҳокама этилади. Масалан, ижобий ва салбий томонлари, афзаллик ва камчиликлари, фойда ҳамда зарарлари белгиланади.

Технологиянинг мақсади: талабаларни эркин, мустақил, танқидий фикрлашга, жамоа бўлиб ишлашга, изланишга, фикрларни жамлаб таққослаш услуги ёрдамида мавзудан келиб чиққан ҳолда ўқув муаммосини ечимини топишга ҳамда керакли хулоса ёки қарор қабул қилишга, жамоага ўз фикри билан таъсир этишга, уни маъқуллашга, шунингдек, берилган муаммони ечишда, мавзуга умумий тушунча беришда ўтилган мавзулардан эгаллаган билимларини қўллай олишга ўргатиш.

Технологиянинг қўлланиши: маъруза дарсларида (имконият ва шароит бўлса), семинар, амалий ҳамда лаборатория машғулотида яқка (ёки кичик гуруҳлар ажратилган) тартибда ўтказиш, шунингдек, уйга вазифа беришда ҳам қўллаш мумкин.

Машигулотни ўтказиш тартиби:

- | Талабалар билимини назорат қилиш | | | | | | | |
|---|----------------|---------------|----------------|---------------|----------------|-----------------|----------------|
| Ёзма | | Оғзаки | | Тест | | Масофали | |
| Афзал. | Камчил. | Афзал. | Камчил. | Афзал. | Камчил. | Афзал. | Камчил. |
| | | | | | | | |
| Хулоса: | | | | | | | |



Билимларни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. “Бумеранг” технологиясини таълим жараёнида қўллашнинг мақсадини тушунтиринг.
2. “Бумеранг” технологиясининг босқичларини айтинг.
3. «Резюме» технологиясининг тавсифини келтиринг.
4. «Резюме» технологияси дарс жараёнида қандай тартибда ўтказилади?



Таянч иборалар

Технология, ўқув жараёни, талаба, ўқитувчи, суҳбат-мунозара, якка тартибда, кичик гуруҳ, жамоа, мустақил иш, муаммоли, танқидий фикрлаш, ғоя, далил, оппонент.



Адабиётлар

1. Исммуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. Тошкент, 2008. 181 б.
2. Исммуҳаммадов Б., Абдуллаева Ш., «Илғор педагогик технологиялари». Ё. Абу Али Нон Сино, 2001. 80 б.
3. Олимов Қ.Т. Замонавий таълим технологиялари. Монография. Тошкент – 2007. 87 б.

Ўқув мақсади

Талабаларда «Баҳслашув» ва «Мулоқот» технологияларининг моҳияти, таълим жараёнида қўллаш афзалликлари ҳамда амалга ошириш босқичлари тўғрисида билимларни шакллантириш

**«БАҲСЛАШУВ» ТЕХНОЛОГИЯСИ**

Талабаларнинг ўқув гуруҳларида уларнинг ўзаро муносабатларини янада яхшилаш, бир-бирларига тезлик билан кўникишлари ёки ўзаро бир-бирлари билан яхши муносабатда бўлишлари учун баъзан улар ўртасида баҳслар ташкил этиб туриш мақсадга мувофиқдир. Чунки бундай баҳслар талабаларни ўз фикрларини чархлаб олишга, ҳаётга ва турли муаммоларга бўлган муносабатларини аниқлаб олишга катта ёрдам беради. Баҳс мавзуларини талабаларнинг ўзлари танлашлари ва таклиф этишлари мумкин. Бу мавзулар уларни баҳсга чорловчи, муаммоли, қизиқарли бўлиши керак, акс ҳолда баҳс давомида талабалар ўз фикрларини баён эта олмайдилар. Баҳслар талабаларни баъзи янглиш фикрларга қарши курашишга ўргатади, атрофдаги бўлаётган воқеаларни тушунган ҳолда тўғри шарҳлашга, ўз фикрларида туришга, ноўрин фикрларга ўз вақтида қаршилик кўрсатишга ҳамда ҳар бир фикрни тўғри ёки нотўғри эканлигини аниқлаб олишга, шу билан бир қаторда ўртоқлари билан суҳбат қилиш, баҳслашиш, ўз фикрини бошқаларга ўткази олиш, таъсир эта олиш маданиятига ўргатади. Баҳсларни самарали ўтиши, албатта, уларнинг олдиндан қандай тайёрланганлигига боғлиқ. Биз қуйида баҳсларга тайёргарлик кўришда эътибор қаратилиши керак баъзи бир босқичларни ажратиб кўрсатмоқчимиз:

- баҳс мавзусини танлаш ва уни тасдиқлаб олиш;
- тарбиявий вазифаларни аниқлаб олиш;
- олдиндан баҳс мавзусини эълон қилиш ва баҳс давомида муҳокама қилинадиган саволларни белгилаб қўйиш;
- талабаларни баҳс давомида муҳокама қиладиган саволларни тўлароқ ёритишга ёрдам берадиган қўшимча материалларни тўплаш;
- баҳсنى ўтказиш учун масъул ва бошловчиларни тайинлаш;
- баҳс ўтказиладиган жойни жиҳозлаш;
- баҳслашиш қоидаларини рағбли, кўргазмали этиб тайёрлаш.

Баҳс катнашчилари баҳсни ўтказиш ва унда ўзларини тута билиш, бошқара олиш тўғрисидаги қоидалар билан олдиндан ёки баҳс мобайнида танишиб олишлари керак. Улар қуйидагича бўлиши мумкин:

- баҳслашишдан аввал нима демоқчи бўлганингни яхшилаб ўйлаб олиш;
- гапираётганда фикрларни аниқ, содда, мантиқан ва кетма-кетлик билан баён қилиш;
- фақат ҳаяжонга солаётган, ишончи комил бўлган фикрларни баён этишга ҳаракат қилиш, билмаган, ишонмаган фикрлар билан баҳслашмаслик;
- кимнингдир фикрига қўшилмаса, уни фикрини масхараламай, унинг устидан кулмай, хатосини айтмай ҳақгўйлик билан баҳслашиш;
- айтилган фикрларни иккинчи бор қайтармасдан, янги фикр бўлсагина ўша фикрни баён этиш;
- баҳслашув вақтида қўлларни ҳар томонга ўйнатмасдан, овозни баландлатмасдан, бақирмасдан гапириш. Агар бошқаларни ўз фикрингга ишонтироқчи бўлсанг, уларни сенинг фикрингга қўшилишларини истасанг, унда сен ўз фикрингнинг исботига, албатта, аниқ далиллар, мисоллар келтириш;
- баҳслашаётган суҳбатдошни ҳурмат қилиш, уни хафа қилмаслик, унинг шахсига тегадиган гапларни, қилиқларни қилмасликка ҳаракат қилиш. Агар шундай қилинса, баҳслашувда фақат кучли эканлигининг кўрсатибгина қолмай, балки маданиятли эканлигини ҳам кўрсатган бўлади.

Юқорида кўрсатилган қоидалар чиройли ва рангли қилиб безатилган ҳолда узоқдан кўринадиган қилиб ёзилиб, баҳс ўтадиган жойга олдиндан илиб қўйилади ёки шунга ўхшаш қоидаларни баҳсни бошлангандан олдин баҳс иштирокчилари билан биргаликда уларнинг берган таклифлари асосида тузиб, шу ернинг ўзида қоғозга (хона тахтасига, бирон тахтага) ёзиб қўйиш мумкин.

Баҳс ўтаётган жойни жиҳозлаш ва безашда буюк педагог олимлар, мутафаккир ва донишмандлар фикрларини ёзиб, кўринарли жойга илиб қўйиш мумкин. Масалан:

«Қоидани унутма:
Маънодан узоқ кетма
Гани чўзма, оз гапир
Кенг маъноли, соз гапир».

Баҳсда муҳокама қилинадиган саволлар, муаммолар талабаларни ҳаяжонлантирадиган, қуюнтирадиган, замонавий, уларнинг ҳаёт тарзига тегинчи бўлгани маъқул. Шунда, таълим муассасаларида ўтказиладиган ўқув машғулотларида ва бошқа жойларда гапиришдан кўркадиган, уяладиган талабалар мана шундай баҳслар давомида бемалол ўз фикрларини баён эта олишлари мумкин.

Таълим муассасаларида кечки пайт ўқишдан бўш вақтларда ётоқхонадаги «Маънавият ва маърифат» хонасида ёки бирон кичик талабалар чойхонасида, қолаверса, агар имкони бўлса гулхан атрофидаги давраларда талабаларнинг эркин ҳолдаги баҳслари қизиқарлироқ ҳамда ишончлироқ ўтади. Бундай пайтларда талабалар ўзларини жуда эркин ҳис этадилар ва ўз фикрларини бемалол тортинмасдан, қийналмасдан айта оладилар. Гулхан атрофидаги бундай баҳсларни бир неча гуруҳлар билан ўтказиш мумкин.

Ўтказиладиган баҳсларнинг мавзуларини тузишга талабаларнинг ўзлари, уларнинг ҳаётий тажриба (ёки ёшлар ҳаётидаги муаммолар, турли болалар ва ёшлар ҳақидаги асарлар, газета ҳамда журналлардаги мақола)лари ёрдам бериши мумкин. Биз қуйида баҳслар учун баъзи бир мавзуларни эътиборингизга ҳавола этамиз:

- Ҳозирги замон комил инсон деб қимни айтса бўлади?
- Маданиятли инсон деб қимни айтса бўлади?
- Сен қандай яшаяпсан? Ҳаёти қизиқарлими?
- Ҳақиқий дўст қандай бўлиши керак?
- Менинг характерим шундай ...
- Бепарволик қаердан келиб чиқади?
- Мода ва мен.
- Бепул нарсанинг баҳоси қанча?
- Нима савоб-у, нима гуноҳ?

Баҳсларни ўтказиш учун талабалардан битта ёки иккита баҳс бошқарувчиси белгиланади, улар баҳсни муҳокама қилиниши керак бўлган мавзу ҳақидаги кириш сўзи билан бошлайдилар. Баҳс давомида эса бошқарувчилар, баҳслашувчилар, сўзга чиқувчиларнинг билдираётган фикрларини диққат билан эшитиб, фикрлар тўқнашувини ўз вақтида очиб борадилар ҳамда умумий хулоса қилишга ҳаракат қиладилар. Баҳсни олиб борувчиларни танлаш ва уларни тайёрлашда ўқитувчи (мураббий)ларнинг хизматлари катта. Баҳсни талабалардан танланган бошқарувчилар олиб борсада, лекин ўқитувчи (мураббий)лар баҳс давомида уларга ёрдам беришга тайёр туришлари керак, чунки баҳс давомида турли вазиятлар, қийинчиликлар туғилиши мумкин. Одатда баҳслар ўқитувчилар томонидан муҳокама этилган ёки ечилган муаммоларни умумлаштириш ҳамда бирор керакли тавсиялар бериш ва келгусида ўтказиладиган баҳслар мавзусини аниқлаш билан тугалланади.

Баҳсларнинг самарали ўтиши танланган мавзуни муҳокама қилиш учун олдиндан тайёрланган саволларга боғлиқдир.



«МУЛОҚОТ» ТЕХНОЛОГИЯСИ

Технологиянинг тавсифи. Ушбу технология талабаларнинг дарс жараёнида мустақил фикрлашига, ўз фикрларини эркин баён этишига ҳамда уларда баҳслашиш маданиятини тарбиялашга қаратилган бўлиб, одатда, бундай машғулот талабаларни кичик гуруҳларга ажратган ҳолда ўтказилади.

Технологиянинг мақсади. Танланган мавзу, муаммо асосида талабаларнинг фикрларини ҳамда ушбу мавзуга бўлган муносабатларини аниқлаш, мустақил ҳолда умумий бир фикрга келишларига ва тўғри хулоса чиқаришларига ёрдам бериш, эркин ҳолда баҳслашишларига шароит яратиш, мулоқотга кириш ҳамда мулоқот қилиш олишга ўргатиш.

Технологиянинг қўлланиши. Амалий, лаборатория машғулотларда ва дарсдан ташқари вақтда ўтказиладиган тарбиявий соатларда қўлланиши мумкин бўлиб, машғулот жамоа ва кичик гуруҳ шаклида ўқув аудиториясида ёки табиат қўйнида ўтказилиши мумкин.

Машғулотда фойдаланиладиган воситалар. Ватман қоғози, фломастер, маркерлар.

Машғулотни ўтказиш тартиби:

- ўқитувчи машғулотни бошлашдан аввал талабаларни мулоқот, баҳс-мунозарани ўтказишга қўйилган талаблар, қоидалар билан таништиради, сўнгра ушбу дарснинг босқичма-босқич ўтказилишини тушунтиради;
- ўқитувчи талабаларни мавзу йўналишлари бўйича гуруҳларга ажратади;
- ҳар бир кичик гуруҳ жамоаси ўз йўналиши бўйича тайёргарлик бошлайди: бошқа кичик гуруҳлар билан мулоқотга кириш олиши учун ўз йўналиши бўйича турли материаллар, кўргазмали қуроллар, турли ривоят, олим ва мутафаккирларнинг фикрлари ҳамда шу кабиларни тайёрлайди;
- кичик гуруҳлар ўртасида асосий мавзу ва унинг йўналишлари бўйича мулоқот бошланади;
- ўқитувчи гуруҳларнинг фикрларини мақсадли йўналтириб боради ва асосий мавзу кичик гуруҳлар томонидан ёритилгач, у айтилган фикрларга ўзининг муносабатини билдирган ҳолда мулоқотни якунлайди.

Технологияни ўтказиш алгоритми:

I-босқич. Ўқитувчи машғулотни мулоқотнинг мавзусини аниқлашдан бошлайди. Масалан, «Сиз қайси маданият тарафдорисиз: Шарқ ёки Оврўпа?» Шу мавзунинг ўртага ташлаб талабалардан Шарқ

маданияти ва Европа маданияти тарафдорларини (кийиниш, муомала қилиш, муносабат ўрнатиш) аниқлаб олади. Уларни шу тартибда гуруҳларга ажратади ва уларга тайёргарлик кўришлари учун шароит ҳамда имкониятга қараб аниқ вақт белгилайди.

2-босқич. Ҳар бир кичик гуруҳдаги талабалар ўз мавзулари асосида керакли материаллар (далиллар, мисоллар, аниқ фикрлар, ўз фикрларини тасдиқловчи кўргазмали материаллар, имкон бўлса, видеофильм, мақолалар, мутафаккир ва олимларнинг сўзлари)ни тайёрлайдилар. Кичик гуруҳдан бир кишини ҳимоя учун танлайдилар, қолганлар эса ўз фикрларини қўшимча қилишлари мумкин.

3-босқич. Кичик гуруҳлар ҳимояга тайёр бўлгач, ўқитувчи кичик гуруҳларнинг бирига ҳимоя учун сўз беради (ҳимояга чиқиш ихтиёрий равишда бўлиши мумкин). Кичик гуруҳ вакили жамоа номидан сўзга чиқиб, уларга берилган мавзу асосида тайёрланган материаллар ва далиллар асосида ҳимоя қилишга киришади. Кичик гуруҳ вакили сўзини тугатгач, жамоанинг қолган аъзолари ўз фикрлари билан қўшимча қилишлари мумкин.

4-босқич. Машғулотнинг 3-босқичидаги каби бу босқичда ҳам ўқитувчи навбатдаги гуруҳ вакилига ҳимоя учун сўз беради. Иккинчи кичик гуруҳ ҳам биринчи кичик гуруҳ каби ўз мавзуси бўйича ҳимоя қилади. Ҳимоя тугагач, ўқитувчи машғулотнинг кейинги босқичига ўтади.

Изоҳ: Ҳар иккала кичик гуруҳнинг ҳимояси вақтида ўқитувчи иложи борича уларга ҳалақит бермасликка, ўз фикр-мулоҳазасини билдирмасликка, савол бермасликка ҳаракат қилади. Ҳеч қайси кичик гуруҳга ён босмаган ҳолда мулоқотни бошқаради. Кичик гуруҳлар ҳимояси вақтида тартиб сақланишига эришишга ҳаракат қилади. Бу босқичда, асосан, икки кичик гуруҳ эркин, мустақил фаолият кўрсатишлари керак бўлади.

5-босқич. Кичик гуруҳлар бир-бирларига саволлар беришни бошлайдилар. Кичик гуруҳлар томонидан бериладиган саволлар, уларнинг ҳимояси вақтида айtilган далиллар, мисоллар, фикрларни янада ойдинлаштириш мақсадида ўз гуруҳларининг фикрларини янада таъкидлаб, исботлаб, қолганларни ҳам шу фикрга қўшилишларига даъват қилиш учун берилиши мумкин. Талабалар эркин ҳолда ўзларининг чиқишлари билан барчага таъсир кўрсатишга, ўз фикрларини маъқуллашга ҳаракат қиладилар. Ўқитувчи бундай ҳолатга шароит, имконият яратган ҳолда баҳс-мунозарани самимийлик билан бошқаради.

6-босқич. Ўқитувчи ҳар иккала томоннинг саволлари, фикрлари, маъқуллайдиган сўзлари тугагач, улар томонидан айtilган фикрларни умумлаштиради ва ўзининг бу масала ҳақидаги фикр-мулоҳазасини

баён этади. Кичик гуруҳ иштирокчилари томонидан тушган саволларга керакли жавобни беришга ҳаракат қилади.

Машғулот охирида ўқитувчи ҳар иккала гуруҳнинг машғулот жараёнидаги фаолиятларини таҳлил этиб, уларга миннатдорчилик билдиради ва машғулотни якунлайди.

Ушбу машғулотнинг давомийлиги шароитга қараб белгиланади.



Билимларни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Таълим жараёнида «Баҳслашув» технологиясини қўллаш қандай тартибда амалга оширилади?
2. «Баҳслашув» технологиясининг мақсади?
3. «Мулоқот» технологиясини ўтказиш алгоритмининг айтиниг.
4. Дарсда «Баҳслашув» технологиясини қўллашда қандай самара беради?
5. Дарс жараёнида баҳсларга тайёргарлик кўришда нималарга эътибор қаратилиши керак?



Таянч иборалар

Бумеранг, резюме, мулоқот, баҳслашув, технология, алгоритм, муомалалик, хушфеллик, кўникувчанлик, ғоя, фикр.



Адабиётлар

1. Ишмухамедов Р., Абдукодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. Тошкент. 2008. 181 б.
2. Олимов Қ.Т. Замонавий таълим технологиялари. Монография. Тошкент – 2007. 87 б.
3. Олимов Н., Узакова Л.П., Шалолова Д.Ф., Ахмеджанов М.М. Касб таълими услубияти. –Тошкент, «Молия». 2006 й.

Ўқув мақсади

Талабаларда билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш материаллари ҳамда мезонларини ишлаб чиқиш бўйича билим ва кўникмаларни шакллантириш.

**АСОСИЙ МАЪЛУМОТЛАР****Баҳолаш ва унинг аҳамияти.**

Баҳолаш-таълим жараёнининг маълум босқичида ўқув мақсадларига эришилганлик даражасини олдиндан белгиланган мезонлар асосида ўлчаш, натижаларни аниқлаш ва таҳлил қилишдан иборат жараёндир.

Баҳолаш натижасида нафақат таълим олувчининг, балки таълим берувчининг кучли ва кучсиз томонлари, шунингдек, ўқув жараёнидаги камчиликлар ҳам аниқланади. Таълим воситалари, режалари, таълим жараёнини ташкил этиш сифатида ҳам баҳо берилади.

Таълим дастурининг қисм бўлаклари бўйича мунтазам баҳолаб бориш охир-оқибат аниқ ва адолатли баҳоланишнинг шаклланишига олиб келади. Кичик бўлимлар бўйича баҳолаш, жамлаш ва умумлаштириш якуний баҳоланишнинг аниқ бўлишига ёрдам беради. Таълим олувчини мунтазам равишда ўз натижалари тўғрисида хабардор қилиб туриш, унинг мақсад сари интилиши ва истакларини рўёбга чикаришга ижобий таъсир кўрсатади. Таълим бериш давомидаги назорат натижаларини ўлчаб бориш билим, кўникма ва малакаларни баҳолаш талабанинг ўзлигини англаши учун бир имкониятдир.

Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиқиб, баҳолашнинг моҳияти ҳақида қуйидаги хулосаларни айтиш мумкин:

Нтма учун баҳолаш керак?

- ўқув мақсадларига эришилганликни аниқлаш учун;
- кейинги босқичга ўтишдан олдин, аввалги ўзлаштириш даражасини аниқлаш учун;
- натижага эришганлигини тасдиқлаш учун;
- талабаларнинг қизиқишларини аниқлаш учун;
- ютуқ ва камчиликларни аниқлаш учун;
- ўқитувчи ўз фаолиятига тузатишлар киритиши учун;
- ялпи ўзлаштириш даражасини аниқлаш учун;

- таълим жараёни ютуқларини аниқлаш учун;
- таълим олувчиларни ютуқларга қизиқтириш учун;
- ташки қизиқувчиларга, иш берувчиларга, юқори ташкилотларга ва оналарга маълумот бериш учун.

Нимани баҳолаш керак?

- Назарий билимларни;
- амалий кўникма ва малакаларни;
- ҳуққ-атвор ва шахсий фазилатларни.

Қачон баҳолаш керак?

- Таълим жараёни бошида (бошланғич баҳолаш);
- таълим жараёни давомида (жорий ва оралик баҳолаш);
- таълим жараёни якунида (якуний баҳолаш).

Баҳолашнинг асосий хусусиятлари;

- таълим мақсадига йўналтирилганлик;
- мунтазам ўтказиб бориш;
- педагогик, психологик ва ҳуқукий тамойилларга асосланганлик;
- умумий қабул қилинган натижа стандартларига асосланганлик.

Юқорида таъкидланганидек, назарий билимлар баҳолаётганида когнитив ўқув мақсадларга эришганлик даражалари аниқланади. Амалий кўникма ва малакалар баҳоланаётганида психомоторик, ҳуққ-атвор ва шахсий фазилатлар баҳоланаётганида эса-аффеktiv ўқув мақсадларига эришганлик даражалари аниқланади.

Баҳолаш мезонлари. Ҳар қандай баҳолаш натижалари ўзаро таққосланиши, яъни ўлчаниши лозим бўлади. Уларни таққослаш баҳолашдан олдин ёки кейин ишлаб чиқилган мезонлар асосида амалга оширилиши мумкин. Баҳолаш мезонлари ўқув мақсадларига қай даражада эришилганликни англатувчи кўрсаткичдир. Бу кўрсаткичлар сонлар («беш», «тўрт», «уч» ва ҳоказо) сўзлар («аъло», «яхши», «қониқарли» ва ҳоказо) ёрдамида тавсифланиши мумкин. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, баҳолаш мезонлари таълим олувчининг қайси ўзлаштириш даражасини намоён қилишига қараб мос қўйиладиган баҳо кўрсаткичининг тавсифидан иборат.

Баҳолаш тамойиллари. Билимларни текшириш ва баҳолаш муайян дидактик талабларга жавоб бериши керак. Текшириш ва назорат қилиш системали, доимий тарзда бўлиши шарт. Бу талабга риоя этилмаса, таълим олувчиларнинг ўқишга нисбатан муносабати ёмонлашади, билимларнинг сифатига салбий таъсир қилади.

Билимларни баҳолаш индивидуал характерга эгадир. Ҳар бир таълим олувчи унинг қайси билимлари, кўникма ва малакалари баҳоланаётганини билиши керак. Таълим берувчининг саволларига ва вазифаларига жавоб беришга тайёрлик ҳолати билимларни текшириш

хамда баҳолаш ўқув жараёнининг муҳим бир бўлагига, унинг таркибий қисмига айланган тақдирдагина рўй беради.

Таълим олувчининг билимлари, кўникма ва малакалари давлат ўқув режаларининг бажарилиши нуктаи назаридан текширилади ҳамда баҳоланади.

Таълим олувчиларнинг билимлари, кўникма ва малакаларини текшириш шакллари турличадир. Баъзан таълим берувчи билимларни текширишнинг узок вақт мобайнида бир хилдаги усулларини қўллайди. Унда сўраш, савол бериш, изоҳлаш каби муайян одат пайдо бўлади. Таълим олувчилар бугундай текширишга мослашиб кетадилар, ўқитувчининг қай тарзда сўраши уларга олдиндан маълум бўлади. Улар фақат таълим берувчи учун, уни қаноатлантириш учун жавоб бера бошлайдилар.

Куйидаги бешта асосий тамойиллар баҳолаш тизими самарадорлигининг пойдевори ҳисобланади:

- ўқув мақсадларига асосланганлик;
- ҳақиқийлик;
- ҳаққонийлик;
- ишонччилик;
- қулайлик.

1. Ўқув мақсадларига асосланганлик. Самарали баҳолашнинг асосий тамойили ўқув мақсадларига асосланганлик ҳисобланади. Баҳолашнинг сифати ўқув мақсадларига тўғридан-тўғри боғлиқдир. Ўқув мақсадлари баҳолаш мазмунини аниқлаб беради. Ўқув мақсадларининг қўйилиш даражасига қараб, баҳолашнинг шакли ва усуллари танланади. Шунингдек, ўқув мақсадларига эришиш учун бажарилган фаолият натижаси, баҳолаш мезонларини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

Ҳар қандай баҳолаш тизими лойиҳалаштирилаётганда, баҳолаш топшириқлари берилган таълим мазмуни доирасида бўлиши талаб этилади. Баҳолашни лойиҳалаштираётганда, ҳар доим куйидаги икки саволни эътиборга олиш лозим:

Баҳолаш топшириқлари таълим жараёнидан кўзланган ўқув мақсадларини тўла акс эттирадими?

Ўқув мақсадлари даражасига баҳолаш шакллари, усуллари ва мезонлари тўғри танландими?

Масалан, йўл ҳаракатлари қоидалари бўйича олган билимларни баҳолашда ёзма тест олиш усули мос келиши мумкин. Лекин, ундан машинани бошқариш малакаларини баҳолашда фойдаланиб бўлмайди. Бу малакалар огзаки ёки ёзма эмас, балки амалий фаолиятга асосланган баҳолаш усули ёрдамида баҳоланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

2. Ҳақиқийлик. Ўқув мақсадида кўзда тутилган натижагина баҳолашга қаратилган топшириқ ёки тест ҳақиқий ҳисобланади. У баҳоланиши лозим бўлган билим ва кўникмалар соҳасидаги натижаларга қаратилган бўлиши лозим.

Таълим олувчи эришган натижалар тўғрисида асосланган ҳамда ишончли ахборотлар берилиши керак. Таълим олувчи эгаллаган билим, малака ва кўникмалар ҳамда шахсий фазилатларни ўлчаш имконини берадиган методлардан фойдаланиш зарур.

3. Ҳаққонийлик (объективлилик). Баҳолаш тизими ўқув мақсадларига мос бўлиши, шунингдек баҳолаш шарт-шароитлари ва мақсадлари билан талабалар олдиндан танишган бўлишлари лозим. Таълим олувчиларга бир хил мураккабликдаги ҳамда ҳажмдаги топшириқлар берилиши керак.

4. Ишончлилик. Натижаларни баҳолаш мобайнида ҳар хил усуллардан фойдаланиш мумкин. Лекин, бу усулларни танлашга қўйиладиган асосий шарт ишончлилик ҳисобланади. Усул ишончли бўлиши учун баҳолаш асосли ва аниқ маълумотларга асосланган бўлиши зарур. Бунда топшириқ ёки тестнинг ўрганиш мақсадларини назорат қилишга йўналтирилганлиги қанчалик ишончли эканлиги назарда тутилади.

Баҳолаш ишончли бўлиши учун таълим олувчиларда бир-бирига ўхшаш, аммо ҳар хил шароитларда баҳолаш ўтказилганда, натижалари бир хил бўлиши керак. Баҳолаш методининг ишончлилиги турли методларнинг натижалари билан таққослаш орқали аниқланади. Баҳолаш тизими ишончли бўлиши учун турли экспертлар ёрдамида турли вақтларда баҳолаш ўтказилганда, унинг натижалари бир-бирига ўхшаш бўлиши керак.

Баҳолаш ишончилигининг икки томони бор:

Баҳолаш усулининг ишончилиги. Агар фойдаланилаётган баҳолаш усулининг ишончилиги юқори бўлса, талабанинг ўзлаштириш даражаси баҳолашнинг ҳар хил усулларида фойдаланганда ҳам ўзгармай қолади (олинган натижалар бир хил, ўзгармас бўлади).

Баҳолашнинг ўзлаштириш даражасини баҳолаш усулларининг ишончилиги деб, баҳолаш бошқа жойда ва бошқа имтиҳон олувчи томонидан ўтказилганда ҳам, унинг бир хил бўлиши, ўзгармаслиги тушунилади.

Баҳолаш усулларининг ишончилилик даражаси қуйидаги ҳолатларда кўпроқ бўлади:

- ҳамма таълим олувчилар қўйилган талабни аниқ тушунса;
- баҳолаш шартлари олдиндан маълум қилинса ва унга риоя қилинса;
- ҳамма натижалар баҳолашнинг олдиндан келишилган мезонлари тўла асосланган бўлса;

-тасодифий хатоларни камайтириш мақсадида мос баҳолаш турлари қўлланилса.

5. Қулайлик. Баҳолаш тизими ўқув мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, ўқув ишлаб чиқариш стандартларига мос бўлиши, мураккаб бўлмаслиги, назорат ўтказувчи ва таълим олувчи учун қулай бўлиши лозим. Баҳолашни ўтказишда имкон қадар компьютерлардан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Топшириқ ёки тест пайтида балл бериладиган бўлса, балл бериш ўрганиш мақсадларини назорат қилишга мослаштирилган бўлиши лозим. Бунда мавзунинг муҳимроқ бўлган қисмларига унчалик муҳим бўлмаган қисмларига нисбатан кўпроқ балл бериш керак бўлади.

Баҳолашнинг рейтинг тизими. Рейтинг тизимидаги таълим жараёнида баҳолаш қуйидаги назорат турлари орқали аниқланиши мумкин:

- назорат қилиш;
- ҳулкини баҳолаш;
- назарий ва амалий билимларни баҳолаш.

1. Назорат қилиш орқали ўзлаштирганликни аниқлаш:

- таълим олувчининг билим кўрсаткичлари даражасини, малакасини шакллантириш;
- таълим олувчини доимий баҳолаш ва улар олган баҳоларни таққослаб бориш;
- таълим олувчининг ўқишга интилиши ва ўзаро беллашиш имкониятини шакллантириш;
- таълим олувчиларнинг билим савияси ва малака кўникмаларини ҳаққоний баҳолаш;
- таълим берувчиларнинг педагогик фаолиятини тўғри баҳолаш.

2. Ҳулкини баҳолаш орқали ўзлаштирганликни аниқлаш:

- таълим олувчиларнинг дарсларга қатнашиш интизомини яхшилаш ва уларни фанлар бўйича узлуксиз тайёргарлигини ташкил этиш.

3. Назарий ва амалий билимларни баҳолаш орқали ўзлаштирганликни аниқлаш:

- таълим берувчи ҳамда таълим олувчининг ўз қобилиятини олдиндан режалаштириш;
- таълим жараёнининг боришини тезкор таҳлил қилиш;
- ўз фаолиятида зарурий ўзгаришлар киритиш имкониятларини яратиш.

Рейтинг тизими юқорида санаб ўтилган барча назорат турларини ўзаро таққослаш орқали таълим жараёнидаги баҳолаш тизимини яратади. Рейтинг тизимида таълим олувчилар билими доимий равишда назорат қилиниб ва баҳоланиб борилади. Рейтинг назорат тизими асосида ўқув режасига киритилган ҳар бир фаннинг таълим олувчи ўзлаштиришининг сифат кўрсаткичлари баллар билан баҳолаш ётади.

Республикаимиз таълим муассасалари ўқув жараёнида қўлланилаётган рейтинг тизимига асосланган ҳолда иккита назорат туридан фойдаланишни мақсадга мувофиқ деб биламиз.

Ҳар бир ўқитувчи ўз фани бўйича рейтинг тизимини лойиҳа-лаштиришда қуйидагиларга асосланиши керак:

1. Ҳар бир фан бўйича семестр давомида талаба тўплаши мумкин бўлган максимал балл 100 баллни ташкил этади.
2. Ҳар бир фан учун ажратилган максимал балл назорат турлари бўйича тақсимланади:

Жорий назорат. Жорий назорат ўтказишнинг асосий мақсади таълим олувчи қай даражада ривожланаётганлигини аниқлаш, таълим жараёни талабларини ўрганиш ва уни яхшилашдан иборат. Жорий назоратда оғзаки сўров, семинар, ёзма ишлар, лаборатория ишлари, курс ишлари, уй вазифаси ва бошқа сўров турларидан фойдаланилади. Барча сўров турлари қискартирилган кодлар билан белгиланади.

Амалдаги рейтинг тизимида жорий назорат ўтказишда ҳар бир таълим олувчини баҳолаш учун сўровлар сони чегараланган. Ҳар бир дарсда тайёрланиб келган таълим олувчи жавоб бериши ва балл олиши мумкин, лекин таълим берувчи қолган таълим олувчиларни ҳам эътибордан четда қолдирмаслиги лозим.


Оралик назорат. Оралик назоратнинг асосий мақсади таълим олувчилар томонидан маълум бир мавзу, боб ёки модул бўйича эришилган натижаларни (белгиланган стандартларга эришганлигини) аниқлашдан иборат. Оралик назоратни топшириш барча таълим олувчилар учун мажбурий ҳисобланади.

Якуний рейтинг кўрсаткичи. Якуний рейтинг кўрсаткичини аниқлаш учун семестр якунида ёки ўқув предмети якунида таълим олувчининг барча мавзулар бўйича олган баллари ҳисобланиб, ўртачаси аниқланади. Семестрда фан юзасидан неча соат дарс ўтилган бўлса, ҳар бирига максимум 100 баллдан ажратилиб, семестр якунида ўртача балл ҳисобланади ва рейтинг журнаliga қўйилади.

Ўқув режаси ва фан дастурига асосан тузилган тизим — мавзу режаси бўйича, ҳамда ажратилган соатларни эътиборга олган ҳолда, ҳар бир талабани семестр давомида неча марта назорат қилиш имкониятларидан келиб чиқиб, назорат ва сўров турлари аниқлаб чиқилади ҳамда маълум бир фан бўйича «Рейтинг балларининг тақсимоти» тузилади.

НАЗАРИЙ БИЛИМЛАРНИ БАҲОЛАШ

Таълим жараёнида таълим олувчиларнинг назарий билимлари ва ақлий лаёқатини баҳолашда оғзаки ҳамда ёзма баҳолаш топширик шаклларида фойдаланилади.



Оғзаки шаклдан кўпроқ оғзаки савол-жавобларни киска вақт ичида ўтказиш учун фойдаланилади. Ушбу жиҳатига кўра, бу баҳолаш топширик шаклидан оралиқ назоратни амалга оширишда фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Оғзаки топширик шаклининг турлари:

- Очиқ
- Ёпиқ

Оғзаки шаклнинг **очиқ тури** деганда, таълим олувчининг сўралган материал юзасидаги маълумотлар билан бир каторда эркин ва ижодий ёндошиш асосида жавоб бериши назарда тутилади.

Ёпиқ турда эса таълим олувчи фақат берилган материал доирасида жавоб бериш билан чекланиб қолади.

1. БИР ТАНЛОВЛИ ТЕСТЛАР

Бир танловли тест топшириклари ягона жавобни танлаш имконияти берилган топшириklar хисобланади.

Бир танловли саволлар «асос» деб юритиладиган тугатилмаган жумла ёки саволлардан иборат бўлиб, унга кетма-кет тўртта ёки бешта ҳақиқатга яқин бўлган жавоблар танлови келтирилади. Таълим олувчи улар орасидан битта тўғри жавобни танлаши керак. Тўғри жавоб «калит» деб, нотўғри жавоблар «чалғитувчи» жавоблар деб аталади.

Мисол: Қандай методлар «Интерфаол методлар» деб аталади?

- А) Катта ҳажмдаги ўқув материални нисбатан узоқ вақт давомида монологик баён этиладиган методлар;
- Б) таълим олувчиларни фаоллаштирувчи ва мустақил фикрлашга ундовчи, таълим жараёнининг марказида таълим олувчи бўлган методлар;
- В) муайян муддатга мўлжалланган, таълим жараёни кўпроқ таълим берувчи шахсига қаратилган методлар;
- Г) ҳаммаси тўғри

Жавоб: Б

2. КЎП ТАНЛОВЛИ ТЕСТЛАР

Кўп танловли тест топширикларида жавоблар варианты бир нечта тўғри жавоблардан иборат бўлади.

Мисол. Қандай баҳолаш шакллари мавжуд?

- 1) меъёрий
- 2) жорий
- 3) мезоний
- 4) якуний

Жавоблар:

- А) 1 ва 2
- Б) 1 ва 4
- В) 1 ва 3
- Г) 2 ва 4

Жавоб: В

3. ТЎЛДИРУВЧИ ТЕСТЛАР

Бу топширикни ечиш тўлиқ бўлмаган матнларга киритиладиган тушунчалар, гап бўлаклари, символлар ва сонлардан ташкил топади ҳамда таълим олувчидан берилган жумлани керакли сўз билан тўлдириши сўралади.

Мисол. Таълим олувчи ва таълим берувчининг муайян мақсадга қаратилган, биргаликдаги фаолиятини ташкил қилишнинг тартибга солинган йўллар йиғиндиси _____ деб аталади.

4. МУҚОБИЛ ЖАВОБЛИ (АЛЬТЕРНАТИВ) ТЕСТЛАР

Бундай тестлардаги саволларга жавоб «ҲА» ёки «ЙЎҚ» деб белгиланади. Баъзан топшириқларнинг саволи билан жавоблари ҳам бирга берилиши мумкин. Бундай топшириқларда фақатгина битта тўғри ва битта нотўғри жавоблар берилган бўлади. Топшириқ шартига кўра тўғри жавобни топиб, белгилаш керак бўлади.

Мисол. Интерфаол методлар анъанавий таълим методлари ҳисобланадими?


(Тўғри жавобнинг тагига чизинг). Жавоб: ҲА ЙЎҚ

5. МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ ТЕСТЛАР

Бундай тест топшириқларида таълим олувчиларга иккита рўйхат тақдим этилиб, улардан бирида саволлар туркуми, иккинчисида эса жавоблар туркуми акс эттирилган бўлади. Таълим олувчилар саволлар туркумига мувофиқ келувчи жавобларни топишлари ва белгилашлари талаб этилади.

Мисол:

А рўйхат: методлар



Ўки жавоб: А2, В3, С1.

Мувофиқлаштирувчи тестлар бир қийматли ёки кўп қийматли бўлиши мумкин. Бир қийматли тестларда устунлардаги саволлар ва жавоблар миқдори бир хил нисбатда, яъни бир саволга бир жавоб тўғри келиши керак бўлади. Кўп қийматли мувофиқлаштирувчи тестда эса устунлардаги саволлар ва жавоблар миқдори ҳар хил нисбатда, яъни бир неча саволга бир жавоб тўғри келиши мумкин, ёки аксинча бир саволга бир неча жавоб тўғри келиши мумкин.

Жавобни белгилашда биринчи устундаги саволларга иккинчи устундаги жавобларни топиб, уни « $\rightarrow$ » белгиси орқали ифодалаш мумкин. Ёки жавобларни саволлар белгиси ва жавоблар рақамини мос равишда белгилаш мумкин.

6. КЕТМА-КЕТЛИКНИ АНИҚЛАШ ТЕСТЛАРИ

Бу турдаги топшириқларда берилган жараёнлар уларга тааллуқли мантиққа асосланган ҳолда, тўғри тартиб билан жойлаштирилиши лозим.

Тартибсиз жойлаштирилган топшириқлар умумий, лекин биридан фарқ қилувчи хусусиятларига ва уларга тааллуқли бўлган даражага кўра тартибга солиниши керак (тўғри кетма-кетликда, камайиб ёки ўкиб боровчи тартибда).

Мисол. Назарий дарс босқичларини тўғри кетма-кетликда ифодаланг:

- | |
|---------------------|
| 1. Янги мавзу баёни |
| 2. Уйга вазифа |
| 3. Мустаҳкамлаш |
| 4. Ташкилий |
| 5. Хулоса яшаш |

Жавоб:

4 1 3 5 2

7. ҚИСҚА ЖАВОБЛИ ТЕСТЛАР

Қисқа жавобли тест-жавоби бир ёки бир неча сўздан иборат кўринишдаги тест ҳисобланади. Ушбу тестларда жавоблар қисқа кўринишда берилади.

Мисол. Тартибланган, ўзаро узвий боғланган ва биргаликда умумий функцияни бажарувчи элементлар тўпламига нима деб аталади?

Жавоб: _____

8. ЭРКИН ЖАВОБЛИ ТЕСТЛАР

Бу турдаги топширик саволларига жавоблар аниқ белгилаб қўйилмайди, балки таълим олувчи эркин ва тўлақонли жавоб бериши мумкин бўлади.

Мисол: Илғор таълим технологияларини дарс жараёнига тадбиқ этишнинг долзарблигини изоҳлаб беринг.



Билимларни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Билим, кўникма ва малакаларни баҳолашнинг аҳамияти ҳамда моҳияти нимада?
2. Баҳолашнинг асосий хусусиятлари нимадан иборат?
3. Билимларни, кўникма ва малакаларни назорат қилиш ҳамда баҳолашнинг тарбиявий аҳамияти нимада?
4. Баҳолаш тизими самарадорлигининг пойдевори ҳисобланган асосий тамойилларни санаб ўтинг.
5. Назарий билимларни баҳолаш учун неча хил тест турлари мавжуд ва улар қайсилар?



Таянч иборалар

Баҳолаш, кўникма, рейтинг, баҳолаш тамойиллари, тест, объективлилик, топширик, мезон, малака, билим.



Адабиётлар

1. Рашидов Х. ва бошқалар. «Касбий педагогика» блокини ўқитиш методикаси. Тошкент: ЎМКХТТКМО ва УҚТИ, 2007. 200 б.
2. Олимов Қ.Т. ва бошқалар. Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси. Ўқув қўлланма. Тошкент, «Фан» – 2009. 172 б.
3. Олимов Қ.Т. ва бошқалар. Касб таълими услубияти. – Тошкент., “Молия-иктисод”, 2006. – 165 б.



АСОСИЙ МАЪЛУМОТЛАР



Ўқитишда замонавий педагогик технологияларни жорий этилиши дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни яратувчилардан бошқача илмий методик ёндашувни талаб этади.

Ўқув адабиётларини яратиш ва ўқитиш методикасига доир ўтказилган изланишлар шунинг кўрсатдики, таълим олувчиларда касбий билим ва қўникмаларини шакллантиришда модулли ўқитиш технологиясини қўллаш яхши самара беради.

Биз томондан модулли ўқитиш технологияларига қаратилган Н.В. Бородин, И.М.Махмутов, Г.В.Букалова, Г.К.Селевко, Н.Х.Авлиёкулов, Л.Ф.Ибатулина, В.М.Зимин каби педагог-олимларнинг илмий тадқиқотлари ўрганилди. Ушбу тадқиқотларда модулли ўқитишнинг моҳияти, тамойиллари ва модулли технология асосида назарий ва амалий машғулотларни ўтказиш усуллари каби масалалар ёритилган.

Анъанавий таълимда ўқув мақсадлари педагоглар фаолияти орқали ифодаланади. Улар билим беришга йўналтирилган бўлиб, модулли ўқитишда талабалар фаолияти орқали ифодаланади ва касбий фаолиятга йўналтирилган бўлади.

Модул - фаннинг ўзаро боғлиқ фундаментал тушунчаларини ўрганишга йўналтирилган, дидактик тамойиллар асосида тузилган, ўқув материалларининг бирлигидир.

Модулли ўқитиш - ўқитишнинг истиқболли тизимларидан бири ҳисобланади, чунки у таълим олувчиларнинг билиш имкониятларини ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш тизимида жуда яхши мослашади.

Модулли ўқитиш, таълимнинг қуйидаги замонавий масалаларини ҳар томонлама ечиш имкониятини яратади:

- модул – фаолиятлилиқ асосида ўқитиш мазмунини оптималлаш ва тизимлаш дастурларини ўзгарувчанлиги, мослашувчанлигини таъминлайди;
- ўқитишни индивидуаллаштириш;

- амалий фаолиятга ўргатиш ва кузатиладиган характерларни баҳолаш даражасида ўқитиш самарадорлигини назорат қилиш;
- касбий мотивация (қизиқтириш) асосида, фаоллаштириш, мустакиллик ва ўқитиш имкониятларини тўла рўёбга чиқариш.

Модулли ўқитишда, ўқув дастурларини тўла, қискартирилган ва чуқурлаштирилган кўринишдаги табақалаш орқали, босқичма-босқич ўқитиш, яъни ўқитишни индивидуаллаштириш имконияти яратилади. Модулли технология асосида ўқитишга ўтишда куйидаги максаллар назарда тутилди:

- ўқитишнинг узлуксизлигини таъминлаш;
- ўқитишни индивидуаллаштириш;
- ўқув материални мустақил ўзлаштириш учун етарли шароит яратиш;
- ўқитиш жараёнини жадаллаштириш;
- фанни самарали ўзлаштиришга эришиш.

Модулли технология асосида ўқув адабиётларининг яратилиши ва таълим жараёнига жорий этилишида модулли ўқитиш тизими тўлиқ амалга оширилади. Биринчи навбатда махсус фаннинг модулли ўқув дастури ишлаб чиқилади ва шу дастур асосида тегишли дарслик ёки ўқув қўлланмалар яратилади.

Модулли ўқув дастурида фанга тегишли битта фаолият турига тегишли бир-бирига боғлиқ мавзулар гуруҳланади.

Фан таркибидаги ҳар бир модул ўзида бир ёки бир нечта фундаментал тушунчаларни ва фаолият турини ўрганишга қаратилган назарий билимлар ва шу назарий билимларни эгаллашга қўмаклашиши билан амалий машғулотлар, ҳамда билим ва кўникмаларни баҳолаш тизимини қамраб олади.

 **Модулли технология асосида ўқув материалларини яратишда ҳар бир модул таълим олувчиларда мустақил тафаккур юритиш, мустақил режалаштириш ва муаммоларни ечиш йўллари таклиф қилиши, ҳамда билимларни касбий фаолиятга қўллаш кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган бўлиши керак.**

Ҳар бир модулда ўқув дастурига мос равишдаги қондалар ўз аксини топиши, таълим мазмунини барча ташкил этувчилари қамраб олиниши, ўзлаштиришни ташкил қилиш аппарати бўлиши ва мазмуннинг аниқ тузилмавий тизими сақланиши керак. Демак, модулда маълум бир фаолият турининг мазмуни ва усуллари умумлаштирилган бўлиши, ҳамда сифатли ишлаб чиқилган услубий аппарат иштирок этиши керак.

Ҳар бир модул таълим олувчиларнинг билим ва кўникмаларини фаоллаштириш ҳамда кизиштириш, мустақил ўрганиш, ўқув материални тўлиқ ўзлаштириш ва индивидуал ишлаш имкониятини яратиш каби масалаларни ечиши керак. Биз томондан ўқув материалнинг модулли тузилмаси ишлаб чиқилди.



4-расм. Ўқув материалнинг модулли тузилмаси

1. Кириш модулнинг зарурий қисми бўлиб ҳисобланади. Унда модулларни ўзлаштиришда таянч билимлар мазмуни ва ҳажми кўрсатиб берилиши, ҳамда мустақил ишни ташкил қилиш бўйича тавсиялар бўлиши керак.

Бизнинг фикримизча, кириш тушунарли, қисқа, икки, уч бетдан ошмаган ҳажмда бўлиши керак. Аниқроғи, киришда:

- модул (бўлим, боб) ҳақида тушунча берилади;
- модулни ўрганиш зарурияти асосланади;
- модулга тегишли бўлган ишлаб чиқаришнинг замонавий ривожланиши тўғрисида маълумотлар берилади;
- бошқа модуллар билан ўрганиладиган материалнинг устуворлиги очиб берилади;
- модулдаги ўқув материалнинг амалиёт билан ўзаро алоқаси, амалий вазиятларда олинган билим ва малакаларни қўллаш усуллари ҳақида сўз юритилади.

2. Модулнинг ўқув мақсадларини белгилашда ҳар бир модулнинг ўқув мақсадлари касбий фаолиятга қўйиладиган махсус талаблар, билим ва кўникмалардан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқиши, ҳамда таълим олувчилар ҳаракатида ифодаланадиган ва ўлчанадиган натижалар орқали белгиланиши керак. Назарий ва амалий ўқув материаллари эса модулни ўзлаштиришда аниқ мақсадга йўналтирилади. Бу жараёнлар аввалдан белгиланган муайян ўрганиш мақсадларига эришиш учун олиб борилади. Агар ўқув мақсадлари белгиланмаса, у ҳолда модулнинг мазмуний ва дидактик тузилиши бузилади. Модулни ўрганиш мақсадлари когнитив, психомоторик ва аффектив соҳаларда тузилиши мумкин.

Когнитив ўрганиш соҳаси ақлда қайта ишланган ахборотларни, яъни далил ва тушунчаларни, тамойил ва усулларни таҳлил ҳамда синтез қилиш, баҳолаш орқали қўллашни ўз ичига олади.

Когнитив ўрганиш соҳаси билимларни ёдда сақлаш, кўникма ва қобилиятларни ривожлантириш, қўзланган ўрганиш мақсадларни ўзида мужассам этади. Булар ўқув адабиётларида ўз ифодасини топади.

Психомоторик ўрганиш соҳаси модулни ўрганиш бўйича амалий иш жараёнлари орқали ҳосил қилинадиган қобилиятлар ва кўникмаларни шакллантиришга қаратилган ўқув материалларини ишлаб чиқишга мўлжалланган. Масалан, тикув машинасини ишлатиш ва унда бирон бир тикиш жараёнини бажариш бўйича амалий машғулотлар ўқув материаллари психомоторик ўрганиш соҳасига тааллуқлидир.

Демак, ўқув материалида таълим олувчининг мустақил ишлаши ва ўз хоҳиши билан бошқариладиган ҳаракатлар ифодаланиши керак.

Аффектив ўрганиш соҳаси муносабат, қадрият, интизомга нисбатан қараш, меҳнат хавфсизлиги, меҳнатга тайёргарлик каби эмоционал ҳолатларни ўз ичига олади. Албатта, ҳар бир модул бўйича бирон бир фаолият турини амалга оширишда риоя қилинадиган меҳнат хавфсизлиги ва меҳнатни ташкил этишга боғлиқ ўқув материаллари, кўрсатмалар ҳамда тавсиялар бўлиши керак.

Модулни ўқув мақсадларини белгилаш қуйидаги тоифаларни ўзида камраб олиши тавсия этилди:

Билиш - бу далиллар ва тамойилларни эслаб қолиш ҳамда қайта хотирлашни билдиради. Бунда талаба ўзлаштирган билимларини эслаши ва уларни айтиб бериши мумкин.

Тушуниш - ўрганилган ўқув материалнинг моҳиятини тушуниш қобилиятининг кўрсаткичи бўлиб, бунда ҳулосалар чиқарилади, мавжуд вазият таҳлил қилинади. Тушуниш кўрсаткичи сифатида изоҳлаб бериш, материални қисқача ифода этиш ёки кейинги ҳодисалар тўғрисида таклифлар бериш ва ҳоказолар иштирок этади.

Методлар, қоидалар, умумий тушунчаларни қўллаш - бунга қоидалар, методлар, тушунчалар, принциплар, назарияларни қўллаш киради. Бунда ўқитиш натижалари ўқув материални тушунишдан кўра юқори савияда ўзлаштиришни талаб қилади.

Таҳлил қилиш — бу бутунни элементларга бўла олиш, элементларнинг градацияси ва муносабатларни ўрната олиш, бутунни ташкил қилиш принципларини билиш. Бу ҳолда ўқув натижалари тушуниш ва қўллашга нисбатан ўзининг юқори интеллектуал савияси билан характерланади, чунки у ўқув материалнинг мазмуни ва унинг ички тузилишини билишни талаб қилади.

Синтез - янги тузилмаларни ҳосил қилиш мақсадида берилган элементлардан бир бутунни яратиш. Мос натижалар янги схема ва структураларни яратишга йўналтирилган ижодий характердаги фаолиятни ифодалайди.

Баҳолаш - қабул қилинган мақсадларни ҳисобга олиб материаллар ва методларни баҳолаш. Бу категория барча олдинги категориялар ва аниқ ажралиб турган критерияларга асосланган баҳоловчи фикрлар бўйича ўқув натижаларига эришишни талаб қилади.

Ҳар бир модул бўйича таянч ибораларни алоҳида кўрсатиш лозим. Ҳар бир таянч иборани, ўрганилиш чуқурлигини ўрнатиш зарур бўлади. Яъни талаба қайсидир таянч иборани билиш даражасида, бошқасини қўллаш, айрим таянч ибораларни баҳолаш даражасида ўзлаштириши керак бўлади.

3. Модулдаги назарий ва амалий ўқув материаллар, изоҳлар, лугатлар. Назарий ўқув материалида модулга тегишли фаолият тури назарий жиҳатдан ёритилиши керак. Модулда ўрганилиши лозим бўлган бирон бир машина ёки қурилманинг тузилиши ва ишлаш принципи ёки таъмирлаш ҳамда созлаш усуллари, фаолият тури бажариладиган технологик жараёнлар, маҳсулотларга ишлов бериш усуллари ва кетма-кетлиги, меҳнат хавфсизлиги қоидалари назарий жиҳатдан тўлиқ ёритилиши керак. Амалий ўқув материалларида модулни ўзлаштиришда ва мустақил тарзда билимлар олишда талаба бажарадиган амалий фаолият усуллари, тажриба, экспериментларни ўтказиш методлари баён қилиниши ҳамда кўрсатмалар, тавсиялар берилиши керак. Шунингдек, таълим олувчиларда касбий кўникма ва маҳоратларни шакллантириш учун ҳақиқий объектлар билан ўзаро ҳаракат усуллари ва ҳаётий тажрибалар батафсил баён этилади. Талабаларнинг бевосита амалий ишларни бажаришлари учун шундай услубий тавсиялар берилиши керакки, ундан талабалар маълум кўникма ва маҳоратларни эгаллашлари учун ўзларининг билимларини амалиётга қўллашни ўрганишлари керак.

Назарий ва амалий матнларда модул мазмуни аниқ акс эттирилиши, талабаларга кейинги модулга ўтишда қизиқишни уйғотиши ва таассурот қолдирадиган бўлиши керак. Матннинг тили ва тушунарлилиги касб-хунар коллежлари талабалари ёшига мос келиши керак.

Модулда изоҳлар, луғатлар берилиши ўқув материални ўзлаштиришни осонлаштиради.

Изоҳлар, талабаларнинг модулни мустақил ўрганишлари учун, шароитлар яратиб бериши керак. Изоҳлар маълумотлар кўринишида расмийлаштирилади. Бироқ шуни ҳам инобатга олиш керакки, изоҳларнинг ҳажми катталиги ва даврий такрорланиши таълим олувчиларга фикрларини бир жойга жамлашни қийинлаштиради, материални тўлиқлигича қабул қилишларини қийинлаштиради, асосий матнга диққатни жалб қилишга ҳалақит қилади.

Модулни ўзлаштиришда атамашунослик, таржимали ва техник-кавий луғатларнинг берилиши матндаги янги атамалар, атамаларни тушунишга ёрдам беради.

4. Саволлар, тестлар, топшириқлар ва машқлар. Ҳар бир модулда талабаларнинг ўз-ўзини текшириш ва билимларини мустаҳкамлаш учун саволлар, тестлар, мустақил ишлаш учун амалий топшириқлар ёки машқлар ва уларни бажариш учун услубий кўрсатма тавсиялар бўлиши керак. Саволлар талабаларни билим олишга қизиқишларини, мустақил фикрлаш фаолиятини ривожлантиришга, таққослаш, синтез, таҳлил қилиш усулларида фойдалана олиш маҳоратларини шакллантиришга йўналтирилган бўлиши керак. Тестларни қуйидаги йўналишларда тузилиши тавсия этилади:

- модулнинг ўқув мақсадларига эришилганлигини аниқлаш тестлари;
- интеллект ва қобилиятларни аниқлаш тестлари;
- таълим олувчининг касбига лаёқатли эканлигини аниқлаш тестлари;
- таълим олувчининг мотив, ижтимоий кадриятлари ва қарашларини аниқлаш тестлари.

Топшириқ ва тестларни қуйидаги муҳим мезонлар бўйича тузиш тавсия этилади:

1. Ҳақиқийлик. Текширилиши керак билим ёки қўшимча мазмунан қаратилган топшириқ ёки тест ҳақиқий ҳисобланади. У баҳоланиши лозим бўлган билим ва кўникмалар соҳасидаги натижаларга қаратилган бўлиши лозим. Бунда ўрганиш мақсадига нисбатан мазмуний алоқадорликни яратиш назарда тутилган.

2. Обьективлилик. Бир-биридан мустақил ўқитувчилар бир хил талабаларга берилган бир хил топшириқ ва тестлар бўйича бир хил баҳо берган ҳолдагина мазкур топшириқ ҳамда тест объектив ҳисобланади. Бу объективлилик ҳар хил вақтларда берилган баҳолар

учун ҳам тааллуқлидир. Ушбу мезонлар кўпинча «расмий тестлар» пайтида амалга оширилади, холос. Ўқитувчи томонидан тузилган тестлар эса одатда мазкур талабларни бажармайди.

3. Ишонччилик. Бунда топширик ёки тестнинг модулни ўрганиш мақсадларини назорат қилишга сафарбар этилиш учун нақадар ишончли эканини назарда тутилган.

4. Диагностик баҳо. Бунда ўқитувчи топширик ёки тестдан кетини юзга келган камчиликларни бартараф этиш учун қандай чоралар қилур эканлигини баҳолай олиш-олмаслиги назарда тутилган.

5. Балл бериш. Топширик ёки тест пайтида балл бериладиган бўлса, балл бериш модулни ўрганиш мақсадларини назорат қилишга мослаштирилган бўлиши лозим. Бунда мавзунинг унчалик муҳим бўлмаган қисмларига нисбатан муҳимроқ бўлган қисмларига кўпроқ балл бериш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ёзма топшириқлар эркин жавоб берилиши лозим бўлган ва бир қанча жавоблардан бирини танлаш керак бўлган топшириқларга бўлинади.

Эркин жавоб бериш лозим бўлган топшириқлар қуйидагилар бўлиши мумкин:

- атрофдаги тўлиқ эркин жавоб талаб этадиган топшириқлар (масалан, ёзма иш);
- қисқа эркин жавоб беришни талаб этадиган топшириқлар (жавоб бериш учун очик жой қолдирилган топшириқлар, шунингдек, жавоб қатақлари берилган топшириқлар);
- берилган жавоблардан бирини танлаш лозим бўлган топшириқлар қуйидагилар бўлиши мумкин:
- кўнраб вариантлардан бирини танлаш бўйича топшириқлар (дастуриштирилган топшириқлар, тест);
- альтернатив жавоблардан бирини танлашни талаб этувчи топшириқлар;
- тартибни ўзгартириш талаб этиладиган топшириқлар (булардан тўлдириш топшириқлари, тегишлиликни аниқлаш топшириқлари, тўғри кетма-кетликка келтириш топшириқлари, даражасига кўра жойлаштиришни талаб этувчи топшириқлар).

Эркин жавоб бериш лозим бўлган ёзма топшириқлар натижаларни аниқлашнинг анъанавий шаклини ифода этади.

Улар таълим олувчилардан мустақил ҳаракатни талаб этади. Натижа ўз навбатида таълим олувчининг билимларига, қарашларига, ёниги ва ифода этиш қобилиятига боғлиқ бўлади. Вакт бу ерда муҳим ҳисобланади.

Бўш жойларни тўлдириш, топшириқларни ечиш тўлиқ бўлмаган матнларга киритиладиган тушунчалар, гап бўлаклари, символлар ва сонлардан ташкил топади. Агар ечим тушунчалари киритилган рўйхат ҳам тузилган бўлса, у ҳолда яхши объективликка эришиш мумкин.

Берилган жавоблардан бирини танлашни талаб этувчи топшириқлар «дастурлаштирилган топшириқлар» деб аталади. Бунда битта тўқима тўғри жавобдан чалғитадиган бир қанча нотўғри жавоблар киритилган бўлади. Бу билан таълим олувчидан қарор қабул қилиш қобилиятини кўрсатиш кутилади.

Алтернатив топшириқларда фақатгина битта тўғри ва битта нотўғри жавоблар берилган бўлади. Топшириқ шартига кўра тўғри жавобни топиб, белгилаш керак бўлади.

Тўлдириш топшириқларида жавоблар сифатида берилган фикрлар, тушунчалар, гап бўлаклари, символлар, сонлар махсус рақамлар воситасида ечим ўринларига киритилади.

5. Технологик харита – модул бўйича фаолият усулининг бажарилиш бўйича амалга ошириладиган амалий ишлар мажмуидир.

Технологик харитани лойиҳалаш педагогик маҳорат чўққиси ҳисобланади, чунки модул давомида бажариладиган амалий иш жараёни технологик харитада қондали тарзда тасвирланиши керак.

6. Ўқув адабиётлари ва дидактик воситалар рўйхати. Ҳар бир модул охирида модулни ўзлаштириш учун қўшимча адабиётлар, зарурий жиҳозлар, кўргазмалар ва техник воситалар, асбоб-ускуналар ва маҳсулотлар рўйхати берилиши керак. Чунки талабалар мустақил ишларни бажаришлари давомида қўшимча адабиётлардан фойдаланишлари учун имконият бўлиши керак. Талабалар амалий ишларни бажаришлари учун зарурий жиҳозлар ва ускуналар рўйхати берилиши шарт.

6. Фанни модулли ўқитиш методикасига доир тавсиялар ва кўрсатмалар. Модулли тузилма асосида яратиладиган дарслик охирида фанни модулли технология асосида ўқитишни ташкил этиш, ўтказиш, талабалар билим ва кўникмаларини баҳолаш бўйича методик тавсиялар берилиши керак.

 **Ўқув материални модулли технология асосида ишлаб чиқишнинг моҳияти** шундаки, таълим олувчининг ўқув жараёнида аниқ натижага эришишини кафолатловчи фаолиятини дастурловчи модулларни яратишдан иборатдир. Шунинг учун ўқув материали мазмунини ишлаб чиқиш мустақил ва тугалланган ўқув жараёни лойиҳаси, яъни модул кўринишида тақдим этилиши керак.

Модулли ёндашув ўқитувчи учун маълум даражада дарснинг функциясини бажарувчи ўқув қўлланмалар ва ўқув материалларини ишлаб чиқишда ҳам қўлланиши мумкин.

Модулли ўқув материаллари ёки ўқув адабиётлари ёрдамида ўқитишда қуйидаги афзалликлар намоён бўлиши аниқланди:

- фаннинг ичидаги модуллар орасидаги ўқитиш узлуксизлигини таъминланиши;
- ҳар бир модул ичида ва улар орасида ўқув жараёнини барча турларининг методик жиҳатдан мувофиқлигини ўрнатилиши;
- талабалар мунтазам ўзлаштириши ва самарали назорат (ҳар қайси модулдан сўнг) қилиниши;
- ўқитиш жадаллаштириш, аудитория соатларидан самарали фойдаланиш ва ўқув вақти таркибини, маърузавий, амалий (тажрибавий) машғулотлар, индивидуал ҳамда мустақил ишлар учун ажратилган соатларни – оптималлаштириш.

Фан бўйича ўқув материалларини ёки адабиётларини модулли ёндашув асосида ишлаб чиқиши турли ҳилдаги муаммолардан халос қилади. Масалан, модулда бир канча топшириқ ёки лойиҳаларни берилиши, таълим олувчиларда амалий фаолияти учун бажариши мумкин бўлганларни ўзлари танилаб олиш имкониятини яратади. Ушбу ҳол педагогик жиҳатдан муҳим ҳисобланади. Модулли тузилмаси ўқув адабиётларининг таълим жараёнида қўлланилиши мутахассислар тайёрлаш сифатини оширади, уларда мустақил билим олиш ва меҳнат фаолиятларини шакллантиришга, ишни режалаштириш, ҳамда ташкил этиш кўникмаларини шакллантиришга имконият яратади.



Билимларни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Топшириқ ва тестларни қандай мезонлар бўйича тузиш мумкин?
2. Дарсликни модулли технология асосида ишлаб чиқишнинг моҳияти нимада?
3. Модулли технология асосида ўқитишга ўтишда қандай мақсадлар назарда тутилди?
4. Модулнинг ўқув мақсадлари қандай белгиланади?
5. Ёзма топшириқлар ва эркин жавоб бериш лозим бўлган топшириқлар қандай тузилиши керак?



Таянч иборалар

Модул, муаммоли мулоқотлар, эвристик суҳбатлар, модулли ўқитиш, ўқув ўйинлар, фаолиятлилиқ, тизимли, кизиқтириш, модуллилик, муаммолилиқ, когнитив визуаллилиқ.



Адабиётлар

1. Бородина Н.В., Самойлова Е.С. Модульные технологии в профессиональном образовании. Учебное пособие. Екатеринбург. 1998.-26с.
2. Махмутов М. И., Ибрагимов Г.И. Педагогические технологии развития мышления учащихся. Казан: 1993.-88 с
3. Букалова Г.В. Технология модульного обучения как средство эффективности преподавания общеинженерных дисциплин. Автореферат дисс... канд. наук. Брянск.. 2000.
4. Селевко Г.К. Современные образовательные технологии.-М.: Народное образование, 1998. – 256 с.
5. Авлиёкулов Н.Х. Касбий фанларни модулли ўқитиш технологияси. Тошкент: «Янги аср авлоди». 2004. – 106 б.
6. Ибатулина Л.Ф. Технология модульного обучения // Профессиональное образование. М.: №4 . 2002.-11с.
7. Зимин В.Н.Модульный подход к профессиональному образованию//. Профессиональное образование. №10.М.: - 2001-14с
8. Олимов Қ.Т. Ўқув адабиётларини яратиш назарияси ва методикаси. Монография. Тошкент., - “Фан”. 2011. 59 б.
9. Ашурова С.Й. Махсус фанларни модулли ўқитиш // Касб-хунар таълими.Т.: 2004. №5.

II. АМАЛИЙ ҚИСМ (Амалий машғулотлар)

*Иштиёқсиз бўлиб ўқийдиган талаба
қанотсиз қушдек деган гап
Саъдий*

1 – АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

МАВЗУ: ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ЖАРАЁНИДА ТАЛАБА ВА ЎҚИТУВЧИ ФАОЛИЯТИНИ ЎРГАНИШ

Амалий машғулот мақсади: Таълим жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллашда талаба ва ўқитувчи фаолиятини ўрганиш бўйича билим ҳамда кўникмаларни шакллантириш.

Машғулот шакли: кичик гуруҳларда ишлаш, жамоа бўлиб ишлаш.

Машғулот методлари: мунозара, ақлий ҳужум, муаммоли вазият, тақдимот.



АСОСИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Ўқитиш икки томонлама жараёндир, у ўқитувчининг фаолияти ва талабалар фаолиятини ўз ичига олади. Ўқитувчининг фаолияти ўқув материални баён қилишдан, талабаларга фанга қизиқишни, фикрлар ва эътиқодни таркиб топтиришдан ҳамда талабаларнинг мустақил машғулотларига раҳбарлик қилиш, уларнинг билим, кўникма ва малакаларини текшириш, шунингдек, баҳолашдан иборат.

Ўқитиш жараёнининг иккинчи томони, талабанинг фаолияти бўлиб, у ўқув фани материални ўзлаштиришдан ҳамда билимларни ўзлаштириш жараёнида фикрлар ва эътиқодни ҳосил қилиш юзасидан олиб бориладиган системали меҳнатдан иборат.

Ўқитувчи билан талабанинг ўзаро таъсири натижасида талаба маълум билимларни шунчаки ўзлаштириб, яъни ўрганиб олишидан ташқари бир вақтнинг ўзида яна билиш ва ҳатти-ҳаракатлар қилишнинг янги тамойили ва методини ўзлаштириб олади, яъни ривожланиб боради.

Ўқишга иштиёқ, қизиқиш уйғатиш, айниқса ундан ҳузур топиб, мамнун бўлиш, маълумки, уни олиб боришда энг яхши натижаларни беради. Билимлар, кўникмалар ва малакаларни ўзлаштиришда

талабанинг фаоллигини, қизиқиши, ижодий мустақиллигини оширишга қаратилган замонавий педагогик технологиялар ана шунга кўп жиҳатдан йўл очади. Ахборот таъминоти кучли, моддий-техника ресурслари турли-туман бўлса, қатта ҳажмдаги билимларни эндиликда жуда қисқа вақт ичида ўзлаштириб олиш мумкин бўлиб қолди.

Таълимда педагогик технологияларни қўллаш жараёнида ўқитувчининг фаолияти қуйидагилардан иборат бўлади:

- фаннинг асосий моҳиятини тушунтириш;
- фан бўйича ўрганилиши лозим бўлган билимларни, асосий тамойиллар, қонунлар, шароитлар, функцияларни тавсифлаб бериш;
- асосий кўрсаткичлар, методлар ва усулларни ёритиб бериш;
- асосий вазиятларни ифодалаш ва ажратиш;
- фан бўйича амалий ишларни бажариш, ечиш, кетма-кетлигини тушунтириш;
- асосий жараёнлар ва амалий ишларни бажаришни намоёиш қилиш ҳамда ўргатиш;
- масалалар, топшириқлар ва муаммолар ечими йўллари, усулларини излаш ҳамда топиш имкониятларини яратиш;
- талабаларда изланувчанлик ва ижодий фикрлашни шакллантириш;
- талабаларнинг мустақил ва ижодий ишлаш фаолиятларини ривожлантириш.

Талабанинг фаолияти қуйидагилардан иборат:

- фаннинг асосий мазмуни ва моҳияти бўйича тушунча бериш;
- қонун, қоида, шакллар, жараёнлар, тушунчаларни айтиб бера олиш;
- асосий кўрсаткичлар, таъриф ёки методлар ва жараёнларни қисқача тавсифлаш;
- асосий жиҳатларни ёритиш, таҳлил қилиш;
- асосий вазиятларни ифодалай олиш;
- амалий усуллар, машқ ва топшириқларни мустақил бажариш, ечиш;
- ижодий топшириқларни бажариш;
- масала ва топшириқлар ечими тўғрисида хулосани ифодалаб бериш.



Мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Ўқитиш жараёнини қандай тушунасан?
2. Технология тушунчасини ёритинг, таълимни технологиялаштиришнинг асосини нималар ташкил этади?
3. Таълимни технологиялаштиришнинг афзаллиги нимада?
4. Таълим жараёнида ўқитувчи ва талабанинг фаолияти нималардан иборат бўлади?

Кичик гуруҳларда ишлаш учун топшириқлар



Мавзу бўйича қуйидаги таянч иборалар мазмуни ёритинг?

1- кичик гуруҳ учун

Таянч иборалар	Мазмунини қисқача ифодаланг
Таълим жараёни	
Ўқитувчи фаолияти	
Маъруза	

2- кичик гуруҳ учун

Таянч иборалар	Мазмунини қисқача ифодаланг
Ўқитиш	
Амалий, лаборатория, семинар машғулоти	
Талаба фаолияти	

3- кичик гуруҳ учун

Таянч иборалар	Мазмунини қисқача ифодаланг
Технология	
Мустақил ишлар, курс ишлари (лойиҳалари)	
Педагогик технология	



Адабиётлар рўйхати

1. Олимов Қ.Т. Замонавий таълим технологиялари. Монография. Тошкент – 2007. 87 б.
2. Рашидов Х. ва бошқалар. «Касбий педагогика» блокани ўқитиш методикаси. Тошкент: ЎМКХТТКМО ва УҚТИ, 2007. 200 б.
3. Авлиёкулов Н.Х., Мусаева Н.Н. Педагогик технологиялар. Тошкент: Фан ва технология. 162 б.
4. Олимов Қ.Т. ва бошқалар. Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси. Ўқув қўлланма. Тошкент, «Фан» – 2009. 172 б.
5. Каримжонов И.А. ва бошқалар. Янги педагогик технологиялар. Тошкент. 2002. 146 б

*Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм
лозимдур, замона илми ва фанидан
бебаҳра миллат бошқаларга поймол бўлур.
Махмудхўжа Бехбудий*

2 – АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

МАВЗУ: ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯНИНГ МОҲИАТИ МАЗМУНИ ВА АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИНИ ЎРГАНИШ

Амалий машғулот мақсади: Талабаларда таълим жараёнини технологиялаштиришнинг аҳамияти, мазмуни ва ўзига хос хусусиятлари, педагогик технология ҳақида тушунчаларини, унинг моҳияти ҳамда мазмуни, асосий тамойиллари, унинг тузилмаси, шахсга йўналтирилган ўқитиш жараёнини амалга ошириш шартлари билан таништириш, билим ва кўникмаларни шакллантириш.

Машғулот шакли: кичик гуруҳларда ва якка тартибда ишлаш.

Машғулот методлари: ақлий ҳужум, мотивация, мунозара, топшириқлар, тақдимот.



АСОСИЙ МАЪЛУМОТЛАР



Ривожланган мамлакатларда педагогик технологиялардан фойдаланиш борасида анча тажрибалар тўпланган бўлиб, айтиш мумкин, самарали қўлланилиб келинмоқда. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатларида, шу жумладан, республикамизда ҳам, бу йўналишда муайян тажриба тўпланган бўлишига қарамай, ҳар бир ҳудуднинг педагогик шароитидан ҳалқининг менталитети ҳамда ўқитувчи ва педагогларнинг интеллектуал салоҳиятидан келиб чиқиб, ҳар бир мустақил давлатнинг миллий педагогик технология модели ҳали яратилмоқда.

Таълимни технологиялаштиришнинг асосий белгиси ва афзаллиги шундаки, ўқув жараёнига тизимли ёндашувнинг қўлланилиши, барча ўқув ҳолатларини лойиҳалаштириш асосида ўқитувчилар ва талабалар фаолиятини дастурлаштириш, талабаларнинг қўйилган мақсадга эришувини таъминлаш мақсадида таълим жараёнини ихчамлаштиришдан иборатдир.

Демак, таълим технологиясининг асосий моҳияти – ўқув натижаларига кафолатли эришилишини таъминлаш мақсадида ўқитиш жараёнини тўлиқ лойиҳалаштиришдан иборат.

Тадқиқотчилар ПТни ўқув жараёнини фан ва техниканинг энг янги ютуқлари асосида таълим тамойилларини ўрганиш, ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш тарзида тушунишади.

ПТ моҳияти ҳақида кейинги 50 йил давомида илмий мунозаралар асосида олимлар методистлар, турли педагогик комиссиялар ва уюшмаларнинг таъриф ва тавсифлари берилган.

Ҳозирги вақтда педагогик технологияга оддийгина «ўқитишнинг техник воситаларидан ёки компьютерлардан фойдаланиш соҳасидаги тадқиқотлар сифатида қаралмайди, ўқитиш самарадорлигини оширувчи омилларни таҳлил қилиш ва қўллаш йўли билан ҳамда қўлланилаётган усулларни баҳолаш воситасида таълим жараёнининг тамойилларини аниқлаш ва оптималлаштириш усулларини ишлаб чиқиш мақсадида тадқиқотлардир».

Педагогик технология – бу, амалиётга самарани тадбиқ этиладиган, тегишли тамойиллар асосида ишлаб чиқилган ўқув жараёнининг лойиҳасидир.

Педагогик технология – бу аниқ кетма-кетликдаги яхлит жараён бўлиб, у талабанинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда бир мақсадга йўналтирилган, олдиндан пухта лойиҳалаштирилган ва қафолатланган натижа беришга қаратилган педагогик жараёндир.

Педагогик технология – бу таълим жараёнига технологик ёндашув ва демократик тамойиллар асосида ўқув натижаларини қафолатлайдиган шахсга йўналтирилган ўқитиш, ўргатиш ва мустақил билим олиш жараёнини лойиҳалаш, амалга ошириш ҳамда баҳолашнинг тизимли мажмуидир.

Педагогик технология мақсадлари, вазифалари, таркиби, мазмунининг таҳлилига кўра унинг қуйидаги асосли тамойиллари шакллантирилган: илмийлик, лойиҳаланиш, тизимлилик, мақсадга йўналтирилганлик, фаолиятли ёндашувлик, бошқарилувчанлик, тузатувчанлик, натижавийлик, қайта такрорланувчанлик, тежамлилик. Ушбу барча тамойиллар ўзаро боғлиқ бўлиб, бири бирини талаб этади ва тўлдиради. Бу тамойиллар асосида ўқув жараёни ташкил этилади, яъни унинг тайёргарлиги ва ўқитиш жараёни амалга оширилади.

Бугунги кунда ўқитувчи факат билим бериш ва амалий кўникмани шакллантириш билан чегараланмасдан талабаларни мустақил билим олиш, изланиш ва қарорлар қабул қилишга ўргатиши керак.

Демак, ўқитиш жараёни шахсга йўналтирилган таълим асосида амалга оширилиши керак.

Шахсга йўналтирилган таълим мазмунини технологиялаштириш асосан ўқув ва дидактик материалларни ишлаб чиқишни, талаба шахсини ривожланишини назоратга олиш ишларини қайтадан кўриб

чикишни кўзда тутди. Технологиялаштириш талабага ўқув материалнинг мазмунини ўзи танлашига ўз-ўзини баҳолашга имконият яратди.

Шахсга, йўналтирилган ўқитиш технологияларини қўллашдан асосий мақсад анъанавий одатга кирган таълим технологиясидан воз кечишдир. Уларнинг ўрнига янги педагогик ва психологик технологиялар жорий этилади.



Мустахкамлаш учун саволлар

1. Таълимни технологиялаштиришнинг асосини нима ташкил қилади?
2. Педагогик технологияни таълим жараёнига тадбиқ этиш заруриятини асослаб берган қайси россиялик олимларни биласиз?
3. Шахсга йўналтирилган таълимни амалга ошириш қандай шарт-шароитлар ва талаблар билан қондирилиши керак?
4. Анъанавий ўқитишнинг педагогик технологияларга асосланган ўқитишдан ўзига хос фарқлари нимада?

Кичик гуруҳларда ишлаш учун топшириқлар

1 топшириқ



Мавзу бўйича қуйидаги таянч иборалар мазмунини ёритинг?

1- кичик гуруҳ учун

Таянч иборалар	Мазмунини қисқача ифодаланг
Таълимни технологиялаштириш	
Анъанавий ўқитиш	
Ўқув услубий материаллар	

2- кичик гуруҳ учун

Таянч иборалар	Мазмунини қисқача ифодаланг
Фаолият ёндашуви	
Табакалаштирилган таълим	
Ўқитиш технологияси	

3- кичик гуруҳ учун

Таянч иборалар	Мазмунини қисқача ифодаланг
Ижодий қобилият	
Ўқув қўлланма	
Мақсад йўналтирилганлик	

2 топширик

Қуйидаги мавзулар бўйича ҳар бир кичик гуруҳ ўқув адабиётлари, интернет ва бошқа манбалардан фойдаланиб, кенгайтирилган реферат ёзиш.

1. Педагогик технологиянинг ривожланиш тарихи.
2. Ўзбекистон таълим тизимига педагогик технологиянинг кириб келиши.
3. Педагогик технологияга асосланган таълимнинг фаркли хусусиятлари.



Адабиётлар рўйхати

1. Олимов Қ.Т. Замонавий таълим технологиялари. Монография. Тошкент – 2007. 87 б.
2. Зиёмуҳаммадов Б., Абдуллаева Ш., «Илғор педагогик технологиялари». Т.: Абу Али Ибн Сино, 2001. – 80 б.
3. Сайдахмедов Н., Очилов А. Янги педагогик технология моҳияти ва замонавий лойиҳаси. Т.: 1999, 7-8-бет.
4. Авлиёкулов Н.Х., Мусаева Н.Н. Педагогик технологиялар. Тошкент: Фан ва ва технология. 162 б.
5. Ишмуҳамедов Р., Абдукодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. Тошкент. 2008. 181 б.

*«Агар мақсадсиз бўлсанг ҳеч нарса қилолмайсан,
мақсадинг катта бўлмаса буюк иш қилолмайсан».*

Дени Дидро

3 – АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

МАВЗУ: КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА ЎҚИТИЛАДИГАН МАХСУС ФАНЛАРДАН ЎҚУВ МАҚСАДЛАРНИ БЕЛГИЛАШ

Амалий машғулот мақсади: Таълим жараёнида махсус фанлардан ўқув мақсадларини аниқ белгилаш бўйича талабаларда билим ва кўникмаларни шакллантириш.

Машғулот шакли: кичик гуруҳларда ва якка тартибда ишлаш.

Машғулот методлари: ақлий ҳужум, мотивация, мунозара, топшириқлар, тақдимот.



АСОСИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Ўқув мақсадларини аниқлаш, шакллантириш, турлаш ва тизимлаштириш, кетма-кет масалалар ҳамда саволлар тарзида ифодалаш ўқитувчи ишининг энг мураккаб, маъсулиятли қисми ҳисобланади.

Мақсадларни аниқ белгилаш ва тизимлаштириш, ўқитувчи фаолиятининг кейинги босқичларига йўналтирувчи омил сифатида хизмат қилади. Таҳсил олувчилар онгига етказиладиган таълим мақсадлари уларни ўқув-билиш фаолига мўлжал бўлади ва таълим-тарбия жараёнида уларнинг онглилиги ҳамда фаоллигини оширади. Назарий ва амалий машғулотлар аниқ мақсадга йўналтирилган ўқув жараёнларидир. Бу жараёнлар аввалдан белгиланган муайян ўрганиш мақсадларига эришиш учун олиб борилади. Агар ўқув мақсадлари белгиланмай ўтказилса, у ҳолда дарснинг мазмуний ва дидактик тузилиши бузилади. Натижада дарс давомида мавзуга тааллуқли бўлмаган мазмунларга тўхталишга тўғри келади. Назарий ҳамда амалий машғулотларни шакллантириш учун олдиндан мос келадиган мақсадларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўқув мақсадлари бу - муайян таълим жараёни якунида таълим олувчи томонидан ўзлаштирилиши, яъни ҳосил қилиниши лозим бўлган билим, ҳатти-ҳаракат билан боғлиқ бўлган амалий топшириқни уддалай олиш маҳорати, шахсий фазилатлар ва ҳулқни белгилайди. Маълумки, жонли таълим жараёнида икки томон: талаба ҳамда ўқитувчи иштирок этади. Анъанавий таълимда одатда ўқув мақсадлари педагог фаолияти

оркали ифодаланади. Бунда педагог томонидан мақсаднинг қўйилиши ўз фаолиятига қаратилган бўлиб, бу билан таълим жараёнининг аниқ мақсадларига эришганлигини аниқлаб бўлмайди. Чунки, таълим жараёни натижасида, талаба яъни ўрганувчининг нимага эришгани эмас, балки талаба яъни ўрганувчининг нимага эришиши муҳим бўлгани учун, келгусида ўқув мақсадлари деганда ўрганиш мақсадларини тушунамиз.

Назарий дарс ва амалий машғулотларнинг мақсадлари аниқ бўлган тақдирдагина, уларнинг мазмунини белгилаш ҳамда уларнинг дидактик нуктаи назардан ишлаб чиқишга киришиш мумкин. Ҳар бир назарий дарс ва амалий машғулотнинг ўқув мақсадлари олдиндан аниқланиши лозим. Педагогик технологиялар тизимида ҳар бир мавзу бўйича таълимий, тарбиявий ҳамда ривожлантирувчи ўқув мақсадлари белгиланиши лозим. Аниқланган ўқув мақсадлари, дарс мазмуни бўйича қайси назарий материалларни танлаш, уни ўтказиш бўйича қандай методик ва дидактик ресурслардан фойдаланиш лозимлигини белгилаб беради.

Биз қуйида битта мавзу бўйича таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадни белгилашни намуна сифатида келтирдик.

МАВЗУ: ТЕХНОЛОГИК МАШИНАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШДА ТЕХНИК ХАВФСИЗЛИК ҚОИДАЛАРИ

Ўқув мақсадлари:

Таълимий: Талабаларда технологик машиналардан фойдаланишда техника хавфсизлиги қоидалари ҳақида назарий билимларни ва уларга риоя қилиш бўйича амалий кўникмаларни шакллантириш.

Тарбиявий: Талабаларнинг техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишини, ўз ҳаёти ва атрофдагилар хавфсизлигини таъминлаш бўйича масъулликни ошириш; шакллантириш, касбга бўлган қизиқишларини орттириш ҳамда ўзаро ҳурмат ва дўстона муносабатни шакллантириб бориш.

Ривожлантирувчи: Талабаларнинг ўқув материални ўрганишда эркин фикрлаш ва мустақил ишлаш қобилиятларини ривожлантириш.



Мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Ўқув мақсадлари нималарни ўз ичига олади?
2. Ўқув мақсадларини аниқ белгилашнинг моҳияти ва аҳамиятини тушунтиринг?

3. Назарий ва амалий машғулотларда қайси ўқув мақсадлари белгиланади. Уларни изоҳланг?

Кичик гуруҳларда ишлаш учун топшириқлар

1- топширик



Мавзу бўйича қуйидаги таянч иборалар мазмунини ёритинг?

1- кичик гуруҳ учун

Таянч иборалар	Мазмунини қисқача ифодаланг
Ўқув мақсадлари	
Аниқ мақсадлар	
Психомоторик ўқув мақсадлари	

2- кичик гуруҳ учун

Таянч иборалар	Мазмунини қисқача ифодаланг
Йўналтирувчи мақсадлар	
Когнитив ўқув мақсадлари	
Баҳолаш	

3- кичик гуруҳ учун

Таянч иборалар	Мазмунини қисқача ифодаланг
Умумий мақсадлар	
Аффектив ўқув мақсадлари	
Билиш	

2 - топширик

Берилган мавзулар билан танишиб чиқиб, таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи ўқув мақсадларини ишлаб чиқинг.

1 кичик гуруҳ учун

Мавзу: Технологик жараёнлар боришининг асосий қонуниятлари

«Озиқ-овқат технологиясида ишлаб чиқариш жараёнлари ва қурилмалари» фани билан танишиб, уни яхши ўзлаштириб олиш бўлажак мутахассис кадрлар учун муҳимдир. Ҳар қандай технологик жараён уни амалга ошириш усуллари орасидаги фарққа қарамай маълум туркумдаги қурилмада борадиган ўзаро боғланган ўхшаш технологик босқичлардан иборат.

Ишлаб чиқариш жараёни – бу система ёки маълум бир маҳсулотдаги кетма-кет ва қонуний ўзгаришлар бўлиб, натижада уларнинг янги хусусиятлари юзага чиқади.

Технология - бошланғич хомашёдан маълум хоссаларга эга бўлган маҳсулот олишга йўналтирилган қатор жараёнларнинг мажмуаси ҳисобланади.

Технологик қурилма – жиҳоз ёки мослама бўлиб, технологик жараённи амалга ошириш учун мўлжалланган.

Машина – энергия ёки материални ўзгартириш учун механик ҳаракат бажарувчи қурилма. Озиқ-овқат технологиясидаги турли хил жараёнларнинг барчасини уларнинг бориш қонуниятларига қараб бешта асосий гурӯҳга бўлиш мумкин: гидромеханик, иссиқлик алмашилиши, модда алмашилиши, механик, биокимёвий ва кимёвий жараёнлар.

Гидромеханик жараёнларнинг тезлиги гидромеханика қонунлари билан аниқланади. Уларга суюқлик ва газларни узатиш, суюқлик муҳитида аралаштириш, турли жинсли системаларни фазаларга ажратиш каби жараёнлар киради.

Иссиқлик алмашилиши жараёнлари температуралар фарқи мавжуд бўлганда бир жисмдан иккинчисига иссиқликнинг ўтишидир. Бу гурӯҳга иситиш, совутиш, буғлатиш, конденсациялаш ва сунъий совуқ ҳосил қилиш жараёнлари киради. Иссиқлик алмашилиши жараёнларининг тезлиги иссиқлик узатиш қонунлари ёрдамида аниқланади.

Модда алмашилиши жараёнлари бир ёки бир нечта компонентларнинг бир фазадан, фазаларни ажратувчи юза орқали иккинчи фазага ўтишидир. Уларга абсорбция ва десорбция, ҳайдаш, экстракция, эритиш, кристалланиш, қуриштириш каби жараёнлар киради. Бу жараёнларнинг тезлиги модда алмашилиши қонунлари билан ифодаланади.

Механик жараёнлар жисмларнинг ўзаро механик таъсиридир. Буларга майдалаш, фракцияларга ажратиш, пресслаш ва бошқалар мисол бўлади.

Биокимёвий ва кимёвий жараёнлар моддаларнинг кимёвий таркиби ва хоссаларининг ўзгариши билан боради. Уларнинг тезлиги кимёвий кинетика қонунлари асосида аниқланади.

Жараённинг ҳамма босқичлари бир вақтнинг ўзида қурилманинг турли қисмларида ёки ўзаро боғлиқ бўлган бир нечта қурилмада бажарилса, у **узлуксиз жараён** дейилади.

Агар жараённинг айрим босқичлари даврий, баъзилари эса узлуксиз равишда амалга оширилса, бундай жараён **комбинацияланган жараён** дейилади.

2 кичик гуруҳ учун

Мавзу: Жараёнлар ва қурилмаларни ҳисоблаш асослари

Кинетика — бу жараёнларнинг амалга ошиш механизми ва тезлигини ифодалайди. Бу тушунча янги жараёнларни яратиш ва мавжудларини такомиллаштиришнинг асоси ҳисобланади.

Жараённинг тезлиги унинг ҳаракатлантирувчи кучига тўғри ва қаршилигига тесқари пропорционал. Жараён қаршилигига тесқари бўлган катталиқ **тезлик коэффиценти** дейилади.

Жараённинг ҳаракатлантирувчи кучи умумий ҳолатда потенциаллар фарқи бўлиб, хусусий ҳолатларда қуйидагича таърифланади:

- гидромеханик жараёнларда: суюқлик ёки газ оқимининг трубопровод ёки қурилмага кириш ва чиқиш қисмидаги босимлари орасидаги фарқ;

- иссиқлик алмашинини жараёнларида: иссиқлик алмашинаётган жисмларнинг температуралари орасидаги фарқ;

- модда алмашинини жараёнларида: модда алмашинаётган фазаларда тарқалган компонент концентрациялари орасидаги фарқ.

Жараённинг тезлик коэффиценти ушбу жараёнда иштирок этаётган моддаларнинг оқим режимида боғлиқ бўлган катталиқдир.

Юқорида таъкидланган жараёнлар бир хил типдаги дифференциал тенгламалар билан ифодаланиб, улар ўхшашлик назарияси, турли критериялар ҳамда тажриба натижалари ёрдамида ҳисоблаш мумкин бўлган кўринишга келтирилади. Тенгламаларни ҳисоблаш ёрдамида жараёнларнинг тезлик коэффицентлари, бу жараёнларда амалга ошириладиган қурилмаларнинг иш ҳажми ва иш юзалари аниқланиши мумкин.

3 кичик гуруҳ учун

**Мавзу: Машина ва қурилмаларга қўйиладиган талаблар.
Уларнинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари.**

Машина ва қурилмалар конструкциясини баҳолашда асосий омил унинг техник-иқтисодий кўрсаткичи ҳисобланиб, жараёни минимал харажатлари билан амалга оширган қурилма ёки машина конструкцияси оптимал ҳисобланади.

Машина ва қурилмаларга қўйидаги талаблар қўйилади:

- юқори иш унумдорликка эга бўлиши, ишончли, энергия ва металл сарфи кам, меҳнат хавфсизлигини таъминлаши, ишлатиш ҳамда таъмирлаш қулай бўлиши зарур. У узоқ ва бенуқсон ишлатиш учун конструктив мукамал, механик пухта бўлиши керак. Конструкциянинг механик пухталиги унинг мустаҳкамлиги, турғунлиги, хизмат муддатининг узоқлиги ва герметиклиги билан белгиланади.

Қурилманинг конструктив мукамаллиги унинг соддаллиги, металл сарфининг камлиги, технологик талабларга тўлиқ жавоб бериши, юқори фойдали иш коэффициентлари билан аниқланади. Конструкциянинг мукамаллик даражаси унинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари, яъни иш унумдорлиги, харажат коэффициентлари, нархи, ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифати ва таннархи билан боғлиқ. Одатда технологик тизимларда стандарт қурилмалар ишлатилади. Бу тизимларда қўлланиладиган типик қурилмалар тузилиши содда бўлсада, уларда мураккаб қурилмаларда ишлатиладиган элементлар ҳам мавжуд бўлади.

Машина ва қурилмаларни лойиҳалаш ҳамда ишлаб чиқаришда давлат стандартлари, техник талаблар, инструкция ва нормаларга асосланилади. Озиқ-овқат саноатининг хусусий талабларидан келиб чиқиб, баъзан типик бўлмаган, ностандарт жиҳозлар ҳам ишлаб чиқилади.

Мустақил ишлаш учун топшириқлар

Ҳар бир талаба ўзи ўқиётган йўналишга мос касб-хунар коллежида ўқитиладиган махсус фанидан 1 та мавзу танлаб олиб, шу мавзу мазмунини қисқача баён этиши лозим. Танлаган мавзунини яхши ўрганиб, таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлар ишлаб чиқиши ҳамда кейинги машғулотда ўқитувчига тақдимот шаклида тақдим этади.



Адабиётлар рўйхати

1. Шомуродов Т.Р. ва бошқалар. Озиқ-овқат технологиясида ишлаб чиқариш жараёнлари ва қурилмалари. Ўқув қўлланма. Т., Илм зиё. 2006. 231 б.
2. Рашидов Х. ва бошқалар. «Касбий педагогика» блокани ўқитиш методикаси. Тошкент: ЎМКХТТКМО ва УҚТИ, 2007. 200 б.
3. Олимов Қ.Т. ва бошқалар. Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси. Ўқув қўлланма. Тошкент, «Фан» – 2009. 172 б.

«Чинакам оқилона таълим
онгимизни ҳам, хулқимизни ҳам ўзгартиради».
Мишел Монтен

4 – АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

МАВЗУ: ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА МУАММОЛИ ВАЗИЯТЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИ ЎРГАНИШ

Амалий машғулотнинг мақсади: Таълим жараёнида муаммоли вазиятларни қўллаш бўйича бўлажак касб таълими ўқитувчиларида билим ва кўникмаларни шакллантириш.

Амалий машғулот шакли: кичик гуруҳларда ишлаш, жамоавий.

Машғулот методлари: муаммоли вазият, мунозара, ақлий ҳужум, такдимот.



АСОСИЙ МАЪЛУМОТЛАР

 Бугунги кунда таълим жараёнида ижобий самара бераётган илғор педагогик технологиялардан бири муаммоли ўқитишдир.

Муаммоли ўқитиш деганда машғулотларда педагог томондан яратиладиган вазиятлар ва уларни ечишга қаратилган талабаларнинг фаол мустақил фаолияти тушунилади. Бунинг натижасида талабалар касбий билим ва кўникмаларга эга бўладилар ҳамда фикрлаш қобилиятлари ривожланади.

Албатта ўқитиш жараёнида жуда кўп усулларни қўллаш мумкин. Лекин дарсларни муаммоли қилиб ўтиш ана шу юқорида айтилган камчиликлардан ҳолис бўлиши мумкин. Бунда ҳар бир талаба дарснинг моҳиятини тушуниб олиши ва уни олдида маълум бир муаммо ўқитувчи томонидан қўйилиши керак. Бу қўйилган муаммонинг қанчалик даражада талабаларга ижодий интилишни уйғотиши албатта муаммонинг характериға боғлиқ. Бунда ҳар бир талаба ўз олдида турган муаммони била туриб уни ижобий ечишга ҳаракат қилиши керак. Ўқитувчи эса бу жараённи кузатиб бориб, тегишли маслаҳат ва йўналишларни кўрсатиши керак.

Муаммоли дарсларнинг яна бир характерли томони шундаки, бу методни қўллаш билан фақатгина талабалар билимини ўстирибгина қолмай, балки талабаларда шу фанга кизиқиш уйғонади.

Педагог муаммоли вазият яратади, талабани уни ечишга йўналтиради, ечимни излашни ташкил этади. Муаммоли ўқитишни бошқариш, педагогик маҳоратни талаб этади, чунки муаммоли

вазиятнинг пайдо бўлиши - индивидуал ҳолат бўлиб, табақалаштирилган ва индивидуаллаштирилган ёндашувни талаб этади.

Муаммоли вазият — муайян қийинчилик сабаб юзага келган ҳолат бўлиб, уни бартараф этиш йўли топилиши талаб этилади. Вазифа енгил ҳал этиладиган ёки аксинча ҳал этилиши мумкин бўлмаган пайтда муаммоли вазият вужудга келмайди.

Янги ўқув материални тушунтириш ёки мустақил ўргатишдан олдин муаммоли вазиятни яратиш ва танлаш амалга оширилади.

Муаммоли вазиятларни яратишнинг қуйидаги асосий усуллари ва йўналишлари тавсия этилади:

- янги ўқув материални ўрганишга йўналтирилган ҳолда муаммо бўйича ҳулоса чиқариш ва уни ечиш. Муаммоли вазиятда дарсни бошлаш;
- олдинги ўрганилган ва янги ҳосил қилинган билимларни таққолаш ҳамда бир-бирига қарама-қарши қўйиш;
- муаммони ечиш вариантларидан энг оптимал ечимини топиш талабини талабаларга қўйиш;
- талабалар муаммо ечимини исботлаш ва асослаш бўйича топшириқлар бериш;
- талабалар ўз билим ва малакаларни ноадатий вазиятда амалда қўллаши учун шароитларни яратиш;
- талабаларнинг ҳаётий тасаввурларини ҳақиқий далиллар, шароитлар билан тўқнаштириш, бунда талабаларнинг билими, тажрибаси ечилмаслиги лозим (табiiй муаммолилик);
- талабалардан ақлий ва амалий қобилиятни талаб этувчи топшириқлар бериш;
- назарий жиҳатдан масалани ечиш йўли билан қарама-қаршилиқларни амалий жиҳатдан очиб бериш;
- янги топшириқларни муаммоларни эски ўрганилган усулларда ечиш имкониятсизлиги ҳамда уларнинг янги талабларга мос эмаслигини кўрсатиш;
- талабаларнинг ўз нуқтаи назарига эга бўлишга, турли фикрлар ва таклиф билдиришга имкон бериш;
- талабаларга шундай тадқиқотли тажриба кўрсатиш керакки, бунда улар кўрган, кузатган жараённинг чуқур моҳиятини англашга эҳтиёж сезсин;
- талабалар томонидан қўйилган одатий хатоликларни тузатиш;
- муаммоли савол ва топшириқ мазмунини ўзгартириш орқали талабалар ижодий фикрлашини фаоллаштириш, олдинги билимлардан жавоб учун фойдаланишга ҳаракат қилишга йўналтириш.



Мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Муаммоли ўқитиш технологиясининг моҳиятини тушунтиринг?
2. Муаммоли ўқитишнинг асосини нима ташкил қилади?
3. Ўқув мақсадига йўналтирилган муаммоли вазиятларни яратишда нималарга эътибор бериш лозим?
4. Муаммоли вазият яратишнинг усуллари ва йўналишлари ҳақида фикр юритинг?

Кичик гуруҳларда ишлаш учун топширик



Мавзу бўйича қуйидаги таянч иборалар мазмунини ёритинг?

1- кичик гуруҳ учун

Таянч иборалар	Мазмунини қисқача ифодаланг
Муаммоли таълим	
Муаммоли – қидирув услуги	
Муаммоли вазият	

2- кичик гуруҳ учун

Таянч иборалар	Мазмунини қисқача ифодаланг
Муаммоли баён	
Муаммоли семинар (амалий машғулоти)	
Муаммоли ўқитишнинг афзалликлари	

3- кичик гуруҳ учун

Таянч иборалар	Мазмунини қисқача ифодаланг
Муаммоли маъруза	
Қисман изланма метод	
Муаммоли таҳлил босқичлари	



Адабиётлар рўйхати

1. Олимов Қ.Т. Замонавий таълим технологиялари. Монография. Тошкент 2007. 87 б.
2. Гаффаров А. Муаммоли ўқитиш жараёнини ташкил этиш методикаси. //Таълим муаммолари. №4. Тошкент.-2009. 81 б.
3. Олимов Қ.Т. ва бошқалар. Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси. Ўқув қўлланма. Тошкент, «Фан» – 2009. 172 б.



Мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Муаммоли ўқитиш технологиясининг моҳиятини тушунтиринг?
2. Муаммоли ўқитишнинг асосини нима ташкил қилади?
3. Ўқув мақсадига йўналтирилган муаммоли вазиятларни яратишда нималарга эътибор бериш лозим?
4. Муаммоли вазият яратишнинг усуллари ва йўналишлари ҳақида фикр юритинг?

Кичик гуруҳларда ишлаш учун топширик



Мавзу бўйича қуйидаги таянч иборалар мазмунини ёритинг?

1- кичик гуруҳ учун

Таянч иборалар	Мазмунини қисқача ифодаланг
Муаммоли таълим	
Муаммоли – қидирув услуги	
Муаммоли вазият	

2- кичик гуруҳ учун

Таянч иборалар	Мазмунини қисқача ифодаланг
Муаммоли баён	
Муаммоли семинар (амалий машғулоти)	
Муаммоли ўқитишнинг афзалликлари	

3- кичик гуруҳ учун

Таянч иборалар	Мазмунини қисқача ифодаланг
Муаммоли маъруза	
Қисман изланма метод	
Муаммоли таҳлил боскичлари	



Адабиётлар рўйхати

1. Олимов Қ.Т. Замонавий таълим технологиялари. Монография. Тошкент 2007. 87 б.
2. Гаффаров А. Муаммоли ўқитиш жараёнини ташкил этиш методикаси. //Таълим муаммолари. №4. Тошкент.-2009. 81 б.
3. Олимов Қ.Т. ва бошқалар. Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси. Ўқув қўлланма. Тошкент, «Фан» – 2009. 172 б.

*Ҳаракат заиф бўлган жойда,
кучли билим фойдасиздир.
Ҳаракатсиз билим – исиз камон ўқидир.
Аз-Замахшарий*

5 – АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

МАВЗУ: МУАММОЛИ ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА ДАРС ИШЛАНМАСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

Амалий машғулотнинг мақсади: Муаммоли технология асосида ўқитишда дарс ишланмаларини ишлаб чиқиш бўйича талабаларда амалий кўникмаларни шакллантириш.

Амалий машғулот шакли: кичик гуруҳларда ва якка тартибда ишлаш.

Машғулот методлари: муаммоли, мунозара, ақлий ҳужум, такдимот.



АСОСИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Ўқув материални муаммоли технология асосида ўргатиш ёрдамида талабаларда мулоҳаза юритиш, исботлаш, умумлаштириш, далилларни таҳлил қилиш, талаба фикрини ўз ортидан эргаштириш, уни фаолроқ бўлишига ундаш каби усуллардан фойдаланишни кўзда тутди.

Муаммоли ўқитишда ўқитувчи аниқ ўқув мақсадларига йўналтирилган саволлар ва топшириқлар ишлаб чиқади. У муаммоли саволларни ҳал этишда ёки топшириқларни бажаришда талабаларнинг аниқ мақсадга йўналтирилган ҳаракатига туртки беради ва жараёни назорат қилади. Талаба эса ўз таълимнинг фаол қатнашчиси бўлиб қолади. Муаммоли ўқитишнинг моҳияти шундаки, талабалар ўзлари муаммони мустақил ечишлари керак. Демак, ўқув материаллари ва топшириқлар тизими шундай тузилиши керакки, улар асосан мустақил фикр юритишга ҳамда ўрганишга қаратилиши лозим.

Муаммоли характердаги маърузани ташкил этиш бўйича қуйидаги услубий тавсиялар берилади:

- машғулот мавзуси билимнинг муаммоли соҳаси каби кўринишда берилади;
- маъруза режасининг саволлари муаммо ечимини омиллаштирувчи йўналишлари сифатида қараб чиқилади ва кичик муаммолар шаклида ифодаланади;

кичик муаммолар ечими ўқув топширигининг моҳиятини ва барча элементларини, кетма-кетликда очиб беришдан иборат;
кичик муаммолар ечими дастлаб алоҳида берилиши, ўзига умумлаштирилиши керак;
кичик муаммолар ечими орқали умумий муаммони ечишнинг бир нечта мақбул вариантлари ажратиб олиниши керак;
ўқитувчи муаммо ечими бўйича барча вариантларни кўрсатиб умумий ҳулоосани ифодалайди.

Муаммоли семинарда (амалий машғулот) муаммоли ўқитиш технологиясининг иккинчи ва учинчи даражасини амалга оширилади.

Муаммоли топшириқлар асосан муаммоли вазиятларни яратиш, баҳолаш, таҳлил қилиш ҳамда ечими қабул қилинишдан иборат бўлган талабаларнинг фаол ўрганиш фаолиятига асосланган.

Муаммоли ўқитиш таълим жараёнида талабаларни фаол иштирок этишига ундайди, чунки ўзида юқори даражали фаоллик элементларини, яъни зарурат - эҳтиёж - қизиқишини мужассам этади.

Семинар, амалий, лаборатория машғулотлари муаммоларни таҳлил қилиш олиш ва ташхислаш ўз нуктаи назарини аниқ ифодалай олиш, мунозара қила олиш, маълумотни қабул қилиш ҳамда баҳолай олиш ёллон қобилиятларини ривожлантиради, талабаларни ижодий изланишга йўналтиради, фаол ўрганишни рағбатлантиради, ушбу жиҳатлар самонавий ўқув - тарбия жараёнининг муҳим таълим талабларига мос келарди.

Қуйида муаммоли машғулот ишланмаси намуна сифатида келтирилган.

Машғулот мавзуси: Дон ва дон маҳсулотларининг зарарку-ланганлар билан зарарланганлигини аниқлаш (2 соат).

Машғулот мақсадлари:

Таълимий: Талабаларда дон маҳсулотлари таркибидаги зарарку-нандалар ҳақида билим ва кўникмаларни шакллантириш.

Тарбиявий: Талабаларда ўз-ўзини назорат қилиш, меҳнатга масъулият ва ижодий ёндашиш, донларни исроф қилмаслик ва тежаш ҳамда жиҳозлардан тўғри фойдаланишни шакллантириш.

Ривожлантирувчи: Талабаларни мустақил ҳолда дон маҳсулотлари таркибидаги зараркунандалар билан зарарланганлигини тўғри ва тез аниқлаш, қобилиятларини ривожлантириш.

Машғулот шакли: кичик гуруҳларда.

Машғулот ўтиш жойи: ўқув хонаси, ўқув устахонаси.

Дидактик воситалар ва тарқатма материаллар: стол, стул, линейка, қалам, ўчирғич, зарарланган дон ва дон маҳсулотлари намуналари.

*Ҳаракат заиф бўлган жойда,
кучли билим фойдасиздир.
Ҳаракатсиз билим – исиз камон ўқидир.
Аз-Замахшарий*

5 – АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

МАВЗУ: МУАММОЛИ ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА ДАРС ИШЛАНМАСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

Амалий машғулотнинг мақсади: Муаммоли технология асосида ўқитишда дарс ишланмаларини ишлаб чиқиш бўйича талабаларда амалий кўникмаларни шакллантириш.

Амалий машғулот шакли: кичик гуруҳларда ва якка тартибда ишлаш.

Машғулот методлари: муаммоли, мунозара, ақлий ҳужум, такдимот.



АСОСИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Ўқув материални муаммоли технология асосида ўргатиш ёрдамида талабаларда мулоҳаза юритиш, исботлаш, умумлаштириш, далилларни таҳлил қилиш, талаба фикрини ўз ортидан эргаштириш, уни фаолроқ бўлишига ундаш каби усуллардан фойдаланишни кўзда тутати.

Муаммоли ўқитишда ўқитувчи аниқ ўқув мақсадларига йўналтирилган саволлар ва топшириқлар ишлаб чиқади. У муаммоли саволларни ҳал этишда ёки топшириқларни бажаришда талабаларнинг аниқ мақсадга йўналтирилган ҳаракатига тўртки беради ва жараёни назорат қилади. Талаба эса ўз таълимнинг фаол қатнашчиси бўлиб қолади. Муаммоли ўқитишнинг моҳияти шундаки, талабалар ўзлари муаммони мустақил ечишлари керак. Демак, ўқув материаллари ва топшириқлар тизими шундай тузилиши керакки, улар асосан мустақил фикр юритишга ҳамда ўрганишга қаратилиши лозим.

Муаммоли характердаги маърузани ташкил этиш бўйича қуйидаги услубий тавсиялар берилади:

- машғулот мавзуси билимнинг муаммоли соҳаси каби кўринишда берилади;
- маъруза режасининг саволлари муаммо ечимини омиллаштирувчи йўналишлари сифатида қараб чиқилади ва кичик муаммолар шаклида ифодаланади;

кичик муаммолар ечими ўқув топширигининг моҳиятини ва барча элементларини, кетма-кетликда очиб беришдан иборат;
кичик муаммолар ечими дастлаб алоҳида берилиши, ўзига умумлаштирилиши керак;
кичик муаммолар ечими орқали умумий муаммони ечишнинг бир нечта мақбул вариантлари ажратиб олинishi керак;
ўқитувчи муаммо ечими бўйича барча вариантларни кўрсатиб умумий ҳулосани ифодалайди.

Муаммоли семинарда (амалий машғулот) муаммоли ўқитиш технологиясининг иккинчи ва учинчи даражасини амалга оширилади.

Муаммоли топшириқлар асосан муаммоли вазиятларни яратиш, баҳолаш, таҳлил қилиш ҳамда ечими қабул қилинишдан иборат бўлган талабаларнинг фаол ўрганиш фаолиятига асосланган.

Муаммоли ўқитиш таълим жараёнида талабаларни фаол иштирок этишга ундайди, чунки ўзида юкори даражали фаоллик элементларини, яъни зарурат - эҳтиёж - кизиқишини мужассам этади.

Семинар, амалий, лаборатория машғулотлари муаммоларни таҳлил қила олиш ва ташхислаш ўз нуқтаи назарини аниқ ифодалай олиш, мунозара қила олиш, маълумотни қабул қилиш ҳамда баҳолай олиш каби қобилиятларини ривожлантиради, талабаларни ижодий изланишга йўналтиради, фаол ўрганишни рағбатлантиради, ушбу жиҳатлар замонавий ўқув - тарбия жараёнининг муҳим таълим талабларига мос келади.

Қуйида муаммоли машғулот ишланмаси намуна сифатида келтирилган.

Машғулот мавзуси: Дон ва дон маҳсулотларининг зараркунандалар билан зарарланганлигини аниқлаш (2 соат).

Машғулот мақсадлари:

Таълимий: Талабаларда дон маҳсулотлари таркибидаги зараркунандалар ҳақида билим ва қўникмаларни шакллантириш.

Тарбиявий: Талабаларда ўз-ўзини назорат қилиш, меҳнатга масъулият ва ижодий ёндашиш, донларни исроф қилмаслик ва тежаш ҳамда жиҳозлардан тўғри фойдаланишни шакллантириш.

Ривожлантирувчи: Талабаларни мустақил ҳолда дон маҳсулотлари таркибидаги зараркунандалар билан зарарланганлигини тўғри ва тез аниқлаш, қобилиятларини ривожлантириш.

Машғулот шакли: кичик гуруҳларда.

Машғулот ўтиш жойи: ўқув хонаси, ўқув устахонаси.

Дидактик воситалар ва тарқатма материаллар: стол, стул, линейка, қалам, ўчирғич, зарарланган дон ва дон маҳсулотлари намуналари.

Техник воситалар: қискич ва шпателлар, шуплар, ПОЗ-1 тажриба элакдони, тешик диаметри 1,5 ва 2,5 мм ли ғалвирлар, техник тарози ва тошлар, дон лупаси (х 4,5), термометр, металл ёки капрон элаклар, филтрли қоғоз, скалпел ёки олмос, секундомер, калий йодид (1 % ли эритма), кристаллик йод, уювчи калий ёки уювчи натрий (0,5 % ли эритма), калий перманганат (1 % ли эритма).

Машғулотнинг бориши

I. Ташкилий қисм - 10 дақиқадан иборат бўлиб, ўқитувчи талабалар билан саломлашади, уларнинг давоматини аниқлайди, иш ўринлари ва амалиёт хонасининг санитария-гигиена ҳолатини кўздан кечиради. Талабаларни янги мавзунинг режаси билан таништиради:

Режа:

1. Дон маҳсулотларини зараркундалар билан зарарланганлигини аниқлаш учун намуналар олиш.
2. Дон маҳсулотларини очик зарарланганлик тури бўйича аниқлаш.
3. Дон маҳсулотларини яширин зарарланганлик тури бўйича аниқлаш.

II. Асосий қисм. Машғулотнинг 1-қисми - 20 дақиқадан иборат.

Талабалар турли хил шаклга эга бўлган карточкаларни тортиб, ўз гуруҳларини аниқлайди. Ҳар бири 4-5 кишидан иборат кичик гуруҳлар ҳосил бўлади. Машғулот мавзуси, мақсади, машғулотдан кутиладиган натижалар, уни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини тушунтиради, талабаларга баҳолаш мезонларини эълон қилади. Талабаларнинг ўтилган мавзуларга оид билимларини аниқлайди. Бунинг учун мавзуга оид муаммоли саволлар беради.

Талабаларни фаоллаштиради, жавобларни тинглайди. Мустақил фикрларини эшитишни ташкил қилади. Йўл-йўрик ва тавсиялар беради. Ўтган мавзуга оид билимларини мустаҳкамлайди.

Машғулотда талабаларнинг ишлашлари учун зарур дидактик воситалар, қўлланмалар, йўл-йўрик, кўрсатма хариталар, илмий адабиётлар, стол, доска, ҳамда таълимнинг техник воситалари мавжуд бўлган ўқув устахонасида ўтказилади.

Ўқитувчи талабаларга машғулотнинг умумий мазмуни ва уни ўтказиш тартибини тушунтиради. Муаммоли амалий машғулот куйидаги боскичларда амалга оширилади:

1. Тайёрлов. Бу боскич учун ўқитувчи мавзунинг муаммоли вазиятини танлайди, мақсадни, натижани ва унинг баҳолаш мезонини шакллантиради. Қўйилган технологик харитани ва муаммоли вазиятни талабалар томонидан ечиш тартибини ишлаб чиқади.

2. Муаммога кириш. Муаммоли топирикни ечишга йўналтиради, шу билан бирга, уларни иш натижаларини баҳолаш мезонлари билан таништиради. Талабалар гуруҳларга бўлинадилар, муаммоли вазият ва муаммо баён этилган материал билан танишдиладар.

3. Муаммони ечиш. Муаммони тўғри тушунганлигига ишонч ҳосил қилиш учун, мунозарани фаоллаштириш, керак бўлса, мақсадга нўналтириш учун бир гуруҳдан иккинчисига ўтади. Талабаларга мажмуавий муаммоларни турлича кўриб чиқиш мумкинлигини тушунишларига имкон беради. Талабалар ушбу муаммони ечишнинг турли имкониятларини муҳокама қиладилар, уларни таҳлил қиладилар, энг қулайларини топадилар, бир фикрга келадилар.

4. Натижаларни тақдим этиш. Талабалар натижаларни хабар қиладилар, бошқа гуруҳлар таклиф қилган вариантларни муҳокама қиладилар. Ўқитувчи талабаларни диққат билан тинглайди. Оқдний қатнашчи сифатида саволлар беради.

5. Умумлаштириш, яқун ясаш. Ўқитувчи қисқача ва баҳосиз таклиф қилинган муаммони ечиш усули ҳамда йўлларининг энг асосийларини санаб ўтади, айниқса кўпчилик фикрига мос келадиганларини алоҳида таъкидлайди. Талабалар энг қулай вариантни аниқлайдилар.

Ўқитувчи муаммони тўлиқ ечиш даражасини бутунлигича ва талабаларни ҳаракатлар стратегияси бўйича баҳолайди. Натижаларни «Баҳолаш варағига» қайд қилади.

6. Хулоса чиқариш. Талабалар ўқитувчи билан натижаларни таҳлил қилишда қилинган камчиликларни бартараф этиш бўйича фикрлашадилар.

Машғулот 2-қисми - 40 дақиқа.

Дон маҳсулотлари таркибидаги зараркунандаларни аниқлаш бўйича муаммоли топшириқларни бажаради. Техника ва меҳнат хавфсизлиги ҳамда санитария-гигиена қоидалари, зараркунандаларни аниқлаш босқичларини таҳлил қиладилар, берилган намуналар асосида ишни бажардиладилар. Талабаларга иш жараёнида йўл қўйиладиган нуқсонлар ва уларни бартараф этиш йўллари ҳақида маълумот берилади. Ҳар бир кичик гуруҳ ўзига берилган топшириқ асосида дон маҳсулотини зарарланганлигини аниқлайдилар.

Ўқитувчи кичик гуруҳларда бажарилган амалий топшириқни кузатади, таҳлил қилади. Ишни сифатли бажарган талабалар рағбатлантирилади. Ўқитувчи бажарилган топшириқни текшириб, уларни маълум мезонлар асосида баҳолайди.

Талабалар ишини қуйидаги тарзда баҳолаш ҳам мумкин: талаба ишни бажара олмади қониқарсиз (55 % дан паст), қониқарли (56-71%), яхши (72-85 %), аъло даражада бажарди (86-100 %).

III. Яқуний қисм - 10 дақиқа.

Гуруҳ талабалари тўплаган баллар эълон қилиниб, ғолиб гуруҳ рағбатлантирилади. Баҳолаш мезонлари ўқув мақсадларига қай даражада эришилганлигини англаувчи кўрсаткич бўлиб, у сонлар («5»,

«4», «3», «2») ёки сўзлар («аъло», «яхши», «қоникарли», «қоникарсиз») билан ифодаланиши, шунингдек, ҳозирги кунда талабалар билимини назорат қилишда 100 баллик рейтинг тизимидан ҳам фойдаланиш мумкин. Талабалар билимини баҳолаш мезонлари жадвалда берилган. Бажарилган ишларнинг ютуқ ва камчиликлари таҳлил қилинади, йўл қўйилган хатоликлар сабаблари аниқланади ҳамда бартараф этиш йўллари тушунтирилади. Уйга бажариш учун топшириқ берилади.



Мустақкамлаш учун саволлар

1. Муаммоли ўқитишни жорий этиш орқали талабаларда қайси фазилатлар ва қобилиятлар шакллантирилади?
2. Муаммоли маърузани ташкил этишда қандай қоидаларга риоя этилиши керак?
3. Муаммоли технология асосидаги машғулот ишланмаси қайси таркибий қисмлардан иборат?

Кичик гуруҳларда ишлаш учун топшириқлар

1- топшириқ



Мавзу бўйича қуйидаги таянч иборалар мазмунини ёритинг?

1- кичик гуруҳ учун

Таянч иборалар	Мазмунини қисқача ифодаланг
Дарс ишланма	
Таълимни технологиялаштириш	
Анъанавий ўқитиш	

2- кичик гуруҳ учун

Таянч иборалар	Мазмунини қисқача ифодаланг
Технологик харита	
Педагогик технология	
Ноанъанавий ўқитиш	

3 кичик гуруҳ учун

Таянч иборалар	Мазмунини қисқача ифодаланг
Фаолият	
Илмийлик тамойили	
Дарс	

2-топширик

Ҳар бир кичик гуруҳ ўзи ўқиётган йўналишга мос касб-ҳунар коллежида ўқитиладиган махсус фанидан 1 та мавзу танлаб олиб, шу мавзу мазмунини қисқача баён этиши лозим. Танлаган мавзунини яхши ўрганиб муаммоли дарс ишланмаси ишлаб чиқиши ҳамда кейинги машғулотда тақдирот ўтказди.



Адабиётлар рўйхати

- 1.Олимов Қ.Т. Замонавий таълим технологиялари. Монография. Тошкент – 2007. 87 б.
- 2.Каримжонов И.А. ва бошқалар. Янги педагогик технологиялар. Тошкент. 2002. 146 б.
3. Узоқова Л.П. Касб ҳунар коллежларида махсус фанларни муаммоли ўқитиш технологияси. Пед. Фан. Номз. Дисс. Тошкент.-2008.
- 4.Ғаффаров А.Х. Муаммоли ўқитиш жараёнини ташкил этиш методикаси. //Таълим муаммолари. №4. Тошкент.-2009. 81 б.

Эскини ўзлаштирган ва янгини тушунишга
қодир инсонгина тарбиячи бўла олади.

Конфуций

6 – АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

МАВЗУ: МОДУЛЛИ ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА ЎҚУВ МАТЕРИАЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

Амалий машғулот мақсади: Талабаларда модулли ўқитиш технологиясини қўллаш ҳамда модулли ўқув материалларини ишлаб чиқиш бўйича билим ва кўникмаларни шакллантириш.

Машғулот шакли: кичик гуруҳларда ишлаш, жамоа бўлиб ишлаш.

Машғулот методлари: мунозара, ақлий хужум, топшириқлар, тақдимот.



АСОСИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Таълим жараёнини ривожлантиришнинг самарали йўналишларидан бири – фанларни модулли технология асосида ўқитишдир. Анъанавий таълимда ўқув мақсадлари педагог фаолияти орқали ифодаланган, яъни билим беришга йўналтирилган бўлса, модулли ўқитишда талабалар фаолияти орқали ифодаланиб, бевосита касбий фаолиятга йўналтирилган бўлади.

«Модули ўқитиш» термини халқаро тушунча модул билан боғлиқ бўлиб, унинг битта маъноси - фаолият кўрсата оладиган ўзаро чамбарчас боғлиқ элементлардан иборат бўлган тугунни билдиради. Бу маънода у, модулли ўқитишнинг асосий воситаси сифатида, тугалланган информация блоки сифатида тушунилади.

Модул фанининг фундаментал тушунчаларини – маълум ҳодиса ёки қонун, ёки бўлим, ёки маълум бир йирик мавзу ёки ўзаро боғлиқ тушунчалар гуруҳини ўз ичига олади.

Ҳар бир модул маърузавий машғулотлар ва шу билан боғлиқ бўлган амалий (семинар), лаборатория машғулотларидан иборат бўлади.

Модулли ўқитишда, ўқув дастурларини тўла, қисқартирилган ҳамда табақалаштириш орқали, босқичма-босқич ўқитиш имконияти яратилади, яъни ўқитишни индивидуаллаштириш мумкин бўлади.

Модулли ўқитиш, фаннинг асосий масалалари бўйича умумлаштирилган маълумотлар берувчи муаммоли ва йўрикли маърузалар

ўқилишини тақозо этади. Маърузалар талабаларнинг ижодий қобилиятини ривожлантиришга қаратилмоғи лозим.

Модул амалий ва лаборатория машғулотлари маърузалар билан бирга тузилиши, уларни маърузалар мазмунини ўрганиладиган янги материал билан тўлдирилиш керак.

Модулни ўқитишнинг самарадорлигини ошириш учун ўқитишнинг қуйидаги усуллари қўллаш мумкин:

- муаммоли мулоқотлар;
- эвристик суҳбатлар;
- ўқув ўйинлар;
- лойиҳалаш ҳамда йўналтирувчи матнлар ва ҳоказо.

Модулли ўқитишда талабаларни ўз қобилиятига кўра билим олиши учун тўла зарур шарт-шароитлар яратилади. Модулли ёндашув ўқитувчи учун маълум даражада дарслик функциясини бажарувчи ўқув қўлланмалар ва ўқув материалларини ишлаб чиқишда ҳам қўлланиши мумкин.

Модулли технология асосида ўқув материалларини ишлаб чиқиш учун дастлаб фан бўйича бир-бирига ўзаро боғлиқ мавзулар битта модулда гуруҳланади.

Қуйидаги модулли ўқув материалнинг тузилмаси келтирилган:

1. Модул номи.

2. Модулга ажратилган умумий соат.

Жумладан назарий машғулот учун ажратилган соат. Амалий машғулот учун ажратилган соат.

3. Модулнинг ўқув мақсадлари.

4. Машғулотларни ўтказиш шакли.

5. Модул бўйича асосий назарий маълумотлар

6. Тестлар

7. Амалий машғулотлар мазмуни

8. *Технологик харита* – модул бўйича фаолият усулининг бажарилиш бўйича амалга ошириладиган амалий ишлар мажмуидир.

Технологик харитани лойиҳалаш педагогик маҳорат чўққиси ҳисобланади, чунки модул давомида бажариладиган амалий иш жараёни технологик харитада қоидали тарзда тасвирланиши керак.

9. *Баҳолаш мезонлари*. Талабаларнинг назарий билим ва амалий кўникмаларини баҳолаш мезонлари берилади.

10. *Фанни модулли ўқитиш методикасига доир тавсиялар ва кўрсатмалар*. Модулли тузилма асосида яратиладиган дарслик охирида фанни модулли технология асосида ўқитишни ташкил этиш, ўтказиш, талабалар билим ва кўникмаларини баҳолаш бўйича методик тавсиялар берилиши керак.

11. Ўқув адабиётлари ва дидактик воситалар рўйхати. Ҳар бир модул охирида модулни ўзлаштириш учун қўшимча адабиётлар, зарурий жиҳозлар, кўргазмалар ва техник воситалар, асбоб ускуналар ҳамда маҳсулотлар рўйхати берилиши керак. Чунки талабалар мустақил ишларни бажаришлари давомида қўшимча адабиётлардан фойдаланишлари учун имконият бўлиши керак. Талабалар амалий ишларни бажаришлари учун зарурий жиҳозлар ва ускуналар рўйхати берилиши шарт.

Ушбу тузилма асосида ҳар бир модул тўлиқ ўқитилгандан кейин 2 модулга ўтилади. Бу қоида модулли ўқитишнинг асосий тамойили ҳисобланади.

Ўқув материални модулли технология асосида ишлаб чиқишнинг моҳияти шундаки, таълим олувчининг ўқув жараёнида аниқ натижага эришишини кафолатловчи фаолиятини дастурловчи модулларни яратишдан иборатдир. Шунинг учун дарслик мазмунини ишлаб чиқиш ўқув материали чегарасида эмас, балки мустақил ва тугалланган ўқув жараёни лойиҳаси, яъни модул кўринишида тақдим этилиши керак.



Мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Модул деганда нимани тушунасиз?
2. Сизнингча модулли ўқитишнинг афзаллиги нимада?
3. Модулли ўқитишда қандай фаол усуллардан фойдаланиш тавсия этилади?
4. Модулнинг таркибий қисмларини айтинг?

Кичик гуруҳларда ишлаш учун топшириқлар

1- топшириқ



Мавзу бўйича қуйидаги таянч иборалар мазмунини ёритинг?

1- кичик гуруҳ учун

Таянч иборалар	Мазмунини қисқача ифодаланг
Модулли ўқитиш	
Эвристик суҳбатлар	
когнитив визуаллилик	

2- кичик гуруҳ учун

Таянч иборалар	Мазмунини қисқача ифодаланг
Муаммоли мулокотлар	
Фаолиятлилиқ	
Ўқув ўйинлар	

3- кичик гуруҳ учун

Таянч иборалар	Мазмунини қисқача ифодаланг
Модуллилиқ	
Тизимли	
Қизиқтириш	

2-топшириқ

Ҳар бир кичик гуруҳ ўзи ўқиётган йўналишга мос касб-ҳунар коллежида ўқитиладиган махсус фанидан ўзаро назарий ва амалий мавзуларни танлаб олиб, битта модулга бирлаштириб, шу модул бўйича ўқув материални ишлаб чиқиши ҳамда кейинги машғулотда тақдирот ўтказиши талаб этилади.

**Адабиётлар рўйхати**

1. Авлиёкулов Н.Х., Мусаева Н.Н. Педагогик технологиялар. Тошкент: Фан ва ва технология. 162 б.
2. Олимов Қ.Т. Замонавий таълим технологиялари. Монография. Тошкент – 2007. 87 б.
3. Ашурова С. Махсус фанларни модулли ўқитишнинг илмий методик асослари. Тошкент. Пед. Фан. Номз. Дисс. 2005 йил .126 б.
4. Олимов Қ.Т. Модулли технология асосида ўқув адабиётларини яратиш имкониятлари//. Педагогик таълим. Тошкент. 2007. б.

*Дарс ила тарбия орасида бир оз
фарқ бор бўлса ҳам, иккиси бир-биридан
айрилмайдиган, бирининг вужуди бирига
бойланган эсон ила тан кабидир.*
Абдулла Авлоний

7 – АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

МАВЗУ: ЎЙИНЛИ ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА МАШҒУЛОТЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Амалий машғулот мақсади: Ўйинли ўқитиш технологиясини қўллаш бўйича талабаларда билим ва кўникмаларни шакллантириш.

Машғулот шакли: кичик гуруҳларда ишлаш, жамоа бўлиб ишлаш.

Машғулот методлари: мотивация, ўйинлар, мунозара, ақлий ҳужум, топшириқлар, тақдирот.



АСОСИЙ МАЪЛУМОТЛАР

 Таълим олувчилар фаоллигини таъминловчи ўқитиш технологияларидан бири дидактик ўйинлар ҳисобланади. Ўқитиш жараёни ўйин фаолиятига қизиқиш, талабаларнинг ўз-ўзини ифода этиш ва имкониятларини рўёбга чиқариш каби эҳтиёжларини қондирувчи, мусобақалашуш элементлари орқали таъминланади.

Ўйин технологияси самарасига таъсир қилувчи омилларидан бири – бу сценарийнинг бевосита талабаларнинг келгуси касбий фаолияти мазмуни билан боғлиқ бўлиши лозим. Талабалар назарий машғулотларда ўзлаштирган билимларини амалий мустаҳкамлайдилар, мустақил ҳаракат қиладилар, қарор ва ҳулосалар чиқарадилар, ўзларини синаб кўрадилар.

Ўйин технологиялари мазмуни, қўллаш мақсадларига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Бошқарувчанлик ёки ишбоп ўйинлар.
2. Тадқиқотчилик ўйинлари.
3. Муаммоли ўйинлар.

Юқорида келтирилган ўйин технологияси турлари талабаларнинг мутахассислик тайёргарлиги ва малака тоифасига қўйиладиган талабларга асосан танланади. Бундан ташқари ўрганилаётган фан хусусиятлари, ўйинларнинг ўқув-дидактик ҳамда тарбиявий имкониятлари ҳам эътиборга олинади.

Ўйин технологиялари қуйидаги омилларни эътиборга олиб танланади:

1. Давлат таълим стандартида талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар мазмуни.
2. Машғулоти тури.
3. Дарснинг мақсад ва вазифалари.
4. Ўқитувчининг тайёргарлиги.
5. Талабаларнинг тайёргарлиги.

Ўйин технологиялари асосида машғулоти ташкил қилишда қуйидаги омилларга эътибор қаратилади:

1. Ўйин технологиялари таълимнинг барча ўқув-дидактик ва тарбиявий мақсадларига мос бўлиши керак.
2. Ўйин технологиялари бевосита талабаларнинг касбий тайёргарлиги мазмуни билан боғлиқ бўлади.
3. Ўйин технологияларини танлаганда ўқитиладиган фан хусусияти, машғулоти тури, мақсад ва вазифалари, ўқитувчининг ҳамда талабаларнинг тайёргарлик даражалари эътиборга олинади.
4. Машғулотида талабаларнинг онгли ва фаол иштирокини таъминлаш учун ўйин технологияларнинг таълимий имкониятлари, қўйиладиган натижалар ҳақида батафсил маълумот берилади.
5. Сценарий асосини талабаларнинг бўлғуси касбий фаолияти билан боғлиқ ҳаётий воқеа-ҳодисалар ташкил қилади. Сценарий ўқитувчи томонидан тайёрланиши ҳам мумкин.
6. Роллар, иштирокчилар сони олдиндан белгиланади. Ролларни ижро этувчи талабаларнинг тахминий рўйхати тузилади.
7. Ролларнинг сценарийга мос равишда ижро қилинишини таъминлаш учун образларнинг ижтимоий-психологик характеристикаси ишлаб чиқилади. Натижада иштирокчилар ролларни киришиб ижро қиладилар.
8. Ролларнинг ижтимоий-психологик характеристикаси индивидуал равишда ҳар бир иштирокчининг фақат ўзигагина маълум бўлишига эътибор қаратилади. Бу ўз навбатида ўзаро муносабатларда қўйилмаган, тасодифий вазиятларни яратишга хизмат қиладилар. Ролларни ижро қилишдан олдин аудиторияда қисқа машқ ўтказадилар.
9. Сценарий бўйича аудиторияда ўйин учун зарур бўлган барча воситалар олдиндан тайёрланади. Стол, стул, ёзув қоғозлари, тақвим.
10. Ўқитувчи ўйин бошланишидан олдин экспертлар билан суҳбатлашиб олади. Сценарий бўйича ўйинни таҳлил қилиш мезонлари тушунтирилади. Экспертларга ўйинни баҳолаш мезонлари асосида тайёрланган йўриқномалар тарқатилади.

11. Талабаларга ўйин ва унинг босқичлари учун ажратилган вақт меъёрлари эслатиб ўтилади.
12. Ўқитувчи роллар ижроси давомида ўйинда иштирок қилмайди. Ўқитувчи ўйингача бўлган вақт оралиғида талабаларни фаолиятга тайёрлайди.
13. Роллар ижро қилингандан кейин ўқитувчи фаолият таҳлили учун шароит яратди. Яъни талабаларни фаоллаштиради, барчани мушоҳада қилишга чақириб, рағбатлантиради, йўналтирувчи саволларни бериб боради.
14. Экспертларнинг фикрлари тингланади. Экспертлар ўз хулосаларини тўғри ифодалашлари, фикрларини аниқ далиллар билан асослашлари керак. Асосий экспертлардан кейин мустақил экспертлар ҳам мулоҳазаларини билдирадилар.

Хулоса ўрнида кўрсатиш мумкинки, ўйин технологияларининг таълимий имкониятлари катта. Машғулотларда ўйин технологияларини қўллаш натижасида талабаларда таълимга нисбатан кучли мотивацияни шакллантириш мумкин.



Мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Ўйинли технологияларнинг таълим жараёнидаги афзаллигини тушунтиринг?
2. Ўйинли технологияларни мазмуни ва қўллаш мақсадларига кўра неча гуруҳга бўлинади?
3. Ўйинли технология асосида машғулотни ташкил қилишда қандай қоида ва омилларга асосланиш лозим?

Кичик гуруҳларда ишлаш учун топшириқлар

1- топшириқ



Мавзу бўйича қуйидаги таянч иборалар мазмунини ёритинг?

1- кичик гуруҳ учун

Таянч иборалар	Мазмунини қисқача ифодаланг
Ўйин технологиялари	
Бошқарувчанлик	
Ишбоп ўйин	

2- кичик гуруҳ учун

Таянч иборалар	Мазмунини қисқача ифодаланг
Ролли ўйин	
Фаолият	
Лидерлик	

3- кичик гуруҳ учун

Таянч иборалар	Мазмунини қисқача ифодаланг
Қатъийатлилиқ	
Ташкилотчилиқ	
шахсий фикр	

Кичик гуруҳларда ишлаш учун ўйинли топшириқлар
1 қисм


Ҳар бир кичик гуруҳга кроссвордлар берилади ва 10 мин вақт ажратилади. Экспертлар гуруҳи томонидан кроссвордлари жавоби текширилади ва жавобларга қараб кичик гуруҳларга баллар берилади.

1- кичик гуруҳ учун**Энига:**

1. Қаттиқ маҳсулотларни сувсизлантириш, брикетлаш, пластик маҳсулотларга шакл беришда фойдаланилади.
2. Маҳсулот сифатини ва фойдаланиш муддатини оширишда, харажатларни камайтиришда, ташишни яхшилашда қўлланилади.
3. Бу шнек-пресс жомни сиқиш учун ишлатилади.

Бўйига:

1. Бу пресснинг ишчи органи ичида поршен ёки плунжер ҳаракатланадиган ишчи цилиндрдир.
2. Бу шнек пресснинг асосий иш органидир, улардаги тешиқлар орқали буғ ҳаракатланади.




2 кичик гуруҳ учун

Энига:

1. Материални таркибидан иссиқликни чиқариб юбориш йўли билан унинг температурасини пасайтириши.
2. Газлар қандай қурилма ёрдамида кенгайтирилади?
3. Совитиш машиналар таркибига киради.

Бўйига:

1. Совитиш циклининг асосларидан бири.
2. Совитиш жиҳозлари турларидан бири.




3 кичик гуруҳ учун

Энига:

1. Эритмалар таркибидаги қаттиқ фазани кристаллар ҳолида ажратиб олиш.
2. Вакуум-кристаллизаторнинг қисмларидан бири.

Бўйига:

1. Берилган температурада эритманинг қаттиқ фаза билан мувозанат ҳолатида бўлиши қандай эритма дейилади?
2. Унда майда ўлчамли кристаллар олинади.
3. Мавҳум қайнаш қатламли кристаллизаторнинг қисмларидан бири.



2 қисм

Ҳар бир кичик гуруҳга тадқиқотчилик ўйинлари топшириқлари берилади. Кичик гуруҳлар адабиётлар, илмий ишлар, интернет янгиликлари ва бошқа манбалардан материал тўплашлари ҳамда тақдимот тайёрлайдилар. Энг яхши натижага эришган ва чиқиш қилган кичик гуруҳга максимал балл қўйилади.

1 кичик гуруҳ учун

Майдалагичларнинг турлари, бир-биридан фаркли хусусиятлари ва уларни ишлаб чиқарувчи жаҳон миқёсида энг йирик машинасозлик корхоналари бўйича маълумот тайёрланг ва тақдимот қилинг.

2 кичик гуруҳ учун

Донадор маҳсулотлар катламидан ўтаётган ҳаво тезлиги иккинчи критик тезликка тенг бўлса қандай ҳодиса содир бўлади? Мисоллар билан исботлаб беринг.

3 кичик гуруҳ учун

Иссиқлик алмаштириш қурilmалари ва уларни бир-биридан фарқли хусусиятлари ҳамда уларни ишлаб чиқарадиган жаҳон миқёсидаги энг йирик корхоналари ҳақида маълумот тайёрланг ва тақдимот қилинг.

***Изоҳ:** кичик гуруҳлар слайдлар, қизиқарли ва исботловчи материаллар ҳамда натижалар тасвирланган слайдлар билан чиқиш қилишлари керак.*

***Баҳолаш:** ҳар бир кичик гуруҳ тақдимотини қолган иккита кичик гуруҳлар эксперт сифатида баҳолайдилар. Энг охири тақдимот натижалари бўйича ўқитувчи ўз фикрини баён қилади ва умумий балларни эълон қилади.*



Адабиётлар рўйхати

1. Авлиёкулов Н.Х., Мусаева Н.Н. Педагогик технологиялар. Тошкент: Фан ва ва технология. 162 б.
2. Исмоилова Ш. Ўйин технологияларининг таълимий имкониятлари // Ж. Таълим муаммолари. Тошкент. -2009. №1. 66-68 бетлар.
3. Ходиев Б.Ю., О.Б. Гимранова. Современные образовательные технологии: Теория и практика реализации. Ташкент.-2007. 320с.
4. Муродова Ф. Имитацион ўйинли технологиялари асосида педагогик фаолиятни моделлаштириш. // Ж. Педагогик маҳорат. 2010.

*Талабани меҳнат қилишига ўргат, уни нафақат
меҳнатни севишига, у билан шундай уйғунлашишига
қўниктиргинки, токи меҳнат унинг вужудига
сингиб кетсин, уни шунга ўргатки, унинг учун
ўз кучи билан бирон бир нарсани билиб ололмаслик
ақлга сизмайдиган ҳолат ҳисоблансин.
Дистерверг*

8 – АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

МАВЗУ: КОМПЬЮТЕРЛИ ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ЎРГАНИШ

Амалий машғулот мақсади: Талабаларда компьютерли ўқитиш технологиясини қўллаш бўйича билим ва кўникмаларни шакллантириш.

Таълим шакли: кичик гуруҳларда ишлаш.

Машғулот методлари: маълумот йиғиш, мунозара, топшириқлар, такдимот.



АСОСИЙ МАЪЛУМОТЛАР



Ҳозирги даврда ахборот ва коммуникация технологияларининг кириб келиши ўқитишнинг янгича ёндашувни талаб этади. Бундай таълим шаклларида бири **компьютерли ўқитиш** технологиясидир.

Компьютерли ўқитиш технологиясининг таълим жараёнига жорий этилиши мустақил билим олиш ва масофавий ўқитишга йўл очиб беради. Компьютерли ўқитиш технологияси асосан электрон таълим ресурслари орқали амалга оширилади.

Компьютерли ўқитиш технологиясининг **хусусияти** шундаки:

- таълим олувчининг мустақил фикрлаш ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган;
- ўқитувчи таълим жараёнида маслаҳатчи сифатида қатнашади;
- ўқитиш жараёнидаги ахборот воситалари ва ресурслари фаол интеграцияси таъминланади;
- ўқитиш мотивациясини оширади;
- таълимнинг интенсивлиги ва натижавийлигини оширади;
- таълим олувчининг мустақил ишлаш ва излаш малакаларини шакллантиради.

Таълим жараёнига компьютер технологияларини қўллаш ўқитиш даврини қўчайтиради. Таълим олувчиларни фаоллаштиради, секин ўзлаштирувчи талабаларнинг қўшимча шуғулланишлари учун имконият

яратади. Таълим олувчилар доимо ўзларининг билимларини баҳолаш учун имконият яратилади. Шунинг таъкидлаш жоизки, муваффақиятли таълим тизими юксак малакали ва педагогик маҳоратга эга илғор ўқитувчилардан бошланади. Компьютердан ўқитиш технологиясида ўқитувчи таълим жараёнида марказий фигура ҳисобланади. Компьютер ўқитувчи ўрнини боса олмайди, фақат унга қўшимча дидактик восита бўлиб хизмат қилади.

Компьютер ўқитиш технологиясида ўқитувчи қуйидаги вазифаларни бажаради:

- электрон таълим ресурслари (Электрон дарслик, электрон қўлланма ва бошқа электрон ўқув материаллари) воситасида ўқитиш жараёнини ташкил этиш;
- компьютер синфидаги тармоқли бошқариш, инструктал ўтказиш, таълим олувчиларни фаоллаштириш;
- таълим олувчилар таълим олувчиларни индивидуал кузатиш, уларга ёрдам кўрсатиш, яъни электрон дарслик билан мустақил ишлашга йўналтириш;
- таълим олувчилар таълим олувчиларнинг ўқув материаллари билан ишлашда маслаҳатлар бериш;
- таълим олувчиларнинг топшириқларни бажариш бўйича қўшимча кўрсатмалар бериш;
- таълим олувчиларнинг ўз-ўзини баҳолаш натижаларини таҳлил этиш.

Электрон дарсликлар воситасида ўқитишда ўқитувчи ва таълим олувчиларнинг компьютер билан ишлаш малакасига эга бўлишини талаб қилади, яъни информатика ва ҳисоблаш техникаси асосий тушунчаларни, компьютер техникасининг функционал имкониятларини ҳамда принципиал қурилмаларини билиш, асосий командалар, дастурлар билан ишлаш, дастурлаштиришнинг тили ва алгоритмлари тўғрисида дастлабки тушунчаларга эга бўлиш, матнли дидактор билан ишлаш қўникмалари.



Мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Компьютерли ўқитиш технологиясига изох беринг?
2. Компьютерли ўқитиш технологиясининг хусусиятларини айтиб ўтинг?
3. Компьютерли ўқитиш технологиясини қўллашда ўқитувчининг вазифаси нималардан иборат бўлади?
4. Компьютерли ўқитиш технологиясини қўллашда ўқитувчига ва таълим олувчига қандай талаблар қўйилади?

Кичик гурухларда ишлаш учун топшириқлар

1- топширик

 Мавзу бўйича қуйидаги таянч иборалар мазмунини ёритинг?

1- кичик гурух учун

Таянч иборалар	Мазмунини қисқача ифодаланг
Компьютерли ўқитиш	
Статистик маълумотлар базаси	
Виртуал талаба	

2- кичик гурух учун

Таянч иборалар	Мазмунини қисқача ифодаланг
Масофавий ўқитиш	
Мультимедиа	
Маълумотлар базаси	

3- кичик гурух учун

Таянч иборалар	Мазмунини қисқача ифодаланг
Интеллект	
Статистик маълумотлар	
Иерархик маълумотлар базаси	

2- топширик

Ҳар бир кичик гурухга махсус фанларга оид ўқув материали тарқатилади. Ушбу ўқув материали бўйича компьютерли ўқитиш технологияси асосида назарий машғулоти ташкил этиш учун қуйидагиларни бажариш талаб этилади. Интернетга уланган компьютердан фойдаланиб:

- А) Назарий ўқув материали электрон версияси тайёрланади (1 файл).
- Б) Ўқув материални кўргазмани узатиш учун такдимот слайдлари тайёрланади (2 файл).

В) Талабалар ўз-ўзини баҳолаш имконияти учун ўқув материали бўйича 5 та тестлар ишлаб чиқилади (3 файл).

Г) Ўқув материали мавзусига оид қўшимча сифатида интернетдан материаллар (илмий ишлар ва бошқа янгиликлар) тўпланади (4 файл).

Д) Мавзуга оид топшириқлар, ребуслар ёки кроссвордлар ишлаб чиқилади (5 файл).



Адабиётлар рўйхати

1. Олимов Қ.Т. Замонавий таълим технологиялари. Монография. Тошкент – 2007. 87 б.
2. Авлиёқулов Н.Х. Педагогическая технология. Ташкент «Алоқачи»- 2009 .- 146 с.
3. Шомуродов Т.Р. ва бошқалар. Озиқ-овқат технологиясида ишлаб чиқариш жараёнлари ва қурилмалари. Ўқув қўлланма. Т., Илм зиё. 2006. 231 б.
4. Ходжиев М.Т, Олимов Қ.Т. Электрон дарсликларни яратиш технологияси ва сифатини баҳолаш методикаси. Тошкент: Фан, 2005.
5. Трайнёв В.А., Трайнёв И.В. Информационные коммуникационные педагогические технологии. М., 2008. 280 с.

*Илм бир чироқдурким, сени роҳат
ва фароғатга ҳеч бир захматсиз етказади.
Абу Лайс Ас-Самарқандий*

9 – АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

МАВЗУ: ЛОЙИҲА УСУЛИНИ ҚЎЛЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Амалий машғулот мақсади: Талабаларда машғулотларни лойиҳа усулида ташкил этиш бўйича билим ва кўникмаларни шакллантириш.

Машғулот шакли: кичик гуруҳларда ишлаш.

Машғулот методлари: маълумот йиғиш, мунозара, топшириқлар, такдимот.



АСОСИЙ МАЪЛУМОТЛАР



Лойиҳа усули Европа мамлакатларида «Лойиҳаларга ва мавжуд билимларни янги вазиятда қўллашга қаратилган таълим» деб аталади.

Лойиҳа асосан ўрганишга хизмат қилиш, назария билан амалиётни боғлаш, корхонада учрайдиган бирон иш жараёнига таълуқли бўлиши, талабалар томонидан мустақил режалаштира олинadиган, меҳнатни ташкиллаштиришни ва амалга ошира оладиган бўлиши лозим. Бунда талабалар ўзларининг мутахассислик соҳаси бўйича муаммони ечиш усуллари ишлаб чиқиш имкониятларига эга бўлишади.

Лойиҳа усулининг бутун таълим жараёни доирасида қўлланиши учун лойиҳалар қуйидагича бўлиши керак:

1. Аниқ чекланган топширик, масалан бирор ишни режалаштиришдан бошлаб сифат текширишигача иш тартиби таърифи билан бирга берилиши керак.
2. Талабалар нуқтаи назаридан топширик мураккаб бўлиши ва улардан мавжуд билимларини бошқа вазиятларда қўлай олишни талаб қиладиган топширик бўлиши керак. Чунки талаба муаммони ҳал қилишда мавжуд билимларидан ташқари бошқа билим кўникмаларини ишлатишга мажбур бўлишлари керак.
3. Ўзлаштирилган билим кўникмалар орқали янги топшириқни режа асосида ва иложи борича мустақил ҳаракатланиши талаб қилинади.

Лойиҳалар усули билим ва малакаларни, таҳлил қилиш ҳамда баҳолашни амалий қўллашни назарда тутувчи таълимнинг мажмуавий усулини амалга оширади. Бошқа усулларга қараганда, бу усулда талабалар режалаштиришда, ташкил қилишда, текширишда, таҳлил

килишда ва бажарилган ишнинг натижаларини баҳолашда кўпроқ иштирок этадилар.

Лойиҳалар усулида таълим беришда фақат натижалар эмас, балки жараённинг ўзи кўпроқ қимматлироқдир. Лойиҳа индивидуал бўлиши мумкин, лекин, одатда ҳар бир лойиҳа ўқув гуруҳининг биргаликдаги фаолиятининг мувофиқлаштирилган натижасидир.

Лойиҳа бир фанга оид, фанлар орасида ёки фандан ташқари бўлиши мумкин.

Лойиҳа усулининг технологик харитаси.

Иш боскичла- ри ва таркиби	Фаолият	
	Ўқитувчи	Талаба
I-боскич. Тайёрлов.	Лойиҳаларнинг мақсади ва мавзу рўйхатини аниқлайди. Талабаларни лойиҳали ёндашишнинг маъноси билан таништиради. Бир неча мавзу таклиф қилади, лойиҳа мазмуни ҳақида сўзлайди, унинг чегараларини аниқлайди. Иш кўринишларини, уларнинг натижасини ва баҳолаш мезонини санаб беради.	Гуруҳларга бирлашадилар, лойиҳа мавзусини таҳлил қилиб танлайдилар. Керак бўлса қўшимча маълумот оладилар, мақсадларни белгилайдилар, лойиҳа устида ишлаш натижаларини муҳокама қилдилар.
II-боскич. Режалаштириш.	Ҳоялар таклиф этади, таклифлар киритади. Маълумот манбаларини, уни йиғиш ва таҳлил қилишни тавсия қилади. Оралиқдаги боскичлар ва бутун жараённинг натижаларини баҳолаш мезонларини ҳамда тартибини белгилайди.	Иш режасини тузадилар; вазифаларни аниқлайдилар, лойиҳани йўналиши ва бажарилиши боскичларини, уларнинг изчиллигини аниқлайдилар, гуруҳ аъзолари орасида вазифаларни бўлиб оладилар, биргаликда фаолиятни шаклини аниқлайдилар. Ўқитувчи билан натижаларни топшириш усуллари ҳақида келишадилар.

III-босқич. Тадқиқ қилиш.	Маълумот манбаларини қидиришга ёрдам беради, маслаҳат беради, кузатади, ўзи маълумот манбаи ҳисобланади. Фаолиятга билвосита бошчилик қилади.	Текширишни бажари дилар. Маълумот йиға дилар, оралиқдаги натижаларни ечадилар.
IV-босқич. Маълумот-ни таҳлил қилиш. Хулосалар-ни шакл-лантириш.	Бутун жараёни мувофиқлаштиради, орқага қайтувчи алокани қўллаш.	Олинган маълумотларни таҳлил қиладилар, якуний натижаларни аниқлайдилар.
V-босқич. Ҳисобот.	Эшитади, оддий катнашчи сифатида, мақсадга мувофиқ саволлар беради, қўллаб-қувватлайди ва тақдирлайди.	Ҳисобот берадилар. Иш натижаларини қуйидаги шакллардан бирида кўрсатадилар: оғзаки ҳисобот, материалларни намойиш қилиш орқали оғзаки ҳисобот, лойиҳа кўринишидаги ёзма ҳисобот.
VI-босқич. Жараён ва натижалар-ни баҳолаш.	Муаммони ечиш даражасининг тўлиқлигини, гуруҳларнинг фаолият стратегиясини, талабаларнинг тиришқоқлигини, манбалардан фойдаланиш сифатини, ижодий ёндашувни, ишни давом эттириш потенциалини, ҳисобот сифатини баҳолайди.	Жамоа бўлиб муҳокама қилиш йўли билан ишнинг бориши ва натижаларини, жумладан, муаммони ечишнинг тўлалиқ даражасини ва фаолият стратегиясини ҳимоя қиладилар ва баҳолайдилар.

Агар мўлжалланган иш – одатда, бу мақсад ҳисобланади – корхонада рационал фойдаланилса, у ҳолда, одатдагидек натижалар ҳужжатлаштирилади. Бунга мисол бўлиб, таъмирлаш ҳақидаги ҳисобот (лойиҳа сифатида), ёки дастурлаштирилган таъминотни ўзгартириш бўйича ҳужжатлар хизмат қилади.

Лойиҳа устида ишлаш жараёнида, сизнинг фаолиятингиз қуйидагилардан иборат бўлади:

- талабаларга ахборот қидиришга ёрдам бериш;
- ўзингиз ахборот манбаи бўлишингиз;
- бутун жараёни мувофиқлаштиришингиз;

- талабаларни қувватлашингиз ва тақдирлашингиз;
 - узлуксиз қайтар алоқани қўллаб-қувватлашингиз.
- Лойиҳали таълим бериш ўқув жараёнини актуаллаштиради, чунки у:
- шахсга ориентирланган;
 - жуда кўп дидактик ёндашувлардан фойдаланилади;
 - ўзини-ўзидан мотивлайдиган, бу ишга қизиқиш ва жалб қилинишни унинг бажарилишига қараб ортиши демакдир;
 - ўзининг ва ўзгаларнинг тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ва аниқ ишда ўрганишга имкон беради;
 - ўз меҳнатлари самарасини кўриб турган талабаларга қониқиш келтиради.



Мустаҳкамлаш учун саволлар

1. «Интерфаол методлар» деганда қандай методлар тушунилади?
2. «Лойиҳа» методи қандай босқичларда амалга оширилади?
3. Лойиҳа усулининг бутун таълим жараёни доирасида қўлланиши учун, лойиҳалар қандай бўлиши керак?
4. Лойиҳа устида ишлаш жараёнида, ўқитувчининг фаолияти нималардан иборат бўлиши керак?

Кичик гуруҳларда ишлаш учун топшириқлар

1- топшириқ



Мавзу бўйича қуйидаги таянч иборалар мазмунини ёритинг?

1- кичик гуруҳ учун

Таянч иборалар	Мазмунини қисқача ифодаланг
«Лойиҳа» методи	
Дарслик	
Метод	

2- кичик гуруҳ учун

Таянч иборалар	Мазмунини қисқача ифодаланг
Оғзаки ҳисобот	
Баҳолаш варақаси	
Интерфаол	

3- кичик гуруҳ учун

Таянч иборалар	Мазмунини қисқача ифодаланг
Тарқатма материаллар	
Ахборот манбаи	
Мунозара	

2-топширик

Ҳар бир кичик гуруҳ ўзи ўқиган йўналишга мос касб-ҳунар коллежида ўқитиладиган махсус фанидан бирта мавзунини танлаб олиб «Лойиҳа» усули бўйича дарс ишланмасини ишлаб чиқиш.

1 кичик гуруҳ учун

Мавзу: Кристалланиш ҳақида умумий тушунчалар. Кристаллизаторларнинг тузилиши.

2 кичик гуруҳ учун

Мавзу: Пресслаш ҳақида умумий маълумотлар. Сувсизлантириш ва брикетлаш.

3 кичик гуруҳ учун

Мавзу: Қайта ишлаш соҳаларида совитиш жараёнини қўллаш.

3-топширик

Ҳар бир кичик гуруҳ ўзи ўқиган йўналишга мос касб-ҳунар коллежида ўқитиладиган махсус фанидан бирта мавзунини танлаб олиб «Лойиҳа» усули бўйича дарс ишланмасини ишлаб чиқиш ҳамда кейинги машғулотда тақдимот ўтказиши талаб этилади.



Адабиётлар рўйхати

1. Олимов Қ.Т. Замонавий таълим технологиялари. Монография. Тошкент – 2007. 87 б.
2. Авлиёкулов Н.Х. Педагогическая технология. Ташкент «Алоқачи»- 2009. - 146 с.
3. Олимов Қ.Т. ва бошқалар. Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси. Ўқув қўлланма. Тошкент, «Фан» – 2009. 172 б.
4. Рашидов Х. ва б. «Касбий педагогика» блокинини шъитиш методикаси. Тошкент: ЎМКХТТКМО ва УҚТИ, 2007. 200 б.

-
5. Олимов Қ.Т. Махсус фанларни ўқитиш методикаси: Касб-хунар коллежлари ўқитувчилари учун методик қўлланма. Тошкент: Фан, 2004.
 6. Ulrich Kline. Projekt – und tron sferorientierte Ausbildung – PETRA (Лойиҳаларга ва мавжуд билимларни янги вазиятга қўллашга қаратилган таълим). Printed in Germany.
 7. Frank Vengkefer, Berufliche Bildung und Consulting GmbH, («Касбий педагогика» махсус соҳасининг муҳим масалалар асосида Франк Венгкефернинг концепцияси)., D-13189 Berlin, 2002.

Ўқув қайда бўлса, улуглик бўлар
билим қайда бўлса, буюклик
бўлар.

Юсуф Хос Хожиб

10 – АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

МАВЗУ: ТАЪЛИМ ОЛУВЧИЛАРНИНГ БИЛИМ, КЎНИКМА ВА МАЛАКАЛАРИНИ БАҲОЛАШ МАТЕРИАЛЛАРИ ҲАМДА МЕЗОНЛАРИ

Амалий машғулот мақсади: Талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш материаллари ҳамда мезонларини ишлаб чиқиш бўйича кўникмаларини шакллантириш.

Машғулот шакли: кичик гуруҳларда ишлаш, жамоа бўлиб ишлаш.

Машғулот методлари: мунозара, тақдимот.



АСОСИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Талабалар ўқиш жараёнида билим, кўникма ва малакаларни эгаллаб оладилар. Билимларда объектив дунё умумлаштирилган ҳолда акс эттирилади. Билимларни ўзлаштириш фактлар, тушунчалар ва қонуниятларни ўрганишни назарда тутди.

Билимларнинг таъсирчанлиги, уларни бемалол эгаллаб, уларнинг ўзгарувчанлиги, улардан турли шароитларда, жумладан, янги билимларни эгаллаш учун фойдалана билиш билимларнинг тўлаллиги ва чуқурлигининг муҳим кўрсаткичидир.

Кўникма-кишининг маълум бир ҳаракатларни онгли равишда бажариш қобилиятидир, бу қобилият билимлар ва энг оддий тажриба асосида ҳосил қилинади. Билимлар бажарилаётган ҳаракатнинг назарий асоси ҳисобланади. Билимлар туфайли ҳаракатларнинг айрим босқичлари ва уларнинг кетма-кетлиги тушунарли бўлади. Кўникмалар-бу амалдаги билимлардир.

Малака-машқ қилиш йўли билан ҳосил бўладиган иш-ҳаракатдир. Машқ қилиш натижасида юриш, ўқиш, ёзиш, оғзаки ҳисоблаш, хилма-хил меҳнат жараёнларини бажариш малакалари ҳосил қилинади. Талаба ҳаракатни бажаришнинг муайян усулларини эгаллаб олади ва бу ишни онгнинг назоратисиз автоматик равишда бажаради. Лекин бошланғич босқичда ҳаракат доимо онгли суратда бажарилади.

Таълим олувчилар томонидан ўқув материаллари ўзлаштирилганлигини, кўникма ва малакалар ҳосил бўлганлигини текшириш ҳамда баҳолаш таълим жараёнининг зарур таркибий қисми ҳисобланади. Бу фақат ўқитиш натижаларини назорат қилиш эмас, балки ўқув жараёнининг турли босқичларида таълим олувчиларнинг билиш фаолиятига раҳбарлик қилиш ҳамдир.

Баҳолаш - таълим жараёнининг маълум босқичида ўқув мақсадларига эришилганлик даражасини олдиндан белгиланган мезонлар асосида ўлчаш, натижаларни аниқлаш ва таҳлил қилишдан иборат жараёндир.

Билимларни текшириш ва баҳолашнинг таълимий аҳамияти шундан иборатки, бунда ўқув материалининг ўзлаштирилганлиги ҳақида таълим берувчи ҳам, таълим олувчи ҳам муайян маълумотга эга бўлади. Баҳолаш натижасида, таълим берувчи учун таълим олувчиларнинг нимани билиши ва нимани тушунмаслиги, қайси материал яхши ўзлаштирилгану, қайси бири ҳали, етарли даражада ўзлаштирилмаганлиги ёки умуман ўзлаштирилмаганлиги маълум бўлади. Бу таълим олувчининг билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш учун асос бўлиб ҳисобланади. Таълим берувчи ўз ишининг афзалликларига ва камчиликларига танқидий баҳо беради. Ўз иш методларига тузатишлар киритади. Шунингдек, баҳолаш натижалари таълим берувчининг ўқув дастурига, материалларни таълим олувчиларнинг билиш имкониятлари нуктаи назаридан қайта кўриб чиқиши ҳамда баҳолаши учун ҳам жуда муҳимдир.

Баҳолаш натижасида тушунча ва қонун-қоидаларнинг қайси бирлари қийин, қайси бирлари эса осон ўзлаштирилиши аниқ-равшан бўлади. Бу таълим олувчининг ижодий тарзда дарсга тайёргарлик кўриши ва ўқув машғулотини ўтказиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Худди шунингдек, таълим олувчига ҳам таълим жараёнида қайси ўқув материални яхши, қайсинисини қониқарли ва нимани ёмон ўзлаштиргани маълум бўлади. Билимларни текширмасдан таълим олувчи ўз билимларини чуқур, ҳар томонлама ва тўғри баҳолашга қодир эмас. Баъзан унга гўё у ўқув материални яхши эгаллаб олгандай туюлади, текшириш чоғида эса материални яхши билмаслиги, яхши тушунмаслиги маълум бўлиб қолади. Баҳолаш натижасида, таълим олувчиларнинг ўрганилаётган материалларни билиш, тушуниш, эса саклаб қолиш, англаб олиш, амалда қўллай олиш, таҳлил қилиш ва ўз билимларига танқидий баҳо бериш даражалари аниқланади. Таълим олувчи ўз билимларининг ижобий тавсифи, касб-ҳунар коллежида ҳамда уйдаги ишининг услубини такомиллаштириш, билимлари, малака ва кўникмаларидаги ижобий томонларни ривожлантириш, камчиликларни тузатиш имкониятига эга бўлади.

Билимларни, кўникма ва малакаларни назорат қилиш ҳамда баҳолашнинг тарбиявий аҳамияти шундаки, бунда таълим олувчиларнинг ўқишга, ўз ютуқлари ва муваффақиятсизликларига нисбатан муносабати шаклланади, қийинчиликларни енгиш истаги туғилади. Баҳолаш ҳамisha таълим олувчининг шахс сифатида ўзига нисбатан муайян бир муносабатини ҳосил қилади. Таълим берувчи таълим олувчининг ўзига нисбатан муносабатини, туйғуларини, унинг характеридаги иродалилик, ҳамкорлик, ўзаро бир-бирига ёрдам бериш каби сифатларини шакллантиришга қаратиши лозим бўлади.

Баъзан баҳолаш жараёнида таълим олувчи кўшимча билим, кўникма ва малакаларга ҳам эришади. Таълим жараёнида ўзлаштирмаган тушунчаларнинг моҳиятига тушуниб етади. Шу боис, баҳолашни таълим олиш жараёнининг давоми деб ҳам айтиш мумкин.

Билимларни назорат қилиш ва баҳолаш давлат аҳамиятига эгадир. Баҳолаш натижаларини умумлаштириб, таълим муассасаси жамоасининг таълим-тарбия соҳасидаги фаолиятига, талабаларнинг умумий ўзлаштириш даражасига баҳо берилади ва тегишли хулосалар чиқарилади. Натижаларни баҳолаш орқали бир пайтнинг ўзида бутун таълим тизими ҳамда унинг компонентлари текширилиб кўрилиши керак. Бу билан таълим тизимида кутилаётган натижага эришилаётганлик даражаси текширилиб ўлчанади. Билимларни мунтазам баҳолаб бориш таълим режаси, унинг катта кичик бўлимлари асосида амалга оширилади. Таълим тизими натижалари муайян стандарт меъёри орқали ифодаланади.

Тестлар билим, қобилият, кўникма, шунингдек, характер ва муносабатни текшириш воситасидир. Бу билан бирга жорий, оралик ва якуний назоратлар тестлари ҳам бўлиши мумкин.

Ёзма топшириқ шакллари. Ёзма топшириқлар эркин жавоб берилиши лозим бўлган ва бир қанча жавоблардан бирини танлаш керак бўлган топшириқларга бўлинади.

Баҳолаш мезонлари. Ҳар қандай баҳолаш натижалари ўзаро таққосланиши, яъни ўлчаниши лозим бўлади. Уларни таққослаш баҳолашдан олдин ёки кейин ишлаб чиқилган мезонлар асосида амалга оширилиши мумкин. Баҳолаш мезонлари ўқув мақсадларига қай даражада эришилганликни англатувчи кўрсаткичдир. Бу кўрсаткичлар сонлар («беш», «тўрт», «уч» ва ҳоказо) сўзлар («аъло», «яхши», «қониқарли» ва ҳоказо) ёрдамида тавсифланиши мумкин. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, баҳолаш мезонлари таълим олувчининг қайси ўзлаштириш даражасини намоён қилишига қараб мос қўйиладиган баҳо кўрсаткичининг тавсифидан иборат.

Баҳолаш натижасида нафақат таълим олувчининг, балки таълим берувчининг кучли ва кучсиз томонлари, шунингдек, ўқув

жараёнидаги камчиликлар ҳам аниқланади. Таълим воситалари, режалар, таълим жараёнини ташкил этиш сифатига ҳам баҳо берилади.

Таълим бериш давомидаги назорат натижаларини ўлчаб бориш билим, кўникма ва малакаларни баҳолаш талабанинг ўзлигини англаши учун бир имкониятдир.



Мустақкамлаш учун саволлар

1. Билим, кўникма ва малакаларни баҳолашнинг аҳамияти ва моҳияти нимада?
2. Баҳолашнинг асосий хусусиятлари нимадан иборат?
3. Билимларни, кўникма ва малакаларни назорат қилиш ҳамда баҳолашнинг тарбиявий аҳамияти нимада?
4. Назарий билимларни баҳолаш учун неча хил тест турлари мавжуд ва улар қайсилар?

Кичик гуруҳларда ишлаш учун топшириқлар

1- топширик



Мавзу бўйича қуйидаги таянч иборалар мазмунини ёритинг?

1- кичик гуруҳ учун

Таянч иборалар	Мазмунини қисқача ифодаланг
Баҳолаш	
Кўникма	
Рейтинг	

2- кичик гуруҳ учун

Таянч иборалар	Мазмунини қисқача ифодаланг
Баҳолаш тамойиллари	
Тест	
Объективлилик	

3- кичик гуруҳ учун

Таянч иборалар	Мазмунини қисқача ифодаланг
Топширик	
Мезон	
Малака	

2- топширик

Ҳар бир кичик гуруҳ махсус фанлардан биттадан бобни танлаб олиб ва шу боб бўйича 10 тадан тестлар, 10 тадан назорат саволлари ва 5 тадан амалий топширикларни ишлаб чиқади. Ҳар бир ишлаб чиқилган тестлар, саволлар ва амалий топшириклар учун баҳолаш мезонини ишлаб чиқади. Бажарилган ишлар бўйича ҳисобот топширади.



Адабиётлар рўйхати

1. Олимов Қ.Т. Замонавий таълим технологиялари. Монография. Тошкент – 2007. 87 б.
2. Рашидов Х. ва бошқалар. «Касбий педагогика» блокини ўқитиш методикаси. Тошкент: ЎМКХТТКМО ва УҚТИ, 2007. 200 б.
3. Олимов Қ.Т. ва бошқалар. Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси. Ўқув қўлланма. Тошкент, «Фан» – 2009. 172 б.

3-ҚИСМ. ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИЛАДИГАН ДАРС ИШЛАНМАЛАР НАМУНАЛАРИ

3.1. ФИЗИКА ФАНИ БЎЙИЧА НАМУНА

Фаннинг номи: Физика.

Машғулот мавзуси «моддий нуқта динамикаси» (2 соат)

Машғулот мақсадлари:

Таълимий: Талабаларга моддий нуқта динамикаси асослари, масса, инертлик, куч, кучлар классификацияси ҳақида билим ва кўникмаларни ўргатиш.

Тарбиявий: Талабаларга кўргазмалар воситалардан олинган билимлардан хулоса чиқара олиш, ўз-ўзини назорат қилиш, билим ва кўникмаларни эгаллашга масъулият ҳисси билан ёндошишига ўргатиш.

Ривожлантирувчи: Талабаларда мустақил фикрлай олиш, тўғри хулоса чиқара олиш, олинган назарий билимларни амалиётга қўллай олиш қобилиятларини шакллантириш ва ривожлантириш.

Машғулот тури: кичик гуруҳларда ва яқка ҳолда ишлаш.

Машғулот ўтиш жойи: маъруза ўқув хонаси.

Фойдаланиладиган жиҳоз ва воситалар: кодоскоп, компьютер, видеопроектор, “Моддий нуқта динамикаси” мавзусига оид анимацион дастурлар, слайдлар.

Дастурнинг бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги: олий математика, амалий ва назарий механика, чизма геометрия, география ва бошқалар.

Машғулотнинг бориши:

1-босқич. Ташкилий қисм (дарсга тайёргарлик).

Ташкилий тадбирларни ўтказиш. Назарий машғулотни ташкил қилиш, машғулотни ўтиш жойини танлаш, аудиториянинг дарсга тайёргарлигини кўздан кечириш, жиҳозларнинг ишчи ҳолатини текшириш, мавзуга оид тестлар, тарқатма материаллар, слайдлар тайёрлаш, назарий машғулот вақти ва дарснинг давом этишини белгилаш.

Ўқув машғулотига ўтиш: 5 (дақиқа).

Давоматни аниқлаш. Машғулотнинг мақсади, режаси, эришиладиган ўқув натижалари билан талабаларни таништириш. Машғулотнинг муаммоли маъруза шаклида ўтказилишини эълон қилиш.

2- босқич. Асосий қисм (60 дақиқа).

Маъруза режаси:

1. Моддий нуқта динамикаси.
2. Масса, куч, инертлик.

3. Ньютон қонунлари ва уларнинг қўлланилиши.
4. Механикада кучлар ва уларнинг классификацияси.
5. Ҳаракат миқдори ва куч импульси.

2.1 Сухбат шаклида талабалар билимини фаоллаштиради. Билимларни фаоллаштириш жараёнида ўқув муаммосини ҳал қилиш бўйича талабаларнинг изланувчанлик фаолиятида фаол қатнашуви учун зарур бўлган талабалар томонидан ўзлаштирилган дастлабки билимлар қанчалик даражада етарлилигини қуйидаги саволлар орқали аниқлайди:

1. Инертлик нима? Инертлик ва масса орасидаги боғланиш ва фарк нимада?
2. Инертлик санок системаси деб қандай санок системаларига айтилади?
3. Инертлик санок системалари мавжудми?
4. Ньютон қонунларининг аҳамияти нимадан иборат?
5. Ньютоннинг учинчи қонуни нимага асосланган?
6. Ўзаро таъсир кучларининг йўналиши қандай бўлади?
7. Ишқаланиш кучи нимага боғлиқ?
8. Ташқи ишқаланишни нима вужудга келтиради?
9. Одам ва транспорт воситаларининг ҳаракатида ишқаланишнинг аҳамияти қандай бўлади?
10. Оғирлик кучи ва реакция кучлари орасидаги боғланиш ва фарк қандай кўринишда бўлади?
11. Таянчнинг реакция кучи нимада?
12. Бутун олам тортишиш қонунининг аҳамияти нимадан иборат?

2.2. Фаоллаштирилган билимларга таяниб машғулотда ҳал этувчи муаммоларни киритиш ва уни ифодалаш.

Тинч ёки тўғри чизикли текис ҳаракат ҳолатини сақлаш хусусияти катта бўлган жисмнинг массаси катта бўлади. **Фикрланг- чи!** Масса жисм инертлигининг миқдорий ўлчови бўлиши мумкинми? **Сабабини аниқланг.**

Инерциал санок системасига нисбатан тинч ёки тўғри чизикли текис ҳаракат қилаётган ҳар қандай система инерциал санок системаси бўлади. **Ўйлаб кўринг-чи!** Ньютоннинг биринчи қонуни бажариладиган санок системалари қандай санок системалари дейилиши мумкин?

Бир жисм ташқи таъсир туфайли ўзининг тезлигини ўзгартирмасдан, балки шаклини ва ўлчамларини ўзгартирди. **Буни ҳам кучнинг таъсири дейиш мумкинми?**

Фикрлаб кўринг-чи! Футбол тўпини ёш бола, ўспирин ва футболчи тепсин. Тўп энг катта тезланишни қайси ҳолатда олади?

Футболчи резина коптукни, футбол тўпини ва боксчилар машқ ўтказадиган тўпни тепсин. Қайси ҳолда тўп энг катта тезланиш олади?

Бу фикрлар таъсирида қандай хулосага келасиз?

2.3 Талабалар кичик гуруҳларга ажратиш ва ўқитувчи томонидан ҳар бир гуруҳга саволлар бериш.

1- гуруҳга а) Тасаввур қилиб кўринг-чи! Жисмнинг оладиган тезланиши унга таъсир этаётган кучга тўғри эмас, тескари пропорционал бўлганда, динамикадан Ньютоннинг иккинчи қонуни ўринли бўлар эдими? Ньютоннинг иккинчи қонуни ўринли деб ҳисоблайсизми?

б) Қизик! Ишқаланиш кучи бир-бирига тегиб турган сиртларнинг ҳадир-будирлиги туфайли юзага келишини билган ҳолда, сиртларнинг жуда силлиқлиги таъминланса, ишқаланишни нима вужудга келтиради дуб ўйлайсиз?

в) Фикрлаб кўринг-чи! Яхмалакда сирпанган боланинг маълум масофани ўтиб тўхтаб қолишига сабаб нима?

2- гуруҳ а) Ўйлаб кўринг- чи! Футболчи тўпни тепмаса ҳам тўп ҳаракат қиладиган бўлса, ҳаёт қонуниятлари қандай ўзгариши мумкин? Турмушда мувозанат бўлиши мумкинми? Бундай ҳолни **Сиз ўзингиз қандай изоҳлаб берган бўлар эдингиз?**

б) Одамлар ва транспорт воситаларининг ҳаракатланишида ишқаланиш кучлари қандай аҳамиятга эга? Ишқаланиш кучлари фойдалими ёки зарарлими?

Агар зарарли томони мавжуд бўлса, уларнинг олдини олиш учун **Сиз қандай ечимларни таклиф этган бўлар эдингиз?**

в) ипга боғланган шар айлана бўйлаб ҳаракатланганда ип шарга таъсир кўрсатадими ёки шар ипгами? Сиз қандай фикрлайсиз?

3- гуруҳга а) сиз нима деб ўйлайсиз! Иккита қайиқ ҳайдовчилари арқоннинг икки томонидан ушлаб турган бўлсин. Улар орасидаги масофанинг тенг ўртасини белгилаб, қайиқ ҳайдовчиларидан бири арқонни торта бошласа, қайиқлар қандай масофада учрашади? Марказга интилма ва марказдан қочма кучларнинг тенглиги нимани исботлайди?

б) Фикрлаб кўринг-чи! Йўлда массаси 100 кг бўлган аравача турган бўлсин. Унга массаси 100 г бўлган копток 100 м/с тезлик билан учиб келиб урилсин. Копток аравачани кўзгата оладими? Бу ҳолда қандай катталиқ аҳамиятга эга.

в) Фикрлаб кўринг-чи! Горизонтал ҳолатда ётган жисм учун таянчнинг реакция кучи ва жисмнинг стол сиртига кўрсатадиган босим кучи катталиклари тенг ва йўналишлари қарама- қарши эканлиги қандай ҳолда бажарилмайди? **Сиз нима деб ўйлайсиз?**

Визуал материаллар

1. «Масса» анимацияси.
2. «Ньютон қонунлари» анимациялари.

3. «Кучларнинг тенг таъсир этувчиси» слайди.
4. «Қия текислик бўйлаб жисмнинг ҳаракати» слайди.
5. «Кучлар классификацияси» слайди.
6. «Таянчнинг реакция кучи» слайди.
7. «Куч импульси» анимацияси.

2.4 Муаммоли савол ечишга йўналтирилган: ақлий хужумни қўллайди ва муаммони ҳал этиш бўйича якуний хулосани ифодалайди. Гуруҳларда ёки жуфтликларда иш бошланиши ҳақида талабаларга эълон қилиш. Муаммоли саволларни ечими бўйича қўшимча кўрсатма бериш.

2.5 Ўқитувчи гуруҳларга берилган муаммоли саволлар бўйича муҳокама эълон қилади, ҳар бир гуруҳ етакчисининг муаммонинг ечими бўйича чиқишини мувофиқлаштиради.

Берилган муаммо бўйича якунлар ясайди. Ҳар бир муаммога берилган ечимларнинг энг муқобил вариантларини дафтарларига кириштиришни таклиф этади. Мавзу юзасидан якуний хулосани ифодалайди.

3- босқич. Якуний (15-дақиқа)

3.1.Талабалар билимини мустаҳкамлаш ва уларда шакллланган билимларни аниқлаш учун тестлар берилади.

3.2.Муаммоли маъруза машғулотида якун ясалади. Талабаларнинг ўқув мақсадлари натижаларига эришишдаги муваффақиятлари қайд этилади.

3.3. Талабаларга уйга вазифа топширилади. Кейинги мавзу эълон қилинади.

2. МАХСУС ФАН АМАЛИЙ МАШҒУЛОТИ БЎЙИЧА НАМУНА

Фаннинг номи: “Кийимни моделлаштириш ва бадий безак”.

Машғулот мавзуси: Кийим моделини яратишда безак берувчи элементлар: аппликация, гажим тайёрлаш ва безаш (4 соат).

Машғулот мақсадлари:

Таълимий: Талабаларга аппликация тайёрлаш ва тикиш усуллари, гуллари, шакллари, рангларининг мужассамлаштирилиши ҳақида билим ва кўникмаларни ўргатиш.

Тарбиявий: Талабаларни ўз-ўзини назорат қилиш, меҳнатга масъулият ва ижодий ёндашишга, газламаларни исроф қилмаслик ҳамда тежашга, жиҳозлардан тўғри фойдаланишини шакллантириш.

Ривожлантирувчи: Талабаларни мустакил ҳолда бичиш-тикиш ишларини тўғри ва тез бажаришга ҳамда ижодий қобилиятларини ривожлантириш.

Машғулот шакли: Кичик гуруҳларда ва якка ҳолда ишлаш.

Машғулот ўтиш жойи: ўқув хонаси, ўқув устахонаси.

Дидактик воситалар: стол, стул, махсус йўрмаш машиналари, тикилган аппликация намуналари, сидирға ва гулдор газламалар, елимли қотирма, елимли пакет, махсус қоғоз, ип, дазмол, игна.

Дарснинг бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги: тасвирий санъат, чизмачилик, тикувчилик технологияси.

Техник воситалар: Кодоскоп, слайдлар.

Тарқатма материаллар: аппликация андозалари ва намуналари.

Машғулотнинг бориши.

I. Ташкилий қисм – 10 дақиқа.

Саломлашиш, талабалар давоматини аниқлаш, иш ўринлари ва амалий хонасининг санитария-гигиена ҳолатини кўздан кечириш. Машғулотни ўтишдан олдин режа билан таништирилади:

Режа:

1. Мато бўлақларидан аппликация тикиш технологияси.
2. Гажим тайёрлаш ва тикиш кетма-кетлиги.
3. Қоғозда тасвирланган аппликацияларни тикиш.

II. Асосий қисм.

Машғулот I-қисми - 60 дақиқа.

Талабалар турли хил шаклга эга бўлган карточкаларни тортиб, ўз гуруҳларини аниқлайди. Ҳар бири 4-5 кишидан иборат кичик гуруҳлар ҳосил бўлади. Машғулот мавзуси, мақсади, машғулотдан кутиладиган натижалар, уни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини тушунтиради, талабаларга баҳолаш мезонларини эълон қилади. Талабаларнинг

ўтилган мавзуларга оид билимларини аниқлайди. Бунинг учун ўтган мавзуга оид саволлар беради.

1-кичик гуруҳ:

1. Ритмик тузилишлар асосида нималар ётади, ритм тушунчасини тушунтиринг?
2. Метрик қатор билан ритмик қатор ўртасида қандай фарқни кузатиш?
3. Метрик қатор кийим фурнитурасига қандай таъсири бор?

2-кичик гуруҳ:

1. Нурли ритмик ривожланиш билан радиал йўналтириш ўртасидаги фарқни кўрсатинг.
2. Костюм элементларига нималар киради?
3. Костюмнинг ритмик йўналганлигини тавсифлаб беринг.

n- кичик гуруҳ:

1. ...
2. ...
3. ...

Талабаларни фаоллаштиради, жавобларни тинглайди. Мустақил фикрини эшитишини ташкил қилади. Йўл-йўрик ва тавсиялар беради. Ўтган мавзуга оид билимларини мустақамлаштиради. Талабаларнинг ишлашлари учун зарур дидактик қўлланмалар, йўл-йўрик, кўрсатма хариталар, илмий адабиётлар, стол, доска, таълимнинг техник воситалар мавжуд бўлган ўқув устахонасида ўтказилади.

Ўқитувчи талабаларга машғулотнинг умумий мазмуни ва уни ўтказиш тартибини тушунтиради. Машғулотлар «Йўналтирувчи матн» усули ва ижодий топшириқларни қўллаб ўтказилади. «Йўналтирувчи матн» усули 6 босқичда амалга оширилади:

1. Маълумот йиғиш. Бу босқичда ўқитувчи талабаларга аппликация ва гажим тайёрлаш турлари ҳақида керакли барча маълумотларни ҳамда саволлар ва топшириқлар варағини беради. Ушбу варақда талабаларга тикиш усуллари, гуллари, шакллари, рангларнинг мувофиқлаштирилганлиги тўғрисида маълумотларни босқичма-босқич йиғиш тартиби саволлар ёки топшириқлар шаклида берилиши керак.

1-кичик гуруҳ:

1. Мато бўлақларидан қандай аппликациялар тикиш мумкин?
2. Гажим нималардан тайёрланади, қандай изоҳлайсиз?
3. Аппликациянинг қандай турлари мавжуд?

2-кичик гуруҳ:

1. Игна билан бажариладиган бахромалар неча хил усулда тайёрланади, усулларни ёритинг.

2. Мато бўлакларидан ҳар хил аппликациялар тикиб кўрсатинг.

3. Ёрдамчи материаллардан гажим қандай тайёрланади, тикиб кўрсатинг.
n- кичик гуруҳ:

1. ...

2. ...

3. ...

Талабалар ўзларига берилган иш топшириғини таҳлил қилиб, дарсликлар, ўқув-услубий кўрсатмалар, схемалар ва жадваллар, техник хужжатлар асосида иш босқичлари ёки керакли жиҳозлар ҳақида маълумот йиғади.


2. Режалаштириш. Бу босқичда талабалар мустақил равишда аппликация ва гажим тайёрлаш режасини тузишлари, яъни иш топшириғини ҳал қилишга қаратилган ўзларининг бажарадиган иш босқичларини (масалан, ишлов бериш жараёни, материал, жиҳозлар ва ёрдамчи воситалар) режалаштиришлари лозим. Талабалар бу ерда ўзларининг дастлабки назарий билимларига таянадилар ва шахсий ёзувларидан фойдаланиладилар.

Кетма-кетлик асосида аппликация турларини: манзарали, қушларни ва ҳайвонларни ифодаловчи аппликациялар, қоғозда тасвирланган аппликациялар, гажим турларини тикишни режалаштиради.

3. Қарор қабул қилиш. Талабалар ўқитувчи билан биргаликда аппликация ва гажим тайёрлаш режасини амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилишади. Агар муаммони ечишда турли ечимлар юзага келса, у ҳолда энг унумли ечим танланади. Ўқитувчи доимо маслаҳатчи сифатида катнашиши керак.

4. Амалга ошириш. Бу босқичда аппликация ва гажим тайёрлаш топшириғини тузилган режага мувофиқ бажаришади. Берилган вақтга қараб, кетма-кетлик асосида аппликациялар турларини: ҳайвонларни, қушларни ифодаловчи, манзарали, қоғозда тасвирланган аппликациялар, гажимларни ҳар хил турларини тикади. Ўқитувчи эса уларнинг ишини назорат қилиб туриши лозим.

5. Текшириш. Талабалар бажарган топшириқлари, яъни тикган аппликация ва гажим натижаларини ўзлари текшириб (масалан сифат кўрсаткичларини) «Баҳолаш варағига» қайд қилишлари ва бир-бирларининг ишини текширишлари мумкин. Ўқитувчи натижаларни «Хулосалар варағига» ёзиб кўяди.



1-расм. “Кийимни моделини яратишда безак берувчи элементлар: аппликация, гажим тайёрлаш ва безаш” мавзусини “Ўйналтирувчи мати” усули асосида ташкил этиш.

6. Хулоса чиқариш. Ўқитувчи улар тайёрлаган ҳар хил аппликациялар ва гажимлар натижаларни таҳлил қилиб якуний суҳбат

ўтказди ва кейинги сафар қайси жиҳатларга эътибор бериш кераклигини айтиб ўтади.

Машғулот 2-қисми – 80 дақиқа.

Кийим моделини яратишда безак берувчи элементлар: аппликация, ғажим тайёрлаш ва безаш бўйича ижодий топшириқларни бажаради. Техника ва меҳнат хавфсизлиги ҳамда санитария-гигиена қоидалари, модел яратишда безак берувчи элементлар: аппликация, ғажим тайёрлаш тартиби ва иш жараёнида йўл қўйиладиган нуксонлар ҳамда уларни бартараф этиш йўллари ҳақида маълумот берилади. Кичик гуруҳлар ҳар бирига ижодий топшириқлар берилади. Кичик гуруҳлардаги ҳар бир талаба кичик ижодий топшириқни бажаради. Безак берувчи элементларни тикиш учун талабаларнинг ҳар бир гуруҳига мато бўлақлар ва технологик хариталар берилади. Кичик гуруҳ етакчиси ишларни тақсимлайди. Бичиш-тикиш ишларини бажариш учун вақт белгилайди. Ишлаб чиқариш таълими устаси ёки ўқитувчи талабалар ишини кузатиб туради. Ишни сифатли бажарган талабалар рағбатлантирилади. Ҳар бир гуруҳ талабалари тайёр бўлган аппликацияларни, ғажимларни белгиланган вақт давомида тайёрлашлари керак. Уста ёки ўқитувчи тайёр аппликацияларни, ғажимларни тайёр маҳсулотларни текшириб, уларни маълум мезонлар асосида баҳолайдилар. Топшириқни бажаришда ижодий ёндашув ҳам алоҳида баҳоланиши керак. Ишни тайёрлаётган талаба ижодий иш маҳсули сифатида бирон маҳсулот ёки композиция яратади. Талабалар бажарган ишини баҳолаш орқали уларнинг мустақил ва ижодий қobiliятлари ҳақида ҳам маълумотга эга бўлиши мумкин. Талабалар ишини қўйидаги тарзда баҳолаш ҳам мумкин: талаба ишни бажара олмади коникарсиз (55 % дан паст), коникарли (56-71 %), яхши (72-85 %), аъло даражада бажарди (86-100 %).

III. Яқуний қисм – 10 дақиқа.

Гуруҳ талабалари тўплаган баллар эълон қилиниб, ғолиб гуруҳ рағбатлантирилади. Баҳолаш мезонлари ўқув мақсадларига қай даражада эришилганлигини аниқлаш учун кўрсаткич бўлиб, у сонлар («5», «4», «3», «2») ёки сўзлар («аъло», «яхши», «коникарли», «коникарсиз») билан ифодаланиши, шунингдек ҳозирги кунда талабалар билимини назорат қилишда 100 баллик рейтинг тизимидан ҳам фойдаланиш мумкин. Талабалар билимини баҳолаш мезонлари 1-жадвалда берилган. Бажарилган ишларнинг ютуқ ва камчиликлари таҳлил қилинади, йўл қўйилган хатоликлар сабаблари аниқланади ҳамда бартараф этиш йўллари тушунтирилади. Уйга бажариш учун топшириқ берилади. Устахонадаги нарсалар йиғиштирилиб, тартибга келтирилади.

Баҳолаш мезонлари

Балл	Баҳо	Талабаларнинг билим даражаси
86-100 %	Аъло	-Ҳар хил матоларни кийимга жойлаштириш ва тикиш; -Манзарали аппликацияларни; -Қушларни ва паррандаларни ифодаловчи аппликациялар; -Ҳайвонларни тасвирловчи аппликациялар; -Қоғозда тасвирланган аппликацияларни тикиш; -Ғажим тайёрлаш ва тикиш бўйича тасаввурга эга бўлиш.
71-85 %	Яхши	-Манзарали аппликацияларни тикиш; -Игна билан баҳромалар тайёрлаш; -Ҳайвонларни тасвирловчи аппликацияларни тикиш; -Қоғозда тасвирланган аппликацияларни қирқиб тайёрлаш; -Ҳар хил ғажимлар тикиш.
55-70%	Қониқарли	-Игна билан ҳар хил баҳромалар тайёрлаш; -Қоғозда тасвирланган аппликацияларни қирқиб тайёрлаш; -Ёрдамчи материаллардан ғажим тайёрлаш.
0-54 %	Қониқарсиз	-Ҳар хил матоларни кийимга жойлаштириш жараёнларидан аниқ тасаввурга эга эмаслик; -Бўлак матоларни кийимга жойлаштириш ва тикиш жараёнларини билмаслик.

3. БИОЛОГИЯ ФАНИ БЎЙИЧА НАМУНА

Фаннинг номи: Биология.

Мавзу: Органик олам эволюциясининг асосий йўналишлари

Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси

Вақти-2соат	Талабалар сони :26нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Кириш,визуал маъруза
1-Мавзу: Органик олам эволюциясининг асосий йўналишлари	Маъруза машғулотининг режаси 1.Биологик прогресс. 2.Морфофизиологик регресс. 3.Биологик эволюциянинг йўналишлари
Ўқув машғулотининг мақсади: талабаларга органик олам эволюциясининг асосий йўналишлари ҳамда йўллари ҳақида билим, кўникма ва малакалар ҳосил қилиш, талабаларнинг нутқ ҳамда фикрлаш қобилиятини ривожлантириш.	
Педагогик вазифалар: -эволюция тушунчасига изоҳ бериш; -Биологик прогресс тушунчасини изоҳлаш; -Морфофизиологик регресс тушунчасини изоҳлаш; -Ароморфоз типдаги эволюцион ўзгаришларни изоҳлаш; -Идиоадаптатция типдаги кичик эволюцион ўзгаришларни изоҳлаш; -Умумий дегенерация эволюцион ўзгаришлар ҳақида тушунча бериш.	Ўқув фаолиятининг натижалари: Талаба: -эволюция ҳақидаги тушунчаларини шарҳлайдилар; -Биологик прогресс ҳақидаги тушунчаларга асосий эътиборни қаратадилар; -морфофизиологик регресс ҳақидаги тушунчаларга изоҳ берадилар; -Ароморфоз, идиоадаптатция ва умумий дегенерация тушунчаларини изоҳлаб, таҳлил қиладилар.
Ўқитиш услуби ва техникаси.	БББ техникаси, блиц сўров, аклий ҳужум, бошқотирма ақл чархи, тест синови.
Ўқитиш воситалари	Маъруза матни, проектор, тарқатма материаллар, график органейзерлар, слайдлар, компьютер
Ўқитиш шакли	Жамоа, гуруҳ ва жуфтликда ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароитлари	Проектор, компьютер билан жиҳозланган аудитория.

Мустақил иш: -дарслик ва ўқув қўлланмалар бўйича фан боблари ҳамда мавзуларини ўрганиш.	Талаба: -Органик олам эволюциясининг асосий йўналишлари ҳақидаги маълумотларни манбалар орқали ўрганиш; -Мавзуга оид интернет янгиликларини олиб келиш.					
Блум таксономияси ўқув мақсадларининг тоифаларини белгилаш						
Таянч иборалар	Ўқув масадлари тоифалари					
	Би-лиш	Тушу-ниш	Қўл-лаш	Анализ	Синтез	Баҳо-лаш
1. Эволюция	+	+				
2. Биологик прогресс	+	+				
3. Морфофизиоло-гик регресс	+	+				
4. Умумий мосланиш	+	+	+	+	+	+
5. Хусусий мосланиш	+	+	+	+	+	+
6. Араморфоз	+	+	+	+	+	+
7. Идиоадаптация	+	+	+	+	+	+
8. Умумий дегенератсия	+	+	+	+	+	+

Амалий машғулотнинг технологик харитаси (1-машғулот)

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
1-босқич. Кириш (5мин)	1.1. Дарснинг аввалида талабаларга маърузалар матни ва ўқув топшириқлари таркатади. Машғулот мавзусини эслатади ҳамда кутилаётган натижани, дарсни олиб бориш тартибини маълум қилади.	1.1. Эшитади, маъруза матнни олади ва ўқув топшириқлари билан танишиб чиқади

2-боскич. Билимни фаоллаштириш (5мин)	2.1.Талабалар эътиборини жалб этиш ва билим даражаларини аниқлаш учун тезкор савол-жавоб ўтказилади. (1-илова)	2.1.Эшитади- лар, ўйлайди- лар,саволларга жавоб бера- дилар.
3-боскич. Янги мавзуга кириш. (10мин)	3.1. Органик олам эволюциясининг асосий йўналишлари бўйича билимларни аниқлаш учун «БББ» усулидан фойдаланган ҳолда (2-илова) жадвални тўлдирадилар	Эшитадилар ва жадвални тўлдирадилар.
4-боскич. Асосий маълумотлар (20мин)	4.1.Ўқитувчи янги мавзу юзасидан маълумот берадилар.Слайдлар асосида тушунчалар бериб ўтадилар.(3-илова)	4.1.Эшитади- лар ва ўз фикрларини билдирадилар
5-боскич. Кичик гуруҳ- ларда ишлаш (25мин)	5.1.Талабаларни 3гуруҳга бўладилар ва ҳар бир гуруҳга вазифа берадилар. (4-6,7-илова) 5.2. Гуруҳлар слайдлардаги расмларга изоҳ берилиши сўралади (5-илова). 5.3.Вазифани бажаришда ўқув матери- алларидан фойдаланиш мумкинлиги тушунтирилади. 5.4. Янги мавзу юзасидан берилган расмларга изоҳ берадилар.	5.1.Ўқув нати- жаларини так- дим қиладилар. 5.2.Слайдлар- даги расмларга изоҳ беради. 5.3.Жавоблар- ни тўлдиради. 5.4.Гуруҳ тала- балари муҳо- кама қилади- лар, жадвал- ларни тўлдира- дилар.

6-босқич. Мустаҳкамлаш. (10мин)	6.1. Ҳар бир гуруҳга мавзунини мустаҳкамловчи жадваллар, кроссвордлар тарқатилади.(8-илова) 6.2. Ҳар бир гуруҳ аъзоларининг олган билимларини аниқлаш учун тест саволлари тарқатилади.(9-илова) 6.3.Талабаларнинг ишларини кузатадилар, жавобларини тўлдирадилар. Аниқлик киритадилар.	6.1.Кроссворд ечадилар. 6.2.Фикрлайдилар ва тест саволларига жавоб берадилар.
7-босқич. Яқунлаш.(5мин)	7.1Мавзуга хулоса қилади ва фаол иштирок этган талабалар ҳамда гуруҳлар баҳоланади ва рағбатлантирадилар. 7.2.Мустақил иш сифатида янги мавзуга оид интернет ресурсларидан маълумотлар йиғиш ва кроссворд тузиш.	7.1. Эшитадилар. Ёзиб олади

Ўқув топшириқлари

1-илова

1. Ерда ҳаёт қандай усулда пайдо бўлган?
- 2.Бирламчи фотосинтезловчи организмлар қачон пайдо бўлган?
- 3.Аутоτροφ организмлар қандай келиб чиққан?
- 4.Организмлар қачондан бошлаб аэроб нафас олишга ўта бошлаган?
- 5.Ернинг бирламчи атмосфераси таркибида қандай элементлар бўлган?
- 6.Биологик полимерларга нималар киради?
- 7.Коатсерватлар нималар?
- 8.Протобионтлар нима?
- 9.Тирик организмларда ўз-ўзини ҳосил қилиш жараёнларининг пайдо бўлиши қачондан бошланган?
- 10.Нима сабабдан табиатда органик олам эволюция қилар экан, табиатда содда ва мураккаб тузилишга эга организмлар учрайди.


2-илова

Б.Б.Б.Техикасини қўллаш қ оидалари

№	Мавзу саволи	Биламан	Билишни хохлайман	Билдим
1	Эволюция			
2	Биологик юксалиш			
3	Биологик регресс			
4	Ароморфоз			
5	Идиоадаптация			
6	Умумий дегенерация			

3-илова

Биологик progressning asosiy yo'nalishlari



Aromorfoz, idioadaptatsiya, umumiy degeneratsiya
sxematik tarzda tasvirlangan

Гуруҳ билан ишлаш қоидалари

Гуруҳ аъзоларининг ҳар бири

- * Ўз шерикларининг фикрларини ҳурмат қилишлари лозим;
- * Берилган топшириқлар бўйича фаол, ҳамкорликда ва масъулият билан ишлашлари лозим;
- * Ўзларига ёрдам керак бўлганда сўрашлари мумкин;
- * Ёрдам сўраганларга қўмак беришлари лозим;
- * Гуруҳни баҳолаш жараёнида иштирок етишлари мумкин;
- * «Биз бир кемадамиз, бирга чўкамиз ёки қутиламиз» қоидасини яхши билишлари лозим

4-шова

I гуруҳ

1. Араморфоз йўналишининг эволюцион жараёнга таъсирини тушунтиринг.
2. Араморфозларнинг яшаш учун курашдаги аҳамияти нимада?
3. Умуртқали ҳайвонлардаги қайси ўзгаришлар араморфоз йўналишида амалга ошган?
4. Мавзуга оид 6 та тест тузинг.

II гуруҳ

1. Идиоадаптация йўналишининг эволюцион жараёнга таъсирини тушунтиринг.
2. Идиоадаптациянинг яшаш учун курашдаги аҳамияти нимада?
3. Ўсимлик ва ҳайвонот оламидаги идиоадаптация йўналишидаги мосланишларни мисоллар асосида изоҳлаб беринг?
4. Мавзуга оид 6 та тест тузинг.

III гуруҳ

1. Умумий дегенерация йўналишининг эволюцион жараёнга таъсирини тушунтиринг.
2. Умумий дегенерация йўналишининг организмларнинг қандай ҳаёт кечиришлари билан алоқадор.

3.Ўсимликлар ва ҳайвонот оламида умумий дегенерация йўналишидаги мосланишларга мисоллар келтиринг.

4.Мавзуга оид 6 та тест тузинг.


Баҳолаш меъзонлари ва кўрсаткичлари

Гуруҳ	1- топширик (1,0)	2- топширик (1,0)	3- топширик (1,0)	4- топширик (2,0)	Баллар йиғиндиси (5,0)
1					
2					
3					
4					


5-илова

Берилган расмлар асосида эволюцион йўналишларни аниқланг.


орамол тасмасимон чувалчангининг
паразитликка мосланиши



Qanotchali meva
(1) **(shumtol)**




(2)
Аскариданинг паразитликка мосланиши хайвонларнинг сув мухитига мосланиши



химоя ранги

Маскировка



6-шова

№	Эволюцион жараёида ҳосил бўлган мосланишлар	Эволюция йўналишлари
1	Қўп хужайралиларнинг пайдо бўлиши	
2	Беш бармоқли оёқнинг келиб чиқиши	
3	Иссиққонликнинг ҳосил бўлиши	
4	Жирафаларда бўйиннинг узунлиги	
5	Тасмасимон чувалчангларда қон айланиш ва ҳазм қилиш системасининг йўқлиги	
6	Китларда оёқнинг йўқлиги	
7	Зарпечакнинг илдизи ўрнига пояда сўрғичлар ҳосил бўлиши	

Қуйида берилган организмлардан қайсилари биологик прогресс ёки регресс ҳолатида эканлигини аниқланг

7-шова


№	Организмлар	Биологик прогресс ҳолатида	Биологик регресс ҳолатида
1	Суякли балиқлар		
2	Папаротниклар		
3	Сувда ва қуруқликда яшовчилар		

4	Ҳашаротлар		
5	Ҳашаротхўрлар (вихухол авлоди)		
6	Судралиб юрувчилар		
7	Кемирувчилар		

Юкорида берилган жадваллардаги саволларнинг ҳар бир тўғри жавоби учун гуруҳларга 1 балл берилади.

8-шова

Мавзун мустаҳкамлаш учун “Бошқотирма” саволлари



Бошқотирма саволлари.

1. Мухит шаронти ўзгариши билан бир турга мансуб индивидлар сонининг орта бориши билан борадиган жараён номи?
2. Биологик регресс ҳолатидаги ҳашаротхўрлар туркумига кировчи авлод номи?
3. Умумий дегенерация натижасида организмлар тузилишида қандай ўзгариш бўлади?
4. Биологик прогресснинг асосий йўналишлари ҳақида мулоҳаза юритган олим номи?
5. Умумий дегенерация сўзининг маъноси нима?
6. “Мосланиш” маъносини англатувчи эволюцион ўзгариш номи?
7. Қайси синфга мансуб баликлар биологик прогресс ҳолатида.
8. Зарпечакнинг сўргичлар ёрдамида хўжайин ўсимликдан озик моддаларни сўриб озиқланиши эволюция йўналишининг қайси типига мансуб?

9.Идиоадаптация мосланишнинг қандай типига киради?

10.Сутэмизувчилар синфининг келиб чиқиши эволюциянинг қайси йўналишида амалга ошади?

Бошқотирма жавоблари; 1-прогресс, 2-вихухол, 3-соддалашини, 4-шамалгаузен, 5-тубанлашини ,6-идиоадаптация, 7-суякли, 8-умумий дегенерация, 9-хусусий, 10-араморфоз.

9-шова

Тест синови.

№	Саволлар мазмуни	Жавоблар	Белгилар
1	Узок давом этган ирсий ўзгарувчанлик, яшаш учун кураш, табиий танланиш асосида рўй берадиган эволюцион йўналиш номи?	Идиоадаптация	А
2	Отларда беш бармоқдан бир бармоққа (туёкка) ўтиш эволюция йўналишининг қайси турига хос	Араморфоз	Б
3	Биологик прогресс ҳолатидаги организм берилган каторни аниқланг	Судралиб юрувчилар	С
4	Тасмасимон чувалчангларда ёпишиш учун сўргичлар ва кўпайиш органларининг ривожланганлиги эволюция йўналишининг қайси турига хос?	Умумий дегенерация	Д
5	Биологик регресс ҳолатидаги организм берилган каторни аниқланг	Кемирувчилар	Е

Тест жавоблар.1-Б, 2-А, 3-Е, 4-Д, 5-С.

Мустаҳкамлаш боскичини баҳолаш мезонлари.

Гуруҳ Йўналиш	I-гуруҳ	II-гуруҳ	III-гуруҳ
Бошқотирма (ҳар бир саволга 0,5балл берилади).			
Тест (ҳар бир гуруҳ талабасига тўғри жавоб учун 1балл)			



Адабиётлар

1. Тўракулов Ё., Мусаев Ж.А. Умумий биология. Тошкент, Шарқ-2004.
2. Мавлонов О. Биология. Тошкент-2008.
3. Мавлонов О. Зоология. Тошкент-2009.
4. Ғафуров А. ва бошқалар. Умумий биология. (Эволюция ва экология асослари). Тошкент, Шарқ,
5. Пратов О. Ботаника. Т., 2009.
6. Толипова Ж. Биологияни ўқитиш методикаси. Т., 2004.
7. Ходиев Б.Ю. Современные образовательные технологии. Т., 2007. 320 б.

АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР ВА ТЕРМИНЛАР

ТАЪЛИМ -билим бериш, малака ва кўникма ҳосил қилиш жараёни бўлиб, кишини ҳаётга меҳнатга тайёрлашнинг асосий воситасидир. Таълим жараёнида билим ўзлаштирилади ҳамда тарбия амалга оширилади.

Таълимнинг моҳияти, мақсади ва мазмуни жамиятнинг маданий тараққиёти, фан-техникасининг ривожланганлиги, ишлаб чиқариш технологияларининг амалга жорий этиш даражаси кабилар билан белгиланади. Ижтимоий муносабатлар, умумий маълумотга бўлган талаб ва эҳтиёж, кишиларнинг касбий тайёргарлигига, таълим ҳақидаги ғояларга қараб кишилик жамиятининг турли давр (босқич)ларида таълимнинг моҳияти, мақсади, мазмуни, ташкил этиш шакллари, амалга ошириш методлари ва воситалари ўзгариб, такомиллашиб боради.

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИ – педагогнинг ва у раҳбарлик қилаётган талабаларнинг билим, кўникма ҳамда малакалар системаларини онгли равишда ва пухта ўзлаштиришга қаратилган изчил ҳаракатлари мажмуидан иборат.

Ўқитиш талабалар шахсини шакллантириш, уларни ақлий ва jismonий камол топтириш, умумий ҳамда махсус билим беришнинг энг муҳим воситасидир. Ўқитиш жараёни давомида талабаларнинг билим олиш кучлари ривожлантирилади.

ЎҚИТИШ – ўқитувчининг таълим олувчиларга билим, кўникма ва малакалар тизимини бериш, уларнинг билим олиш ҳамда ижодий қобилиятларини ривожлантириш борасидаги фаолиятидир.

ЎҚИШ – талабаларнинг ўқув фани материални ўзлаштириш борасида қиладиган тизимли ва онгли меҳнати.

ЎҚИТУВЧИ – ўқув материални ўзлаштириш жараёнининг ташкилотчисидир, модомики шундай экан, у ҳамма ташкилий шаклларидаги ўқитиш методикаларини (маърузалар, амалий машғулотлар, семинар машғулотлари, талабаларнинг мустақил ишлари методикаларини) билиши, эгаллаб олган бўлиши керак.

ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ШАКЛЛАРИ педагогик жараёни ташкил этишнинг тарихан мавжуд бўлган, барқарор ва мантиқан тугалланган кўриниши бўлиб, унга мунтазамлик ҳамда яхлитлик, ўз-ўзини ривожлантириш, шахсийлик ва фаолиятли характер, иштирокчилар таркибининг доимийлиги, ўтказишнинг муайян тартиби мавжудлиги хосдир.

ДАРС – аниқ мақсадни кўзлаб, ажратилган вақтда бир хил ёшдаги талабалар билан ўқитувчи раҳбарлигида олиб бориладиган машғулот экан. Дарснинг мақсади, мазмуни ва ҳажми таълим стандарлари асосида белгиланади.

ДАРС – таълимнинг асосий шакли экан, у илмий, тизимли, тушунарли, онгли ва фаол бўлиши, билимлар мустаҳкам ўзлаштирилиши, талабаларнинг шахсий хусусиятлари эътиборга олинган ҳолда ташкил этилиши шарт. Бу-дидактиканинг асосий принципларидир.

Таълим жараёнида дарслар ёки машғулотлар асосан қуйидаги шаклларда ташкил этилади:

МАЪРУЗА – режали ташкиллаштирилган, аниқ мақсадга қаратилган ва таълим берувчи томонидан бошқариб туриладиган таълим ҳамда тарбия жараёнидир. Бу жараёнда маълум бир махсус соҳа бўйича назарий билимлар тизимли равишда таълим олувчиларга етказилади. Бу жараёнда таълим берувчи назарий билимларни амалиётда қўллаш йўллари билан таништиради. Назарий дарс асосан махсус жиҳозланган синфхоналарида ўтказилади. Бу синфхоналарда турли техник воситалар ишлатилиши мумкин. Маъруза:

- умумлаштирилган шаклдаги илмий билимларга асос солади;
- маърузалар: информацион, муаммо маърузалари ва аралаш хилларга бўлинади;
- маъруза талабаларнинг мустақил ишлари ва амалий машғулотларда ишлаб чиқилади.

АМАЛИЙ, ЛАБОРАТОРИЯ, СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ – аниқ мақсадга қаратилган ва таълим берувчи томонидан бошқариб туриладиган, аниқ бир топшириқни бажариш учун керакли назарий дарсда олинган махсус билимлар асосида малака ва кўникмалар шакллантириш мақсадида олиб бориладиган режали дидактик ҳаракатга айтилади.

Амалий, лаборатория, семинар машғулотлари касб-ҳунар таълимнинг таркибий қисми бўлиб, ўқув устахоналарида, лабораторияларда, ўқув полигонларида иш ўрнида жоллашган реал воситалардан фойдаланилган ҳолда ўтказилади.

Амалий, лаборатория, семинар машғулотлари:

- билимларни чуқурлаштириб, кенгайтиради, аниқлаштиради, мустаҳкамлайди, назарий билимларини мияга жо қилиб, касб фаолиятининг амалий кўникма ва малакаларига айлантиради.

МУСТАҚИЛ ИШЛАР:

- маъруза билимларини чуқурлаштириб, кенгайтиради ва билимларни мустаҳкамлаш, кўникма ҳамда малакаларни шакллантириш учун назарий база ҳозирлайди.

ЎҚУВ АМАЛИЁТИ. Талабаларнинг олган назарий билим ва амалий кўникмаларини реал вазиятларда қўллаш орқали уларда малакаларни шакллантиришга қаратилган машғулотдир.

КУРС ИШЛАРИ (ЛОЙИХАЛАРИ). Фанга оид топширик ёки лойиҳаларни талабаларга бажартириш орқали уларда амалий кўникмаларни шакллантиришга қаратилган машғулотлар.

МАСЛАХАТЛАР. Талабаларга қўшимча машғулотлар ёки маслаҳатлар ташкил қилиш орқали уларда билим ва кўникмаларни чуқур ўзлаштиришга қаратилган машғулотлар.

ТАЪЛИМНИ БАҲОЛАШ - педагоглар томонидан баҳолаш ва таълим жараёнида эришилган натижаларни талабаларнинг ўзлари баҳолашларини жорий этиш; четга оғиш аниқланганда уларнинг сабабларини аниқлаш, кўникмалар ва билимларда топилган камчиликларни тўлғазиш, режалаштирилган янги вазифаларни лойиҳалашни ҳам назарда тутати.

МЕТОДИКА— Педагогиканинг ўқитиш, қонуниятлари, қоидалари, ташкил этиш шакллари, амалга ошириш ва натижаларини назорат қилиб баҳолаш методи ҳамда воситаларини ўзида мужассамлаштирувчи фан тармоғидир. Ҳар бир ўқув фани ўқитиш соҳаси ўргатишнинг вазифалари, мазмуни, методлари ва ташкилий кўриниши ҳақидаги методика асосида қурилади.

Мақсадга етишда муайян тўсиқни енгиб ўтиш учун қўлланадиган тадбир ва чоралар мажмуини **УСУЛ** дейилади.

ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ— таълим жараёнига технологик ёндашув асосида бутун ўқитиш ва ўргатиш жараёнини аниқ кетма-кетликда пухта лойиҳалаштирилиб ташкил этиш, амалга ошириш ҳамда баҳолашнинг яхлит тизими бўлиб, унинг асосини берилган шароитлар ҳамда ажратилган вақт ичида ўқув мақсадларига кафолатли эришишларини таъминлаш ғояси ташкил этади.

КАСБ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ - бутун ўқитиш ва ўқиш жараёнини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ҳамда баҳолашнинг тизимли усули бўлиб, у мақсадга эришишга йўналтирилган ҳолда инсонларнинг ўрганиш қобилияти ва улар ўртасида мулоқот тўғрисидаги тадқиқотлар натижасига ҳамда таълим жараёнини янада самарали ташкиллаштиришнинг жонли, жонсиз воситалари билан шуғулланишга асосланади.

МЕТОД — ибораси (юнонча-methodos-тадқиқот ёки билиш йўли, назария, таълимот маъносини англатиб) воқеликни билиш, ўзлаштириш, ўзгартириш усуллари мажмуасидир. Метод аслида инсоннинг амалий фаолияти негизида вужудга келган. Метод — педагогик жараён элементи сифатида мазмун мақсадларга максимал мос келиши керак, ана шунда — тарбия, ўқиш, ўрганиш амалга ошади. Методнинг асосий вазифаси — қобилиятни ривожлантириш. Касбий фаолиятда методнинг асосий кўрсаткичи — унинг касбий фаолият воситаларига мослигидир.

Бирлашган миллатлар ташкилотининг нуфузли идораларидан ЮНЕСКОнинг таърифи бўйича, «**ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ** – бу билим бериш ва уни эгаллашда техника ва инсон ресурсларини ўзаро узвий боғлиқ ҳолда қўриб, бутун таълим жараёнини лойиҳалашда ва амалда қўллашда мажмули ёндашув усулидан фойдаланишдир».

ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ - таълим жараёнига технологик ёндашув асосида бутун ўқитиш ва ўргатиш жараёнини аниқ кетма-кетликда пухта лойиҳалаштирилиб ташкил этиш, амалга ошириш ҳамда баҳолашнинг яхлит тизими бўлиб, унинг асосини берилган шароитлар ва ажратилган вақт ичида ўқув мақсадларига кафолатли эришишларини таъминлаш ҳолати ташкил этади.

МАЪНАВИЯТ – бу шахснинг эгаллаган фойдали билимлари (билим туридан қатъий назар) унинг ҳаётида бир неча бор такрорланиши натижасида кўникма ва малака босқичларидан ўтиб, руҳига сингиб, унинг ҳаёт тарзига айланиб кетган ижобий ижтимоий сифатларидир.

ЭЛЕКТРОН ДАРСЛИК (ЭД)-компьютер технологиясига асосланган ўқув услубини қўллашга, мустақил таълим олишга ҳамда фанга оид ўқув материаллар, илмий маълумотларнинг ҳар томонлама самарадор ўзлаштирилишига мўлжалланган

Мақсадга етишиш тахмини мавжуд қонуниятларда асослаб берилган босқични **КОНЦЕПЦИЯ** ёки илмий асосланган тахмин дейилади.

Илмий асосланиб, маромига етказилган тахмин концепцияга айланади. Ҳар қандай илмий асосланган лойиҳани амалда синаб кўриш талаб қилинади. Мақсадга етишишнинг илмий асосланган лойиҳасини амалда синаб кўришни **ТАЖРИБА** дейилади.

НАЗАРИЯ деб тафаккурнинг барча босқичларидан ўтган ва амалиётда синаб кўрилиб маромига етказилган билимлар мажмуиға айтилади.

ОЛИМОВ ҚАҲРАМОН ТАНЗИЛОВИЧ
САЙИДАҲМЕДОВА МАНЗУРА СУЛАЙМОНОВНА
ЖАЛОЛОВА ДИЛАФРЎЗ ФАТТОҲОВНА
БОЗОРОВА МУСЛИМА ҚОДИРОВНА
БОЛТАЕВА МУХАЙЁ ЛУТФУЛЛАЕВНА
АЛИМОВ АЪЗАМ АНВАРОВИЧ

ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Тошкент – «Fan va texnologiya» – 2011

Мухаррир: Ш.Кушербаева
Тех. муҳаррир: А.Мойдинов
Мусаввир: Ҳ.Ғуломов
Мусахҳих: Ф.Исмоилова
Компьютерда
саҳифаловчи: Н.Ҳасанова

Нашр.лиц. АЛ№149, 14.08.09. Босишга рухсат этилди: 22.12.2011 йил.
Бичими 60x84 ¹/₁₆. «Times Uz» гарнитураси. Офсет усулида босилди.
Шартли босма табоғи 18,0. Нашр босма табоғи 17,25.
Тиражи 100. Буюртма № 184.

«Fan va texnologiyalar Markazining bosmaxonasi» да чоп этилди.
100066, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 171-уй.

TF AN VA
EXNOLOGIYALAR

ISBN 978-9943-10-609-3



9 789943 106093